

657
И-34

657
D
F
0

“СОЛИҚЛАР ВА ВОЖХОНА ХАВАРЛАРИ”
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

W
M

2002 ЙИЛДАН ЖОРИЙ
ЭТИЛАДИГАН
ХИСОБВАРАҚЛАР ЯНГИ
РЕЖАСИ АСОСИДА
КОРХОНАЛАРДА
БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОВИ

Маълумот берувчи қўлланма

1-қисм

2032716

3-чиқариш КУТУБХОНАСИ
№ 359926

КУТУБХОНА
ТЕАИ

“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи
Тошкент — 2001

65.052

Б 94

Тузувчилар:

Д. И. Шаулов, У. Т. Кан

Таҳрир кенгаши:

Б. А. Хужаев, В. С. Беганов, Ж. Х. Абдуллаев,
М. М. Перпер, Э. Ф. Гадоев, Д. И. Шаулов,
У. Т. Кан, Л. П. Югай

Нашр менежери Б. С. Муслимов

Б 94 2002 йилдан жорий этиладиган ҳисобварақлар янги режаси асосида корхоналарда бухгалтерия ҳисоби: 1-қисм // Туз.: Д. И. Шаулов, У. Т. Кан. Таҳр. кенгаши: Б. А. Хужаев ва б.:— Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.—336 б.— («Солиқлар ва боғхона хабарлари» газетаси кутубхонаси» туркуми», 3-чиқ.)

И. Шаулов Д.И., туз.

2002 йилдан бошлаб жаҳон бухгалтерия стандартлари мувофиқ янги ҳисобварақлар режаси жорий этилиши муносабати билан янги нашрни тайёрлаш зарурати туғилди. Мазкур нашрдан мақсад — бухгалтерия ҳисоби ва унинг принциплари моҳиятини бухгалтерия ҳисоби ходимлари ва ҳужалик юртувчи субъектлар рақоблари учун содда шаклда кенг ёритишдан, шунингдек янги ҳисобварақлар режасини талантириш жараёнини жадаллаштиришдан иборат.

Муаллифлар бухгалтерия ҳисоби буйича таълимий ва иқриқномавий материаллар мажмуини тавсиялар кўринишида содда шаклда баён этганлар.

Бироқ муаллифлар курсатилган материаллар фақат таълимий этиш ва маълумот бериш хусусиятига эгаллигини, шунингдек меъёрий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланмаслигини қатъий оҳангда таъкидлайдилар.

Муаллифлар мазкур маълумотномани нашр этишга тайёрлашда иштирок этган кишиларнинг ҳаммасига миннатдорчилик билдирайдилар.

ББК 65.05

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.

К И Р И Ш

Республикамызда давлат мустақиллигига эришилган пайтдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби тизimini бозор иқтисодиети талабларига ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда. Буни иқтисодий функциялик ҳуқуқи соҳаларида юз бераётган жараёнлар ва бухгалтерия ҳисобини жаҳон стандартлари билан уйғунлаштириш зарурати тақозо этди.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш режали-маъмурий иқтисодиётни хужалик юритишнинг бозор тизими принципларига утказиш бўйича иқтисодий ислохотларнинг таркибий элементларидан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби фақат ҳисоб-китоб юритиш ва статистик функцияларни бажариш билан чекланиб қолмайди, балки манфаатдор томонлар, мисол учун, уз тасарруфларидаги мавжуд молиявий ресурслардан қандай қилиб яхшироқ фойдалана олишлари хусусида объектив ва асосли қарор чиқара олишлари учун хужалик юритувчи субъектнинг фаолияти туғрисида ахборот йиғиш, уни қайта ишлаш ва узатиш воситасига айланади.

Бозор иқтисодиети шароитида бухгалтерлар ишига қуйиладиган талаблар тубдан узгарди. Бухгалтер хужалик операцияларини қайд этувчи бўлиб қолмасдан, кўп даражада таҳлилчи ва прогнозчи ҳам бўлиши керак. Уз вақтида раҳбарга корхона молиявий аҳволининг барқарорлигини оширишга имкон яратадиган ҳаракатлар қилишни кўрсатиши, умуман корхонанинг иқтисодий таҳлили, пул оқимлари ва молиясини бошқариш билан шуғулланиши, яъни молиявий менежментни амалга ошириши керак. Ушбу ишга янгича ёндашувларни урганиш вақти келди.

Ҳозирда бундан буёнги ишни амалга ошириш учун урганиш, қайта мушоҳада қилиш ва узлаштириш зарур булган янги меъёрий ҳужжатлар мажмуи (2002 йилдан жорий этиладиган янги Ҳисобварақлар режаси, йуриқнома-лар, бухгалтерия стандартлари, турли услубий йул-йуриқлар ва ҳоказолар) ишлаб чиқилади.

1-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг мақсади, вазифалари, моҳияти ва функциялари

Ҳар қандай бошқарув тизими ахборий таълимнинг тегишли тизимига эҳтиёж сезади. Фойдаланувчиларни тулиқ, ишончли, уз вақтида молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлаш, уни умумлаштириш ва қайта ишлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бухгалтерия ҳисобидир. Бундан ташқари, иқтисодиётда бозор муносабатлари урин олиши билан қимматбаҳо қорозларга инвестициялар, акция ва облигациялар чиқариш ҳамда сотиш, валюта ва кучмас мулкка оид операциялар, дивидендларни ҳисоблаб ёзиш ва тулаш сингари бир қатор янги операциялар пайдо булди. Корхона янги фактлар ва ҳодисаларни уз вақтида ва тўғри ҳисобга олиши ҳамда шарҳлаши, шу асосда барқарор ривожлана олиши учун у маълумотларни тушлаш ва қайта ишлашнинг самарали тизимига эга булиши керак. Айни шу нарса бухгалтерия ҳисобининг мақсадини ташкил этади.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активлар ҳолати ва ҳаракати, мулкый ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳолати тўғрисида тулиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш;
- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- молиявий, солиққа оид ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Ҳозирги ҳисобга оид адабиётларда бухгалтерия ҳисоби функциялари қуйидаги турларга бўлинади:

- *режалаш*;
- *назорат*;
- *ахборий*;
- *таҳлилий (баҳолаш)*;
- *ҳисоб*.

Режалаш функцияси фараз қилинаётган даромад (фойда), маҳсулот, ишлар, хизматлар тан-нархини режалаштириш жараёни ҳамда режалаштирилаётган ишлаб чиқариш учун пул маблағлари ва моддий воситаларга эҳтиёжни ҳисоблаш, шунингдек қўйилган мақсадга эришиш йўлларини

Назорат функцияси — бизнес-режада мулжалланган ишлаб чиқариш ва иқтисодий курсаткичларнинг ҳақиқатда бажарилишини кузатиш, яъни ҳаракатлар мулжалланган режага қанчалик мувофиқ келишини белгилаш жараёнидир. Ушбу босқичда бухгалтердан ҳақиқий харажатлар ва даромадларни режадаги билан қиёслашга оид таққослама таҳлилдан иборат ахборот талаб қилинади.

Ахборий функция — қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун корхона раҳбари, ташқи инвесторлар ва фойдаланувчиларга асосан молиявий ахборотга асосланадиган самарали ахборий тизим зарур. Олинган ахборот ишлаб чиқариш дастурини бажаришга таъсир қўриладиган ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг суръати ҳамда даражасини белгилайдиган меҳнат ва унинг унумдорлиги, энг янги технологияларни жорий этиш негизида асосий фондларнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўсиши, корxonанинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, даромадлилик ва тўловга қобиллик сингари асосий омилларни таҳлил қилиш имконини беради.

Таҳлилий функция — корxonанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш мақсадида, илгари қабул қилинган стратегия ва тактикасини баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш жараёнидир. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳужалик юритиш корхона раҳбарини мавжуд активлардан оқилона фойдаланиш учун режалаштиришда бундан буёнги стратегияни белгилаш мақсадида утган давр учун ўзининг молиявий ҳужалик фаолиятини таҳлил қилишга мажбур этади. Таҳлил бой берилган нарсаларни ҳисоблаш, мавжуд резервлар ҳажмини белгилаш ва ускуналар, меҳнат ва хом ашё ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш, шунингдек нормолани моддий ресурслар билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Бундай муфассал ўзини ўзи баҳолаш раҳбарга бундан кейин унга мулжалланган мақсадларга муваффақиятли эришиш имконини берадиган стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Бухгалтерия ҳисобининг *ҳисоб функцияси* корxonанинг ҳужалик фаолиятини ҳужжатлар асосида ялпи, узлуксиз, ўзаро боғланган ҳолда ақс эттиришдан иборат.

1.2. Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари ва объектлари

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикасида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шубъа (авлод) корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари *бухгалтерия ҳисобининг субъектлари* ҳисобланади.

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, ўз сармояси, резервлар, даромад ва харажатлар, фойда,

зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хужалик операциялари *бухгалтерия ҳисобининг объеклари* ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби объектлари жамлама ҳисобварақларда акс эттирилади. Тахсиллий ҳисобни юритиш тартибини бухгалтерия ҳисоби субъекти мустақил равишда белгилайди.

1.3. Бухгалтерия ҳисоби усуллари ва унинг элементларининг таркиби

Бухгалтерия ҳисоби усули — бухгалтерия ҳисоби объектларини урганиш усули бўлиб, уз ичига қуйидаги бир қатор элементларни олади:

- инвентарлаш;
- баҳолаш;
- маҳсулот, ишлар, хизматларни калькуляциялаш;
- ҳисобварақлар тизими;
- икки томонли ёзув;
- баланс;
- молиявий ҳисоботлар;
- офсеттинг (моддаларнинг узаро суришишлари).

Ҳужжатлаштириш — содир этилган хужалик операцияси тўғрисида ёзма гувоҳлик. У бухгалтерия ҳисоби маълумотларига юридик куч бағишлайди. Шу жумладан ахборотнинг машинада ўқиладиган қоғозли ифодаловчиларида бўлган дастлабки хужжатлар бухгалтерия ҳисобига корxonанинг хужалик фаолиятини ялпи ва узлуксиз акс эттиришни таъминлайди. Ҳисобга фақат тўғри расмийлаштирилган хужжатлар, яъни белгиланган техник стандартларда назарда тутилган барча реквизитлар тўлдирилганлари қабул қилинади. Қуйидагилар ана шундай реквизитлар ҳисобланади: корxonанинг номи, хужжатнинг

номи, унинг рақами, санаси, ҳужалиқ операциясининг қисқача мазмуни, унинг миқдорий ва пулдаги ифодаси, мазкур ҳужалиқ операцияси учун масъул шахсларнинг имзолари. Ҳужжатларга қўйиладиган энг биринчи талаб — уз вақтида, тулиқ ва ишончли тузиш, корхонанинг ҳужалиқ фаолияти устидан дастлабки ва жорий назорат ҳамда унинг иш натижаларига фаол таъсир қўриши имкониятини таъминлайдиган ахборотнинг тулиқ ва ишончли бўлиши.

Инвентарлаш — бухгалтерия ҳисобининг элементларидан бири бўлиб, натурада мавжуд бўлган моддий бойликлар, пул маблағлари ва молиявий натижаларнинг текшириш орқали уларнинг корхонадаги ҳақиқий ҳолатини аниқлаш имконини беради. Инвентарлаш бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тасдиқлайди ёки ҳисобга олинмаган бойликлар ёхуд йўл қўйилган талафотлар, ўғриликлар ва камомадларни аниқлайди. Шунинг учун инвентарлаш ёрдамида моддий бойликлар ва пул маблағларининг бутлиги назорат қилинади, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тулиқлиги ва ишончлилиги текширилади.

Баҳолаш — ҳужалиқ воситалари қийматини пул ифодасида белгилаш имконини берадиган усулдир. Корхона ҳужалиқ воситаларининг баҳолаш асосан бухгалтерия ҳисобида нарса ёки ускуна харидининг ҳақиқий қийматига (таннархига) асосланади. Инфляция шароитида ҳужалиқ воситаларининг реал (тиқланиш) қиймати статистика органлари белгилаган ва ҳукумат қарори билан тасдиқланган инфляция курсаткичи орқали хариднинг ҳақиқий қийматини қайта баҳолаш билан белгиланади. Масалан, асосий воситалар бухгалтерия ҳисобида *дастлабки қиймати* бўйича акс эттирилади.

Дастлабки қиймат — асосий воситалар объектларини барпо этиш ёки харид қилишда кор-

хона, жами харажатларининг пулдаги ифодаси. Бунга етказиб бериш, монгаж қилиш ва урнатини харажатлари ҳам қиради.

Молия қиймати ҳисобланган эскиришни дастлабки қийматдан чиқариб ташлаш билан белгиланади.

Эскириш Солиқ кодексига биноан белгиланган ёки 5-сон БХМСга мувофиқ хужалик юритувчи субъект мустақил равишда ҳисоблаб ниққан амортизация ажратмалари меъёрларига асосан белгиланади ва уларни ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот, ишлар, хизматлар таннархига киритилади. Эскириш асосий воситалар объектининг бутун хизмат қилиш муддати давомида бир меъёрда ҳисоблаб ёзилади.

Калёкуляция — маҳсулотнинг бир бирлигида маҳсулот, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши ҳамда сотилиши чоғида қилинган харажатларни ялпи (жами) ҳисоблаш орқали ҳисоб объектининг таннархини белгилаш усулидир.

Бухгалтерия ҳисобида *ҳисобварақлар тизими* ҳисоб объектларини уларнинг иқтисодий аломатлари бўйича гуруҳлашга асосланади. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари корхона мол-мулкани ва маблағ-воситаларини ҳисобга оладиган актив ҳамда маблағ-воситаларнинг шаклланиш манбаларини ақс эттирадиган пассив ҳисобварақларга бўлинади. Ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги барча хужалик юритувчи субъектлар, шу жумладан бухгалтерия ҳисобини икки томонли ёзув тизими бўйича юритадиган акциядорлик жамиятлари, корхоналар, хусусий фирмалар учун тасдиқланган ягона хужжат (21-сон БХМС) ҳисобланади.

Корхонада бухгалтерия ҳисобини тегишлича ташкил этиш учун ҳар бир ҳисобвараққа таъриф ва унга доир ҳисобварақларнинг намунавий корреспонденцияси берилган корхоналар молиявий-хужалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақ-

лар режаси ва уни қўллаш бўйича йуриқномадан тугри фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Ҳисобни *икки томонли ёзув усули* билан юри-тиш (1-сон БХМС 1-банди) ҳужалик юригувчи субъект бухгалтерия операцияларини икки томонли ёзув тизи-ми асосида қайд этиб бориши кераклигини англатади.

Икки томонли ёзув тизими шундан иборатки, битта операция бўйича биргина сумма бухгалтерия ҳисобининг икки ҳисобварағида — бирининг дебе-ти ва бошқасининг кредитида аке эттирилади.

Икки томонли ёзув тизими назорат аҳамиятига эга, яъни ҳисобот даври учун барча ҳисобварақлар дебетига доир оборотлар суммаси кредит бўйича бар-ча ҳисобварақлар оборотлари суммасига тенг. Ҳар қандай ҳужалик операциясини икки томонли ёзиш усулини қўллаш бухгалтерия ҳисоби юригитишнинг асосий қоидаси ҳисобланади.

Бухгалтерия провoдкaси — амалга оширилган ҳужалик операциясини бухгалтерияда расмийлашти-риш усулидир. Бухгалтерия провoдкaсини тузиш амалга оширилган ҳужалик операцияси натижасида қандай ҳисобварақлар дебетланиши, қайсилари кре-дитланиши ва қандай суммага қайд этилишини курса-тиш демакдир. Бухгалтерия провoдкaси дастлабки расмийлаштирилган ҳужжатлар (товхатлар, тулов топириқномалари, туловномалар, талабномалар, да-лолатномалар ва ҳоказо) асосида тузилади.

Икки томонли ёзув орқали ҳисобварақлар урта-сидаги ўзаро боғлиқликни белгилаш *ҳисобварақлар корреспонденцияси*, ҳисобварақларнинг ўзи эса кор-респонденцияловчи ҳисобварақлар деб аталади.

Бухгалтерия баланси — молиявий ҳисобот-нинг асосий шаклларида бири, у корхонанинг му-айян санадаги молиявий ҳолатини, маблағларнинг ҳосил бўлиш манбалари — *баланс пассивини* ва уларни жойлаштириш манбалари — *баланс акти-*

вини тавсифлайди. Баланс активи ва пассивининг якунлари тенг бўлиши керак. Маблағлар ва уларнинг ҳосил бўлиш манбалари, туррисидаги маълумотлар (тегишли ҳисобварақлар сальдолари) баланслаикки сана учун келтирилади. Ўт. йил бошига ва ҳисобот даврининг охирига. Бухгалтерия баланси корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун манбалардан бири ҳисобланади.

Оффсетнинг (моддаларнинг узаро суришишлари) (1-сон БҲМСнинг 46-48-бадлари) — активлар билан пассивлар уртасида узаро суришишлар бўлмаслиги керак бўлган ҳол, бопқа БҲМСларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Даромад ва харажатлар, асосан бепассивлар муддатлари узаро суриша олмайди, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

— БҲМС шуни талаб қилган ёки руҳсая берган бўлса;

— фойда, зарарлар, шунингдек бундай операци-ялар ва ҳодисалар билан боғлиқ харажатлар яққа тартибда ҳам, жамлиқда ҳам муҳим бўлмаса ёки уларни тақдим этиш бир турдаги битимлар опера-цияси ёки гуруҳининг моҳиятини энг яхши тарзда акс эттирса. Бундай суммалар умумлаштирилиши ва нетто негизида тақдим этилиши керак.

Даромад ва харажатлар узаро суришишган тақ-дирда хужалик юритувчи субъект муҳимлилик принципага асосланиб, молиявий ҳисоботларга изоҳ-ларда ушбу суммаларни очиб беришга эҳтиёжни куриб чиқиши керак.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади ва унинг мақсади хужа-лик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, фао-лияти ва унинг молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар муайян иқтисодий қарор

лар қабул қилиш учун фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун ғоятда зарур бўлган хужалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, унинг фаолияти, пул маблағлари ҳаракатининг кўрсаткичлари туғрисида тасаввур беради (1-сон БХМС 6-банди).

Молиявий ҳисоботда:

инвестициялар ёки кредит бериш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш;

хужалик юритувчи субъектнинг булғуси пул оқимларини баҳолаш;

унга ишониб топширилган ресурслар муносабати билан хужалик юритувчи субъектнинг ресурслари, мажбуриятларини баҳолаш;

раҳбар органлар ишени, хужалик юритувчи субъектнинг фаолиятини, молиявий ҳолатини ва молиявий ҳолатдаги ўзгаришларни баҳолаш учун ахборотлар бўлади.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қабул қиладиган иқтисодий қарорлар хужалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини юзага келтириш қобилиятини; уларни юзага келтириш вақти ҳисоб-китобини ва олинган натижадан умидворликни баҳолашни талаб этади. Бундай қобилият охир-оқибатда хужалик юритувчи субъектнинг туловга қобиллигини, масалан, хужалик юритувчи субъект узининг ходимлари ва мол етказиб берувчиларига ҳақ тўлай олиши, фойзаларни тўлаши, кредитларни сундириши ва даромад (фойда)ни тақсимлаши мумкинлигини белгилайди.

Агар улар молиявий ҳолат фаолиятини ва хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни ақс эттирадиган ахборот билан таъминланган бўлсалар, фойдаланувчилар пул маблағларини юзага келтириш қобилиятини яхшироқ баҳолай оладилар.

Хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига у назорат қиладиган иқтисодий ресурслар, унинг молиявий тузилмаси, ликвидлиги, туловга қобил-

лиги ва ўзи ишлаётган муҳитнинг узгаришига муносабат билдириш қobiliяти таъсир қилади. Хўжалик юритувчи субъект назорат қилаётган иқтисодий ресурслар ва унинг ушбу ресурсларни узгартириш қobiliяти тўғрисидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг келажакда пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини юзага келтириш имкониётини прогнослаш учун зарурдир. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ахборот келгусида кредитларга бўладиган эҳтиёжларни белгилаш учун, шунингдек бўлгуси даромадлар ва пул оқимларини хўжалик юритувчи субъект акция (пай)ларига эгаллик қилувчилар ўртасида тақсимлаганда зарур, у бундан кейин хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини қанчалик муваффақиятли равишда яхшилаб боришини прогнослаш учун ҳам зарурдир. Ликвидлилик ва туловга қobiliлик тўғрисидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида сўндириш қobiliyatини белгилаш учун керак. Ликвидлилик энг яқин келажакда ушбу давр учун молиявий мажбуриятларни сўндиришга пул маблағларининг мавжудлигини аниглади. Туловга қobiliлик молиявий мажбуриятларни ўз вақтида сўндириш учун пул маблағларининг мавжудлигини билдиради.

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти, айниқса унинг рентабеллилиги курсаткичлари тўғрисидаги ахборот иқтисодий ресурслардаги бўлгуси узгаришларни баҳолаш ва келгусида назорат қилиш учун зарур.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги узгаришлар тўғрисидаги ахборот ҳам жуда муҳимдир. Бундай ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг мавжуд ресурс базасидан пул маблағларини тўплаш қobiliyatини прогнослаш учун зарур, бу эса корхона ундан қўшимча ресурсларни жалб эта оладиган самарадорликни баҳолашни белгилаш пайтида жуда муҳимдир.

Пул оқимлари тўғрисидаги ахборот ҳужалик юритувчи субъектнинг пул маблагларини жалб этиш қобилиятини баҳолаш учун зарур, бу эса фойдаланувчиларга турли ҳужалик юритувчи субъектларнинг булгуси пул оқимларини баҳолаш ва таққослаш учун янги моделлар ишлаб чиқиш имкони-ни беради.

Молиявий ҳисоботлар ўзаро боғланган, чунки улар ҳужалик фаолиятининг биргина фактларининг турли жиҳатларини акс эттиради. Ҳар бир ҳисобот турли ахборотни тақдим этади, бир мақсадга хизмат қилмайди ва фойдаланувчиларнинг муайян эҳтиёжлари учун зарур барча ахборотни бермайди.

Молиявий ҳисобот ҳужалик юритувчи субъектнинг, у алоҳида мустақил ҳужалик юритувчи субъект ҳисобланишидан ёки ҳужалик юритувчи субъектларнинг консолидацияланган гуруҳига киришидан қатъи назар, муайян давр учун фаолияти-ни тавсифлайди (1-сон БҲМС 5-банди).

Молиявий ҳисобот — таркибий жиҳатдан уларнинг хусусияти ва функцияларига кўра гуруҳларга бирлаштирилган ҳужалик операцияларига ишлов бериш натижасидир. Молиявий ҳисоботлар ёки тушунтиришларда моддалар кўринишида акс этириладиган, сиқик кўринишдаги таснифланган ахборот мазкур жараённинг якуний босқичи ҳисобланади (1-сон БҲМС 36-банди).

Молиявий ҳисоботлар раҳбарият томонидан амалга ошириладиган ҳужалик юритувчи субъект ресурсларини бешқариш натижаларини ҳам курсатади.

Молиявий ҳисоботларда 1-сон БҲМСга биноан (7-банд) ҳужалик юритувчи субъект тасарруф этадиган мол-мулк ва ресурслар тўғрисида камида қуйидаги ахборот бўлиши керак. У фойдаланувчиларга пул маблаглари ҳаракати оқимларини (хусусан, пул маблаглари ва уларнинг эквивалентларини шак-

лантириш муддатлари ва эҳтимолини) прогнозлашда ердам беради;

— хужалик юритувчи субъектнинг назорати остида бўлган активлар (нақд пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий фойда эҳтимолий оқимларининг манбалари ҳисобланган) ҳақида;

— хужалик юритувчи субъектнинг мажбуриятлари (пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий фойданинг эҳтимолий оқиб кетиши манбалари ҳисобланган) ҳақида;

— хужалик юритувчи субъектнинг тақсимланмаган фойдаси (хужалик юритувчи субъектнинг бир даврдан бошқасига ўталган иқтисодий ресурслари ва мажбуриятларидаги ўзгаришларни акс эттиради. Соҳибларнинг бадаллари ва соҳибларга туловлар бундан мустасно) ҳақида;

— пул маблағлари ҳаракати (келгусида пул оқимлари эҳтимолий ҳаракатининг курсаткичи сифатида) ҳақида.

Мазкур ахборот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга хужалик юритувчи субъектнинг дивиденд ва фоизлар тулаш, шунингдек мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида бажариш имкониятларини баҳолаш учун зарур.

Молиявий ҳисоботни шакллантириш чекланган даврда (ҳисобот даври операциялари тугалланиши билан дарҳол) юз беради ва хужалик юритувчи субъектдан, профессионал бухгалтерлик билимлари ва кўникмаларидан ташқари, ҳисобот шакллари ва иловаларни тулдиришда, қўшимча ахборот (изоҳлар, ҳисоб-китоблар, тушунтиришлар)ни тузишда навбатга риоя этишни талаб қилади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ва 1-сон БҲМСга (12-банд) мувофиқ хужалик юритувчи субъект йиллик молиявий ҳисоботни қуйидаги шакллар тартибида тақдим этиши керак:

- бухгалтерия баланси — 1-шакл;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шакл;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот — 3-шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот — 4-шакл;
- ўзининг сармоёси тўғрисидаги ҳисобот — 5-шакл;

Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.
Молиявий ҳисобот шаклларида ҳар бирини тузиш тартиби алоҳида БҲМС билан тартибга солинади.

Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар тушунтирув хатида йиллик молиявий ҳисобот билан биргаликда келтирилади (1-сон БҲМС 91-банди).

Тушунтиришлардаги ахборот молиявий ҳисоботнинг тегишли моддасига ҳавола қилган ҳолда келтирилиши керак.

Тушунтиришлар одатда фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни яхшироқ тушуниш ва уларни бошқа хужалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари билан таққослашда ёрдам бериш учун тақдим этилади, бунда тушунтириш хатида қуйидаги ахборот бўлиши лозим:

- молиявий ҳисоботнинг Бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларига мувофиқлиги тўғрисида хат (ҳисобот) (1-сон БҲМС 92.1-банди);

- баҳолаш асоси ва бухгалтерия ҳисобининг қўлланилаётган ҳисоб сиёсати тўғрисида ахборот (ҳисобот);

- молиявий ҳисоботда тақдим этилган моддалар буйича ёрдамчи ахборот.

Ушбу ахборот аудиторлар томонидан тасдиқланиши мақсадга мувофиқдир.

Тушунтириш хатида қуйидаги ахборот ҳам очиб берилиши керак (1-сон БҲМС 92.4-банди):

— шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий очиб курсатишлар;

— номолиявий очиб курсатишлар.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асоси ва бухгалтерия ҳисобининг узига хос ҳисоб сиёсати дугри-сидаги ахборот молиявий ҳисоботларга тизоҳлар олдидан алоҳида ҳисобот куралишида тақдим этили-ши керак.

Молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида були-ши керак булган энг қам ҳажмдаги ахборот «Очиб курсатиш» бўлимида, бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир аниқ андозасида келтирилади.

Масалан, ҳисоб сиёсатида доир бўлимининг ту-келтириш лозим (1-сон БХМС 94-96-бандлари);

— молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида фой-даланилган баҳолаш асоси (асослари);

— молиявий ҳисоботларни аниқ тақдим этиш-да муҳим аҳамият касб этадиган ҳисоб сиёсатининг ҳар бир узига хос қисми;

— ҳисоб сиёсатида бирор-бир узгариш юз бер-ган тақдирда тушунтириш ҳисоботи ва 1-сон БХМС 94-96-бандларида саналган бошқа ахборотлар.

Агар бирор-бир муҳим ахборот ҳисоботнинг бош-қа шаклларида акс этирилмаган булса, хужалик юри-тувчи субъект ушбу ахборотни тушунтириш хатида қўшимча равишда очиб курсатиши керак, масалан:

— хужалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқий шак-ли, таъсис этилган мамлакати ва руйхатга олинган офиснинг юридик манзили (ёки агар у руйхатга олинган офиснинг манзилидан фарқ қилса, амалий фаолиятнинг аниқ жойи)ни;

— уларнинг асосий фаолияти буйича хужалик юритувчи субъектлар операциялари моҳиятининг тавсифини;

— бош компания ёки гурӯҳ бош компаниясининг

НОМИНИ

2-К-9014

TEAI KUTUBXONASI

№ 359926

KUTUBXONA

TEAI

— ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонини.

Молиявий ҳисоботларни тузиш учун фойдаланиладиган ўзига хос ҳисоб сиёсатига қўшимча равишда фойдаланувчининг молиявий ҳисоботларда фойдаланиладиган баҳолаш асоси (асослари)ни англаши жуда муҳимдир (дастлабки қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконтланадиган қиймати ва баланс қиймати). Ушбу принциплар, улар молиявий ҳисоботни барпо этиш асосини шакллантиргани учун, куп жиҳатдан узлуксизлик ва ҳисоблаб ёзиш принципларига ўхшашдир. Баъзи ҳолларда баҳолаш асослари ўртасида танлаш мавжудлиги билан улар ана шу принциплардан фарқ қиладилар (1-сон БҲМС 25-банди).

Агар молиявий ҳисоботларда бирдан ортиқ баҳолаш асоси ишлатилса, масалан, асосий воситаларнинг фақат муайян турини баҳолаганда, уларга нисбатан улчашнинг алоҳида асоси қўлланилган активлар ва мажбуриятлар категориялари акс эттирилиши керак.

Молиявий ҳисоботда субъектнинг ҳисоб сиёсатини акс эттириш чоғида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши керак (1-сон БҲМС 96-банди):

- фойдани акс эттириш;
- консолидациялаш принциплари;
- фаолият турларини қўшиш;
- қўшма фаолият;
- моддий ва номоддий активларни акс эттириш ва эскириши (амортизация);
- жалб этилган маблағлар қийматини капиталлаштириш ва бошқа харажатлар;
- капитал қўйилмалар;
- инвестиция мулки;
- молиявий воситалар ва инвестициялар;
- ижара;
- тадқиқ этиш ва ривожланиш билан боғлиқ харажатлар;

12 АИНОХВУТУХ 1237

- товар-моддий захиралар;
- солиқлар, шу жумладан муддати утказиб юборилганлари;
- резервлар;
- ходимларни маош билан таъминлаш;
- хорижий валютани утказиш;
- фаолият турлари; географик сегментларни белгилаш ва сегментлар уртасидаги харажатларни тақсимлаш усули;
- инфляция ҳисоби;
- ҳукумат субсидиялари.

Молиявий ҳисоботларга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда хўжалик юритувчи субъект даромад ва харажатлар таҳлилини уларни даромад ва харажатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича таснифлаш йули билан тақдим этади (1-сон БҲМС 84-банди).

Бундан ташқари, харажатларни фаолият турлари бўйича таснифлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар харажат турлари бўйича қўшимча ахборотни очиб қўрсатишлари шарт, буларга эскириш (амортизация), ходимларга маош тулаш харажатлари, фойдаланилган хом ашё ва халқ истеъмолчи молларига доир харажатлар ва ҳоказолар киради (1-сон БҲМС 85-банди).

Молиявий ҳисоботларга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда хўжалик юритувчи субъектлар:

- хўжалик юритувчи субъектнинг танланган ва қўлланилаётган молиявий ҳисоботларни тузиш асоси ва ҳисоб сиёсати туғрисидаги ахборотни тақдим этишлари;
- ИСКУ талаб қилаётган, молиявий ҳисоботларнинг ҳеч қаерида тақдим этилмаган ахборотни очиб беришлари;

— молиявий ҳисоботларда тақдим этилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва ҳаққоний тақдим

этиш учун зарур бўлган қўшимча таҳлилий ахборотни тақдим этишлари шарт (1-сон БҲМС 90-банди).

Турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг хилма-хиллигини ҳисобга олиб, молиявий ҳисоботлар иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган барча ахборот билан таъминлай олмайдилар; шунинг учун молиявий ҳисоботлар қўшимча равишда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисида молиявий шарҳни ўз ичига олиши керак (1-сон БҲМС 14-банди).

Молиявий шарҳ субъект раҳбарияти (маъмурияти) томонидан тузилади. Ушбу шарҳ хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолияти ва молиявий ҳолатининг асосий аломатларини, шунингдек фойдаланувчи ҳисобот билан танишиш жараёнида тўқнашиши мумкин бўлган молиявий ҳисоботнинг асосий мавҳум жойларини баён этиши ва тушунтириши керак.

Молиявий шарҳда фаолият натижаларига, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мустақкамлаш учун инвестиция сиёсатига, шу жумладан ҳисобот (жорий) ва келгуси даврларда дивиденд сиёсатига таъсир кўрсатадиган асосий омиллар очиб кўрсатилади. Хусусан, молиявий шарҳда кўйилганлар келтирилади:

— хўжалик юритувчи субъектни молиялаш ва хатарларни бошқариш манбалари (шу жумладан мажбуриятларни молиявий таъминлаш эҳтимоли);

— хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатган ташқи муҳитнинг ўзгариши, унинг ана шу ўзгаришларга муносабати, уларнинг субъект фаолиятига таъсири (шу жумладан қонун ҳужжатларини ўзгартириш натижасида);

— фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиниши учун муҳим бўлган бошқа ахборотлар.

Қўшимча ахборот (тушунтиришлар, изоҳлар, ҳисоб-китоблар) тақдим этишни хўжалик юритувчи

субъект махсус шакллар кўринишида ҳам, еркин кўри-
нишида ҳам амалга оширади (1-сон БХМС 15-банди).

Чунончи, агар ушбу ахборот, фойдаланувчиларга зарур бўлса, статистик ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботларга қўшимча ахборотда тақдим этилиши мумкин. Қўшимча ахборот сифатида хужалик юри-
тувчи субъект раҳбарияти агар ушбу ахборот БХМС талабларига жавоб берса, хужалик юритувчи субъект ичида ҳисобот ахбороти шакли ҳисобланган жадвал ва маълумотномаларни тақдим этиши мумкин.

Айни вақтда барча молиявий ҳисоботларда қуйидаги асосий идентификация реквизитлари (тулик равишда) бўлиши зарур, улар молиявий ҳисоботларнинг ҳар бир саҳифасида бўлиши мақбулдир (1-сон БХМС 57-59-бандлари):

— субъект номи, мулкчилик шакли, юридик манзили, бўйсuniши, идентификация рақами ва субъектни белгилаш учун бошқа реквизитлар;

— молиявий ҳисоботлар якка корхона, ёки корхоналар гуруҳини қамраб олиши, яъни консолидацияланган ёки биргина ҳисобот эканлиги тўғрисидаги ахборот. Агар ҳисобот консолидацияланган (бир неча корхоналар, филиаллар, ваколатхоналар, таркибий бўлинмалар бўйича йигма) бўлса, барча шаклларда «Консолидацияланган» (агар барча бўлинмалар киритилган бўлса) ёки «Субъектлар бўйича йигма» (субъектлар сони кўрсатилади) деб қайд этилади. Тушунтириш жатида консолидацияланган (йигма) ҳисоботга киритилган ҳисоботлар сонини кўрсатиш зарур;

— ҳисобот санаси ёки молиявий ҳисоботлар билан қамраб олинган давр. Асосий реквизитлардан ташқари, тақдим этилган ҳисобот ахборотини тўғри тушуниш учун қуйидаги реквизитлар очиқ кўрсатилиши ва зарурат бўлганда такрорланиши керак:

— молиявий ҳисоботларда мезон бўлган валюта ва, агар бир неча валютадан фойдаланилган бўлса,

улар ифдаланган валюталар (сум, АҚШ доллари, немис маркаси ва ҳоказо);

— молиявий ҳисоботларда рақамларни тақдим этишда ишлатилган аниқлик даражаси, масалан, рақамлар мингларда, миллионларда (минг сум, млн. АҚШ доллари, минг марка) курсатилганми ва ҳоказо.

Молиявий ҳисоботлар муайян ҳисобот даври учун ёки муайян ҳисобот санасига тузилади. Чунончи, бухгалтерия баланси ва ҳисобварақлар қолдиқлари буйича ахборот муайян санага, молиявий ҳисоботнинг бошқа барча шакллари эса муайян давр учун тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври бўлиб 1 январдан 31 декабргача булган тақвимий йил ҳисобланади (1-сон БҲМС 60-банди).

Молиявий ҳисобот тақвимий йилдан фарқ қиладиган давр учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бир ой ёки чорак учун тақдим этилиши мумкин.

Ҳисобот даврининг охириги тақвимий куни молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот санаси бўлиб ҳисобланади (1-сон БҲМС 61-банди).

Чунончи, субъектнинг бухгалтерия баланси учун 1 чоракга ҳисобот санаси бўлиб 31 март ҳисобланади, молиявий натижалар тўғрисида ярим йиллик ҳисобот учун 1 январдан 30 июнга қадар булган давр ҳисобот даври ҳисобланади ва ҳоказо.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хужалик юритувчи субъектнинг йиллик молиявий ҳисоботи тулиқ комплектда қуйида санаб утилган фойдаланувчиларга (1-сон БҲМС 62-банди) ҳисобот йилдан кейинги ойнинг 15 февралигача (бундан кечиктирмай) тақдим этилиши керак:

— субъект мулкдорларига (давлат мол-мулкани бошқаришга ваколатли органлар, иштирокчилар, муассисларга) — таъсис ҳужжатларига мувофиқ;

— давлат солиқ хизмати органларига — субъект руйхатга олинган жой буйича;

— давлат статистика органларига;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга. Молиявий ҳисоботни бошқа фойдаланувчиларга тақдим этиш тартибини ҳужжалик юритувчи субъект раҳбарияти (унинг мулкдорлари ва муассислари) мустақил равишда бошқаради ва у ҳужжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида назарда тутилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботи, бундан ташқари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисидаги қонунга мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда газеталар, журналлар, ахборотномаларда ёки айрим нашр сифатида эълон этилиши керак.

Акциядор бўлмаган ҳужжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботни ўз хоҳишларига қараб юқорида санаб утилган нашр шаклларида, ҳисоботдаги ахборот фойдаланувчилар учун фойдали бўлиб қоладиган муддатларда эълон қилишлари мумкин.

Даврий (чораклик) ҳисобот таркиби йиллик ҳисоботдан ҳисобот шакллари сонининг камайишига қараб фарқланади.

Чораклик молиявий ҳисобот ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-куни тугагач тақдим этилади.

Чунончи, Ё ярим йил учун молиявий ҳисобот шу йилнинг 25 июлидан кечиктирмай тақдим қилиниши керак.

Бир шаҳарда жойлашган субъект учун уни тегишлилиги буйича ҳақиқатда топширган куни, бошқа шаҳардаги субъект учун эса — почта корхонаси штемпелида кўрсатилган уни жўнатиш санаси молиявий ҳисоботни тақдим этиш санаси бўлиб ҳисобланади (1-сон БҲМС 65-банди).

Ҳисоботни тақдим этиш санаси ишланмайдиган кунга тўғри келган ҳолларда тақдим этиш муддати ундан кейин келадиган биринчи иш кунига кўчирилади (1-сон БҲМС 65-банди).

Баъзи хўжалик юритувчи субъектлар учун (1-сон БҲМС 64-банди), уларнинг суровига кўра, ушбу субъектлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини, улардаги ҳисоб иннининг мураккаб томонларини (шу жўмладан ҳисобнинг автоматлаштириш даражасини) урганиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг бошқа муддатларини, шунингдек ҳисобот шакллари рўйхатини (камайтириб) белгилайди.

Бунда, агар хўжалик юритувчи субъектда ҳисоб иний автоматлаштирилмаса ва бунинг оқибатида молиявий ҳисобот белгиланган муддатларда тузилиши мумкин бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот тақдим этиш муддатларини узайтиришни рад этиши мумкин.

1.4. Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисобининг асосий қонун-қоидалари (принциплари)

Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун, уларнинг қонун-қоидалари ва асосларига мувофиқ қабул қилинадиган усуллар жами тушунилади (1-сон БҲМС 3-банди).

Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланиладиган ўзига хос қонун-қоидалар, конвенциялар, қоидалар ва амалий ёндашувларни ифодалайди (1-сон БҲМС 51-банди).

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини субъект раҳбари хўжалик юритувчи субъект фаолия-

тининг турли йиллар учун молиявий ҳисоботларда тақдим этиладиган молиявий курсаткичлари таққосланадиган бўлиши учун БХМС асосида шакллантиради.

Объектнинг ҳисоб сиёсатини аниқ йўналиш (масала) бўйича шакллантирганда, бухгалтерия ҳисоби юритилганда ва ҳисобот тузилганда Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби бўйича қонун ҳужжатларига амал қилиниши керак (1-сон БХМС 53-банди).

Корхонанинг ҳисоб сиёсатини таълаши ва асослашга қуйидаги асосий омиллар таъсир қилади:

- мулкчилик шакли ва таъкилий-ҳуқуқий шакл;
- фаолият тури ва тармоққа бўйсунлиши;
- ишлаб чиқариш ҳажмлари;
- уртача рўйхатдаги фаолият;
- солиқ солиш тизими билан муносабатлар (турли хил солиқлардан озод этилгани, солиқлар ставкалари, солиқ солиш бўйича имтиёз);
- бозор иқтисодиётига утиш даври шароитларида ҳаракатнинг эркинлик даражаси (наrx белгилаш масалаларида мустақил ҳаракатлар қилиш имконияти);
- молиявий ҳужалик ривожланиши стратегияси (корхонани узоқ муддатли истиқболга иқтисодий ривожлантириш мақсади ва вазифалари, инвестицияларнинг қўйилаётган йўналишлари, истиқболли вазифаларни ҳал этишга тактик ёндашишлар);
- бошқарув функцияларини техник жиҳозлаш (ЭҲМ билан, таъкилий техника воситалари, дастурий воситалар ва ҳоказолар билан таъминлаш);
- корхонани ахборий таъминлаш самарали тизимининг мавжудлиги (корхона учун зарур барча йўналишлар бўйича);
- бухгалтерия хизматлари ходимларининг ма-лака, корхона раҳбарларининг ташаббускорлик ва омилкөрлик даражаси;

— корхона ишининг самарадорлигидан моддий манфаатдорлик ва бажариладиган мажбуриятлар доираси учун моддий жавобгарлик тизими.

Таъсир қилувчи омилларнинг бутун жамини эътиборга олибгина корхона ҳисоб сиёсатини асослашга тўғри киришиши мумкин.

Махсус БХМСлар мавжуд бўлмаган тақдирда субъект раҳбари ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчиларга гоътада фойдали ахборот тақдим этадиган ўз қарорларидан фойдаланишга ҳақлидир (1-сон БХМС 54-банди).

Ўз қарорларини қўллаш жараёнида раҳбар қуйидагиларни ҳисобга олади:

- бундай масалаларга нисбатан БХМС талаблари;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган бошқа ҳар қандай ахборот;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун белгилаш, акс эттириш ва ўлчанг мезонлари;

— тармоқда ва капиталларнинг асосий жаҳон молия бозорлари томонидан қўлланиладиган амалиёт.

Ҳужалик юритувчи субъектнинг бир йилга ва ундан кўпга белгиланадиган ҳисоб сиёсати ҳужалик юритувчи субъект раҳбарининг тегишли ташкилий-буйруқ ҳужжати (буйруқ, фармойиш ва ҳоказо) билан расмийлаштирилиши керак (1-сон БХМС 55-банди).

Субъект томонидан ҳисоб сиёсатини шакллантириш чоғида танланган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари тегишли ташкилий-буйруқ ҳужжати эълон қилинган йилдан кейинги йил бошидан қўлланиди, ҳисобот йили мобайнида янги барпо этилган ҳужалик юритувчи субъектлар бундан мустасно.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига уларни гуруҳлаш ва ҳужалик фаолияти, активлар қий-

матини сундириш далилларини баҳолаш усуллари, ҳужжатлар оборотини ташкил этиш, инвентарлаш усуллари, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари, ҳисоб регистрлари, ахборотни ишлаш тизимини қўллаш усуллари ҳамда бошқа тегишли усул ва методлар киради (1-сон БҲМС 3-банди).

Бунда жойлашган жойидан қатъи назар ҳужалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмалари (шу жумладан алоҳида балансга ажратилганлари) томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ягона усуллари қўлланади.

Янги барпо этилган ҳужалик юритувчи субъект ўзи танларан ҳисоб сиёсатини 1-сон БҲМСнинг 55-бандига мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи мартаба эълон қилинишига қадар, лекин юридик шахс ҳуқуқларини олган (давлат руйхатидан утган) кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Субъект томонидан танланган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқлари олинган (давлат руйхатидан утилган) кундан бошлаб қўлланиладиган деб ҳисобланади. Тақвимий йил давомида ҳисоб сиёсати ўзгармайди. Қўйидаги ҳолларда ҳужалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида ўзгаришлар бўлишига йул қўйилади (1-сон БҲМС 56-банди):

- субъектнинг қайта ташкил этилиши (қушилиши, ажратилиши, қушиб олиниши);
- мулкдорнинг ўзгариши;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимида ўзгаришлар бўлиши;
- бухгалтерия ҳисоби янги усулларининг ишлаб чиқилиши.

Ҳисоб сиёсатини ўзгартириш асосланган бўлиши керак ва 1-сон БҲМС 55-бандида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилади. Ҳисоб сиёсатидаги

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидаги ўзгартиш билан боғланмаган ўзгаришларнинг оқибатлари субъект томонидан текширилган, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзгартирилган усуллари қўлланиладиган санада (ойнинг биринчи кунида)ги маълумотлар асосида қиймат ифодасида баҳоланиши керак.

Таъкилотнинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг қўйидаги асосий принципларига мувофиқ келиши керак:

- узлуксизлик (давом этаётган фаолият);
- ҳужалик операциялари, активлар ва пассивларнинг нулда баҳоланиши;
- ишончлилик;
- ҳисоблаб ёзиш;
- эҳтиёткорлик (тадбирлилик, консерватизм);
- кўрсаткичларнинг таққосланиши;
- молиявий ҳисоботнинг нейтраллиги;
- ҳисобот давридаги даромад ва харажатларнинг мувофиқлиги;
- мулкӣ алоҳидалик;
- активлар ва мажбуриятларни ҳақиқатда баҳолаш;
- мазмуннинг шаклдан устуңлиги;
- оқилоналик (рационалик);
- зид эмаслик;
- ҳисобот давридаги даромад ва харажатларнинг мувофиқлиги;
- тушунарлилик;
- аҳамиятлилик;
- муҳимлилик;
- молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ва ҳолисона тақдим этилиши;
- тугалланганлик;
- изчиллик;
- ўз вақтида бўлиши;
- объективлик (холислик).

Давом этаётган фаолият (узлуксизлик) принципи (1-сон БХМС 18-банди) молиявий ҳисоб узлуксизлик принципи асосда тайёрланиши кераклигини билдиради. Ушбу принцип шундан ташқил қилинади, ҳужалик юритувчи субъект деимо фаолият юритувчи ҳисобланади ва уз фаолиятини аниқ белгиланмаган узок давр давомида давом эттиради, яъни ҳужалик юритувчи субъект уз фаолияти соҳасини тугатиш ёки жиддий равишда қисқартириш қисмига эга эмас деб ҳисобланади.

Ҳар гал молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида ҳужалик юритувчи субъект раҳбарияти (унинг муҳдорлари, муассислари) субъектнинг узлуксиз фаолият курсатини имкониятларини қайта баҳолашни утказиши шарт. Агар раҳбар ҳужалик юритувчи субъектнинг тугатиш ёки унинг фаолият миқёсларини қисқартириш зарур деб билса ёки шунга олиб келадиган шарт-шароит ва вазиятлар эҳтимол бўлса, молиявий ҳисоботларга тушунтиришларда бундай факт мазмуни ва молиявий ҳисоботлар тузилган асос, узлуксизлик принциpidан чекиниш сабаби ва юрхонанинг бундан кейинги фаолият муддати очиб кўрсатилиши зарур. Бундай баҳолаш ҳисоб сиёсатида бундан кейин қарорлар қабул қилиш учун, масалан, номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаб ёзишга нисбатан, зарурдир.

Узлуксизлик принципи бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати ҳужалик юритувчи субъект фаолият курсатаётган муддатга мувофиқ келиши кераклигини ҳам аниқлатади, ҳужалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини тугатилиш ёки уни банкрот деб эълон қилиш пайтига қадар юритилиши даркор. Уз фаолиятини тўхтатган пайдан бошлаб ҳужалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритишни тўхтатади.

Ҳужалик операцияларини пулда баҳолаш принципи (1-сон БХМС 19-банди) барча ҳужалик

операциялари, воқеалар, активлар ва пассивлар ягона, бир турдаги ифодада улчаниши — пулда баҳоланиши кераклигини англатади. Бу нарса турли хил, хусусан инвестициялаш ёки қарз бериш буйича иқтисодий қарорлар чиқаришга корхона мол-мулки, унинг мажбуриятларини баҳолаш, шунингдек бошқа хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ана шундай курсаткилари билан таққослаш учун зарурдир.

Ўзбекистон Республикасида пул улчови булиб сум ва унинг улуғи тийин ҳисобланади.

Айни вақтда, агар ресурслар, мажбуриятлар ва сармоя морижий валютада харид қилинган ёки унинг эквивалентида кирим қилинган бўлса, тахлилий ҳисобда ҳисоб хорижий валютада юритилиши зарур.

Бундай моддалар миллий валютада қайта баҳоланганда молиявий ҳисоботни тузиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курсидан фойдаланилади, юзага келадиган фарқ курс фарқи сифатида таснифланади ва у молиявий натижаларга ёки ўз сармоясига киритилади.

Ишончлилик принципи (1-сон БҲМС 20-банди) унда жиддий (фундаментал) хато ёки ноҳолилик бўлмаса ва фойдаланувчилар унга ишонса, ахборот ишончли ҳисобланганини англатади.

Операциялар ёки воқеаларнинг ишончлилиги дастлабки ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисобот, ҳисоб регистрлари ва ҳужжатларда тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги учун ҳисоботлар ва бошқа молиявий ахборотни тузган ҳамда имзолаган шахслар жавобгар булади.

Ҳисоблаб ёзиш принципи (1-сон БҲМС 16-банди) бухгалтер тегишли даромад ва харажатларни қайси ҳисобот даврига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши зарурлигини англатади. Ҳисоблаб ёзишлар усулида кўрсатилишича, ҳатто агар пул маблағлари ҳали сотувчининг ҳисобварағига ўтқа-

зилмаган бўлсада, даромадлар тегишли маҳсулот харидорга юклаб жунатилган (тегишли хизматлар кўрсатилган) ҳисобот даврига тегишли бўлади. Харажатлар ҳам мазкур ҳисобот даврида корхона томонидан туланган ёки туланмаганидан қатъи назар, улар юзага келган ҳисобот даврида акс эттирилади.

Модиявий ҳисоботлар, бундан пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот мустасно, ҳисоблаб ёзиш принципи бўйича тузилади, унга кўра активлар, пассивлар, ўз сармояси, даромадлар, харажатлар, хўжалик операциялари ва воқеалар бухгалтерия ҳисобида улар бўйича пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари олинган ёки туланган пайтда эмас, балки улар содир этилган (ёки харожатда олинган) пайтда акс эттирилади.

Ҳисобда ҳисоблаб ёзиш принциpidан фойдаланиш чоғида бухгалтерия ёзувлари хўжалик операцияси содир этилган пайтда амалга оширилади. Чунончи, ушбу принципга кўра, маҳсулот харидорга топширилганидан кейин у сотилган ҳисобланади, яъни юклаб жунатилган маҳсулотнинг қиймати бўлиб сотиш тушуми ҳисобланади. Тегишлича ижара тўлови ижарачининг бухгалтерия регистрларида у туланиши керак бўлган даврда харажат сифатида акс эттирилиши керак.

Товар-моддий бойликларни етказиб берувчидан миждозга топшириш пайтида товар билан бирга миждозга уни сақлаш, бундан бўён ишлатиш, сотиш хатарлари ўтиши сабабли ана шундай механизм амал қилади.

Амалдаги механизмга кўра товар-моддий бойликларни олиш билан бир вақтда харидорларда мажбурият пайдо бўлади (агар, албатта, ушбу маҳсулот учун олдиндан ҳақ туланмаган бўлса) ва бу маҳсулотдан фойдаланиш харажат сифатида акс эттирилади. Айни шунинг учун етказиб берувчи ўз товарининг юклаб жунатилишини даромад сифатида акс эттириши керак.

Шу тариқа ҳисоблаб ёзиш принципи, субъектнинг даромад ва харажатлари, ҳақ тулаш вақти ва келиб тушини санасидан қатъи назар, улар тааллуқли булган ҳисобот даврида акс эттирилишини аниқлатади.

Ҳисоблаб ёзиш принципи асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларни нафақат утмишдаги ҳақи туланган ёки пул маблаглари олинган операциялардан, балки келгусида пул маблагларини тулашга доир мажбуриятлардан ҳам хабардор қилади, бу эса тегишли иқтисодий қарорларни қабул қилиш чоғида зарур шарт ҳисобланади.

Эҳтиёткорлик (тадбирлилик) принципи (1-сон БҲМС 21-банди) ҳисобот ҳужжатларида активлар ва фойда ошириб баҳоланишига ва мажбуриятлар камайтириб баҳоланишига йул қўйиб булмаслигини тақозо этади. Бунинг маъноси шуки, булгуси талафотлар ёки зарарларни акс эттириш учун корхонага булгуси фойдаларни акс эттиришга қараганда камроқ асослар керак булади.

Камроқ баҳолаш: таннарх ёки бозор нархи буйича баҳолаш қондаси эҳтиёткорлик принципининг акс этини ҳисобланади. Бу қонда шуни аниқлатадики, агар корхона уз оборот воситаларини бир нархда харид қилган, ҳозирги вақтда уларнинг бозор нархи тушиб кетган булса, ҳисобот ҳужжатларида корхона уз воситаларини жорий бозор нархида акс эттириб, фарқни жорий давр зарарларига киритиши керак. Бироқ, агар оборот активларининг бозор нархи мазкур ҳисобот даврида ушбу активларни харид қилиш нархиға нисбатан ошган булса, корхона уз активларини ана шу ошган бозор нархида ҳақиқатда сотган найтига қадар уз ҳужжатларига ҳеч қандай узгартишлар киритмайди. Бундай ёндашув бухгалтерия ҳисобида бозордаги вазиятнинг узгарувчанлигини ҳамда корхона ва унинг мулкдори (ёки мулкдорлари) хужа-

лик Фаолиятининг бу билан боғлиқ хатарини акс эттириш имконини беради.

Ушбу принципти қўллаш яширин резервлар ёки оширилган таъминот барпо этиш, активлар ёки фойда, мажбурият ва харажатларни қасдан камайтириш ёки қўпайтириш учун ҳуқуқ бермайди.

Курсаткичларнинг таққосланиш принципи (1-сон БХМС 23, 28-бандлари) молиявий ахборот фойдали, мазмунли ва турли ҳисобот даврлари учун таққосланадиган бўлишини талаб этади. Фойдаланувчилар ҳужалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш пайтида ишлатадиган ҳисобот сиёсатидан, ушбу сиёсатдаги барча ўзгаришлар ва бундай ўзгаришларнинг натижалари тўғрисида хабардор бўлиши зарур.

Молиявий ҳисоботда олдинги даврга нисбатан барча таққосланадиган ахборот очиб курсатилиши зарур. Олдинги даврнинг молиявий ҳисоботларидаги шарҳли ва баён этиш ахбороти жорий ҳисобот даври учун тақдим этилиши ва, жорий ҳисобот даврининг молиявий ҳисоботларини объектив тақдим этиш учун зарур бўлса, янгилалиши керак бўлади.

Курсаткичларни тузатиш ёки молиявий ҳисобот моддаларини таснифлаш чоғида, жорий (ҳисобот) давр билан таққосланиш таъминлаш учун таққосланадиган суммалар қайта таснифланиши ва айни вақтда бундай таққосланишнинг сабаблари, хусусияти ва суммаси очиб курсатилиши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, ҳужалик юритувчи субъект суммалар қайта таснифланган тақдирда қайта таснифлаш сабаби ва киритилган ўзгаришлар хусусиятини очиб бериши керак.

Агар ахборот фақат тақдим этиш учун, масалан, номоддий ва моддий активлар буйича давр боши ҳамда охиридаги сальдони текшириш учун хизмат қилса, таққосланадиган ахборот талаб этилмайди.

Таққосланиш принципига риоя қилиш учун қуйидаги шартларни бажариш зарур:

— таққосланиш талаби бутун миқдорий ахборотга тааллуқли бўлади, яъни агар таққосланиш принцигига риоя этилиши учун қайта санаш тақозо этилса, барча миқдорий курсаткичлар қайта курилади ва зарурат бўлганда қайта саналади;

— ҳисобот йилида ҳисобот тақдим этишга ёндашувлар ўзгарганда олдинги давр учун ахборот ҳисобот йилида амал қиладиган молдалар буйича таққослаш мақсадлари учун қайта таснифланиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг нейтраллиги принципи молиявий ҳисобот умумий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг бир гуруҳига зарар келтирган ҳолда бошқа гуруҳ манфаатларини қондиришга ургу бермаслигини англатади.

Мулкий алоҳидалик принципи қонун ҳужжатларига кўра хўжалик субъекти (корхона, ташкилот ва ҳоказо)га тегишли бўлган мол-мулкнигина акс эттиради. Бундай ёндашув бозор муносабатлари турли субъектлари мол-мулкнинг ажратилганини акс эттириб, айни вақтда улар томонидан ўз мулкий ва молиявий аҳволини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади, яъни мазкур принцип асосида исталган корхонада бухгалтерия ҳисоби ~~мулклар алоҳидалик принципи~~ юритувчи субъектнинг дастлабки мулкий ҳолатини мустаҳкамлашга доир хўжалик операцияларини қайд этишдан бошланади. Мулкка эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлаш хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаётий фаолияти жараёнида учта қонуний ҳуқуққа эгалик беради, яъни:

- *эгалик қилиш ҳуқуқи* — буюмга ҳақиқатда эгалик қилиш имконияти;
- *фойдаланиш ҳуқуқи* — даромад олиш мақсадида мол-мулкни ишлатиш имконияти;
- *тасарруф этиш ҳуқуқи* — тегишли бўлган мол-мулк тақдирига эгалик қилиш ва ўз ҳо-

ҳишидан келиб чиқиб бирор-бир ҳаракатлар содир этиш ҳуқуқи.

Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқатда баҳолаш активлар ва мажбуриятларни баҳолаш асоси бўлиб уларни харид қилиш таннарни ҳисоб ланишини тақозо этади.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги (1-сон БХМС 22-банди) шуни англатадики, агар ҳисоб ҳуж жатлари ва молиявий ҳисоботдаги ахборот опера ция ва воқеаларнинг мазмунини ҳаққоний акс этир са, ушбу ахборот молиявий ҳисоботда ҳисобга оли ниши ва тақдим этилиши керак.

Ушбу принципнинг амал қилиши шунга ҳам тат биқ этилганки, агар ахборот ҳаққоний бўлса, ле кин юридик жиҳатдан нотўғри шаклда берилса (ма салан, мувийя шаклдаги бланкда берилмаса) ҳамда қарор қабул қилиш учун барча зарур ахборотга эга бўлса, бундай ҳужжат мазкур ахборот қандай шак лда тақдим этилганидан қатъи назар, ҳисобга қабул қилиниши керак.

Оқилоналик (рационаллик) принципи тап килотнинг ҳужалик фаолияти ва ҳажмидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобини оқилона ва тежамкор юритиш зарурлигини англатади.

Зид эмаслилик принципи тахлилий ҳисоб маъ лумотларининг ҳар бир ойнинг биринчи кунда жам лама ҳисоб ҳисобварақлари буйича оборотлар ва қол диқларга, шунингдек бухгалтерия ҳисоби курсаткич ларининг жамлама ва тахлилий ҳисоб маълумотла рига айнан бир хиллигида амалга оширилади.

Ҳисобот даври даромад ва харажатлари нинг мувофиқлиги принципи (1-сон БХМС 31-банди) мазкур даврда мазкур ҳисобот даври даро мадлари олиншини шартлаган харажатларгина акс эттирилишини англатади. Масалан, маҳсулот соти лишидан олинган тушумни акс эттиришда инглаб

чиқариш таннархи сифатида фақат сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи курсатилади.

Агар харажат ва даромадларнинг айрим турлари ўртасидаги бевосита боғлиқликни белгилаш қийин бўлса, харажатлар бирор-бир тақсимлаш тизимига мувофиқ бир нечта ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади. Бу нарса, масалан, бир неча йилга тақсимланган амортизацияланган харажатларга тааллуқлидир. Олдиндан туланган обуна суммасини ойлар бўйича тақсимлаш бошқа бир мисол бўла олади.

Тўшунарлилик принципи (1-сон БҲМС 32-банди) молиявий ҳисоботларда тақдим этиладиган ахборот фойдаланувчилар учун содда ва тўшунарли бўлиши кераклигини аниқлатади, бу эса, ўз навбатида, фойдаланувчиларнинг ўзларига нисбатан молиявий ахборотни ўқиб олиш сингари талабларни қўяди.

Аҳамиятлилик принципи (1-сон БҲМС 33-банди) шуни аниқлатадики, молиявий ахборотнинг аҳамиятлилиги ушбу ахборот улар томонидан қарор қабул қилиш жараёнида фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириши ва уларга операция, молиявий ва хужалик фаолияти воқеаларини баҳолашда ёрдам бериши кераклиги билан белгиланади. Фақат аҳамиятли ахборот асосида фойдаланувчи фойдали иқтисодий қарор чиқара олади.

Ахборотнинг аҳамиятлилигига унинг моҳияти ва муҳимлиги (қиммати) таъсир қўрсатади.

Муҳимлилик принципи (1-сон БҲМС 34-38-бандлари) агар унинг мавжуд эмаслиги ёки нотўғри тақдим этилиши ахборотдан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилинган иқтисодий қарорларига таъсир қўрсата олса, ахборот муҳим эканлигини аниқлатади.

Муҳимлилик принциpidан келиб чиқиб молиявий ҳисоботларда, айниқса тўшунтириш хатида бошқа бир турдаги номуҳим моддалар суммалари

бир моддада акс эттирилади. Бироқ яқка тартибда ва жамлиқда муҳим ҳисобланган ахборот бошқа ахборот билан тулик умумлаштирилмаслиги керак.

Агар унинг очиб кўрсатилмаслиги фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилинган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсата олса, ахборот муҳим ҳисобланади. Муҳимлилик уни утказиб юборишнинг алоҳида аниқ ҳолатларида кўриб чиқиладиган модданинг ҳажмига ҳам боғлиқдир.

Молиявий ҳисобот таркибий томондан уларнинг хусусияти ва функциялари бўйича гуруҳларга бирлаштирилган хужалик операцияларига ишлов бериш натижаси ҳисобланади. Сиқик кўринишда берилган молиявий ҳисоботларда ёки тушунтирилган моддалар кўринишида акс эттириладиган таснифланган ахборотни тақдим этиш мазкур жараённинг яқуний босқичи ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботда айрим кўрсаткичларни ажратиш ёки уларни бошқа кўрсаткичлар билан бир моддага бирлаштириш ҳам муҳим ҳисобланади. Шунинг учун, агар актив ёки пассивлар, даромадлар ёки харажатларнинг баъзи моддалари муҳим бўлмаса, бир вақтнинг узида модда ёки моддалар жамлигининг хусусияти ва ҳажми баҳоланади. Ҳолатларга боғлиқ ҳолда модданинг хусусияти ёки ҳажми белгиловчи омил булади.

Агар бошланғич ахборот муҳим бўлмаса, БҲМСда келтирилган очиб кўрсатиш талабларини бажаришга зарурият йўқ. Бироқ агар муҳим ахборот умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисоботларда бошқа муҳим ахборот билан бир моддага бирлаштирилган бўлса, молиявий ҳисоботга тушунтиришларда ушбу ахборот очиб кўрсатилиши лозим.

Муҳимлилик тушунарлилик ва молиявий ҳисоботлар тақдим этиладиган аниқлик даражаси билан боғланган. Ахборотни минглар ёки миллионларга яқлит

лаганда аниқлик даражасидан фойдаланишга муҳимлилик принципи бузилмагунга қадар йул қўйилади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ва холисона тақдим этилиш принципи (1-сон БҲМС 39-банди) шуни англатадики, молиявий ҳисоботлар, фойдаланувчидан қатъи назар, субъектнинг молиявий аҳволи, операциялар натижалари ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ахборотни фойдаланувчига ҳаққоний ва холисона тақдим этиши шарт.

Тугалланганлик принципи (1-сон БҲМС 40-банди) шуни англатадики, ишончлилиكنи таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботлардаги ахборот тулиқ ва тугалланган бўлиши керак, яъни ҳисоботни тузиш пайтида ҳисобот давридаги барча операциялар ҳисобда акс эттирилиши, барча бухгалтерия ёзувлари ҳам қайд этилиши ва тугалланиши керак.

Изчиллик принципи (1-сон БҲМС 41-43-бандлари) фойдаланувчилар унинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар тамойилини белгилаш учун ҳужалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврлари учун молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятига эга бўлишлари кераклигини англатади. Шунинг учун молиявий ҳисобот моддаларини тақдим этиш ва таснифлаш ҳисобот даврлари учун сақланиши керак, агар фақат ҳужалик юритувчи субъект операциялари хусусиятидаги муҳим ўзгаришлар ёки ҳисоботни тақдим этиш шакллари, қонунчиликдаги ўзгаришлар ёки атроф муҳитдаги ўзгаришлар таҳлили ҳисоботни тақдим этиш шаклини ўзгартириш мақсадга мувофиқ ва зарур эканлигидан далолат бермаса.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш шакли ўзгарганда ҳужалик юритувчи субъект муҳимлилик ва тақсимланишлилики принципларига риоя этиш ўртасида мувофиқликни таъминлаши керак.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш шакли ўзгарганда ҳужалик юритувчи субъект муҳимлилик ва тақсимланишлилики принципларига риоя этиш ўртасида мувофиқликни таъминлаши керак.

Кўриб чиқилган таркиб анча узоқ давр мобай-

нида сақланиб қолган ёки муқобил тарзда тақдим этишнинг афзаллиги яққол бўлган тақдирдагина хужалик юритувчи субъект молиявий ҳисобот тақдимини ўзгартириши мумкин.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш шакли ўзгарганда ҳисоб сиёсати ўзгармай қолади деб фараз қилинади.

Ўз вақтида бўлиш принципи (1-сон БХМС 44-45-бандлари) ахборот фойдали бўлиб қолиши учун фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этилиши кераклигини англатади. Агар улар фойдаланувчилар ихтиёрига тузилган санадан сўнг оқилона вақт давомида тақдим этилмаса, молиявий ҳисоботлар ўзининг фойдалилигини йўқотади.

Ҳисобот ахбороти асоссиз равишда кечиктирилганда молиявий ҳисобот ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Хужалик юритувчи субъект 1-сон БХМС 62-65-бандларида кўрсатилган муддат давомида молиявий ҳисобот тузишга қодир бўлиши керак. Ҳеч қандай омиллар, ҳатто хужалик юритувчи субъект операцияларининг мураккаблигидан ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этишга қодир эмаслик сабаблари сифатида фойдаланмаслик керак, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хужалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботларнинг эълон қилиниши «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Агар ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш барча жиҳатлар маълум бўлишига қадар тўхтатиб турилса, ҳатто жуда ишончли ахборот ҳам оз фойда келтириши мумкин, чунки фойдаланувчилар қарорни олдинроқ қабул қилишга мажбур бўлган эдилар.

Аҳамиятлилик билан ишончлилик уртасида мувоzanатга эришиш мақсадида иқтисодий қарорларни қабул қилиш чоғида фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини қандай қилиб яхшироқ қондиришдан келиб чиқиш керак.

Объективлик (халислик) принципи (1-сон БҲМС 49-50-бандлари) молиявий ҳисобот хужалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, унинг фаолиятининг молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракатини объектив тақдим этиши кераклигини англатади.

Объективлик принципига эришиш учун ҳар бир хужалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш чоғида БҲМС ва бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларини қўллаши шарт.

Фаолиятнинг турли турлари бўйича янгиликларни кўришти тезлиги ҳали тегишли БҲМС ишлаб чиқилмаган операциялар ва вазиятларга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолларда молиявий ҳисобот объективлигига ҳаммадан яхшироқ ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш йули билан эришилади, уни хужалик юритувчи субъект мазкур Андозага мувофиқ мустақил равишда ишлаб чиқиши керак. Бунда ҳисоб юритиш усулларига доир ҳар бир мустақил қарор субъектнинг ҳисоб сиёсатида очиб кўрсатилиши керак.

1.5. Икки томонли ёзув тизимининг моҳияти ва аҳамияти

Икки томонли ёзув тизимининг биринчи тавсифи 1494 йилда пайдо бўлди. Уни францисканлик роҳиб Лукой Пачоли таърифлаган. Икки томонли ёзув тизими қўшалоклик принципига асосланади, яъни барча иқтисодий ҳодисалар бир-бирини тўлдирди-

ган икки жиҳатга: купайиш ва камайиш, пайдо бўлиш ва йўқолишга эга, бинобарин, ҳужалик ҳаётининг факти дебёт буйича умумий сумма кредит буйича умумий суммани мувозанатлантириши ва тизимда доим мувозанатни қўллаб туриш учун камида икки мартаба: бир ҳисобварақнинг дебетида ва иккинчи ҳисобварақнинг кредитида қайд этилиши керак.

Икки томонли ёзув тизими назорат аҳамиятига эга, яъни ҳисобот даври учун барча ҳисобварақларнинг дебети буйича оборотлар суммаси кредит буйича барча ҳисобварақлар оборотларининг суммасига тенгдир. Ҳар қандай ҳужалик операциясида икки томонли ёзув усулининг қўлланиши бухгалтерия ҳисобини юритушнинг асосий қонунси ҳисобланади, бунда баланс яқунлари тенглиги бузилмайди.

Икки томонли ёзув орқали ҳисобварақлар ўртасидаги узаро алоқани белгилаш *ҳисобварақлар корреспонденцияси*, ҳисобварақларнинг ўзи эса *корреспонденциялаш ҳисобварақлари* деб аталади.

Бухгалтерия проводкаси — бажарилган ҳужалик операциясини бухгалтерияда расмийлаштириш усулидир. Бухгалтерия проводкасини тузиш бажарилган ҳужалик операцияси натижасида қандай ҳисобварақлар дебётланиши, қайсилари кредитланиши ва қанча суммагалигини кўрсатиши демакдир. Бухгалтерия проводкаси дастлабки расмийлаштирилган ҳужжатлар (юкхатлар, тўлов топшириқномалари, ҳисобварақлар, талабномалар, далелатномалар ва ҳоказо) асосида тузилади.

1.6. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тўғрисида тушунча, уларнинг тузилиши ва вазифаси

Бухгалтерия баланси муайян вақт даври учун бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари буйича ўтқа

зилган ҳужалик операцияларига доир йигма маълумотларнигина акс эттиради. Кундалик ва жорий фаолиятда балансда йигма рақамлар олиш учун корхонадаги ҳужалик воситалари ҳолати ва ҳаракати тугрисидаги барча батафсил ахборот акс этириладиган ва жамликда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тизимини ташкил этадиган ҳисобварақлар қўлланади.

Ҳисобварақлар тизими — корхона томонидан ҳужалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида шакллантириш манбалари ва жойлаштириш манбалари билан амалга ошириладиган ҳужалик операцияларининг жорий наоирати ва акс этирилишини бажариш учун бухгалтерия ҳисобварақларини уларнинг иқтисодий аломатлари буйича гуруҳлаш усулидир.

Ҳисобварақлар — бухгалтерия ҳисобининг асосий элементларидан бири, бухгалтерия ҳисоби объектларини иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш усули, моддий ва пул маблағларининг ҳаракатини, ҳужалик операциясини бажариш давомида уларнинг ҳолати ва ҳосил бўлиш манбаларини акс эттиришдир. Бухгалтерия ҳисоби объектининг ҳар бир тури учун алоҳида ҳисобварақ очилади; унда кириш

маблағлар дебетда, чиқариш маблағлар кредитида акс этирилади. Ҳисобварақлар буйича ёзувлар якунлари оборотлар деб, ҳисобварақ дебити ва кредитининг оборотлари уртасидаги айирма (фарқ) сальдо (таржимаси — қолдиқ) деб аталади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳар бир ҳисобварақ корхона бухгалтерия хизматига келиб тушадиган дастлабки ҳужжатлар асосида унда бир турдаги ҳужалик операциялари буйича ҳаракатларни назорат қилиш ва акс эттириш учун мулжалланган.

Ташқи томондан ҳар бир ҳисобварақ чап ва унғ томонли жадвал кўринишида намоён бўлади, бунда

чап томон дебет (Д-т), унги томон эса кредит (К-т) деб аталади.

Ҳисобварақ

Дебет (Ҳисоб объектининг номи) Кредит

Бухгалтерия ҳисобининг барча ҳисобварақлари балансга nisbatan қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Актив ҳисобварақлар.
2. Пассив ҳисобварақлар.
3. Контр-актив ҳисобварақлар.
4. Контр-пассив ҳисобварақлар.
5. Транзит ҳисобварақлар.
6. Балансдан ташқари ҳисобварақлар.

Актив ҳисобварақ — активларни акс эттириш учун мулжалланган, қолдиқ ва иқтисодий ресурсларнинг кўпайиши ҳисобварақ дебети бўйича, камайиши эса — кредити бўйича акс этириладиган ҳисобварақ.

Пассив ҳисобварақ — мажбуриятлар ва сармояни акс эттириш учун мулжалланган, қолдиқ ва мажбуриятлар ҳамда сармоянинг кўпайиши ҳисобварақ кредити бўйича, камайиши эса — дебети бўйича акс этириладиган ҳисобварақ.

Контр-актив ҳисобварақ — сальдоси билан боғлиқ актив ҳисобварақ сальдосидан молиявий ҳисоботда активнинг соф қийматини акс эттириш учун чегириладиган ҳисобварақ.

Контр-пассив ҳисобварақ — сальдоси билан боғлиқ пассив ҳисобварақ сальдосидан молиявий ҳисоботда мажбурият ёки сармоянинг соф қийматини акс эттириш учун чегириладиган ҳисобварақ.

Транзит ҳисобварақлар — ҳисобот даври мобайнида фойдаланиладиган, бироқ ёпиладиган ва

ҳисобот даври охирида қолдиққа эга бўлмаган, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс этириладиган даромад ва харажатларнинг вақтинчалик ҳисобварақлари.

Балансдан ташқари ҳисобварақлар — корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча унинг тасарруфида турган активлар, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мулжалланган ҳисобварақлар. Ушбу ҳисобварақлар бонқа ҳисобварақлар билан корреспонденцияланмайди ва ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида акс этмайди.

Актив ҳисобварақ пировард сальдосининг натижаси (Ска) қуйидаги формула буйича чиқарилади:

$$Ска = Снд + Одр - Окт,$$

бу ерда: Снд — ҳисобварақ дебети буйича бошланғич сальдо; Одр — дебет буйича оборот; Окт — кредит буйича оборот.

Пассив ҳисобварақ пировард сальдосининг натижаси (Скп) қуйидаги формула буйича чиқарилади:

$$Скп = Снк + Окт - Одр,$$

бу ерда: Снк — ҳисобварақ кредити буйича бошланғич сальдо; Окт — кредит буйича оборот; Одр — дебет буйича оборот.

Қуйида актив ва пассив ҳисобварақлар буйича операциялар ҳаракатининг чизмали ёзувлари келтирилган.

Актив ҳисобварақ бўйича операциялар ҳаракати чизмаси

| Дебет | Кредит |
|---|--|
| Ой бошида маблағлар сальдоси (қолдиғи) | |
| Ҳисобот даврида маблағларнинг қупайишига олиб келадиган хужалик операциялари (+) | Ҳисобот даврида маблағларнинг камайишига олиб келадиган хужалик операциялари (-) |
| Хужалик операциялари суммаси дебет бўйича оборот — ҳисобот ойи учун ҳисобварақни ташкил этади | Хужалик операциялари суммаси кредит бўйича оборот — ҳисобот даври учун ҳисобварақни ташкил этади |
| Ой охиридаги қолдиқ ой бошидаги қолдиққа тенг, бунда дебет бўйича оборот қушилиб, ҳисобварақ кредити бўйича оборот чегирилади | |

Пассив ҳисобварақ бўйича хужалик операциялари чизмаси

| Дебет | Кредит |
|---|---|
| | Ой бошида маблағлар сальдоси (қолдиғи) |
| Ҳисобот даврида маблағларнинг камайишига олиб келадиган хужалик операциялари (-) | Ҳисобот даврида маблағларнинг қупайишига олиб келадиган хужалик операциялари (+) |
| Хужалик операциялари суммаси дебет бўйича оборот — ҳисобот ойи учун ҳисобварақни ташкил этади | Хужалик операциялари суммаси кредит бўйича оборот — ҳисобот ойи учун ҳисобварақни ташкил этади |
| | Ой охиридаги қолдиқ ой бошидаги қолдиққа тенг, бунда кредит бўйича оборот қушилиб, ҳисобварақ дебети бўйича оборот чегирилади |

1.7. Таҳлилий ва жамлама ҳисоб ҳисобварақлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва вазифаси

Бухгалтерия ҳисобининг актив ва пассив ҳисобварақлари ҳисоб маълумотларини гуруҳлаш ва умумлаштириш усули бўйича жамлама ва таҳлилий ҳисобварақларга бўлинади.

Жамлама ҳисоб — бухгалтерия ҳисобининг муайян иқтисодий аломатлар бўйича мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операциялари турлари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларини ҳисобга олиш бўлиб, у бухгалтерия ҳисобининг жамлама ҳисобварақларида юритилади.

Жамлама ҳисобварақлар йириклаштирилган, умумлаштирувчи гуруҳлаш ва корхона маблағлари — воситалари таркиби ҳамда ҳаракатини, уларнинг манбалари ва хўжалик жараёнларини ягона пул ўлчовида (ифодасида) ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Ана шу ҳисобварақларда амалга ошириладиган ҳисоб жамлама ҳисоб дейилади. Унинг маълумотларидан бухгалтерия ҳисоботи ва аввало баланс шакллари тўлдириш чоғида, бинобарин, корxonанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун фойдаланилади.

Таҳлилий ҳисоб — шахсий ҳисобварақларда, моддий ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа таҳлилий ҳисобварақларида юритиладиган, корхонага тезкор раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш, моддий-техника таъминоти ҳажмини назорат қилиш ва режалаштириш, мулк барча турлари бутлигини назорат қилиш, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, ишчи ва хизматчилар, мол етказиб берувчилар, бюджет билан ҳисоб-китобларни ташкил этиш учун ҳар бир жамлама ҳисобварақ ичида мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операциялари тўғрисидаги батаф-

сил ахборотни гуруҳлаб берадиган ҳисобдир, бунинг учун корхона фаолиятининг барча томонларини тулиқ тавсифлайдиган батафсил ҳусусий маълумотлар талаб этилади. Ҳисобнинг бундай тури, учун муҳжалланган ҳисобварақлар *таҳлилий ҳисобварақлар* дейилади. Улар муайян жамлама ҳисобварақни ривожлантиришга унинг турлари, қисмлари, моддалари буйича очилади ва талаб қилинган жойларда, ахборотни натура, меҳнат ва пул билан ифодалайди. Жамлама ҳисобварақ билан унга тааллуқли таҳлилий ҳисобварақлар ўртасида муайян узаро боғлиқлик мавжуд: бир жамлама ҳисобварақнинг сальдоси унга тааллуқли барча таҳлилий ҳисобварақларнинг сальдоси суммасига тенг бўлиши керак.

Бир жамлама ҳисобварақнинг дебети ва кредити буйича оборотлар суммаси унга тааллуқли барча таҳлилий ҳисобварақлар дебети ва кредити буйича (тегишлича) оборотлар суммасига тенг бўлиши керак. Агар жамлама ҳисобварақ актив бўлса, унга тааллуқли ҳисобварақлар ҳам актив бўлиши тушунарли. Бухгалтерия ҳисобида ҳужалик операцияларини қайд этиш усулига кўра *хронологик ва систематик тартибдаги* ёзувлар фарқланади.

Хронологик ёзув ҳужалик операцияларини мазмунидан ва уларнинг содир этилиш вақти ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришдаги изчиллигидан қатъи назар акс эттиришни назарда тутди. Ана шу мақсадда махсус бланклар, ҳужалик операцияларини қайд этиш журналлари шакллари ишлаб чиқилган.

Систематик ёзув худди шу ҳужалик операцияларини қайд этишни, лекин уларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлардаги мазмунига кўра икки томонли ёзув воситасида қайд этишни назарда тутди, яъни ҳар бир операция суммаси бир ҳисобварақ дебети ва бошқа ҳисобварақ кредити буйича

ёзилади. Ҳисобот оғи учун барча ҳисобварақлар дебити буйича оборотлар суммаси барча ҳисобварақлар кредити буйича оборотлар суммасига ва ағни вақтда ҳужалик операцияларини қайд этиш журнали буйича умумий суммага тенг булиши керак. Амалиётда маълумотларни умумлаштириш ва солиштириш учун *оборот қайдномалари* қўлланилади, улардан фойдаланиш жамлама ва таҳлилий ҳисобларнинг хронологик ва систематик ёзувлари тўғрилиги ҳамда узаро боғланганлигини текширини имконини беради.

Оборот қайдномаси — оборотлар буйича якуний маълумотларнинг ёйиқ сводкаси ва бухгалтерия ҳисоби жамлама (таҳлилий) ҳисобварақлари бутун тизимининг сальдосидир.

Жамлама ҳисобварақлар буйича оборот қайдномасида қуйидагилар курсатилади:

- ҳисобварақ рақами (коди);
- ҳисобварақ номи;
- давр бошидаги қолдиқ (дебет ёки кредит);
- муайян давр учун оборот;
- давр охиридаги қолдиқ (дебет ёки кредит).

Таҳлилий ҳисобварақлар буйича оборот қайдномасида қушимча равишда тегишли натура курсаткичлари учун устунлар назарда тутилиши мумкин.

Таҳлилий ҳисобварақлар буйича оборот қайдномаларининг якунлари тегишли жамлама ҳисобварақларнинг якунлари билан солиштирилади, улар мос тушиши керак, чунки таҳлилий ҳисобварақлар тегишли жамлама ҳисобварақлар учун очқич ҳисобланади.

1.8. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг иқтисодий мазмуни

Корхонада бухгалтерия ҳисобини тегишлича ташкил этиш учун ҳар бир ҳисобвараққа тавсиф

берилган ва унга доир ҳисобварақлар корреспонденцияси белгирилган корхоналар молиявий ҳужайка фаолиятининг Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йуриқномалардан тўғри фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Ҳисобварақлар режаси — бухгалтерия ҳисоби жамлама ҳисобварақлари ва илова ҳисобварақларининг уларнинг иқтисодий мазмуни бўйича тизимлаштирилган руйхатидир.

Ҳисобварақлар режаси қуйдаги қисм ва бўлимлардан иборат:

I қисм: Узоқ муддатли активлар

1-бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар

II қисм: Жорий активлар

2-бўлим. Товар-моддий захиралар

3-бўлим. Булғуси даврлар ҳаражатлари ва туланиши кечиктирилган ҳаражатлар, — жорий қисм.

4-бўлим. Олиш учун туловномалар

5-бўлим. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар

III қисм. Мажбуриятлар

6-бўлим. Жорий мажбуриятлар

7-бўлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар

IV қисм. Хусусий (уз) сармоя

8-бўлим. Сармоя, фойда ва резервлар

V қисм. Молиявий натижаларни шакллантириш ва ишлатиш

9-бўлим. Даромад ва ҳаражатлар

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг намунавий режаси асосида корхона бош бухгалтери мазкур корхонада ишлатиладиган ҳисобварақлар ишчи режасини ишлаб чиқади.

Катта бўлмаган (кичик) корхоналарда ҳисобварақларнинг қисқартирилган режасидан фойдаланилса бўлади.

Ҳисобварақлар режаси мулкчилик шаклидан қатъи назар халқ ҳужалиғи тармоқларининг ҳужалик ҳисобидаги корхоналари учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Ҳз ишининг Ҳзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган махсус ҳисобварақлар режаларига эга бўлган бюджет ташкилотлари ва банк тузилмалари бундан мустасно.

Ҳисобварақлар режасини қўллашга доир стандартда уларнинг иқтисодий мазмуни ва мақсадига кура жамлама ҳисобварақлар ва илова ҳисобварақларнинг тавсифлари, шунингдек характерли ҳужалик операцияларини ҳисобга олиш тартиби келтирилиши керак. Ҳар бир ҳисобварақ учун ҳисобварақларнинг бухгалтерия ҳисоби бошқа ҳисобварақлари билан корреспонденцияси келтирилади.

1.9. Корхона мол-мулкини унинг таркиби ва функционал роли буйича таснифлаш

Ташкилотнинг ҳужалик фаолияти умумлаштирилган кўринишда бухгалтерия ҳисоби предмети ҳисобланади, у Ҳз навбатида, бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги аниқ объектларидан ташкил топади:

- корхона мол-мулки (натура ва пул ифодасида асосий воситалар ва АТЎД ҳамда пул маблағлари);
- ушбу мол-мулкни ҳосил этиш манбалари;
- корхонанинг ҳужалик фаолиятида юз бераётган жараёнлар, улар ҳужалик операциялари орқали ифодаланади.

Мол-мулк деганда моддий ва пул бойликлари жамлиғи, шунингдек бошқа ташкилотлар ва шахслар билан юридик муносабатлар (мажбуриятлар) тушунилади.

Ҳужалик операциялари мол-мулк таркиби, жойлаштирилиши ва уни ташкил этиш манбалари-


да узгаришларни юзага келтирадиган алоҳида хужалик ҳаракатлари билан тавсифланади. Бунда хужалик операциялари:

- фақат ташкилот мол-мулкига;
- фақат уни ҳосил этиш манбаларига;
- бир вақтнинг ўзида мол-мулкка ҳамда унинг манбаларига дахл этиши мумкин.

Барча мол-мулк икки гуруҳга бўлинади:

- оборотдан ташқари активлар;
- оборот активлари.

Батафсилроқ тасниф қуйида келтирилган (1-чизма).



1-чизма

Оборотдан ташқари активлар (воситалар) қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- узоқ давр мобайнида (бир йилдан кўп) хизмат қилади;
- аста-секин бир неча йил мобайнида эскиради ва узининг баланс қийматини амортизация

орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига утказади.

Оборотдан ташқари активлар ўз қийматини тайёр маҳсулотга (ишлар, хизматларга) қисмлар билан (аста-секин) улар хизматининг бутун норматив муддати мобайнида эскиришни ҳисоблаб ёзиш (амортизация) йўли билан утказади.

Оборотдан ташқари активлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

асосий воситалар — узок вақт даври мобайнида (бир йилдан кўп) моддий ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларида ҳаракат қиладиган, шунингдек ижарага топшириш учун ҳам ишлатиладиган моддий активлар;

номоддий активлар — жисмоний моҳиятга эга булмаган, лекин ташкилотга даромад келтирадиган ёки унга муайян фаолият билан шўғулланиш ҳуқуқини берадиган ҳамда қиймат баҳосига эга булган узок муддат фойдаланиладиган объект (ер, сув, бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар ва бошқа шу сингари объектлар).

Номоддий активлар қуйидаги фарқловчи хусусиятларга эгадир:

- мазкур активлардан фойдаланиш муддати бир йилдан ошади;
- корхонанинг даромад олишига кўмак беради;
- амортизация тенг маромда ҳисобланади, номоддий активларнинг баъзи турлари (товар белгилари ва ҳоказо) бундан мустасно.

Капитал қўйилмалар — корхонанинг қурилиш-монтаж ишлари, ускуналар хариди, бошқа капитал ишлар ва харажатларга доир сарф-харажатлари.

Узок муддатли (бир йилдан ортиқ) молиявий қўйилмалар — даромад олиш мақсадидаги ха-

ражатлар (масалан, бошқа ташкилотларга инвестициялар, заёмлар бериш, шубба ва тобе жамиятларга инвестициялар).

Оборот активлари оборотдан ташқари активлардан фарқли улароқ доимий айланишда булади. Улар, одатда:

- фақат бир ишлаб чиқариш цикли (оборот)да хизмат қилади;
- уз натура шаклини йўқотади (қайта ишланади ёки бир шаклдан бошқасига ўтади);
- уз қийматини дарҳол бир ишлаб чиқариш циклида тайёр маҳсулотга (ишлар, хизматларга) ўтказати.

Оборот активларининг ушбу хусусияти корxonани доимо маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш захираларини янгилашга, яъни уларни харид қилишга мажбур этади.

Оборот активлари уз ичига қуйидагиларни олади: **ишлаб чиқариш захиралари**, улар меҳнат предметлари захиралари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, идиш), АТЭБ қурилишидаги корхона омборларида жойлашган меҳнат воситалари бир қисми ва ҳоказолардан иберат;

пул маблағлари, улар банклардаги жорий, ҳисоб-китоб, валюта ҳисобварақларида ва корхона кассасида булади;

ҳисоб-китоблардаги маблағлар — дебиторлик қарзининг турли хиллари, яъни юклаб жунатилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар учун бошқа ташкилотларнинг, ҳисобдор шахсларнинг қарзлари ва бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ортиқча тулашларга доир қарз суммалари, шубба ва уюшган корxonалар қарзи ва ҳоказо;

қисқа муддатли молиявий қўйилмалар — бир йилдан кам муддатга қўйиш муддатлари буйича қиматли қоғозлар.

1.10. Корхона мол-мулкини унинг ҳосил булиш манбалари буйича таснифлаш

Бошланғич босқичда устав сармоясини (жамгармасини) шакллантириш корхона мол-мулкини ҳосил қилиш манбалари булиб ҳисобланади, уларга қуйидагилар кириши мумкин:

- устав сармоясига муассисларнинг пул бадаллари;
- корxonани барпо этиш чоғида давлат қўйилмалари;
- мол-мулк, қимматли қоғозлар, номоддий активлар ва ҳоказолар кўринишида муассисларнинг бадаллари.


Кейинги босқичларда корхона мол-мулкини ҳосил қилиш манбалари қуйидаги йўналишларда кенгайтирилиши мумкин:

- солиқлар тўланганидан кейин корхона тасаруфида қоладиган фойдадан ҳосил этилган турли шакллантирилган фондлар ҳисобига (резерв сармояси, қўшилган сармоя ва корxonани ривожлантириш фонди);
- қарз ва кредит пул ресурслари ҳисобига;
- акциядорлар умумий йиғилишининг уставга жамгармасини кўпайтириш хусусидаги қарори буйича йўналтирилган дивидендлар ҳисобига;
- мақсадли молиялаш;
- бошқа мажбуриятлар.

Айтилганларни умумлаштириб, таъкидлаш мумкинки, корхона мол-мулкини шакллантириш манбалари булиб унинг ўз маблағлари ва кредиторлардан қабул қилинган мажбуриятлар ҳисобланади (2-чизмага қаралсин).

Устав сармояси (жамгармаси) — корхона барпо этилганида унинг фаолиятини таъминлаш

учун муассисларнинг (мулкдорларнинг) мол-мулка таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда улушларининг пул ифодасидаги жамлиги (асосий воситалар, номоддий активлар, оборот ва пул маблавлари қиймати).



2-чизма

Молиявий натижа — ташкилот ўз сармояси қийматининг усиши (ёки камайиши) ҳисобот даврида унинг тadbиркорлик фаолияти жараёнида ҳосил бўлади. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойда ва зарар (йўқотиш)ларни ҳисоблаш ва баланслаштириш йўли билан аниқланади. Бундай мақсад учун фойда ва зарарлар ҳисобварағи хизмат қилади. Ушбу ҳисобварақдаги сальдо (дебетли — зарар, кредитли — фойда) ҳисобот даври бошланишидан ташкилот фаолиятининг молиявий натижасини тавсифлайди. Операциялар фойда ва зарарлар ҳисобварағида кумулятив принцип бўйича акс эттирилади, яъни фойда ва зарарлар кўрсаткичлари ҳисобва-

рақда ҳисобот йили бошланишидан ушиб борувчи якун билан жамғарилади. Ҳисобварақ буйича сальдо ҳисобот йили бошланишидан барча фойда ва зарарларни баланслаштириб олинади.

Фойда — йил бошланишидан ҳисобот даврига ча маҳсулот, ишлар, хизматлар, моддий бойликлар, асосий воеиталар сотилишидан олинган қорхона даромадларининг харажатлардан ошиб кетган суммаси, бунга сотишдан ташқари даромадларнинг харажатлардан ошиб кетиши ҳам киради.

Соф фойда — солиқ туловлари туланганидан кейин фойданинг капитал қўйилмаларга ва асосий ҳамда оборот сармойасини устиришга, утган йиллар зарарларини қоплашга, резерв сармойасига ажратмаларга, шунингдек мулкдорларга дивиденд ва даромадлар тўлашга йуналтириладиган қисми.

Халқаро ҳисоб амалиётида соф фойда ҳисобидаги харажатларни тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисобварағида акс эттириш қабул қилинган. Бундай услубиятни қўллаш капитал қўйилмаларда ва мол-мулкни жамғаришга доир бөнқа операцияларда фойдаланиладиган фойданинг бухгалтерия ҳисоби бозор усулларига қадар икки хил маънода бўлишини бартараф этиш имконини беради.

Тақсимланмаган фойда — ташкилот акциядорлари ва мулкдорлари ўртасида дивидендлар куринишида тақсимланмаган соф фойда суммаси. Пайдо бўлиш пайтида ҳисобот давридаги бутун соф фойда тақсимланмаган, лекин акциядорлар ёки муассислар белгилайдиган қоидалар буйича тақсимлашга тайёр фойда сифатида белгиланиши мумкин.

Дивиденд — соф фойданинг ширкат ёки акциядорлик жамиятининг акциялар ва муассислар ўртасида тақсимланадиган, ҳар бир акцияга тўғри келадиган ёки муассиснинг ширкат устав сармойесидаги улушига мутаносиб бўлган бир қисмидир.

Дивидендлар ҳар чорақда, бир маротаба чорақда, ярим йилда (оралиқ бунақ туловлари) ёки бир маротаба йилда (йил натижалари бўйича) туланади. Дивиденд миқдори акциянинг номинал қийматига фоизларда ёки битта акцияга суммарда эълон қилинади. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденд миқдори ёки уни белгилашнинг узгармас усули шундай акцияларни чиқариш пайтида белгиланади. Дивидендлар уларни солиққа тортишни ҳисобга олмасдан эълон қилинади.

Чорақда ёки ярим йил учун туланидиган дивидендлар оралиқ (бунақ) дивидендлари ҳисобланади. Уларни акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши эълон қилади. Оддий акциялар бўйича дивидендларнинг якуний суммаларини (ҳисобот йили натижалари бўйича) кузатув кенгашининг таклифига кура акциядорларнинг умумий йигилиши эълон қилади. Дивидендлар кузатув кенгаши тавсия этганидан ошиб кетадиган миқдорларда эълон қилиниши мумкин эмас, бироқ акциядорлар йигилиши дивидендлар миқдорини камайтириши мумкин.

Резервлар ва молиялаш, мақсадли молиялашлар ва тушумлар — гумонли қарзлар, булғуси харажатлар ва туловлар, мол-мулкни хусусийлаштириш пайтида мақсадли тушумлар бўйича ишлатилмаган резерв суммалари.

Банк кредитлари — банкдан олинган қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссудалар суммалари (сундирилмаган).

Қарз (заём) маблағлари — корхона томонидан чиқарилган ва сотилган облигациялар суммалари, қарз берувчилардан олинган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар ва ҳоказо.

Мақсадли молиялаш — мақсадли хусусиятга эга бўлган муайян тадбирларни молиялаш учун бюджетдан ёки тармоққа доир махсус фондлардан олин-

ган маблағлар. Масалан, корхонани таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш учун олинган маблағлар.

Бошқа мажбуриятлар — корхонанинг иш ҳақи, пенсия жамғармаси, бюджет ва ҳоказолар буйича ҳисоблаб ёзилган, лекин туланмаган кредиторлик қарзи.

1.11. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш учун мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалиқ операциялари баҳолашнинг керак. Баҳолаш пул ифодасида ҳақиқатда қилинган харажатларни қўшиш йули билан амалга оширилади.

Корхона, муассаса мол-мулк ва хўжалиқ операцияларини Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган валютада баҳолайди.

Бухгалтерия ҳисобидаги корхона, муассасанинг валюта ҳисобварақлари буйича, шунингдек уларнинг хорижий валютадаги операциялари буйича ёзувлар Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган валютада, хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг операцияларни содир этиш санолида амал қилган пул буйича ҳисоботи йули билан белгиланадиган суммаларда амалга оширилади. Айни вақтда курсатилган ёзувлар ҳисоб-китоб ва туловлар валютасида амалга оширилади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ оборот активларини баҳолаш баланси тузиш санолида икки хил баҳолашнинг энг пасти — ҳақиқий таннарх (харид нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор нархи (сотишнинг соф қиймати) буйича амалга оширилади. Асосий воситалар ва номоддий активлар уларнинг тулиқ дастлабки қиймати буйича ҳисобга олинади. Асосий восита-

лар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш улар қиймати тулиқ сундирилиши еки объектнинг чиқиб кетишига эскириши (амортизацияни) ҳисоблаб езиш йули билан амалга оширилади. Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Ер қиймати амортизацияга тортилмайди. Молиявий қуйилмалар бухгалтерия ҳисоби андозаларига мувофиқ ҳисобга олинади. Мажбуриятлари тарафларнинг келишувига мувофиқ пул ифодасида акс эттирилади. Суд ҳукмига кура юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади. Булгуси мажбуриятлари реал дастлабки баҳолаш буйича акс эттирилади.

1.12. Баланс ва унинг таркиби

Молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларида бири булиб корхонанинг бухгалтерия баланси ҳисобланади.

Баланс (французча *balance* — мувозанат) — корхона молиявий ресурсларининг ҳосил булиш манбалари (баланс пассиви) уларни жойлаштириш манбаларига (баланс активи) тенглигидир.

БҲМСга кура, *бухгалтерия баланси* — корхонанинг хужалик маблағлари ва улар манбаларини умумлаштириш ва гуруҳлаш усули, шунингдек хужалик операцияларини муайян вақт даври учун муайян санага акс эттириш натижаларидир.

Бухгалтерия балансини тузишнинг асоси булиб бухгалтерия ҳисоби объектларини қушалоқ тарзда гуруҳлаш: таркиби ва функционал роли, ҳосил булиш манбалари ва мақсадли аҳамияти буйича гуруҳлаш ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси тузилишига кура икки томонли жадвални эслатади: *унинг чап томони* —

актив хўжалик маблағлари таркиби ва жойлаштирилишини акс эттиради, **унг томони** — **пассив** маблағларнинг ҳосил бўлиш манбалари ва уларнинг мақсадли вазифасини акс эттиради.

Баланс активлари — корхона тасарруфида бўлган, улардан фойдаланиш келгусида фойда келтирини эҳтимол бўлган иқтисодий ресурслардир.

Активлар — моддий воситалар, шу жумладан пул маблағлари ва дебиторлик қарзи ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг қиймат баҳосига эга бўлган номоддий мол-мулкидир. Активда мужассамланган бўлгуси иқтисодий фойда хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари оқимига бўлгуси бевосита ёки билвосита улущдир. Ушбу улущ хўжалик юритувчи субъект асосий фаолиятининг бир қисми сифатида юзага келиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект активлари аввалги битимлар ёки бошқа воқеаларнинг натижаси ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар одатда уларни харид қилиб ёки ишлаб чиқариш активларини оладилар, бироқ бошқа битимлар ёки воқеалар ҳам активларни ҳосил қилиш имконини беради. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳукуматдан олган кучмас мулки. Келгусида кутиладиган битимлар ёки бошқа воқеалар уз ҳолича активларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди.

Хўжалик юритувчи субъект уз активларидан мулкни бошқариш, товар-моддий бойликлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар курсатиш учун фойдаланади.

Активда мужассамланган бўлгуси иқтисодий фойдаларни хўжалик юритувчи субъект турли йуллар билан сотиши мумкин. Масалан, активдан:

- товар-моддий захиралар ишлаб чиқаришда ёки хизматлар курсатишда алоҳида ёки бошқа активлар билан биргаликда фойдаланиш мумкин;

- уни бошқа активларга айирбонлаш;
- мажбуриятларни сундириш учун фойдаланиш;
- хужалик юритувчи субъект мулкдорлари уртасида тақсимлаш мумкин.

Бинолар, иншоотлар ва ускуналар синғари активлар ҳам физик шаклда эгалдир. Бирок физик шакл активнинг мавжуд булиши учун зарур шарт ҳисобланмайди. Масалан, агар хужалик юритувчи субъект келгусида уларни ишлатишдан фойда олишни кутса, патент ва муаллифлик ҳуқуқлари актив ҳисобланади.

Активлар, масалан, дебиторлик қарзи ва мулк, шу жумладан эгаллик қилиш ҳуқуқи юридик ҳуқуқлар билан боғланган. Активнинг мавжудлигини белгилаш чоғида эгаллик қилиш ҳуқуқи асосий ҳуқуқ ҳисобланмайди. Масалан, агар хужалик юритувчи субъект ана шу мулкдан олинини керак булган фойдани назорат қилса, ижарага олинди-ган мулк актив деб ҳисобланади.

Харажатларни амалга ошириш билан активларни барпо этиш уртасида чамбарчас алоқа мавжуд, лекин ушбу жараёнлар ҳар доим вақт буйича мос келавермайди. Хужалик юритувчи субъект амалга оширадиган харажатлар булгуси иқтисодий фойдаларни излаш юз берганидан тувоҳлик бериши мумкин, лекин актив олининининг узил-кесил тасдиғи ҳисобланмайди. Бинобарин, харажатларнинг йўқлиги объектни актив деб ҳисоблаш учун асос эмас. Масалан, хужалик юритувчи субъектга бепул берилган объектлар актив таърифига мувофиқ келади.

Корхона баланси активи икки бўлимдан иборат:

1. Узоқ муддатли активлар.
2. Оборот активлари.

Узоқ муддатли активлар, уз навбатида, қуйидагилардан иборат:

- мулкӣ активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, қимматли қоғозлар ва ҳоказо);
- номоддий активлар;
- шуъба ва бошқа корхоналарга берилган заёмлар;
- узоқ муддатли инвестициялар (масалан, бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига узоқ муддатли қўй қўйидагилардан иборат:
- бошқа активлар.

Оборот активлари қўйидагилардан иборат:

- маҳсулот, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши учун зарур ишлаб чиқариш захиралари ва оморлардаги тайёр маҳсулот;
- корхонанинг турли ҳисоб-китоб ва жорий ҳисобварақларидаги пул ва валюта ресурслари;
- қисқа муддатли қўйилмалар (масалан, муомала муддати бир йилдан кам булган қимматли қоғозларга ва ҳоказо);
- акциядорлардан сотиб олинган ўз акциялари;
- дебиторлик қарзи (масалан, харидорларга юк-лаб жунатилган маҳсулот учун, етказиб берувчиларга бунақ тўловлари ва бошқа ҳисоб-китоблар).

Баланс пасивы — корхонада маблағларни ҳосил қилиш манбалари, улар ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятлардан иборат.

Баланс пасивы икки бўлимдан иборат:

1. Ўз маблағлари манбалари.

2. Мажбуриятлар.

Ўз маблағлари манбалари қўйидагилардан иборат:

- фаолиятга доир ўз сармоysi, резерв ва даромадлари;
- мақсадли тушумлар (масалан, таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш учун бепул ажратилган давлат субсидиялари).

*Ўз сармояс*и устав, қўшилган, резерв сармоялари ва тақсимланмаган фойдадан иборат. Зарурат туғилганда устав, қўшилган, резерв сармоялари тахлили жihatдан ҳисобга олиниши мумкин. Бухгалтерия балансида ўз сармояс, ҳажми активлар ва мажбуриятлар қийматини баҳолашга боғлиқдир.

Хужалик юритувчи субъект ва кредиторларни зарарлар оқибатларидан қўшимча ҳимоя билан таъминлаш учун *резервларни* яратиш зарур. Резервларни яратиш ва уларнинг ҳажми тўғрисидаги ахборот қарор қабул қилиш чоғида фойдаланувчилар учун аҳамиятга эга. Резервларни яратиш қонун ҳужжатларида ёки (солиқ қонунчилигини бузмаган ҳолда) хужалик юритувчи субъектнинг уставида назарда тутилади.

Молиявий хужалик фаолиятини амалга ошириш пайтида пул шаклида ҳисобга олинган, олинган иқтисодий фойда *даромад* бўлади.

Ялпи даромад ўз ичига хужалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларни олади. Асосий хужалик фаолиятидан олинган даромад — хужалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида юзага келадиган давр мобайнида тушумлар, бунда ана шу тушумлар ўз сармоясининг қўнайишига олиб келади, эгаларининг ўз сармоясига бадаллари билан боғлиқ қўнайишлар бундан мустасно.

Жорий нархлардаги қиймат — актив сотилиши ёки мажбурият сўндирилиши мумкин бўлган суммадир.

Асосий хужалик фаолиятига доир даромад хужалик юритувчи субъект унинг ҳисобига олган ёки олиши керак бўлган ялпи тушумлардангина иборат. Учинчи шахслар номидан ундириладиган суммалар, масалан, хужалик юритувчи субъектга келиб тунадиган ва ўз сармоясининг қўнайишига олиб

келмайдиган билвосита солиқлар асосий хужалик фаолиятдан олинадиган даромадларга киритилмайди. Воситачилик фаолияти чоғида ялпи тушумлар асосий хужалик фаолиятдан олинадиган даромад ҳисобланмайди. Ушбу ҳолда комиссиян тақдирлашлар суммаси даромад ҳисобланади.

Асосий фаолиятга доир даромад маҳсулот, ишлар, хизматлар, товар-моддий захираларни сотишдан, шунингдек, хужалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятига боғлиқ ҳолда, тақдирлашлар, фойзалар ва дивидендлар, гонорарлар ва рента куришишида олинishi мумкин.

Хужалик юритувчи субъект томонидан асосий бўлмаган фаолият натижасида олинадиган даромадлар даромад таърифига мос келадиган ва концептуал асоснинг алоҳида таркибий элементлари сифатида қаралмайдиган моддаларни ўз ичига олади.

Биржада муомалада бўладиган ва бошқа қимматли қозғаларни қайта баҳолаш асосий бўлмаган фаолият натижасида юзага келадиган даромадларга мисол бўла олади. Бундай даромадлар, агар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинса, алоҳида кўрсатилади, чунки иқтисодий қарорлар қабул қилиниши чоғида улар тўғрисидаги ахборот фойдали булиши мумкин.

Солиқ солинадиган даромад — ҳисобот даври учун солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланган даромад суммасидир.

Боқиманда — солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан белгиланган муддатда туланмаган солиқ ёки йиғим суммаси.

Мол-мулк, фойда, даромад, сотилган товарлар (бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар) қиймати ёки мавжудлиги солиқ туловчида солиқ тулаш мажбуриятини юзага келтирадиган қиймат, миқ-

дор ёки жисмоний тавсифга эга булган бошқа иқтисодий асос солиқ солиш объектлари була олади.

Ҳар бир солиқ Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган солиқ солишнинг мустақил объектига эгадир.

Солиқ базаси солиқ солиш объектининг қиймат, жисмоний ёки бошқа тавсифини ўз ичига олади. Солиқ ставкаси солиқ базасининг улчов бирлигига солиқ ҳисобланмалари миқдорини ифодалайди. Солиқ базаси ва уни белгилаш тартиби, шунингдек солиқ ставкалари республика Солиқ кодексига биноан белгиланади.

Солиқ туловчилар солиқ базасини ҳар бир солиқ даврининг асослари бўлган бухгалтерия ҳисоби регистрларининг маълумотлари ва (ёки) солиқ солинадиган ёхуд солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарадилар.

Ўтган солиқ (ҳисобот) даврларига тааллуқли солиқ базасини ҳисоблашда хатолар (бузишлар)га йул қўйилгани аниқланганда, жорий (ҳисобот) солиқ даврида солиқ мажбуриятларининг қайта ҳисобкитоби улар содир этилган даврда амалга оширилади. Аниқ даврни белгилаш мумкин булмаган тақдирда хатолар (бузишлар) аниқланган ҳисобот даврининг солиқ мажбуриятлари тузатилади.

Солиқ даври деганда унинг тугаши билан солиқ базаси белгиланадиган ва туланидиган солиқ суммаси ҳисоблаб чиқариладиган алоҳида солиқларга нисбатан қўлланиладиган тақвимий йил ёки бошқа вақт даври тушунилади.

Солиқ ва йигим туловчиларнинг айрим тоифаларига тақдим этиладиган, солиқ ва йигимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, бошқа солиқ ёки йигим туловчиларга нисбатан афзалликлар, шу жумладан солиқ ёки йигим тўламаслик

ёхуд уни кам миқдорда тулаш имконияти солиқлар ва йигимлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади, яъни барча солиқ имтиёзлари билан умумий мақсадни — солиқ туловчининг солиқ мажбурияти миқдорини қисқартиришни кузлайди.

Солиқ ва йигимларни тулаш муддатлари тақвимий сана билан ёки йиллар, чорақлар, ойлар, ун кунлар, ҳафталар ва кунларда ҳисобланадиган вақт даври тугаши билан, шунингдек буладиган ёки юз берадиган воқеа ёхуд содир этилиши керак бўлган ҳаракат билан белгиланади. Солиқ ҳуқуқий муносабатлари иштирокчилари томонидан ҳаракатларни содир этиш муддатлари солиқ қонунчилигига биноан белгиланади.

Мажбуриятлар — ресурслар келиб тушишининг ташқи манбалари, уларга қуйидагилар киради:

- кредит ва заём ресурслари;
- мол етказиб берувчилар, ходимлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан кредиторлик қарзи;
- бошқа кредиторлик қарзи.

Хужалик юритувчи субъектнинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдида жорий жавобгарликка эгаллиги мажбуриятларнинг асосий хусусияти **ҳисобланади.**

Мажбуриятлар устав ёки шартнома талабларининг оқибати сифатида кучга киритилиши мумкин. Масалан, олинган товар-моддий захиралар ва хизматлар учун туланадиган суммалар. Мажбуриятлар яхши муносабатларни қўллаб-қувватлаш ёки бегараз тарзда ҳаракат қилишдек одатдаги амалий фаолият натижасида ҳам юзага келади. Масалан, агар хужалик юритувчи субъект кафолат муддати тугаганидан кейин ўз маҳсулоти камчиликларини тузатишга қарор қилса, уларга доир қилинган харажатлар ҳам мажбуриятлар ҳисобланади.

Ҳозирги ва келгусидаги мажбуриятлар ажратилиши керак. Хужалик юритувчи субъект раҳбарининг келгусида активлар харид қилиш туғрисида қабул қилган қарори мажбуриятлар пайдо бўлишининг сабаби ҳисобланмайди. Одатда актив олинган еки хужалик юритувчи субъект активни сотиб олиш туғрисида келишувга киришган ҳолдагина мажбурият юзага келади.

Тегишли мажбуриятни сундириш уз ичига хужалик юритувчи субъектнинг бошқа тарафнинг даъволарини қондириш учун иқтисодий фойдаларни муҷассамлаштирган ресурсларини жалб этади. Мажбуриятни сундириш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари):

- ҳақ тулаш;
- бошқа активларни бериш;
- хизматлар тақдим этиш;
- бир мажбуриятни бошқаси билан алмаштириш;
- мажбуриятни акцияга айирбошлаш билан.

Кредитор уз ҳуқуқларидан воз кечган еки кредитор ушбу ҳуқуқлардан маҳрум қилинган ҳолларда мажбурият сундирилган деб ҳисобланиши мумкин.

Мажбуриятлар аввалги битимлар еки аввалги воқеаларнинг натижаси ҳисобланади. Масалан, товар-моддий захиралар харид қилиниши ва хизматлар олинниши туланиши керак бўлган туловнома-лар олинниши билан бирга боради (агар улар олдинроқ еки етказиб бериш чоғида туланмаган бўлса).

Баланс хужалик воситалари ва уларни барпо этиш манбаларининг мавжудлиги ва таркибини назорат қилиш, шунингдек корхонанинг молиявий ҳолати, туловга қобиллиги, воситаларни жойлаштирганлиги, асосий воситалари эскириш даражасининг ички ва танқи фойдаланувчилар томонидан

таҳлил қилиниши учун зарур. Баланс таҳлили ички фойдаланувчиларга муайян бошқарув қарорларини қабул қилиш учун, ташқи фойдаланувчиларга — қўйилган молиявий ресурслар бутлиги ва ҳимоясини таъминлаш учун, шунингдек мазкур корхонага инвестицияланган маблағлардан муайян даромад олиш ва берилган маблағларни қайтариб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида зарурдир.

1.13. Бухгалтерия баланслари турлари

Бухгалтерия балансларининг бир неча турлари мавжуд, уларга қуйидагилар киради:

- сальдоли;
- оборот;
- кириш;
- якуний;
- тугатиш.

Сальдоли балансда муайян санадаги ҳолат буйича бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида пул маблағлари коллиқлари акс эттирилади.

Оборот балансида сальдоли балансга қўшимча равишда ҳисобварақлар буйича маблағлар, мол-мулк, номоддий активлар кўринишидаги интеллектуал эҳсон ва ҳимоялар қарамани (оборотчи) шўрири сидаги маълумотлар кўрсатилади.

Оборот баланси

| Актив / Пассив | Сатр коди | Ҳисобот даври бошла- нишига | Ҳисобварақлар буйича ҳаракат (оборот) | | Ҳисобот даври охирига |
|-------------------|--------------|--------------------------------------|---|--------------|-----------------------------|
| | | | қула- йиш | кама- йиш | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| Жами (баланс) | | | | | |

Ҳисобварақлар буйича оборот балансини тузиш

| Ҳисоб- варақ № | га сальдо | | Ой учун оборотлар | | га сальдо | |
|--------------------------|--------------|-------------|----------------------|-------------|--------------|-------------|
| | дебет | кре- дит | дебет | кре- дит | дебет | кре- дит |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| Жами (баланс) | | | | | | |

Корхона якуний баланси корхона фаолияти-га амалда яқунлар чиқарилган молиявий хужалик йили яқунлари буйича тузилади. Йил давомида оралиқ баланслар (чорақ, ярим йил ва тўққиз ой яқунлари буйича) тузилади. Якуний баланс узида корхонанинг хужалик ва молиявий фаолияти тўғрисидаги барча ахборотни бирлаштиради ва йил яқунлари буйича бухгалтерия ҳисобининг яқунловчи босқичини акс эттиради

Тугатиш баланси корхона фаолиятини тухта-тиш санасида мол-мулк ва унинг манбалари ҳолатини тавсифлаш учун тузилади. Тугатиш баланси асосида тугатиш комиссияси корхонанинг тугатиш пайтидаги кредиторлик ва дебиторлик қарзлари суммасини белгилайди, сўнгра кредиторлар билан узаро ҳисоб-китобларни амалга оширади, дебиторлик қарзини ундиради, сўнгра корхона ташкил этилиши чоғида устав сармоясига муассислар томонидан киритилган бадалларни қайтаради, кейин эса корхонанинг қолган мол-мулкни унинг муассислари ўртасида тақсимлайди, яъни барча узил-кесил узаро ҳисоб-китобларни амалга оширади.

1.14. Бухгалтерия ҳисобида асосий тенгламалар ва хўжалик операцияларининг корхона баланси таркибига таъсири

Бухгалтерия ҳисоби халқаро амалиётида баланс умумлашмалари соҳасидаги назарий ишланмаларда тенгламанинг икки асосий чизмаси ёритилган:

- баланс тенграмаси;
- балансининг капитал тенграмаси.

Қуйида келтирилган баланс тенграмаси асосан назарий функцияни бажаради. Бироқ корхона раҳбари ва бош бухгалтери уни аниқ тасаввур қилишлари ва доимий асосли таҳлил йўли билан у ёки бу хўжалик операцияларини ўтказиш чоғида унинг корхонанинг молиявий аҳволига таъсирини англашлари керак бўлади.

Баланс тенграмасининг умумий чизмаси қуйидаги курунишга эга:

Актив = Сармоя + Мажбуриятлар = Пассив,
бу ерда: Актив — жойлаштириш манбаи;
Пассив — ҳосил булиш манбаи.

Мантиқ нуқтаи назаридан *Актив — Пассив* узро боғлиқлиги қуйидагиларни англатади:

- тенгламанинг иккала томони ҳар доим мувозанат, яъни баланс ҳолатида жойлашиши керак;
- баланс пассивининг ҳар қандай ўзгариши унинг таркибий қисмлари (сармоя ёки мажбуриятлари) купайиши ёки камайишидан келиб чиқиши керак;
- агар мол-мулк ва бошқа бойликлар корхона ичида олиб ўтилса, пассив ҳеч қандай ўзгармайди;
- мол-мулк айрим қисмлари қийматининг ҳар қандай ўзгариши пассивнинг купайиши ёки камайишини юзага келтириши керак.

Баланс капитал тенгласи чизмаси, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Актив — Мажбуриятлар = Уз сармоя (ёки соф активлар).

Капитал тенглама корхона уз сармоясининг ҳолати ва ҳаракатини (қупайиши ёки камайиши) баҳолаш ҳамда улар туғрисидаги ахборотни шакллантириш учун зарур.

2-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ АҲБОРИЙ ТИЗИМ СИФАТИДА

2.1. Турли мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи миллий тизимларидаги фарқлар ҳамда уларнинг халқаро компаниялар фаолиятига таъсир кўрсатиш даражаси

Турли мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби амалиётидаги фарқларни ва уларнинг компания фаолиятига таъсир кўрсатиш даражасини бир неча устунлар билан баҳолаш мумкин, яъни:

— турли мамлакатларнинг бир неча бухгалтерия тизимини олинган даромадни ўлчаш бобида компания фаолиятининг натижалари бўйича қиёслаш;

— турли давлатлар молия тизимларини қиёслаш, уларнинг фарқларини белгилаш ва шу асосда бозор сармоялаштиришидан келиб чиқиб компания соф активлари қийматини белгилаш;

— бухгалтерия ҳисобининг турли тизимларида белгиланган ва ҳар бир мамлакатда амал қиладиган алоҳида (махсус) талабларни аниқ компания мисолида қиёслаш;

— ~~ушбу мамлакатларнинг~~ қабул қилинган солиқ сиёсатидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобининг турли тизимларига нисбатан белгиланган талабларни қиёслаш ва ҳоказо.

Биринчи усулни қўллаш мисолида компаниянинг бухгалтерия ҳисоби турли тизимлари қоидалари бўйича ўлчанган даромадлилиги қандай ўзгараётганини кўриш мумкин. Чунончи, Д'Ильерс (D'illers, 1990) акцияга доир даромадни бухгалтерия ҳисоби уч тизими қоидаларига асосланиб ҳисоблайдиган Европа компаниясини мисол қилиб келтиради, унинг натижаси немис қоидаларига кўра 3 экюни, фран-

пуз қоидаларига биноан 4 экио ва Британия қоидалари буйича 6 экиони ташкил этган.

Турли давлатларнинг молия тизимларини қиёслаш, уларнинг фарқларини белгилаш ана шу фарқларни куриб чиқиш ва трансмиллий компаниялар (ТМК) ҳисоботида уларни силлиқлашга уриниш имконини беради. Спайсер (Spicer) ва Оппенгейм (Oppenheim) асарларидан (1989) бир неча мисол келтирамиз:

- Голланд тизимида, масалан, асосий сармойнинг жорий қийматига афзаллик берилади, айни вақтда япон тизимида қайта баҳолашни утказиш тақиқланган ва дастлабки қийматдан фойдаланиш талаб этилади;

- АҚШда бир йилда қозин ҳисобдан сармоя риладиган, Норвегияда сармойлаштирилган тадқиқот ва ишланмалар харажатлари 5 йил давомида амортизацияланиши мумкин эмас (солиқ қонунлари талаблари туфайли унга жуда сийрак мурожаат қилдилар), Буюк Британияда ушбу харажатларни сармойлаштиришга рухсат берилган, лекин амортизация муддатлари билан чекланмайди ва бунда солиқ қонунлари ҳисоб сиесатини танлашга таъсир курсатмайди.

Турли давлатларнинг молия тизимларини қиёслаш, уларнинг фарқларини белгилаш ушбу фарқларни куриб чиқиш ва уларни силлиқлаштиришга уриниш, яъни турли мамлакатлардаги алоҳида компанияларнинг ишини енгиллаштириш мақсадида трансмиллий компаниялар (ТМК) ҳисоботини уйғунлаштириш ва стандартлаштириш имконини беради.

Молиявий ҳисоботни уйғунлаштириш ва стандартлаштириш қуйидаги ҳолларга олиб келиши мумкин:

- ТМК айрим компанияларининг бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш чоғида харажатларнинг камайишига;

- консолидацияланган бухгалтерия ҳисоботини тузиш чоғида бухгалтерия ҳужжатларини зарурий тузатишлар миқдорига доир харажатларни қисқартиришга;
- ТМҚ молиявий-ҳужалик фаолиятининг ягона курсаткичларини яратишга;
- аудиторлик текширувлари бўйича харажатларни қисқартиришга.

Зеро Европа трансмиллий компанияларининг молиявий ва бухгалтерия тизимлари фарқланиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар компаниянинг ишда ана шу муаммолар билан туқнашадиган булимлари умумий харажатларининг 10 дан 30% игача баҳоланади (Цекини (Cecchini), 1988).

2.2. Турли мамлакатларда бухгалтерия тизимларининг миллий хусусиятларини белгилайдиган омиллар

Ҳар бир мамлакатда асрлар мобайнида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг миллий хусусиятларга асосланган ўз тизимлари шаклланди ва ривожланди. Турли миллий бухгалтерия тизимларини барпо этиш ва уларнинг фаолият курсатиш хусусиятларига таъсир кўрсатадиган асосий омилларни кўриб чиқамиз. Улар:

- *етақчи назарийтчилар ва касбий ташкилотлар;*
- *у ёки бу тизимни қабул қилишнинг иқтисодий оқибатлари;*
- *мамлакатда шаклланган иқтисодий вазиятлар;*
- *солиқ сиёсати;*
- *миллий хусусиятлар;*
- *юридик муҳит;*
- *корхоналарни молиялаш манбалари;*
- *бошқа мамлакатларнинг таъсири;*
- *мамлакатдаги умумий муҳит.*

Бухгалтерия ҳисоби тизимини ривожлантиришга етакчи назариётчилар ва касбий ташкилотларнинг таъсирига қўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Яққол кургазмалилик учун турли мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби миллий тизимига таъсирнинг айнан ухшаш омилига бир неча мисол келтирамиз. Чунончи, масалан, Финляндияда Марти Саарио бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига уз ёндашувини ишлаб чиқиб, бунда ургун пул массалари оқимига қўйди; Нидерландияда Теодор Лимперг «бизнес учун экономика» ёндашувига асос солди, у мазкур мамлакат бухгалтерия ҳисоби негизига қўйиб, бухгалтерия ҳисобидаги эски тизим ва ёндашувларни аста-секин сиқиб чиқаршти.

Айрим мамлакатларда бухгалтер касби энг нуфузли касблардан бири ҳисобланади ва шу сабабли малакали мутахассислар бухгалтерия ҳисоби тизimini шакллантиришда катта таъсирга эгадир.

Бухгалтерия ҳисоби у ёки бу тизимини қабул қилишнинг иқтисодий оқибатлари тартибга солишнинг ушбу соҳасида амал қилаётган қонунлар ва норматив ҳужжатларга боғлиқдир. Зеро ташқи фойдаланувчилар ишлатадиган ва шартномавий мажбуриятлар, молиявий операциялар, солиқ органлари билан узаро муносабатлар, иқтисодий қарорлар қабул қилиш, заёмлар маблағлар лимитини белгилаш ва ҳоказолар учун асосга айландиган мазкур корхона тўғрисидаги бухгалтерия ахборотининг қандай бўлиши қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тизимига боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисобида норматив ҳужжатларни узгартириш у ёки бу компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қабул қилинадиган бошқарув қарорларига анча кучли таъсир курсатади. Шу сабабли йирик компаниялар раҳбарлари ва бошқа

манфаатдор шахсларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимида улар учун энг мақбул қонунлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилинишида мамлакатнинг давлат ва қоиун чиқарув органларига таъсир курсатишга уринишлари ажабланарли эмас. Амалда деярли барча мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимининг иқтисодий оқибатларга таъсири қайд этилган. Zero алоҳида олинган компани-ялар ёки корхоналарга айрим имтиёз ва енгилликларнинг берилиши ҳар доим оғир иқтисодий оқибатлардан гувоҳлик беради.

Албатта, мамлакат миқёсида ҳам иқтисодий оқибатлар мавжуд (масалан, ҳисоб ва ҳисоботнинг инфляцион бухгалтерия тизимини барпо этишга олиб келадиган инфляция), улар ҳам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига кучли таъсир кўрсатади, яъни мамлакатдаги ҳақиқий иқтисодий вазиятни акс эттиради.

Солиқ сиёсати ҳам бухгалтерия ҳисоби тизimini шакллантиришга кучли таъсир кўрсатади. Чунинчи, баъзи мамлакатларда норматив — қонун ҳужжатлари бухгалтерия ҳисоботлари солиқ қонунчилигига мувофиқ тузилишини талаб этади. Германия ана шундай ёндашув пешқадамларидан бири ҳисобланади, ушунга шу мақсадлар учун «амалдорлик принципи» атамасини қўллайди. Бошқа мамлакатларда қонун ҳужжатлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи турли тизимлари орасидан танлаб олишга рухсат беради, бунда солиқ имтиёзларининг олинини танланган ҳисоб усулига боғлиқ булади.

Ҳар бир мамлакатнинг *миллий хусусиятлари* бухгалтерия ҳисоби тизимларини халқаро уйғунлаштиришга жуда кучли тарзда таъсир кўрсатади, чунки айрим мамлакатларнинг мутахассислари айти уларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини энг яхши деб ҳисоблайдилар ва унда ҳеч нарсани ўзгар-

тиришни хоҳламайдилар. Бундай фикрлар купинча хаддан ошган миллий гурурга асосланади. Бундай мутахассислар айти уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи стандартлари энг яхши булиб, бошқа мамлакатларда қўлланишга муносиб деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки бундай фикрлар хатодир, чунки турли мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби тизимида ўз камчиликлари ва ўз афзалликлари мавжуд.

Юридик муҳит мазкур тизимда ишлайдиган мутахассисларнинг ўз ҳуқуқларини таниш даражасига боғлиқдир. Чунончи, ҳуқуқни таниш юқори даражада бўлган жамиятда бухгалтерия ва аудиторлик хизматлари мутахассислари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг сингиреи ва бир навбатида талқин қилинадиган қоидаларига ҳамда бухгалтерия ҳисоби тизимида амал қиладиган, давлат ҳокимиятининг назорат қилувчи органлари билан низолар пайдо бўлганида ўз позициясини муваффақиятли ҳимоя қилиш имконини берадиган норматив, қонун ҳужжатларига эга бўлишга интиладилар. Zero бухгалтерия иши амалиети белгиланган қоидалар қанчалик аниқ таърифланганига ва бухгалтерия ҳисоб тизимида қабул қилинган норматив ва қонун ҳужжатлари амалиётда қанчалик изчил қўлланилишига кўп даражада боғлиқдир.

Корхоналарни молиялаш манбалари ҳам бухгалтерия ҳисоби тизимларини халқаро уйғунлаштиришга таъсир кўрсатади. Чунончи, масалан, агар корхонада молиявий ресурсларни шакллантириш акцияларни фонд биржасида сотиш орқали амалга оширилса, эълон қилинаётган бухгалтерия ахборотининг сифати анча юқори бўлади, чунки улар Европа иқтисодий ҳамжамияти томонидан фонд биржаларининг келишилган иши учун (листинг юритиш бўйича ва фонд биржаларида ахборот тўплаш) чиқарилган директивалар асосида шакллантирилади.

ди, бу эса Европада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини уйғунлаштиришга ижобий рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Хуеуенй келишувлар бўйича молиявий ресурсларни жалб этиш бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини уйғунлаштиришни унчалик рағбатлантирмайди.

Бошқа мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини шакллантиришга таъсири бутун бир қатор сабаблар билан юзага келиши мумкин. Айрим ҳолларда бундай таъсир соф тасодифий бўлиши мумкин. Масалан, бухгалтерия ҳисобининг француз «режали» тизими илк бор немислар томонидан иккинчи жаҳон уруши пайтида, мазкур мамлакатнинг босиб олиниши чоғида жорий этилган эди, бироқ француз ҳукумати ундан воз кечмади, ушбу тизимни иқтисодий бошқарувнинг фойдали воситаси деб тан олди.

Бир қатор мамлакатларнинг Британия ҳамжамиятига аъзолиги уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи Британия тизимининг таъсирига тортиди, бунда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига доир Британия қонунчилигининг айрим қисмларини танлаш мустақил равишда, ҳеч қандай тазйиқсиз, гоёта хилма-хил омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Мамлакатдаги умумий муҳит ҳам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини шакллантиришга таъсир кўрсатади, яъни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи соҳасидаги тартибга солиш муайян вақт пайтида шаклланган бирор-бир иқтисодий жараёнларга жавоб бўлиши мумкин. Булар: авж олган иқтисодий инқироз, инфляция, хилма-хил мулкчилик шакллари барпо этилиши (масалан, МДХ мамлакатларида), мамлакатда авжига чиққан жанжал (масалан, «МММ» туридаги бир қатор йирик акциядор

лик жамиятлари, суғурта компаниялари ва банклар сингари Россиядагидек) булиши мумкин.

Ана шу барча жараёнлар охир-оқибатда мамлакат иктисодиетини хавфсизлаштириш, юзага келган иктисодий вазиятнинг иктисодий оқибатларини минималлаштириш ва уз молиявий ресурсларини даромад олиш учун айрим корхоналарга қуйган инвесторларни хатардан холи қилиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимида қонун нормаларини тузатиш ва деталлаштиришга олиб келади.

2.3. Турли мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳокимият ваколатларининг халқаро ва миллий манбалари

Турли халқаро ташкилотлар турли мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимларини уйғунлаштиришни таъминлашга ҳаракат қиладилар. Улардан баъзиларини келтириб утамиз:

Халқаро бухгалтерия андозалари буйича қўмита (ХБАБҚ), уни 1973 йилдаёқ туққиз мамлакат: Канада, Австралия, Германия, Франция, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия ва АҚШнинг профессионал бухгалтерия тузилмалари таъсис этган. 1991 йилга келиб унга 79 мамлакатнинг 106 профессионал бухгалтерия ташкилоти аъзо булди ва бу вақтга келиб мазкур ташкилот 30 дан ортиқ андозани ишлаб чиқди ва эълон қилди, улар аста-секинлик билан ушбу мамлакатларда жорий этилапти.

Бухгалтерлар халқаро федерацияси (БХФ) 1997 йилда ташкил этилган ва ХБАБҚ билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Ана шу иккала ташкилот кўпгина умумий аъзо-

ларга эга. БХФ ХБАВҚ кенгашига 13 нафарга яқин аъзони тайинлаши мумкин ва ушбу ташкилот бюджетига 10% га қадар бадал киритади, яъни ХБАВҚ уз ишида БХФга ҳисобот топширади. БХФ халқаро бухгалтерия андозаларини ишлаб чиқиш билан шугулланмайди, балки бухгалтерия ишини халқаро миқёсда уйғунлаштириш билан шугулланади, яъни умумий ёндашув ва йўналишларни белгилайди, шунингдек Бухгалтерия ҳисоби бўйича европалик мутахассислар Федерацияси (БХБЕМФ) сингари минтақавий ихтисослаштирилган бухгалтерия органларининг ишига ёрдам беради.

Бироқ ҳозирги вақтда географик ва иқтисодий белгиларга кўра миллий ва минтақавий манфаатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини уйғунлаштиришга ягона ёндашувлар ҳозирча мавжуд эмас, лекин ана шу вақт ичида бозор кучлари бухгалтерия амалиётини уйғунлаштиришга анча кучлироқ ёрдам бериши мумкин деган умумий хулоса шаклланди. Масалан, халқаро бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини уйғунлаштиришга чет эл инвестицияларини олиш учун рақобат ёрдам бериши мумкин.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш чоғида миллий даражада ҳокимият ваколатлари манбаларига қуйидагилар кирди:

- қонун чиқарувчи органлар томонидан қабул қилинган меъёрий ва қонун ҳужжатлари;
- Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ва тармоқ вазирлик ва идоралари, касбий жамоат ташкилотлари (масалан, Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва ҳоказо) малакали мутахассислари иштирокида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва йуриқномалар.

2.4. Ҳуқуқий тартибга солиш ва бухгалтерия ҳисобини таъминлаш

Бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳуқуқий тартибга солиш — бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш шакли бўлиб, унинг воситасида иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги қонунчилик меъёрларида назарда тутилган талабларга мувофиқлаштирилади, яъни бухгалтерия ҳисоби мутахассислари талабнома-мажбуриятлари ва ижозат ҳуқуқлар куралишида намоён бўладиган давлат иродаси ўрин олган ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобини юритадилар.

Бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳуқуқий тартибга солиш ўз ичига ҳуқуқ меъёрлари, ҳуқуқий муносабатлар, юридик масъулият ва бошқа таркибий элементларни олади. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари давлат иродасининг ана шу талаб ва ижозатларига муносабат билдиради, яъни уларнинг ижобий муносабати белгиланган ҳуқуқий тартибга мувофиқ келадиган қонуний хатти-ҳаракатни ҳосил этади, салбий муносабат эса ноқонуний хатти-ҳаракатларни тувдиради, яъни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ҳуқуқ бузилишларини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизими учун асосий юридик база бўлиб «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонун ҳисобланади, унда бухгалтерия хизматлари мутахассислари, корхона раҳбарларининг бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бухгалтерия ҳисоби тизимидаги вазифа ва принциплар белгиланган.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун биринчи мартаба қонунчилик даражасида раҳбарлар, бухгалтерлар ва бошқа мансабдор шахслар учун асосий меъёрларни белгилайди, улар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи масалаларида унга амал қилишлари керак.

Мавжуд халқаро амалиёт бухгалтерия ҳисоби-ни норматив тартибга солишнинг тўрт даражали тизимини назарда тутлади.

Биринчи даража — қонун ҳужжатлари, масалан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун.

Иккинчи даража — асосий қоидалар мажмуи, яъни бухгалтерия андозалари. Мазкур даражада бухгалтерия ҳисоби билан боғланган шахслар томонидан бир хилда талқин этилиши учун асосий бухгалтерия тунунчалари ва принциплари (қоидалари) белгиланади. Жаҳон амалиётида 30 дан ортиқ стандарт қабул қилинган.

Учинчи даража — турли идоралар томонидан турли тармоқлар ва умуман мамлакат буйича ишлаб чиқиладиган бухгалтерия ҳисобини юритишга доир турли услубий кўрсатмалар, тавсиялар.

Тўртинчи даража — корхонада ҳисоб сиёсатини юритиш ва ҳужжатлар оборотини юритиш учун чиқарилган ички иш ҳужжатлари.

Мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизимини меъёрий тартибга солишнинг ана шу тўрт даражали тизимга жойлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Республикамызда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунни биринчи даражага киритиш мумкин.

Иккинчи даражага биз ҳозирча бизда ишлаб чиқиш босқичида булган бухгалтерия стандартларини киритишимиз мумкин. Ҳозирги вақтда 21-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби

туграсидаги низом» ва бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда бухгалтерия ҳисоботини тузиш чоғида услубий курсатмалар ҳисобланадиган бир қатор бошқа ҳужжатларни учинчи даражага киритиш мумкин.

Туртинчи даража ҳар бир корхонада мавжуд.

Шу тариқа республикамиз бухгалтерия ҳисоби тизими босқичма-босқич бухгалтерия ҳисоби миллий тизимга яқинлашмоқда.

2.5. Халқаро амалиётда бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг нисбати

Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ва солиқ ҳисоблари мавжудлигининг икки модели фарқланади.

Биринчи модель «континентал» деб номланади ва бухгалтерия ва солиқ ҳисоблари амалда мос тушадиган ва бухгалтерия ҳисоби барча фискал — ҳисоб вазифаларини бажарадиган қондани уз ичига олади. Континентал тизимга, хусусан, Германия, Швеция, Бельгия, Испания, Италия ва бошқа мамлакатларнинг ҳисоб тизимлари киради.

Бухгалтерия ва солиқ ҳисоблари нисбатининг *иккинчи модели «англосаксон»* деб номланади ва унга, асосан, АҚШ, Англия, Австрия, Канада ва бошқа мамлакатлар киради. Мазкур тизим ҳам бухгалтерия, ҳам солиқ ҳисобининг ёнма-ён мавжуд булиши ва юритилишини тақозо этади. Бироқ солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг ўрнини босмайди ва уни истисно этмайди, балки уз усуллари ёрдамида бухгалтерия ҳисобидан солиқ ва йигимларни ҳисоблаш учун бевосита фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб тизимида иштирок этиш даражаси бўйича уч турни ажратиш мумкин:

1. *Бухгалтерия солиқ ҳисоби.* Солиқ ҳисоби кўрсаткичлари фақат бухгалтерия ҳисоби маълумотларида шакллантирилади. Ҳисобланадиган солиқлар миқдори бўйича солиқ ҳисобининг мазкур тури белгилловчи ҳисобланади, чунки солиқ солишнинг мамлакатимиздаги тизими анъанавий равишда бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига йўналтирилган, бу эса бухгалтерия ҳисобининг универсаллигидан далолат беради.
2. *Аралаш солиқ ҳисоби.* Солиқ ҳисоби кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида, лекин солиқ солиш мақсадлари учун муайян усуллардан фойдаланиб шакллантирилади. Солиқ ҳисобининг мазкур усулида солиқ тўловчи дастлаб ўз бухгалтерия ҳисобининг кўрсаткичларидан фойдаланади, шундан сўнг олинган кўрсаткичларни солиқ қонунчилигида назарда тутилган махсус услубият бўйича тuzатади.
3. *Мутлақ солиқ ҳисоби.* Солиқ ҳисоби кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобининг иштирокисиз шакллантирилади. Солиқ тўловлари бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг иштирокисиз ҳисоб-китоб қилинадиган ҳоллар анча кенг тарқалган. Чунинчи, божхона бождари, давлат божи, сув учун тўлов ва ҳоказолар бухгалтерия кўрсаткичларининг иштирокисиз ҳисобланади.

2.6. Бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар

Корхона фаолияти туғрисидаги молиявий ахборотдан манфаатдор бўлган томонларни шартли равишда икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

- **ички фойдаланувчилар;**

- **ташқи фойдаланувчилар.**

Ички фойдаланувчиларга маъмурият, яъни корхонанинг бошқарув ходимлари киради.

Маъмурият — корхонада унинг фаолиятини бошқариш ва унинг олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун тулиқ жавобгар булган кишилар гуруҳидир. Корхонанинг мақсадлари куп, лекин қаттиқ рақобат шароитида муваффақият ва яшаб қолиш маъмуриятдан саъй-ҳаракатларни иқтисодий нуқтаи назардан икки асосий омилга жамлашни талаб этади:

- **рентабеллик (фойдалилик);**

- **корхонанинг ликвидлиги;**

- **туловга қобиллик.**

Фойдалилик — молиявий-хужалик фаолиятидан корхонанинг бундан кейинги барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун етарли даромад (фойда) олиш қобилиятидир.

Ликвидлик — белгиланган муддат доирасида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини тулаш учун пул ва бошқа тулов воситаларининг етарлича мавжудлигидир.

Ички фойдаланувчилар ишлаб чиқариш ва молиявий тусда турли қарорларни қабул қиладилар. Масалан, ҳисобот негизида корхонанинг истиқболли молиявий режаси тузилади, шаклланган талабни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот сотиш ҳажмларини кўнайтириш ёки камайтириш, сотидаётган товарлар нархлари тўғрисида қарорлар қабул қилинади, корхонада ички ва ташқи (ташқаридан жалб этилган) пул ресурсларини инвестициялашнинг асосий йўналишлари, шунингдек тижорат банклари кредитларини жалб этишнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳоказолар белгиланади. Шубҳасиз бундай қарорларни қабул қилиш учун корхона хужалик-

молиявий фаолиятининг ўз вақтидаги ва сифатли таҳлили, энг аниқ ахборот талаб қилинади, чунки акс ҳолда корхона катта зарар куриши ва ҳатто банкрот бўлиши мумкин.

Туловга қобиллик молиявий мажбуриятларни ўз вақтида сундириш учун пул маблағлари мавжудлигини англатади.

Молиявий ҳисобот ва ахборот бозор шароитида *ташқи фойдаланувчиларнинг* яна бошқа икки гуруҳи: корхоналар фаолиятидан бевосита манфаатдор булган ва ундан билвосита манфаатдорлар учун ҳам қизиқиш уйғотади.

Биринчи гуруҳга қуйидаги фойдаланувчилар киради:

- корхона ўз маблағлари ҳиссасининг купайиши ёки камайишини белгилаш ва корхона раҳбарияти томонидан ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш зарур булган корхона маблағларининг мавжуд ва булғуси мулкдорлари;
- кредит тақдим этиш ёки узайтиришнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, кредитлаш шартларини белгилаш, кредитни қайтарин ~~маблағларини~~ кучайтириш, миқоз сифатида корхонага ишончни баҳолаш учун ҳисоботдан фойдаланадиган мавжуд ва булғуси кредиторлар;
- мазкур миқоз билан амалий алоқаларнинг ишончлилигини белгилайдиган мол етказиб берувчилар ва харидорлар;
- солиқлар ҳисоб-китобининг туғрилигини текширадиган, ҳукуматнинг солиқ сиёсати самарадорлигини таҳлил қиладиган аввало солиқ органлари тимсолида давлат;
- ҳисобот маълумотларига уларнинг иш ҳақи даражаси ва мазкур корхонадаги иш истиқ-

боллари нуқтаи назаридан қизиқадиган компания хизматчилари.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг *иккинчи гуруҳи* — корхона фаолиятидан манфаатдор бўлмаган шахслардир. Бироқ ҳисоботни урганиш уларга ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг биринчи гуруҳи манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурдир. Ушбу гуруҳга қуйидагилар киради:

- фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисобот маълумотларининг муайян қоидаларига мувофиқлигини текширадиган аудиторлик хизматлари;
- ўз мижозларига уларнинг сармояларини у ёки бу компанияга қўйишда қарор тавонувчилар ишлаб чиқиш мақсадида ҳисоботдан фойдаланадиган молиявий масалалар буйича маслаҳатчилар;
- тегишли фирмаларни рўйхатга олиш чоғида ҳисоботда тақдим этилган ахборотни баҳолайдиган, бирор-бир компаниянинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қиладиган, ҳисоб усудларини ўзгартириш ва ҳисобот тузиш зарурлигини баҳолайдиган қимматли қорозлар биржалари;
- қонун чиқарувчи органлар;
- контрактлар шартларининг бажарилишини баҳолаш, фойдани тақсимлаш ва дивидендлар тулаш чоғида қонун меъёрларига риоя этиш учун, шунингдек пенсия таъминоти шартларини белгилаш учун ҳисобот ахборотига эҳтиёж сезадиган юристлар;
- ҳисоботдан шарҳлар тайёрлаш, айрим компаниялар ва тармоқлар фаолиятининг ривожланиш тамойилларини баҳолаш ва таҳлил қилиш, молиявий фаолиятнинг прогноزلанадиган кўрсаткичлари ҳисоб-китоби учун

фойдаланадиган матбуот ва ахборот агентликлари;

- ҳисоботдан тармоқлар бўйича статистик умумлашмалар ва тармоқ даражасида фаолият натижалари қиёсий таҳлили ҳамда уларни баҳолаш учун фойдаланадиган савдо-ишлаб чиқарини уюшмалари;
- иш ҳақи ва меҳнат келишувлари шартларига нисбатан ўз талабларини белгилаш, шунингдек мазкур корхона тааллуқли бўлган тармоқни ривожлантириш тамойилларини баҳолаш учун ҳисобот ахборотидан манфаатдор касаба уюшмалари.

Хужалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун очиқ бўлиши керак.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, сугурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молиявий муассасалар йиллик молиявий ҳисоботни, унда курсатилган маълумотларнинг ишончлилиги аудиторлар томонидан тасдиқланган, ҳисобот йилдан кейинги йилнинг биринчи майга қадар эълон қилишлари шарт.

Молиявий ҳисоботни таҳлил қиларкан, ташқи фойдаланувчилар мазкур корxonанинг келажакда молиявий истиқболлари қандайлигини, унга ўз молиявий ресурсларини қўйишга ҳожат борми-йўқлигини ва мазкур корхона кредиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, инвесторнинг қўйилган маблағлари бўйича фоизлар ёки дивидендлар тулаш имкониятига эгами-йўқмилигини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

3-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТИЗИМЛАРИ

3.1. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва шақллари тўғрисида умумий тушунчалар

Бухгалтерия ҳисоб ҳужжатларига ишлов бериш муҳим босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Текширилган ва ҳисобга қабул қилинган дастлабки ҳужжатлардаги мавжуд ахборот бухгалтерия ҳисоботида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун бухгалтерия ҳисоби регистрларида тупланadi ва тизимга солинади.

Ҳужалик операциялари бухгалтерия ҳисоби регистрларида хронологик изчилликда акс эттирилиши ва бухгалтерия ҳисобининг тегишли ҳисобварақлари бўйича гуруҳланиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларини тузадиган ва имзолайдиган шахслар уларда ҳужалик операциялари тўғри акс эттирилишини таъминлайдилар.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларида хатоларни ҳар қандай тузатиш асосланган ва тузатиш киритган шахнинг имзоси билан тасдиқланган, тузатиш санаси кўрсатилган бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисоби регистрларини сақлаш уларнинг рухсат берилмаган тузатишларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаши керак.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ички бухгалтерия ҳисоботининг мазмуни тижорат сирини ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ички бухгалтерия ҳисоботида берилган ахборотдан фойдалана оладиган шахслар уни ошкор этганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланганидек жавобгарликка тортиладилар.

Ҳисоб ахборотига ишлов бериш технологияси кўп жиҳатдан ташкилот мустақил равишда танланган, унинг тури ва ҳужалик юритишнинг аниқ шартларидан келиб чиқилган бухгалтерия ҳисобининг шакл ва усулларига боғлиқдир.

Бухгалтерия ҳисоби шакли — уларда ёзишнинг тартиби ва усули белгилаб қўйилган ҳисоб регистрлари мажмуидир.

Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобининг энг кўп тарқалган шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

— анъанавий равишда аввало бюджет муассасаларида қўлланиладиган ҳисоб юритишнинг мемориал-ордер шакли (мемориал ордерлар, таҳлилий ҳисоб регистрлари, «Журнал-асосий» дафтари);

— анъанавий равишда ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланиладиган ҳисоб юритишнинг журнал-ордер шакли (журнал-ордерлар, ёрдамчи қайдномалар, ишлаб чиқилган жадваллар, таҳлилий ҳисоб регистрлари, Бош дафтар);

— кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланувчи корхоналар учун соддалаштирилган шакл;

— кўпинча ҳужалик операцияларини ҳисобга олиш журнали маълумотлари асосида жилма-жил ~~ҳисоб регистрларини шакллантириладиган~~ агрегатлаштирилган ҳисоб тизими.

Қўлланиладиган (шакллантириладиган) ҳисоб регистрлари номенклатураси ва мазкур ҳисобда улардан фойдаланиш тартиби корхона томонидан танланган бухгалтерия ҳисоби шаклига боғлиқдир.

Кенг фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисобининг компьютер дастурларига келсак, дастлабки кўринишда яъни журнал-ордерлар, мемориал ордерлар, таҳлилий ҳисоб қайдномалари ва ҳоказолар кўринишида чиқишда ҳисоб регистрларини олиш имконияти бухгалтерия томонидан дастурга

қўйиладиган асосий талаблардан бири булиб ҳисобланади.

Ҳисоб регистрлари — муайян шаклдаги саноқ жадваллари булиб, мол-мулк ва уни ҳосил этиш манбалари тўғрисидаги маълумотларни иқтисодий жиҳатдан гуруҳлашга мувофиқ қўрилади. Улар хужалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун хизмат қилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига икки томонли ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланклар (шакллар) қўрилади.

Ёзувлар хусусиятига қўра ҳисоб регистрлари хронологик ва мунтазам ҳисоб регистрларига бўлинади.

Хронологик регистрларда хужалик операциялари тўғрисидаги ахборот уларнинг содир этилиши изчиллигида ёзилади.

Мунтазам ҳисоб регистрларида хужалик операциялари муайян белгилари бўйича гуруҳланади.

Мазмунига қўра ҳисоб регистрлари:

— жамлама;

— таҳлилий;

— аралаш ҳисоб регистрларига бўлинади.

Жамлама регистрларда жамлама ҳисоб, таҳлилий регистрларда таҳлилий ҳисоб амалга оширилади, аралаш регистрларда ҳисобнинг иккала тури бирикади.

Ташқи қуринишига қўра ҳисоб регистрлари:

— карточкалар;

— буш варақлар (қайдномалар)га;

— бухгалтерия дафтарларига бўлинади.

Карточкалар асосий воситалар (инвентарь карточкалари), моддий бойликларни уларни сақлаш жойлари бўйича таҳлилий ҳисобга олиш учун

мулжалланган (материаллар, АТЭБ, тайёр маҳсулотни омборда ҳисобга олиш карточкалари).

Карточкалар учун қалин қоғоз олинади. Улар бир-бирига ёпиштирилмайди, махсус яшиқлар — картотекаларда сақланади. Картотекалар бир йилга очилади, уларнинг сақланиши учун назорат таъминландиган махсус реестрда руйхатга олинади.

Буш варақлар (қайдномалар) карточкалардан фарқ қилиб, унга қалин булмаган қоғоздан тайёрланади ва, одатда, катта форматга эга бўлади. Улар махсус папкалар — регистраторларда сақланади.

Журнал-ордер тизимида журнал-ордерлар бухгалтерия ҳисобининг асосий регистрлари ҳисобланади. Талаб қилинадиган тахлилий курсаткичларни бевосита журнал-ордерларда таъминлаш мураккаб бўлган ҳолларда одатда ёрдамчи қайдномалар қўлланади. Ушбу ҳолларда дастлабки ҳужжатлар маълумотларини гуруҳлаш аввал қайдномаларда амалга оширилади, улардан яқунлар журнал-ордерларга ўтказилади.

Журнал-ордерлар ва ёрдамчи қайдномаларни қуриш асосига ҳужалик операцияларини жамлама ҳисобварақлар буйича руйхатга олишнинг кредит белгиси қўйилган. Жамлама маълумотлар дастлабки ҳужжатлар маълумотлари буйича фақат дебетландиган ҳисобварақлар билан руйхатга олинади.

Истисно тариқасида касса операциялари, банкда ҳисоб-китоб ва махсус суда ҳисобварақлари ҳамда ўзаро талабларни ҳисобга олиш буйича операциялар курсатилган операцияларни ҳисобга олиш учун мулжалланган ҳисобварақлар кредити ҳамда дебети буйича руйхатга олинади. Бу нарса назорат учун ва касса ҳамда банк ҳужжатларини турли журнал-ордерларда ёзиш учун ажратмаслик мақсадида зарурдир.

Журнал-ордерларнинг якуний материаллари ой охирида «Бош дафтар»га утказилади. Сальдои баланс «Бош дафтар» маълумотлари бўйича зарур ҳолларда ҳисоб регистрларининг айрим курсаткичларидан фойдаланиб тузилади.

Ҳисоб маълумотларини кредит белгисига кура рўйхатга олиш принциpidан келиб чиқиб, ҳар бир жамлама ҳисобварақ кредити бўйича ёзувлар (дебетланадиган ҳисобварақлар билан корреспонденцияда) бирор-бир журнал-ордерда тулиқ амалга оширилади. Тегишли жамлама ҳисобварақ бўйича дебет оборотлари турли журнал-ордерларда улар билан корреспонденцияланадиган ҳисобварақлар кредити бўйича ёзувлар уларда қайд этилишига қараб аниқлаб борилади. Барча журнал-ордерлардан якуний маълумотлар «Бош дафтар»га утказилганидан кейин унда ҳар бир ҳисобварақ дебети бўйича маълумотлар аниқланади.

Жамлама ва таҳлилий ҳисоблар бирлаштирилиб, ягона регистрларда юритиладиган ҳисобварақлар бўйича дебет оборотлари ҳам ушбу ҳисобварақлар кредити бўйича ёзувларни рўйхатга олиш учун мулжалланган журнал-ордерларда ўз аксини топади. Муайян жамлама ҳисобварақлар кредити бўйича ёзувлар билан бир қаторда таҳлилий ҳисоб ҳам юритиладиган журнал-ордерларда икки бўлим мавжуд: бири — ҳисобварақ кредити бўйича операцияларни ёзиш учун (журнал-ордер), бошқаси — таҳлилий ҳисоб курсаткичларини акс эттириш учун.

Журнал-ордерлар одатда шундай тузилганки, уларда иқтисодий мазмуни бўйича бир турдаги операциялар, шунингдек саноқ орқали ўзаро боғланган операциялар акс эттирилади. Шунинг учун баъзи журнал-ордерлар ўз иқтисодий мазмунига кура

бир хил бўлган бир неча жамлама ҳисобварақлар кредити буйича операцияларни акс эттириш учун мулжалланган. Ушбу ҳолда уларнинг ҳар бири учун регистрда бўлим ёки катак ажратилади.

Регистрларда ёзувлар операциянинг хусусияти ва мазмунига боғлиқ ҳолда ҳужжатларнинг келиб тушишига қараб ёки ой учун якунлар билан қайд этилади.

Маълумотлари журнал-ордерлар ва қайдномага киритилган ҳужжатларда тегишли регистрларнинг рақамлари ва ёзувнинг тартиб рақамлари (сатр рақами) кўрсатилади. Маълумотлари регистрларда умумий якун билан акс этирилган ҳужжатлар буйича регистр рақами ва ёзувнинг тартиб рақами тикилган ҳужжатларга тиркаладиган алоҳида варақда келтирилади.

Журнал-ордерлардаги якуний ёзувлар ушбу ёзувлар асос бўлган дастлабки ҳужжатлар маълумотлари билан албатта солиштирилиши керак. Бу нарса ҳужжалик операциялари ҳисобининг тўғрилиги устидан тегишли назоратни таъминлайди. Ҳисоб ёзувлари уларни бошқа регистрларнинг тегишли курсаткичлари билан солиштириш орқали назорат қилиб бўлмайдиган журнал-ордерларда ҳисобварақ кредити буйича умумий якун дастлабки ҳужжатлар буйича суммаларни санаш асосида қўйилади. Ҳужжатлар буйича якуний маълумотлардан алоҳида корреспонденцияланадиган ҳисобварақлар буйича журнал-ордерда олинган якунларни текшириш учун фойдаланилади.

Таҳлилий ҳисоби уларга тегишли журнал-ордерлар ёки қайдномаларда юритиладиган ҳисобварақлар дебетига киритиладиган суммалар таҳлилий ҳисобнинг илова ҳисобварақлари ва моддалари буйича расшифровка қилинади ва гуруҳланади.

Регистрлар компьютер техникасидан фойдала-

ниб олинган машинограммалар куринишида, шунингдек магнит тасмалари, дисклар, дискеталар ва бошқа машина ифодаловчиларидаги ёзувлар йули билан ҳам бажарилиши мумкин. Регистрларни шакллантириш тартиби бухгалтерия ҳисоби андозалари билан тартибга солинади.

Барча регистрларда улар тулдириладиган ой номи, зарур ҳолларда эса жамлама ҳисобварақларнинг номлари ҳам курсатилади. Ой охирида регистрларга ёзувни амалга оширадиган шахслар имзо чекадилар. Барча журнал-ордерларга, бундан ташқари, корхона (ташқилот)нинг бош (катта) бухгалтерия ёки у вақолат берган шахс имзо чекади. Зарур курсаткичлари «Бош лафтарга» ёки бошқа регистрларга утказиладиган регистрларда тегишли белги қўйилади.

3.2. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли

Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли давлат муассасалари ва кичик корхоналар уртасида энг куп тарқалган.

Мемориал-ордер шакли қуйидаги афзалликларга эгадир:

- ҳисоб жараёни қатъий изчилликка эга;
- ҳисоб техникаси содда ва ҳаммабоп;
- регистрларнинг стандарт шаклларини қўллаш мумкин;
- ҳисоб ишини уларнинг малака даражасига боғлиқ ҳолда бухгалтерия ходимлари уртасида тақсимлаш мумкин.

Ҳисобнинг мазкур шакли қуйидаги камчиликларга эгадир:

- ҳисоб юритиш жуда сермеҳнат жараён;
- таҳлилий ҳисоб жамлама ҳисобдан ажрал-

ган, яъни ҳисоблар алоҳида-алоҳида юритилади, бу эса кўпинча таҳлилий ҳисобнинг жамлама ҳисобдан орқада қолишига олиб келади.

- турли ҳисоб регистрларида бир хил ёзув кўп мартаба такрорланади.

Бухгалтерия ҳисоби ушбу шаклининг моҳияти шундан иборатки, хужалик операцияларини рўйхатга олиш учун асосий воситалар, ҳисоблаб ёзилган амортизация ажратмалари (эскириш); ишлаб чиқариш захиралари ва тайер маҳсулот; ишлаб чиқариш харажатлари; пул маблағлари ва фондлар; ҳисоб-китоблар ва бошқа операциялар; сотиш-мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар; иш ҳақи жамлама ва таҳлилий ҳисобларининг махсус жамғариш оборот қайдномаларидан фойдаланилади. Уларни тулдириш учун корхона бухгалтериясига келиб тушган дастлабки ҳужжатлар асос бўлиб ҳисобланади.

Жамлама ҳисобнинг оборот қайдномалари ва регистрлари асосида мемориал ордерлар тузилади. Мемориал ордерлардан маълумотлар ҳар ойда «Бош дафтар» журнаliga киритилади, унга кўра оборот-сальдоли баланс чиқарилади, сўнгра у баланс ҳисоботи шаклига ўтказилади. «Бош дафтар» да бир ой учун барча ҳисобварақлар дебети бўйича оборотлар суммаси барча ҳисобварақлар кредити бўйича оборотлар суммасига, шунингдек «Ордер бўйича сумма» устунининг якунига тенг бўлиши керак. Бир ой учун оборотлардан кейин кейинги сатрда кейинги ой бошланишига ҳар бир ҳисобварақнинг сальдоси чиқарилади, у ҳисобот балансига киритилади.

Қуйида ҳисоб регистрларининг таркиби ва мемориал-ордер тизимида қайд этиладиган ёзувларни расмийлаштиришнинг изчиллиги чизма тарзида келтирилади:

КАССАНИ МЕМОРИАЛ ОРДЕРИ
200__ йилнинг _____ ойи учун

(сум)

| Операциянинг номи | Дебет | Креди | Сумма |
|--------------------------------------|-------|-------|-------|
| | | | |
| | | | |
| <i>Хисобварақ дебети буйича жами</i> | | | |
| | | | |
| <i>Кредит буйича жами</i> | | | |

Бухгалтер _____

Ижрочи _____

«Бон дафтар» журнали

200__ йилнинг _____ ойи учун

| № м/о | М/о буйича сумма | Хисобварақ № | | Хисобварақ № | | Хисобварақ № | | Жами оборотлар | |
|---------------------|------------------|--------------|-----|--------------|-----|--------------|-----|----------------|-----|
| | | Д-Т | К-Т | Д-Т | К-Т | Д-Т | К-Т | Д-Т | К-Т |
| 1.06.2001 га сальдо | | | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | | | |
| 8 | | | | | | | | | |
| 9 | | | | | | | | | |
| Жами оборотлар | | | | | | | | | |
| 1.02.2001 га сальдо | | | | | | | | | |

ларини акс эттириш имконини беради. Бу эса мемориал ордерлар тузиш заруратини истисно этади.

Дастлабки ҳужжатлар маълумотлари тўғри гуруҳланишини таъминлаш учун журнал-ордерларда ҳисобварақлар кредити буйича намунавий корреспонденция ва ойлик, чораклик ҳамда йиллик ҳисоботлар учун зарур курсаткичлар рўйхати назарда тутилган. Жамлама ва таҳлилий ҳисоблар учун мўлжалланган журнал-ордерларда, бундан ташқари, таҳлилий ҳисобнинг зарур позициялари (моддалари) назарда тутилган.

Бухгалтерия ҳисобининг ягона журнал-ордер тизимини барпо этиш асосига қуйидаги асосий принциплар қўйилган:

- журнал-ордерларга ёзувлар фақат ҳисобварақ кредити буйича, дебетланадиган ҳисобварақлар билан корреспонденцияда операцияларни рўйхатга олиш тартибида қайд этилади;
- жамлама ва таҳлилий ҳисоб ёзувлари одатда ягона тизимда қўшиб олиб борилади;
- бухгалтерия ҳисобида ҳужалик операциялари назорат қилиш ва даврий ҳамда йиллик ҳисоботларни тузиш учун талаб қилинадиган курсаткичлар буйича акс эттирилади;
- sanoқ ва иқтисодий жиҳатдан узаро боғланган ҳисобварақлар буйича бирлашган журнал-ордерлар қўлланилади;
- олдиндан курсатилган ҳисобварақлар корреспонденцияси, таҳлилий ҳисоб моддалари номенклатураси, даврий ва йиллик ҳисоботларни тузиш учун талаб қилинадиган курсаткичлар билан биргаликдаги регистрлар қўлланилади;
- ойлик журнал-ордерлар қўлланилади.

Ҳужалик операцияларининг хронологик ва мунтазам ёзуви бир вақтнинг ўзида ягона иш жа-

раёни сифатида амалга оширилади. Хужалик оборотларини хронологик руйхатга олиш журнали юритилмайди.

Ёзувлар ва жамғариш регистрлари корхонанинг молиявий хужалик фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш, шунингдек ойлик, чорақлик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тузиш учун зарур курсаткичлар буйича амалга оширилади.

Таҳлилий ва жамлама ҳисоблар, одатда, ёзувларнинг ягона тизимида амалга оширилади. Таҳлилий ҳисоб карточкалари зарурат бўлганда уларга доир куп миқдордаги шахсий ҳисобварақлар мавжуд бўлган ҳисоб турлари буйича алоҳида юритилиши мумкин.

Журнал-ордер тизимида асосий воситалар буйича ҳисобнинг инвентарь карточкалари ёки калькуляцияланадиган объектлар буйича маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш карточкалари ёхуд қайдномалари сақланади. Шунга мувофиқ оборот қайдномалари таҳлилий ҳисоб карточкалари юритиладиган ҳисоб-китоблар буйича тузилади.

Журнал-ордер тизимида, одатда, бухгалтерия регистрининг икки тури қўлланилади: журнал-ордерлар ва ёрдамчи қайдномалар. Ёрдамчи восита сифатида, агар бунга зарурат бўлса, махсус ишланма жадваллари ҳам қўлланиши мумкин.

Журнал-ордерлар ва қайдномалардан ташқари «Бош дафтар» — жамлама ҳисоб регистри юритилади. Унда ҳар бир ҳисобварақ буйича ой боши ва охиридаги қолдиқ ёйиқ кўринишда, яъни кредитланадиган ҳисобварақлар билан корреспонденцияда ва кредит буйича оборотнинг умумий суммаси билан дебет буйича оборотларни ёзиш учун ёйиқ варақ ажратилади. «Бош дафтар» ва қисман бошқа регистрлар асосида баланс ҳамда бошқа ҳисобот шакллари тулдирилади.

3.4. Ҳисобнинг журнал-ордер тизимида бухгалтерия ҳисоби техникаси ҳамда шакллари

Бухгалтерия ҳисоби техникаси деганда уни юритиш усули, яъни ҳисоб ахборотини қайд этиш тушунилади, у қўлда ёки автоматлаштириш воситаларидан фойдаланиб амалга оширилади. Ана шу мақсадда ҳисоб регистрлари ишлаб чиқилган.

Ташқи қуринишига қараб улар карточкалар, кенг варақлар ва дафтарларга, мазмунига кура — таҳлилий, жамлама ҳисоб ва аралаш, яъни ана шу икки ҳисоб турини бириктирадиган регистрларга бўлинади.

Карточкалар асосий воситалар (инвентарь карточкалари), моддий бойликларни уларни сақлаш жойлари буйича (материалларнинг омбор ҳисоби карточкалари) таҳлилий ҳисобини юритиш учун мулжалланган. Улар асосида бухгалтерия асосий воситалар карточкасини, моддий жавобгар шахслар эса материаллар, эҳтиёт қисмлар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар, тайёр маҳсулот картотекасини яратадилар.

Буш варақлар — катта форматдаги ва карточкаларга қараганда кўп миқдордаги маълумотлар берилган ҳисоб қисмларини. Улар жамлама ва таҳлилий ҳисоб учун мулжалланган ёки аралаш регистрлар ролини бажаради. Уларга журнал-ордерлар, қайдномалар, табуляграмма ва машинограммалар киради. Улар фойдаланишда қўлай, чунки мажбуриятларни ҳисоб ходимлари ўртасида оқилона тақсимлаш имконини беради. У ҳисоб регистрларининг энг кенг тарқалган туридир.

Дафтарлар муайян форматда ва устунларга ажратилган, тикилган кенг варақлардан иборат. Уларни қўллаш чекланган, чунки уларни юритиш ишини ҳисоб ходимлари ўртасида тақсимлаб бўлмайди — ҳар

бирини бир киши юритиши керак. Чунинчи, албатта қасса дафтари юритилади. Унинг варақлари рақамланган, иш билан тикилган ва охири саҳифада саҳифаларнинг умумий миқдори курсатилиб, корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзолаган. Дафтарларнинг афзаллиги шундаки, сунистеъмолликлар ва угирликларда айрим варақларни яншилари билан алмаштириб бўлмайди. Корхоналарда жамлама ҳисоб регистри сифатида «Бош дафтар» ва таҳлилий ҳисоб регистри сифатида «Омборлардаги материаллар қолдиқлари» дафтари қўлланилади, у бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тезкор — омбор ҳисоби маълумотлари билан ўзаро солиштириш ва турли хил мулкнинг сакланишини назорат қилиш учун зарурдир.

Ҳисоб регистрларидаги ёзувлар синчиклаб текширилган ҳужжатларга асосланади, айти шун сабабли регистрлар уларнинг курсаткичларидан корxonанинг ҳужалик фаолиятини таҳлил қилиш учун фойдаланганда, воситалар ҳолати устидан назорат қилганда ва унинг иш натижаларини аниқлашда исботлаш кучига эга бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби шакли деганда таҳлилий ва жамлама ҳисоб регистрлари турлича бирикканда ҳисоб ахборотига ишлов бериш жараёни, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларга ёзув изчил қайд этилиши тушунилади.

Ҳозирги вақтда қуйидагилар энг кўп қўлланилади: журнал-ордер шакли, «Бош дафтар» журнал шакли (қўл вариантыда) ва ҳисоб-жадвалли — автоматлаштирилган шакли.

Журнал-ордер шакли операцияларни қайд этишнинг шахмат принциpidан фойдаланишга ва уларнинг ҳар бир ҳисобот оyi учун жамғарилишига асосланган. Ёзувнинг шахмат шакли шунинг англатадики, бир иш қилинганда ҳужалик операцияси суммаси корреспонденцияланувчи ҳисобварақларнинг

дебети ва кредити буйича қайд этилади, яъни икки томонли ёзув усули амалга оширилади. Барча журнал-ордерлар кредит аломати буйича қурилганлиги, аввалдан белгиланган (намунавий) дебетланадиган ҳисобварақлар билан корреспонденциядалиги туфайли бунга эришиш мумкин бўлди. «Журнал-ордер» номи регистрнинг икки сифатидан гувоҳлик беради: ундан хронологик (журнал) ва мунтазам (ордер) ёзув учун фойдаланилади. Уларнинг куплари таҳлилий ва жамлама ҳисоб маълумотларини бирлаштиради. Журнал-ордерлар алоҳида ҳисобвараққа ёки узаро боғланган ҳисобварақлар гуруҳига ишлаб чиқилган. Улардан баъзиларига қўшимча сифатида, кўпинча таҳлилий ҳисоб учун ёрдамчи қайдномалар юритилади (дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар учун, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби учун ва ҳоказо).

Жадвалли — автоматлаштирилган ҳисоб шакли негизига бухгалтерия ҳисоби усулининг бош элементи — ҳужжатлаштириш қўйилган. Лекин ҳисоб ахборотини гуруҳлаш ва умумлаштириш ҳисоблаш машиналари ёки компьютерлар ёрдамида бажарилади. Натижада ҳисоблаш маркази ёки бухгалтер АИЖдан бухгалтерия журнал-ордерлар, қайдномалар, ~~ҳисобварақлар, корреспонденция ва бошқаларга шартли~~ қўладиган, турли мазмундаги регистрларни олади.

Қуйида журнал-ордер тизими асосидаги бухгалтерия ҳисоби пайтида икки бухгалтерия регистри қандай қўлланилаётганини кўриб чиқамиз.

3.5. Ҳисобнинг журнал-ордер тизимида «Бош дафтар»ни тулдириш тартиби

«Бош дафтар» журнал-ордерлар материалларини умумлаштириш, алоҳида ҳисобварақлар буйича қилинган ёзувларнинг тўғрилигини узаро текшириш

«Бош дафтар»да жорий оборотлар фақат биринчи тартиб ҳисобварақлари буйича келтирилади. Ҳар бир жамлама ҳисобварақ кредити буйича оборотлар бир ёзув билан, дебет буйича оборотлар эса кредитланадиган ҳисобварақлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

«Бош дафтар»да бажарилган ёзувларнинг тўғрилигини текшириш барча ҳисобварақлар буйича оборотлар ва сальдо суммаларини ҳисоблаш йули билан амалга оширилади. Дебет ва кредит оборотларининг, шунингдек дебет ва кредит сальдоларининг суммалари тегишлича тенг булиши керак.

«Бош дафтар» бир йилга очилади. Ҳар бир ҳисобвараққа бир ёки икки варақ ажратилади. Агар икки варақ очилса, иккинчи варақдан асосийсига қўшимча сифатида фойдаланилади.

3.6. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими

Микрофирмалар ва кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими қўлланилиши мумкин.

~~Микрофирмаларга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, банд бўлган ходимларининг уртача йиллик миқдори ишлаб чиқариш тармоқларида 10 кишига; савдо, хизматлар соҳаси ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 5 кишига қадар бўлган корхоналар киради.~~

Кичик корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар банд бўлган ходимларининг уртача йиллик миқдори саноат соҳасида 40 кишига, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишига, фан, илмий хизмат курсатиш, чакана савдо ва ноишлаб чиқариш соҳасининг

бошқа тармоқларида 10 кишига қадар бўлган корхоналар киради.

Кичик корхона уз ишлаб чиқариши ва бошқаруви эҳтиёжларидан, унинг мураккаблиги ва ходимлар сонидан келиб чиқиб, тегишли органларга тасдиқлаган бухгалтерия ҳисоби шаклларида бири-ни мустақил танлаб олади.

Бунда кичик корхона қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби регистрларини қуйидаги талабларга риоя қилган ҳолда уз ишининг хуеусиятларига мустақил равишда мослаштириши мумкин:

- ягона услубий асос (икки томонли ёзув принципи);
- тарғиб ва қамлама ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлиги;
- барча хужалик операцияларининг регистрларда ялпи акс эттирилиши;
- дастлабки ҳисоб ҳужжатларига асосланган ҳисоб; дастлабки ҳужжатлар маълумотларини кичик корхонани бошқариш ва унинг хужалик фаолиятини назорат қилиш, шунингдек бухгалтерия ҳисобини тузиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар бўйича жамғариш ва тизимлаштириш.

Бизнинг республикамизда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ҳисоб юритиш тартиби «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан содда-лаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида» деб номланган 20-сон БХМС билан тартибга солинади.

Бир ойда хужалик объектлари миқдори 100 тадан ошмаган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг содда-лаштирилган шаклини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки ҳисоб ахборотининг муайян моддий ифодаловчиларини тузиш йўли билан барча хужалик операцияларини ялпи ҳужжатлаштириш кичик

корхонада бухгалтерия ҳисобининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Кичик корхоналар операцияларни ҳужжатлаштириш учун дастлабки ҳисоб ҳужжатларининг намунавий идоралараро шакллари, идоравий шаклларни, шунингдек тегишли намунавий шаклларга нисбатан ишлаб чиқилган, мажбурий реквизитларни ўз ичига олган ва ҳисобда содир этилган операцияларни ишончли акс эттиришни таъминлайдиган мустақил ишлаб чиқилган шаклларни қўллашлари мумкин.

Дастлабки ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитларига қуйидагилар киради: ҳужжат (шакл)нинг номи, тузилган сана, ҳужалик операциясининг мазмуни, ҳужалик операцияси ўлчовлари (миқдорий ва қиймат ифодасида), ҳужалик операциясини амалга оширганлик ва уни тўғри расмийлаштирганлик учун жавобгар шахсларнинг номи, шахсий имзолар ва уларнинг расшифровкаси.

Бухгалтерияга келиб тушадиган дастлабки ҳужжатлар шакл (уларнинг тулиқ ва тўғри расмийлаштирилиши) ва мазмуни (ҳужжатлаштирилган операцияларнинг қонунийлиги, айрим кўрсаткичларнинг мантиқий боғланиши) буйича текширилади.

Кейинги ҳисоб босқичлари қуйидагилардан иборат:

- дастлабки ҳисоб ҳужжатларидан иборат бўлган, бухгалтерия ҳисоби регистрларида қўлланадиган маълумотларни қайд этиш;
- бухгалтерия ҳисобини тузиш;
- бухгалтерия регистри маълумотларидан корхона учун зарур ахборотни олиш учун фойдаланиш.

Мавжуд амалиётда бухгалтерия ҳисоби содда-лаштирилган шаклининг икки тури қўлланилади:

- бухгалтерия ҳисобининг *оддий* шакли, яъни кичик корхонанинг мол-мулки буйича бухгалтерия ҳисоби регистрлари қўлланилмайди;

- кичик корхонанинг мол-мулки буйича бухгалтерия ҳисоби, *регистрлари қўлланилган бухгалтерия ҳисоби шакли*.

Бухгалтерия ҳисобининг оддий шакли маҳсулот ишлаб чиқармайдиган, хужалик операциялари сони жуда кам, ойга 30 тадан ошмайдиган кичик корхоналарда қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда барча хужалик операциялари «Хужалик операциялари дафтари» да ва иш ҳақи буйича ҳисоб қайдномасида рўйхатга олинади.

Ҳисоб қулай бўлиши учун бир ойга хужалик операциялари регистрини юритиш, сўнгра унга қараб «Хужалик операциялари дафтари»ни тўлдириш мумкин.

Шу тарзда кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг моддалаштирилган шакли юритилганда ҳисоб регистрларининг қуйидаги икки туридан фойдаланса бўлади:

1. «Хужалик операцияларини ҳисобга олиш дафтари»

2. «Тегишли ҳисоб объектларини ҳисобга олиш қайдномалари».

Қайдномалар таҳлилий ҳисоб регистрлари ҳисобланади. Бинобарин, «Хужалик операцияларини ҳисобга олиш дафтари»ни дастлабки ҳужжатлар маълумотлари буйича ёки қайдномаларнинг якуний маълумотлари буйича тўлдириш мумкин.

«Хужалик операцияларини ҳисобга олиш дафтари» таҳлилий ва жамлама ҳисоблар регистри ҳисобланиб, унинг асосида кичик корхонада муайян санада маблағлар ва улар манбаларининг мавжудлигини белгилаш ва бухгалтерия ҳисобини тузиш мумкин. «Хужалик операцияларини ҳисобга олиш дафтари» аралаш регистр ҳам ҳисобланади, унда кичик корхона томонидан қўлланиладиган барча бухгалтерия ҳисобварақлари мавжуд ва улар

нинг ҳар бирида хужалик операцияларининг ҳисобини юритиш имконини беради. Бунда у баланс тегишли моддаларининг мазмунини асослаш учун етарлича батафсил бўлиши керак.

Кичик корхона «Дафтар»ни қайднома куринишида юритиб, уни ҳар ойда очиши (зарурат бўлганда ҳисобварақлар бўйича операциялар ҳисобини юритиш учун қўшимча варақдан фойдаланади) ёки операциялар ҳисоби бутун ҳисобот йили учун юритиладиган дафтар шаклида юритиши мумкин. Кейинги ҳолда «Дафтар» ип билан тикилиши ва рақамланиши керак. Унинг охириги саҳифасида дафтардаги мавжуд саҳифалар сонни ёзилиб, у раҳбар ва бosh бухгалтернинг имзолари, шунингдек кичик корхона муҳрининг изи билан тасдиқланади.

«Хужалик операцияларини ҳисобга олиш дафтари» маблағлар ва манбаларнинг ҳар бир тури бўйича, агар мавжуд бўлса, йил бошидаги (корхона фаолиятининг бошланиши) қолдиқлар суммалари ёзуви билан очилади. Сунгра «Операциялар мазмуни» устунида ой ёзилади ва хронологик изчилликда позиция усул билан, ҳар бир дастлабки хужжат асосида ушбу ойнинг барча хужалик операциялари акс эттирилади. Бунда «Дафтар»да «Сумма» устунида қайд этилган ҳар бир операция бўйича суммалар икки томонли ёзув усули билан бир вақтнинг ўзида, маблағлар ва улар манбаларининг тегишли турларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг «Дебет» ва «Кредит» устунларида акс эттирилади.

Ой мобайнида 20-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг «Ишлаб чиқариш харажатлари — дебет» устунида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари туланади. Ой тугагач мазкур харажатлар ой мобайнида сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га тўғри келадиган суммада 46-«Сотиш» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чи-

қарилиб, тегишлича «Дафтар»нинг «Ишлаб чиқариш харажатлари — кредит» ва «Сотиш — дебет» устунларида акс эттирилади, бунда «Операция мазмуни» устунида «Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилди» деган ёзув қайд этилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига доир молиявий натижа «Сотиш — кредит» устунида курсатилган оборот билан «Сотиш — дебет» устунига доир оборот уртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Аниқланган натижа «Дафтар»да алоҳида сатр билан акс эттирилади: «Операция мазмуни» устунида «Ой учун молиявий натижа» деб ёзиб қўйлади: «Сумма», «Сотиш — дебет» (агар зарарманд (фойда) олинган бўлса) ҳамда «Фойда ва ундан фойдаланиш — кредит» ёки «Сотиш — кредит» (агар зарар олинган бўлса) ҳамда «Фойда ва ундан фойдаланиш — дебет» устунларида ой учун молиявий натижа суммаси курсатилади.

Ой тугаши билан маблағлар ва уларнинг манбаларини ҳисобга олиш барча ҳисобварақларининг дебети ва кредити бўйича оборотларнинг якуний суммалари саналади, улар «Сумма» устунида курсатилган маблағлар жамига тенг бўлиши керак.

Ой учун маблағлар ва улар манбалари (бухгалтерия ҳисобварақлари) дебет ва кредит оборотларининг якунлари саналганидан кейин уларнинг ҳар бир тури (ҳисобварақ) бўйича кейинги ойнинг 1-кунига сальдо чиқарилади.

Барча ҳисобварақлар дебет оборотларининг умумий якуни кредит оборотларининг умумий якунига ва «Назорат суммаси» якунига тенг бўлиши керак.

Актив ҳисобварақлар пировард сальдоларининг суммаси пассив ҳисобварақлар сальдолари суммасига тенг бўлиши керак. Ҳисобварақларнинг сальдо қолдиқлари корхона ҳисоботида ўтказилади.

«Хужалик операциялари дафтари» да кичик корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш учун барча зарур ҳисобварақлар келтирилиши мумкин. Қуйида келтирилган жадвалда (хужалик операциялари реестри) мисол сифатида бухгалтерия ҳисобининг айрим ҳисобварақлари кўрсатилган. Агар бухгалтер компьютер саводхонлиги асосларини пухта эгаллаган бўлса, бундай жадвални «Excel» жадваллар процессорида муваффақият билан юритиши мумкин.

Ўй мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобга олинадиган ва хужалик операциялари миқдори 30 дан ошадиган ҳолларда кичик корхонанинг мол-мулки бўйича бухгалтерия ҳисоби регистрларини қўллаган ҳолда бухгалтерия ҳисоби шаклидан фойдаланилади. Бу ҳолда бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги регистрлари қўлланилади:

- асосий воситалар ва ҳисобланган амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси;
- ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот ва уларга доир туланган ҚҚСни ҳисобга олиш қайдномаси;
- пул маблағлари ва фондларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- маҳсулот сотилишини ҳисобга олиш қайдномаси;
- етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;
- меҳнатга ҳақ тулашни ҳисобга олиш қайдномаси;
- шахмат қайдномаси.

Ҳар бир қайднома, одатда, фойдаланилаётган бухгалтерия ҳисобварақларининг биттаси бўйича

операциялар ҳисоби учун қўлланади. Исталган операция буйича сумма бир вақтда икки қайдномада ёзилади:

- бирида — кредитланадиган ҳисобварақни кўрсатган ҳолда ҳисобварақ дебети буйича;
- бошқасида — дебетланадиган ҳисобварақни қайд этган ҳолда корреспонденцияланадиган ҳисобварақ кредити буйича.

Шахмат қайдномасида кичик корхона фаолиятининг ойлик яқунлари умумлаштирилади.

Соддалаштирилган шаклдаги ҳисобни ташкил этиш учун кичик корхоналар Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари намунавий режаси асосида хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ишчи режасини тузишлари зарур, у кичик корхонага асосий (бош) ҳисобварақларда бухгалтерия ҳисоби регистрларида маблағлар ва уларнинг манбалари ҳисобини юритиш ва шу билан умуман бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги устидан назоратни таъминлаш имконини беради.

4-БОБ. КОРХОНАДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲУЖЖАТЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Бухгалтерия ҳисобида дастлабки кузатув ва дастлабки ҳисоб ахборотининг манбалари

Бухгалтерия ҳисобида дастлабки кузатув ҳужалик операциясининг кузатилаётган фактлари тўғрисидаги маълумотларга кейин ишлов бериш ва уларни қайд этиш учун ўтказилади. Кузатув жараёнида:

ҳужалик фаолияти фактлари баён этилади;
улар ҳақидаги маълумотлар моддий ва электрон ифодаловчиларда қайд этилади;

маълумотлар бухгалтерия ҳисоби тизимида бундан кейин қайта ишлаш учун сақланади ва берилади.

Дастлабки кузатув корхонада бухгалтерия ҳисобини ахборий таъминлашнинг биринчи босқичини ташкил этади.

Амалиёт баъзи ҳужалик операциялари тез ўтишини, бошқалари эса узоқ давом этадиган вақтни эгаллашини кўрсатади.

Бухгалтерия ҳисобида, одатда, тугалланган ~~ҳужалик операциялари ва омили сопади.~~

Ҳужалик операциялари муайян натижаларга эришиш учун мақсадга йўналтирилган ҳаракатлардан иборатдир. Бироқ улар гарчи корхонанинг мулкӣ ҳолатига каттагина таъсир кўрсатсада, ҳужалик операцияларига киритилиши мумкин бўлмаган табиий офатлардан талафотлар, асосий воситаларнинг эскириши, моддий бойликлар камомади ва бошқалар сингари содир бўлган воқеа ёки ҳодисаларнинг ҳаммасини ҳам акс эттирмайди. Шу муносабат билан «ҳужалик фаолияти факти» тушунчаси киритилган, у дастлабки бухгалтерия ку-

затувининг истисносиз барча объектлари ва ҳодисаларини қамраб олади.

Бухгалтерия кузатувининг дастлабки бирлиги — ҳужалик фаолияти факти, у корхона воситалари ва улар манбалари тавсифининг ўзгаришига, ҳужалик-ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тугашига олиб келади.

Ҳужалик фаолияти фактлари туғрисидаги ахборий маълумотлар бухгалтерияга бирламчи ва иккиламчи (йигма) бухгалтерия ҳужжатлари; кишилар ёки махсус регистр аппаратлари ёрдамида автоматик равишда тўлдириладиган ахборотнинг турли машина ифодаловчилари ва ҳоказо кўринишда келиб тушади.

Маълумотларнинг моддий ифодаловчиси — унинг ёрдамида ахборий маълумотдаги маълумотлар қайд қилинган ҳар қандай моддий буюм ёки усулдир.

Маълумотларнинг моддий ифодаловчилари ахборий маълумотлар мавжуд бўлиши шакли бўлиб хизмат қилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳужалик фаолияти туғрисидаги ахборий маълумотларга алоҳида талаблар қўйилади. Уларни ақс эттириш усули ҳар бир ахборий маълумотнинг юридик жиҳатдан далилланганлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаши керак.

Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатли ҳисобдир. Ҳужжатсиз ҳисобварақларда ёзувлар йўқ деган қоида бузилмаслиги керак.

4.2. Корхонада ҳужалик операцияларини ҳужжатлаштириш тартиби ва уни ташкил этиш

Вазирлик, идора ва корхоналарда ҳужжатлаштириш жараёнларини такомиллаштириш ишини

шақлланган ҳужжатлар оқимлари таҳлилидан ажратиб бўлмайди. Афсуски, амалиётда купинча ҳужжатлар оборотини тақомиллаштиришни ҳужжатлар миқдорини қисқартириш билан адаштирадилар. Гап фақат ҳужжатлар миқдори ва ҳисоботнинг шаклида эмас. Мазкур ҳужжатларнинг зарурлиги ва улардан корхона фаолиятини тезкор бошқарув мақсадлари учун қанчалик самарали фойдаланилаётганини белгилаш муҳимдир. Тадқиқотлар шундан ишончли далолат бераптики, ҳужжатлар миқдори ва мавжуд молиявий ёки бошқа ҳисоботлар ҳажмини ҳар доим ҳам қисқартириш даркор эмас. Купинча ҳужжатларни тартибга солиш, шунингдек ҳисоботларни тизимлаштириш ва механизациялаш кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлади. Дастлабки ҳужжатларни тартибга солиш билан биргаликда ҳужжатлаштириш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бухгалтерия ҳисоби тизимида меҳнатни юқори самарали ташкил этишнинг асосидир.

Агар у тезкор бошқарувга самарали таъсир кўрсатса ва бошқарув ҳодимлари олдига қўйилган вазифаларни бажаришга ёрдам берса, кундалик тезкор ҳисоботдан ҳам воз кечиш керак эмас.

Корхонада ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби шундай йўлга қўйилиши керакки, уларни бухгалтерия хизматида сохталантириш, ўз вақтида келиб тушмаслиги ва кечикиб расмийлаштирилиши мумкин бўлмасин. Ушбу масалада корхона раҳбарларининг тегишли назорати бўлмаслиги салбий оқибатларга олиб келиши ва пул ҳамда товар-моддий бойликларнинг талон-торож қилинишига имкон яратиши мумкин. Шунинг учун корхона раҳбари ҳамда бош бухгалтери томонидан ўтказилаётган ҳужжалик операциялари бўйича ҳужжатлар ҳаракати устидан ўзаро икки томонлама назорат ўрнати-

лиши зарур. Бунинг учун корхонада ҳужжатлар обороти пухта йўлга қўйилиши ва масъул ижрочиларни курсатган ҳолда ҳужжатлар оборотининг турли босқичларида чизмалар ёки ишлар рўйхати кўринишида графикларни тузиш лозим бўлади. Ҳужжатлар оборот графигини амалга ошириш устидан назоратни бош бухгалтер амалга ошириши керак.

Ҳужжатлар обороти — бухгалтерияга келиб тушадиган дастлабки ҳужжатларнинг, улар тузилишдан бошдаб архивга топширилишигача, ҳисобга олинishi, текширилиши ва ишлов берилишининг уюшган тизимидир.

Ҳужжат — бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан берилган, содир этилган ҳужжалик операцияси тўғрисидаги ёзма гувоҳномадир. Дастлабки ҳужжатлар, шу жумладан машина ўқийдиган ахборотнинг қорозли ифодаловчиларидаги ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобига корхонанинг ҳужжалик фаолиятини ялпи ва узлуксиз акс эттиришни таъминлайди.

Ҳисобга фақат тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар, яъни белгиланган техник стандартлар билан кўзда тутилган барча реквизитлари тўлдирилган ҳужжатлар қабул қилинади. Қўйидагилар, ана шундай реквизитлар ҳисобланади:

- корхонанинг номи;
- ҳужжатнинг номи;
- унинг рақами ва санаси;
- ҳужжалик операциясининг қисқача мазмуни;
- унинг миқдорий ва пулдаги ифодаси;
- мазкур ҳужжалик операцияси учун жавоб берадиган мансабдор шахсларнинг номланиши;
- мазкур ҳужжалик операцияси учун жавоб берадиган шахсларнинг шахсий имзолари;
- ҳужжалик операцияларининг хусусиятига ва ҳисоб ахборотига ишлов бериш технология-

сига боғлиқ ҳолда дастлабки ҳужжатларга бошқа зарур реқвизитлар ҳам киритилиши мумкин.

Ҳужжатларга қўйиладиган биринчи навбатдаги талаб:

- уз вақтида тузиш;
- тулиқ ва ишонарли бўлиш, корхона хужалик фаолияти устидан дастлабки ва жорий назорат қилиш ҳамда унинг иш натижаларига фаол таъсир кўрсатиш имкониятини таъминлайдиган ахборотнинг тулиқ ва ишонарли бўлиши.

Дастлабки ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати раҳбар имзолаган буйруқ билан расмийлаштирилади. Пул маблағлари билан операцияларга доир ҳужжатларга корхона раҳбари ва бош бухгалтер ёки бунга ваколат берилган шахслар томонидан имзоланади.

Дастлабки ҳужжатлар хужалик операцияси содир этилган пайтда, агар бунинг имкони бўлмаса, у тугганидан кейин тузилиши керак.

Ҳужжатлар:

- тузилиш жойи;
- вазифаси;
- қамраш усули;
- акс этирилган хужалик операциялари ҳажми;
- мазмуни бўйича таснифланади.

Тузилиш жойи бўйича дастлабки ҳисоб ҳужжатлари ташқи ва ички ҳисоб ҳужжатларига бўлинади. Ташқи дастлабки ҳужжатлар мол етказиб берувчилар, буюртмачилар, банклар, солиқ инспекциялари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасаларда расмийлаштирилади ва улардан келиб тушади (юкхатлар, ҳисобварақ-фактуралар, банк кучирмаси, солиқ инспекцияларининг тулов инкас-

со талабномалари ва ҳоказо). Корхона ичида расмийлаштирилган ва унинг доирасидан ташқарига чиқмайдиган дастлабки ҳужжатлар ички ҳужжатларга киради (масалан, ярим тайёр маҳсулотлар, хом ашё, ускуналарни корхона ичида узатиш, яъни ички ташиб ўтиш).

Вазифасига кўра дастлабки ҳисоб ҳужжатлари:

- фармойиш берувчи;
- оқловчи;
- аралаш;
- бухгалтерия ижросидаги ҳужжатларга булинади.

Фармойиш берувчи ҳужжатлар — уз ичига у ёки бу ҳужжалик операцияларининг ижросини топшириш тўғрисидаги фармойишлар, кўрсатмалар, буйруқларни олган ҳужжатлар (масалан, хизмат сафарига юбориш тўғрисида буйруқ, корхона ходимининг кассада нақд пул бериш тўғрисидаги аризасига раҳбарнинг визаси, муайян мақсадлар учун таркибий бўлинмага пул маблағларини ажратиш тўғрисида корхона раҳбари имзолаган фармойиш).

- *Оқловчи ҳужжатлар* ҳужжалик операциясининг бажарилиш фактини тасдиқлаш учун мўлжалланган. Улар материал ва ускуналарни қабул қилиш далолатномалари, юкхатлар, кассадаги кирим ордерлари ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Оқловчи ҳужжатлар корхона раҳбарининг фармойишлари, буйруқлари ва бошқа фармойиш ҳужжатлари ижросини тасдиқлаш учун тузилади. Оқловчи ҳужжатни зиммасига мазкур ҳужжалик операциясини бажариш юклатилган масъул шахс имзолайди. Бухгалтерияга келиб тушадиган оқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилгани

текширилади, сунгра улар ҳисобга қабул қилинади.

- *Аралаш ҳужжатлар* — мазмунига кўра фармойиш берувчи ва оқловчи ҳужжатлар хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар (чиқим ордерлари, хизмат сафарлари тўғрисидаги бунак ҳисоботлари, иш ҳақи бериш учун касса буйича ҳисоб-китоб қайдномалари ва ҳоказо).
- *Бухгалтерия ижросидаги ҳужжатларни* бухгалтерия хизматлари ходимлари ҳужжалик операцияларини расмийлаштириш чоғида тузадилар. Бухгалтерия маълумотномалари, мемориал ордерлар, журнал-ордерлар, ҳисоб қайдномалари ва ҳоказолар ана шундай ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Қамраш усули буйича ҳужжатлар бир галги ва жамғариш ҳужжатларига бўлинади.

Ҳужжалик операциясини расмийлаштириш бир галда амалга ошириладиган ва мазкур операция шу билан тугайдиган ҳолларда *бир галги ҳужжатлар* тузилади.

Жамғариш ҳужжатлари муайян давр мобайнида бир ҳисоб объектига тааллуқли ҳужжалик операциялари буйича ҳужжатларни жамғариш йули билан тузилади (масалан, янги цех қурилаётганда корхонага капитал қўйилмаларни амалга ошириш чоғида, бунда улар аниқ ҳужжатда акс эттирилади ва барча харажатлар цехни фойдаланишга топширишга қадар 08 «Капитал қўйилмалар» ҳисобварағида тупланadi).

Акс эттирилган ҳужжалик операцияларининг ҳажми буйича ҳисоб ҳужжатлари ягона ва йиғма ҳужжатларга бўлинади.

Ягона ҳужжатлар — уни содир этиш пайтида битта операцияга расмийлаштириладиган ҳужжатлардир.

Йигма ҳужжатлар бир ҳисоб объектига тааллуқли ягона ҳужжатлар жами бўйича, тегишлича гуруҳларга ажратиш ва тизимлаштириш йули билан тузилади (реестрлар, сводкалар ва ҳоказо).

Хужжалик операцияларининг мазмуни бўйича ҳужжатлар моддий ва пул ҳужжатларига бўлинади.

Моддий ҳужжатлар — корхонада товар-моддий бойликлар (маҳсулот, материаллар, эҳтиёт қисмлар, АТЭБ ва ҳоказо) ҳаракати чоғида расмийлаштирилладиган ҳужжатлар.

Моддий бойликларни харид қилиш ҳужжатларида моддий жавобгар шахснинг тилхати ёки ушбу бойликларни олишга юкхат, бажарилган ишлар учун ҳужжатларда эса — ишларнинг тегишли масъул шахслар томонидан қабул қилинганлигининг тасдиғи бўлиши керак.

Моддий жавобгар шахслар товар-моддий бойликларнинг кирим-чиқимиغا оид дастлабки ҳужжатларни бериладиган ҳужжатларнинг икки нусхада тузилган реестри билан бирга тақдим этадилар. Моддий жавобгар шахс ҳозирлигида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганидан кейин реестрининг бир нусхаси бухгалтерия ходимининг имзоси билан моддий жавобгар шахсга қайтарилади, иккинчи нусхаси эса бухгалтерия йигмажилдларида қолади.

Пул ҳужжатлари корхонада пул маблағларининг ҳаракати чоғида расмийлаштирилади (нақдсиз ҳисоб-китоблар бўйича банк ҳужжатлари, нақд ҳисоб-китоблар бўйича касса ҳужжатлари, чеклар ва ҳоказо).

Пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар сақланиши учун жавобгар шахслар билан қонунда белгиланган тартибда шахсан тулиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузилади.

Дастлабки ҳужжатларда ёзувлар еиёҳ, шарикли

ручка пастаси, сиёҳқаламда ёки ёзув машиналари ва механизация воситалари ёрдамида қайд этилади. Дастлабки ҳужжатларда буш сатрлар устига чизилади.

Бухгалтерияга келиб тушган дастлабки ҳужжатлар албатта шакли (дастлабки ҳужжатлар тулиқ ва тўғри расмийлаштирилганлиги, реквизитлар тулдирилганлиги) ва мазмуни (ҳужжатлаштирилаётган операцияларнинг қонунийлиги, айрим курсаткичларнинг мантиқий боғланиши) бўйича текширилиши керак.

Ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, шунингдек дастлабки ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли тузилиши учун ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар жавобгардир.

Текширилган ва ҳисобга қабул қилинган ҳужжатлар операцияларни содир этиш саналари бўйича (хронологик тартибда) тизимлаштирилади ва доимий рақамлар берилган мемориал ордерлар — жамағариш қайдномалари билан расмийлаштирилади.

4.3. Ҳисоб-регистрлари, молиявий ҳисоботлар ва балансларда ёзувларни тузатиш усуллари

~~Бухгалтерия ҳисобининг дастлабки маълумоти~~
рида учуриб ёзишлар ва таъкидланмаган тузатишларга йўл қўйилмайди. Қилинган тузатишлар мазкур тузатишларни киритиш санасини курсатган ҳолда ушбу тузатишларни киритган шахс томонидан, кассада эса — яна корхона бош бухгалтери ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади. Банк ҳужжатларида (банк кучирмалари, тўлов топшириқномалари, чеклар ва ҳоказо) тузатишларга йўл қўйилмайди.

Бухгалтерия ёзувларини тузатишнинг бир неча усули мавжуд, яъни:

- корректура;
- қўшимча ёзувлар;
- сторнолаш ёзувлари.

Корректура — илгари кўрсатилган сумма ёки матн устидан уни ўқиш мумкин бўлган тарзда чиқиқ тортиш, сунгра тўғри ёзувни (учирилган ёзув устига) қайд этишдир. Мазкур тузатиш «тузатилганига ишбонилсин» ёзуви билан таъкидланиб, тузатиш санаси кўрсатилади. Илгари ушбу усул энг кўп қўлланилган.

Қўшимча ёзувлар хато аниқланган ҳолда амалга оширилади, хусусан, агар бухгалтер тасодифан айрим хўжалик операцияларини қолдириб кетса ёки ҳисобварақлар буйича мураккаб проводкаларни ўтказиш чоғида бирор-бир операция ўтказилмаса, ёки хўжалик операциясини баҳолаш хато билан пасайтирилган бўлса, бухгалтерия проводкаси икки томонли ёзув усули билан ўтказилмаган айрим ҳоллар ҳам учрайди. Бухгалтер бундай хато аниқланганда аниқланган хатолар тўғрисида маълумотнома тузади ва бухгалтерия ҳисобварақлари буйича қўшимча проводкаларни қайд этади.

Сторнолаш ёзувлари (бухгалтерия тилида улар «сторно» деб аталади) — манфий сонларнинг қизил сиеҳдаги қўшимча ёзувлари (бухгалтерия ҳисобида қизил сиеҳ фақат ана шу ҳолатда қўлланилади).

Молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия балансларида ҳеч қандай учириб ёзиш ва устига чиқишлар бўлмаслиги керак. Хатоларни тузатиш чоғида тегишли таъкидлар қилинади, уларни ҳисобот ва балансни имзолаган шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

Жорий йил ва ўтган йил ҳисобот маълумотларини тузатишлар (улар тасдиқланганидан кейин) маълумотларни бузишлар аниқланган давр учун ту-

зилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар фақат ҳисобот даври (чорак, йил бошидан бошлаб) учун маълумотларга киритилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш давомида даромадларни яшириш ёки улар билан боғлиқ булмаган харажатларни ишлаб чиқариш чиқимларига киритиш муносабати билан молиявий натижаларнинг пасайтирилиши аниқланган ҳолларда утган йил учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига тузатишлар киритилмайди, балки жорий йилда утган йилларнинг ҳисобот даврида аниқланган фойдаси сифатида акс эттирилади.

4.4. Товар-моддий бойликларни олин чоғида ишончномаларни расмийлаштириш ва бериш тартиби

Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари томонидан М-2а намунавий шакли бланклариде бериледи. Мазкур корхона (ташкилот, муассаса)да ишламайдиган шахсларга ишончнома беришга йул қўйилмайди. Ишончномаларга корхона раҳбари (раҳбар уринбосари) ва бош бухгалтери ёки удар томонидан ваколат берилган шахслар имзо чекадилар. Бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган бухгалтерия томонидан амалга ошириладиган ҳолларда товар-моддий бойликлар олиниши учун ишончномаларга ушбу бухгалтерия хизмат қўрсатадиган корхона раҳбари (раҳбар уринбосари) ва марказлаштирилган бухгалтериянинг бош бухгалтери ёки бунга улар ваколат берган шахслар имзо чекадилар. Бунда корхона раҳбарияти ва бош (катта) бухгалтери ваколат берган шахсларнинг ишончномага имзо чекиш ҳуқуқи буйруқ билан расмийлаштирилиши керак.

Мол етказиб берувчилар томонидан сотиладиган товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномалар наряд, ҳисобварақ, шартнома, буюртма, келишув ёки уларнинг ўрнини берувчи бошқа ҳужжат бўйича берилди. Ишончнома олган шахс талаб қилинаётган товарлар, мемориаллар ёки маҳсулотларни бир жойдан (бир омбордан), лекин бир неча нарядлар, ҳисобварақлар ва уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатлар бўйича олиши керак бўлган ҳолларда унга барча нарядлар, ҳисобварақлар ва бошқа шундай ҳужжатларнинг рақамлари ва берилиш саналари курсатилган битта ишончнома ёки, агар товар-моддий бойликларни бир неча омбордан олиш керак бўлса, бир неча ишончнома берилиши мумкин.

Ишончномалар корхона бухгалтерияси ёки марказлаштирилган бухгалтерия томонидан рўйхатга олинади. Марказлаштирилган бухгалтериянинг бош бухгалтери томонидан ишончномага имзо чекиш ҳуқуқи ушбу бухгалтерия хизмат курсатадиган корxonанинг ҳисоб-назорат гуруҳи раҳбарига берилган ҳолларда ишончномаларни ҳисоб-назорат гуруҳи рўйхатга олади. Ишончномаларни ёзишда шуни эътиборда тутиш лозимки, ишончноманинг орқа томонида қўзда тутилган, олиниши керак бўлган товар-моддий бойликларнинг рўйхати бериш тўғрисидаги ҳужжат (битим ва ҳоказо) олд томонида олиш керак бўлган бойликларнинг номи ва миқдори курсатилмаган ҳолларда тулдирилади. Агар курсатилган ҳужжатларда олиниши керак бўлган товар-моддий бойликларнинг номи ва миқдори келтирилса, ишончноманинг орқа томонидаги бойликлар рўйхати устидан чизилади. Тулиқ ёки қисман тулдирилмаган ишончномаларни ва улар номига ёзилган шахсларнинг имзолари намуналари бўлмаган ишончномаларни беришга йул қўйилмайди.

Ишончноманинг амал қилиш муддати уни бериш учун асос булган наряд, ҳисобварақ, жиҳат ёки улар урнини босадиган бошқа ҳужжат буйича тегишли бойликларни олиш ва олиб чиқиш имкониятига боғлиқ ҳолда белгиланади, лекин у одатда 15 кундан ошмайди. Ҳисоб-китоблари режали туловлар асосида амалга ошириладиган товар-моддий бойликларни, масалан, болалар муассасалари учун озиқ-овқат маҳсулотларини мунтазам олишга ишончномаларни бутун тақвимий ой учун беришга йул қўйилади. Манфаатдор шахсларнинг келишуви буйича бу муддат узайтирилиши мумкин, лекин у тақвимий чоракдан ошмаслиги керак.

Унга берилган, амал қилиш муддати ҳали тугамаган ишончнома буйича бойликларни олиш ҳуқуқидан ишончли шахс маҳрум қилинганида бундай шахсдан ишончнома олиб қўйилади, бунда товар-моддий бойликларнинг олувчиси дарҳол мол етказиб берувчига тегишли ишончномалар бекор қилинганини маълум қилади. Бундай хабарнома олинган пайдан бошлаб бекор қилинган ишончнома буйича бойликларни бериш тўхтатилади. Ушбу ҳолларда бекор қилинган ишончномалар буйича бойликларни берган ~~ликларнинг мол олиб бериш~~ жавобгар бўлади.

Ишончнома берилаётганда корхона бухгалтерияси уни ишончномалар дафтарчаси корешогида рўйхатга олади, дафтарчадан ишончномалар бериш бошланишига қадар ундаги барча варақлар рақамланган бўлиши керак. Дафтарчанинг охириги варағида бош (катта) бухгалтер имзоси билан «*Мазкур дафтарчада _____ варақ рақамланган*» деб ёзиб қўйилиши лозим. Варақлар сони сўз билан кўрсатилади. Ишончномалар буйича товар-моддий бойликларнинг олиниши оммавий тусда булган корхона, тапшилот ва муассасалар ишончномаларни рўйхатга олишни олдиндан рақамланган ва иш билан тикилган, қўйи-

даги шаклдаги «Берилган ишончномалар ҳисоби» журналида амалга оширишлари мумкин:

| Ишонч- нома № | Бе- рил- ган са- на | Ишонч- нома- нинг амал қилиш муд- дати | Ишонч- нома берил- ган шахс- нинг манса- би ва фами- лияси | Мол етка- зиб бе- рув- чи- нинг номи | Наряд- нинг (ҳи- соб- варақ, специ- фика- ция ва улар- нинг урни- ни бо- сади- ган бошқа | Ишонч- нома олган шахс- нинг тил- хати | Берил- ган ишонч- нома буйича топши- риқ- нинг бажари- лган |
|------------------|---------------------------------|--|---|---|--|--|--|
| | | | | | ҳужжа ёки хабар- нома- нинг № ва санаси | | рисида белги |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |

Ишончномаларни мазкур журналда руйхатга оладиган корхоналар М-2а шакли буйича ишончномадан фойдаланишлари керак. Ишончномалар дафтарчалари ва «Берилган ишончномалар ҳисоби» журнали моддий қисм бухгалтерида сақланиши керак, у ишончномаларни руйхатга олиш учун жавобгардир.

Ишончнома берилган шахс ҳар гал бойликлар олинган кундан кейинги кундан кечиктирмай, товар-моддий бойликлар ишончнома буйича тулиқ ёки қисмлар билан олинганидан қатъи назар, қорхона бухгалтериясига топшириқнинг бажарилиши ва ўзи томонидан олинган товар-моддий бойликларни оморга ёки тегишли моддий-жавобгар шахсга топширилиши тўғрисида ҳужжатлар тақдим этиши шарт.

Фойдаланилмаган ишончномалар уларни берган

корхонага ишончноманинг амал қилиш муддати тугаганидан кейинги кунда қайтарилиши керак. Фойдаланилмаган ишончномаларнинг қайтарилиши туғрисида ишончномалар дафтарчаси корешогида ёки берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида («Топшириқларнинг бажарилиши туғрисида белгилар» устунида) белги қўйилади. Фойдаланмасдан қайтарилган ишончномаларга «*ишлатилмаган*» ёки «*бекор қилинган*» деб ёзиб қўйилади ва улар ҳисобот йилининг охиригача уларни рўйхатга олиш учун масъул шахсда сақланади. Йил тугагач, бундай фойдаланилмаган ҳужжатлар йўқ қилиниб, бу хусусда йўқ қилиш туғрисида тегишли далолатнома тузилади. Амал қилиш муддати тугаган ишончномалардан фойдаланиш хусусида ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмайди.

Корхона бош бухгалтери қўйидагиларни таъминлаши шарт:

- ишончномаларни расмийлаштириш, бериш ва рўйхатга олиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;
- ишончнома олаётган шахсларга ишончнома бўйича топшириқларнинг бажарилиши туғрисидаги ҳужжатларни бухгалтерияга тақдим этиш тартиби туғрисида иул-иуриқ бериш;
- ишончномалардан фойдаланиш устидан кирим ҳужжатлари (кирим ордерлари, қабул қилиш ҳужжатлари ва ҳоказо) асосида амалга ошириладиган ўз вақтидаги назорат;
- ишончноманинг амал қилиш муддати доирасида тегишли кирим ҳужжатларининг ўз вақтида тақдим қилиниши ёки ишончномадан фойдаланилмаганда уни қайтариш устидан назорат қилиш.

Қўйидаги ҳолларда корхоналар томонидан товар-моддий бойликлар берилмайди:

- унинг белгиланган тулдириш тартибини бузган ҳолда ёки реквизиитларни тулдирмасдан берилган ишончнома тақдим этилганда;
- тузатишлар ва узиришлар мавжуд бўлган ишончнома тақдим этилганда;
- ишончномада курсатилган паспорт тақдим этилмаганда;
- ишончнома берилган муддат тугаганда;
- ишончнома бекор қилинганлиги тугрисида хабар олинганда.

Ишончномалар уларнинг амал қилиш муддати-дан қатъи назар, товар-моддий бойликлар биринчи берилган пайтда мол етказиб берувчи томонидан олиб келилади. Товар-моддий бойликлар ишончнома берилган ҳолда ҳар бир берилган қисмга юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шу сингари бошқа ҳужжат) тузилиб, унда ишончнома рақами ва берилган санаси кўрсатилади. Ушбу ҳолларда юкхат (ёки унинг урнини босувчи ҳужжат)нинг бир нусхаси товар-моддий бойликларни олувчига топширилади; бошқа нусхаси эса мол етказиб берувчида қолган ишончномага тиркалади ва ишончномага биноан бойликлар берилишини кузатиш ҳамда назорат қилиш, шунингдек истеъмолчига тўловнома тақдим этиш учун фойдаланилади.

Товар-моддий бойликлар берилиши тугагач, ишончнома топширилаётган ишончнома бўйича бойликларнинг охири туркумини беришга доир ҳужжатлар билан бирга бухгалтерияга топширилади.

Товар ва материаллар корхоналар, савдо ва бошқа ташкилотларга марказлаштирилган тартибда олиб келинган ҳамда етказиб берилган ҳолларда мол етказиб берувчилар товар ва материалларни ишончномасиз беришлари мумкин. Бундай ҳолларда товарлар (материаллар) олувчиси мол етказиб берувчиларга олиб келинган товар (материал)ни

олган моддий жавобгар шахс мол етказиб берувчида қоладиган илова қилинадиган ҳужжат (юкхат, ҳисобварақ ва ҳоказо) нусхасига босадиган муҳр (штамп) намунасини, айтилган бойликларнинг олиниши тўғрисидаги имзосини маълум қилиши шарт.

Мол етказиб берувчининг товар-моддий бойликларни ишончнома бўйича беришнинг белгиланган тартибига риоя қилиши устидан назорат қилиш корхона бош бухгалтери зиммасига юкланади.

Қайта ишловчи корхоналар, савдо тармоғи ва ҳоказоларга келиб тушган товарлар (материаллар) ўз вақтида ва тулиқ кирим қилиниши устидан назорат мол етказиб берувчиларнинг тегишли ҳужжатлари асосида мунтазам равишда ўтказилади ва олувчи корхонанинг моддий қисм бухгалтери ҳамда моддий жавобгар шахси томонидан амалга оширилади.

М-2а шакли

Ишончнома « _____ » _____ йилгача амал қилади.

Истеъмолчининг номи ва манзили _____

Тўловчининг номи ва манзили _____

_____ даги _____ -сон ҳисобварақ

банк номи _____

Ишончнома № _____

Берилган сана « _____ » _____ йил

Берилди _____ га

мансаб, ФИШ _____

Паспорт, серия _____ № _____

берилган < > йил

паспорт ким томонидан берилган

дан

мол етказиб берувчининг номи

буйича

наряд рақами, санаси ва ҳоказо

товар-моддий бойликларни олишга

Ишончноманинг орқа томони

Қорхона

Ишончнома №

| Паспорт маълумотлари | Товар-моддий бойликлар етказиб берувчининг номи | Олинган товар-моддий бойликлар |
|----------------------|---|--------------------------------|
| берилган сана | | |
| ишончнома берилган | | |
| шахснинг мансаби, | | |
| ФИШ | | |
| Имзо | | |

Ишончнома олган шахснинг имзосини тасдиқлаймиз.

Қорхона раҳбари

Бош бухгалтер

4.5. Хужалик шартномаларини тузиш ва бу масалада бош бухгалтернинг урни

Бозор муносабатларининг ривожланиши республикамиздаги хужалик-ҳуқуқий муносабатларни тубдан ўзгартирди. Агар илгарилари улар асосида ди-

ректив органларнинг режали топшириқлари, шартномаларнинг намунавий шакллари ва молиявий ҳисоб-китобларнинг шаклланган чизмалари ётган бўлса, энди уларнинг ҳаммаси амалда ҳаётимиздан чиқиб кетмоқда. Уларнинг урнига шартномага асосланган янги узаро муносабатлар келяпти.

Даъво ишларининг таҳлили кўрсатишича, агар низолашувчи тарафлар хўжалик шартномалари ва бошқа шартномаларни тузишга анча жиддий ёндашсалар, даъволарнинг миқдорини анча камайтириш мумкин бўлар эди.

Ҳозирги вазиятда шартнома ишида бош бухгалтернинг роли жуда ҳам каттадир. Муаллифларнинг мақсади раҳбарлар, юристлар эътиборини ана шу иштирокнинг зарурлигига қаратишдир, зеро амалиётнинг кўрсатишича, баъзи раҳбарларнинг бош бухгалтерларни шартнома ишига жалб этмасликдан иборат нотўғри позицияси номақбул оқибатларга олиб келади (олинган маҳсулотга доир маблағларни, зарарларни, жарималарни ундириш мумкин эмаслиги ва ҳоказо); шартнома ишида бош бухгалтерлар иштирокининг шакл ва усулларини кўриб чиқиш ҳамда таҳлил қилишдир.

Гарб мамлакатларида, ҳозирги вақтда яқин хориж мамлакатларида ҳам фирмаларга адвокатлар идоралари хизмат кўрсатиши амалиётдан ўрин олган. Республикамизда бу нарса объектив сабаблар туфайли унчалик кенг тарқалмаган, лекин хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш ва бекор қилиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида» 1998 йил 29 августда Қонун қабул қилинди.

Алоҳида боб (қонун IV боби) шартнома муносабатларининг ҳуқуқий таъминотини ташкил этиш-

га, хужалик шартномалари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратга бағишланган. Шартнома ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланишида юридик хизматга катта ўрин ажратилади. Деқни хорижий мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, адвокатлар идоралари раҳбарларга нафақат шартнома ишини ташкил этиш тўғрисида махсус буйруқ чиқаришни, балки унга албатта қуйидаги шартни киритишни ҳам тавсия этадилар, яъни: «Хар қандай шартнома лойиҳасини имзолаш учун раҳбар ёки унинг ўринбосарига топширишга қадар лойиҳа мазкур шартномани тузиш ва бажаришга бевосита дахлдор бир неча мансабдор шахсларнинг ҳужжатдан албатта бош бухгалтер томонидан визаланиши керак». Фақат шундагина шартнома молиявий бўлимининг пухта таҳлили ҳақида гапириш мумкин.

Шубҳасиз, бундай талаб бош бухгалтерлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бозор муносабатларининг мураккаблиги шундаки, кўп масалалар ҳуқуқ ва молия, ҳуқуқ ва иқтисодиёт, ҳуқуқ ва технология ва ҳоказолар туташган ерда ётади.

Унга шартнома лойиҳаси виза қўйиш учун берилганда бош бухгалтер нималарни билиши лозим?

Барақ уртасида «Шартнома» деб ёзилиб, рақам, сана қўйилмасидан «Биз, қуйида имзо чекувчилар» ёки «Бош директор тимсолида ФИРМА» деб бошланадиган турли-туман ҳужжатларни тез-тез кўришимизга тўғри келди.

Бу — тўғри эмас. Сарлавҳада шартноманинг юридик жиҳатдан аниқ номи кўрсатилиши керак. Масалан, «Олди-сотди шартномаси», «Муқобил етказиб беришлар шартномаси» (бартер шартномаси), «Ташиш шартномаси», «Қўшма фаолият ҳақида шартнома», «Кредит шартномаси», «Гаров шартномаси» ва ҳоказо.

Бу нарса нима учун керак? Шартнома турини аниқ белгилаш учун. Шунга боғлиқ ҳолда тарафларнинг муносабатлари муайян даражада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ёки республика ҳудудида амал қилувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Чунончи, олди-сотди шартномаси буйича ташқи савдо оборотида 1980 йили БМТнинг товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Конвенциясида белгиланган бирхиллаштирилган ҳуқуқий меъёрлар қўлланилади.

Ҳар қандай шартномада юристлар ҳар доим муҳим шартларни: шартнома предмети, ҳақ тулаш миқдори, ҳисоб-китоблар шакли ва усуллари, чегирмалар, устамаларни қўллаш ва ҳоказони ажратадилар. Бунга батафсилроқ тўхташ жоиз. Биринчидан, бухгалтер шартнома матнида «Ҳақ тулаш», «Ҳисоб-китоблар тизими» ёки «Нарх, ҳисоб-китоблар тизими» деган махсус булим булишини талаб этиши керак.

Ташқи савдо шартномаларини тузини чоғида туловлар валютасини аниқ курсатишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Купинча, масалан, «Ҳақ долларларда туланади» жумласига туқнаш келамиз. Лекин қайси долларда? Зеро доллар — нафақат Америка Қўшма Штатларининг, балки Австралия, Канаданинг ҳам валютасидир.

Ҳисоб-китоблар тизимини аниқ келишиб олиш ҳам гоятда муҳим. Бунда бош бухгалтер аввало ҳисоб-китоблар муайян шаклининг фойдали ёки бефойда эканлигига, хизмат кўрсатувчи банк билан узаро муносабатларга ва ушбу банк билан шартноманинг мазмунига эътиборни қаратиши керак.

Контрагент томонидан пул мажбуриятларининг бажарилиши муддатларига ҳам эътибор берилиши зарур. Масалан, шундай ҳоллар мавжудки, турли

хизматлар (куриқлаш, матн таржимаси ва ҳоказо) курсатиш билан боғлиқ шартномаларда шартнома матнида шундай деб курсатилади: «Буёртмачи ижрочи томонидан бажарилаётган иш учун мазкур шартнома тузилгандан кейин яқин кунлар ичида бунақ утказиш мажбуриятини олади». Бундай «аниқ» таъриф натижасида ижрочи туловлар муддатларини бажариш билан боғлиқ неустойкани аниқ ҳисоблаш имкониятидан батамом маҳрум булади. Шунинг учун шартнома матнида барча муддатлар аниқ белгиланиши керак.

Демак, нарх, ҳисоб-китоблар, туловлар муддатларини бош бухгалтер текшириб чиқди. Лекин булар ҳақи ҳаммаси эмас! Шартнома матнида «Транспорт, транспорт харажатлари» бўлими бўлиши мумкин. Бунда ҳам транспорт қандайлиги, ундан фойдаланиш харажатлари, шу жумладан ёқилғи нархи қандай белгиланиши ва ҳоказолар ҳам аниқ курсатилиши керак. Ҳар қандай ноаниқлик келгусида низо учун важга айланади.

Нархлар мунтазам ўсувчи шароитда уларни мулжал қилиш жуда мушкул, шунинг учун барча масалаларни шартномани имзолашга қадар пухта ўйлаш, муҳокама қилиш, келишиш лозим булади. Жуда кўп нарса шартнома турига боғлиқ. Масалан, нархларнинг давлат томонидан тартибга солиниши сақланган маҳсулотлар мавжуд, бинобарин, тарафлар томонидан уларни ўзгартириш қонунга ҳилофдир. Бироқ кўпчилик ҳолларда, бозор шароитида нархларни тарафлар ўзаро келишиб белгилайдилар.

Шартнома буйича тараф сифатида курсатилган ва муҳри шартномани тасдиқлайдиган шерик билан иш юритиш лозим. Шартномадан келиб чиқадиган барча молиявий ҳужжатлар ана шу муҳр билан тасдиқланиши керак. Акс ҳолда ўзаро даъволарни аниқлаш чоғида айбдорни топиш мумкин

булмай қолади. Масалан, муҳр қўйган ташкилотнинг шуъба корхонаси ҳисобланган фирма билан шартнома тузилган. Ушбу ҳолда маблағларни ундириш варианты мумкин бўлади, чунки уз муҳрининг йўқлиги ушбу фирманинг аллақачон мавжуд эмаслигини ёки унинг фаолияти қандайдир асосли сабабларга кура тўхтатилганлигини курсатади.

Шартноманинг яна бир булими бош бухгалтернинг эътиборини тортиши керак. Бу — ҳақ тулашдан олдин тақдим этиладиган ҳужжатлар, хусусан, «Шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик» булимидир. Купинча шундай бўладики, «Жавобгарлик» булими шартномада умуман булмайди ёки шундай баён этиладики, унинг мазмуни фақат бир тарафнинг манфаатларига жавоб беради. Ушбу ҳолда тарафлардан бирининг манфаатлари ҳисобга олинмайди «асоратли шартнома» имзоланади. Шу сабабли ушбу булимда ҳар бир тарафнинг жавобгарлик мезони ёки ҳеч булмаганда унинг доирасида даъво қўзғатиладиган қонун моддалари курсатилиши зарур (масалан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 25-33-моддаларида аҳдлашувчи тарафлар шартнома мажбуриятларини бузишнинг ҳар бир турги учун жавобгарлик баён этилган). Лекин келишиб, тарафлар жавобгарлигининг бошқа турларини ҳам кузда тутиш мумкин.

Контракт (шартнома) лойиҳасини тайёрлаш чоғида жарима, пеня синғари тушунчаларни ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштиришга эътибор қаратилиши керак.

Жарима — жазо чораси, меъёрий ҳужжатда аниқ шартланган, кредиторга қарздор тулаши шарт бўлган суммадир. Жарима тарафларнинг келишув билан, албатта ёзма келишув ёки контракт булими сифатида ҳам белгиланиши мумкин.

Пеня — етказиб берилган товар, бажарилган ишлар ёки курсатилган хизматлар учун товар ҳисобварақлари, тулов талабномалари, тулов топшириқномалари ҳақини тулаш кечиккан тақдирда мол етказиб берувчи ёки хизматлар курсатувчи фирма қўллаши мумкин бўлган жазо чорасидир.

Зарарларга келсак, Қонунда шундай дейилган: «Неустойка (жарима, пеня) туланганидан қағби назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга бунинг натижасида етказилган зарарларни тулайди». Агар қонун ёки шартномада зарарларни камроқ ҳажмда тулаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс унга етказилган зарарларни тулик тулашни талаб этиши мумкин.

Зарарлар деганда ҳуқуқи бузилган шахс бузилган ҳуқуқини тиклаш учун амалга оширган ёки ошириши керак бўлган харажатлар, унинг мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши (реал зарар), шунингдек олилмаган даромадлар, агар унинг ҳуқуқи бузилмаганда фуқаролик оборотининг одатдаги шароитларида ушбу шахс олиши даркор бўлган даромадлар (бой берилган фойда) тушунилади.

Туловнинг кечиктирилиши муносабати билан кредитор кўрган зарарлар умумий тартибда ундирилади.

Агар ҳуқуқи бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарарлар билан бир қаторда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда бой берилган фойдани тулашни талаб қилишга ҳақлидир.

Бундай таърифларда истисносиз жисмоний ҳамда юридик шахслар назарда тутилади. Шартнома лойиҳасининг матнига зарарларни тулаш ҳақидаги шартни киритиб, бундай зарарлар мавжудлигини исботлашнинг гоётда мураккаб механизмини ва уларни ҳисоблашни кўз олдига келтириш зарур бўлади.

Бош бухгалтер олдиндан ҳақ тўлаш тартибида йирик суммани олиш иштиёқида бўлган янги шериклар билан тузиладиган шартномаларга алоҳида эътибор қаратиши керак. Мижозлар шартнома тузиш ҳақида таклифнома хатининг бурчагига қўйилган штамп ва «фирма» ҳисобварағига пул ўтказилганидан кейин ҳеч ким топа олмайдиган «бош директор» имзоси устига қўйилган думалоқ муҳрдаги маълумотлар асосидагина шерик ҳақидаги билимларига асосланиб шартномаларни имзолайдиган ҳоллар кўп учрайди.

Шартноманинг ишончлилигини таъминлашнинг энг яқини усули — унга банк қарорлари тўғрисидаги махсус бўлимни киритишдир.

Баъзан бош бухгалтернинг талабига кура раҳбар фақат гаров шартномаси бўлгандагина шартномани имзолайди. Бозор шарт-шароити шартнома тизимига янги-янги шаклларни жорий этяпти. Учинчи шахсга илгари имзоланган мажбуриятдан келиб чиқадиган барча ёки айрим ҳуқуқлар ёки мажбуриятларни бериш тўғрисида тарафларнинг келишуви уларнинг биридир. Бундай ҳолатда бош бухгалтер барча молиявий шартлар, шу жумладан учинчи тарафнинг жавобгарлиги ҳам аниқ таърифлашга эътиборни қаратиши керак. Амалиётда учинчи шахс уз мажбуриятларини бажармайдиган ҳоллар учрайди.

Бош бухгалтер шартнома лойиҳасини диққат билан ўқиркан, ҳар қандай шартноманинг охириги бўлими ҳисобланадиган «Тарафларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари»га эътибор бериши керак. Ушбу бўлимда аниқ почта манзили (индекс билан), телефон, факс, банк реквизитлари, шу жумладан МФОнинг аниқ баёни албатта бўлиши керак. Шундан кейингина виза — имзо ва сана қўйилиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан контракт (шартнома)нинг жавобгарлик туғрисидаги булимийи туғри таърифлаш масалалари қанчалик мураккаблиги ва бунда бош бухгалтернинг роли қандайлиги курииб турибди.

Ҳар бир шартнома — ноёб юридик ҳужжат, мазмуни куплаб шартларга боғлиқ бўлган ижодий асардир. Шу сабабли куп миқдорда чиқариладиган «Намунавий шартномалар» танқидий муносабатда бўлишни тақозо этади, зеро ҳар бир шартнома ягона бўлиб, бош бухгалтер ифодалайдиган муайян фирманинг манфаатларига энг куп даражада жавоб бериши керак.

4.6. Корхонада инвентарлашни утказиш тартиби

Инвентарлаш — бухгалтерия ҳисобининг зарур унсурларидан бири бўлиб, моддий бойликлар, пул маблағлари ва молиявий мажбуриятларни натурада текшириш орқали уларнинг корхонадаги ҳақиқий ҳолатини аниқлаш имконини беради. У бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тасдиқлайди ёки ҳисобга олинмаган бойликлар, йул қўйилган йўқотишлар, ўғрилик ва камомадларни аниқлаб беради. Шунинг учун инвентарлаш ёрдамида моддий бойликлар ва пул маблағларининг бутлиги назорат қилинади, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тулиқлиги ва ишончлилиги текширилади.

Инвентарлашнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади (19-сон БХМС): мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш; мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш; ҳисобда мажбуриятларнинг тулиқ акс этирилганлигини текшириш.

Юқорида кўрсатилган мақсадларга қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали эришилади:

- ҳисоб объектларининг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаб аниқлаш;
- ҳисоб объектларининг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш орқали уларнинг бутлигини назорат қилиш;
- ўз сифатларини йўқотган, маънан эскирган ва корхонанинг амалий фаолиятида ишлатилмайдиган ҳисоб объектларини аниқлаш;
- моддий жавобгар шахслар ва моддий қисм бухгалтерия томонидан ҳисоб объектлари тўғри юритилаётганлигини текшириш;
- бундан кейин бухгалтерия ҳисоби тизимида аниқланган камчиликлар ва ҳуқуқ бузилишларига йўл қўймаслик мақсадида инвентарлаш натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Инвентарлаш одатда йилига бир маротаба, ҳисобот йилининг 1 октябридан кечиктирмай, шунингдек қуйидаги ҳолларда утказилади:

- моддий жавобгар шахс индан бушаганда ёки навбатдаги меҳнат таътилига чиққанда (локал инвентарлаш);
- мол-мулкни талон-торож қилиш, суиистеъмолик ёки уни шикастлаш фактлари аниқланганда;
- асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганда;
- ёнгин ёки табиий офат юз берганда — ёнгин ёки табиий офат тугаши билан дарҳол;
- мол-мулк ижарага берилганда;

- давлат мол-мулки хусусийлаштирилганда ва сотиб олинганида;
- корхона қайта ташкил этилган ва тугатилган тақдирда;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш ва уларнинг бутлигини назорат қилиш мақсадида ҳужалик юритувчи субъектлар вақти-вақти билан, лекин икки йилда камида бир маротаба асосий воситаларни, беш йилда бир маротаба кутубхона фондларини инвентарлайдилар.

Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, бойликлар ва имовий ҳисоботдаги бланклар ҳар ойда бир маротаба, ёнилги-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар чорақда, қимматбаҳо металллар тармоқ йуриқномаларига мувофиқ инвентарланади.

Айрим жойларда ва иш мавсумий тусда бўлган корхоналарда ишлаб чиқариш захиралари ва товарларни инвентарлаш уларнинг қолдиқлари энг кам бўлган даврда ўтказилиши мумкин.

Жамоавий моддий жавоббарликда инвентарлаш жамоа раҳбари ўзгарганда, жамоадан унинг эллик фоиздан ортиқ аъзоси чиқиб кетганда, шунингдек жамоанинг бир ёки бир неча аъзоси талабига кўра ўтказилади.

Ҳисобот йилида инвентарлашлар миқдори, уларни ўтказиш санаси, мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар рўяхати ҳужалик субъектининг раҳбари томонидан белгиланади, 19-сон БХМСнинг 1.5-1.6-бандларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Инвентарлашни ўтказиш учун корхонада доимий ишлайдиган инвентарлаш комиссиялари тузилади. Комиссия таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- корхона раҳбари ёки раҳбар уринбосари;

- бош бухгалтер;
- юрист;
- моддий қисм бухгалтери;
- товаршунос, муҳандис, технолог, механик, иш юритувчи;
- иқтисодий булимлар ходимлари ва бошқалар.

Бир моддий жавобгар шахсларда инвентарлаш утказиш учун бир ходимни кетма-кет икки мартаба ишчи инвентарлаш комиссиясининг райси этиб тайинлаш ман этилади.

Доимий ишлайдиган ва ишчи инвентарлаш комиссияларининг шахсий таркибини хужалик юритувчи субъект раҳбари тегишли буйруқ билан тасдиқлайди.

Инвентарлаш пайтида ақалли комиссия битта аъзосининг булмаслиги инвентарлаш натижаларининг ҳақиқий эмас деб топиш учун асос булиб хизмат қилади (19-сон БХМС 2:8-банди).

Ишлайдиган инвентарлаш комиссияларининг функцияларига қуйидагилар киради:

— бойликлар бутлигини таъминлаш буйича профилактика ишини утказиш, зарурат булганда ўз мажлисларида булим, цех, шубба раҳбарларининг бойликлар бутлиги масалаларига доир ҳисоботларини тинглаш;

— инвентарлашлар утказилишини ташкил қилиш ва ишчи инвентарлаш комиссияларининг аъзоларига йул-йуриқ беришни амалга ошириш;

— инвентарлаш тўғри утказилганлигининг назорат текширувларини, шунингдек инвентарлашлар ўртасидаги даврда сақлаш ва қайта ишлаш жойларида товар-моддий бойликларни танлаб инвентарлашларни амалга ошириш;

— инвентарлашлар натижалари тўғри чиқарилганлигини, базалар, омборлар, омборхоналар, цехлар, қурилиш участкалари ва бошқа сақлаш жой-

ларида бойликларни қайтадан навларга ажратиш бўйича таклиф этилган ҳисобга олишларнинг асослилигини текшириш;

— зарур ҳолларда (инвентарлашни ўтказиш қоидаларини жиддий бузишлар аниқланганда ва ҳоказо) ҳужалик юритувчи субъектнинг топширигига биноан такроран ялпи инвентарлашларни ўтказиш;

— бойликлар камомоди ёки шикастланишига, шунингдек бошқа қоидабузарликларга йўл қўйган шахслардан олинган тушунтиришларни куриб чиқиш ва бойликларнинг бузилишидан аниқланган камомад ва талафотларни бошқариш тартиби тўғрисида таклифлар бериш.

Ишчи инвентарлаш комиссиялари

— сақлаш ва инвентарлаш жойларида бойликлар ва пул маблағларини инвентарлашни амалга оширади;

— ҳужалик юритувчи субъект бухгалтерияси билан биргаликда инвентарлаш натижаларини белгилашда иштирок этади ва навларга қайта ажратиш бўйича камомад ҳамда ортиқча маҳсулотларни ҳисобга олиш, шунингдек табиий йўқолиш меъёрлари доирасида камомадларни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

— товар-моддий бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва беришни тартибга солиш, ҳисобга олиш ва уларнинг булигини назорат қилишни яхшилаш масалалари бўйича, шунингдек меъёрлардан ортиқча ва ишлатилмайдиган моддий бойликларни сотиш тўғрисида таклифлар киритади;

— қуйидагилар учун жавоб беради:

а) ҳужалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғига мувофиқ инвентарлашни ўз вақтида ўтказишга ва уни ўтказиш тартибига риоя этилишига;

б) хатловларга текширилаётган асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва

ҳисоб-китоблардаги маблағларнинг ҳақиқий қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар тулиқ ва аниқ кiritилишига;

в) уларнинг нархлари белгиланишига асос буладиган товар-моддий бойликларнинг фарқловчи аломатлари (тури, нави, маркаси, ҳажми, прејскурант буйича тартиб рақами, артикули ва ҳоказо) хатловда тўғри курсатилишига;

г) инвентарлаш материалларининг белгиланган тартибга мувофиқ тури ва ўз вақтида расмийлаштирилишига.

Инвентарлаш комиссиялари аъзолари товарлар, материаллар ва бошқа бойликларнинг камомоди ва растраталарини, ортиқча чиқишини яшириш мақсадида бойликларнинг ҳақиқатдаги қолдиқлари тўғрисидаги шак-шубҳасиз ёлгон маълумотларни хатловга киритганлик учун белгиланган тартибга мувофиқ жавобгарликка тортилиши керак. Мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширишни бошлашдан олдин инвентарлаш комиссияси инвентарлаш пайтида охириги бўлган кирим-чиқим ҳужжатларини ёки моддий воситалар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни олиши шарт.

Инвентарлаш комиссиясининг раиси ҳисоботларга ~~инвентарлаш комиссиясининг раиси~~ кирим-чиқим ҳужжатларига виза қўйиб, «... (сана)да инвентарлашгача» деб курсатади; бу эса бухгалтерияга ҳисоб маълумотлари буйича инвентарлаш бошланишига мол-мулк қолдиқларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Моддий жавобгар шахслар инвентарлаш бошланишига мол-мулкка доир барча чиқим ва кирим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилгани ёки комиссияга берилгани, уларнинг жавобгарлигига келиб тушган барча бойликлар кирим қилингани, чиқиб кетганлари эса чиқимга ҳисобдан чиқарил-

гани тўғрисида тилхат берадилар. Мол-мулкни харид қилишга ҳисобот бериладиган суммаларга ёни уни олиш учун ишончномага эга бўлган шахслар ҳам худди шундай тилхатлар берадилар.

Инвентарлашни утказишни бошлашдан олдин ишчи инвентарлаш комиссияларининг аъзоларига буйруқ, комиссиялар раисларига назорат плөмбири топширилади (плөмбир инвентарлаш комиссиясининг бутун ишлаши мобайнида комиссия раисиди сақланади). Буйруққа инвентарлашни утказиш иштини бошлаш ва тугатиш муддатлари белгиланади.

Агар мол-мулкни инвентарлаш бир неча кун давомида утказилса, моддий бойликлар сақланадиган хона инвентарлаш комиссияси кетаётганида сургулаб қуйилиши керак. Инвентарлаш комиссияси ишидаги танаффуслар вақтида (тушлик танаффусда, тунги вақтда, бошқа сабабларга кўра) хатловлар инвентарлаш утказилаётган ёпиқ хонадаги яшиқда (темир жавон, сейфда) сақланиши шарт.

Буйруқлар бухгалтерия томонидан инвентарлашни утказиш тўғрисидаги буйруқларнинг бажарилишини назорат қилиш дафтарида рўйхатга олинади (19-сон БХМСга 2-илова).

Товар-моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширишга киришишдан олдин ишчи инвентарлаш комиссияси:

— ёрдамчи хоналар, ертулалар ҳамда алоҳида кириш ва чиқишларга эга бўлган, бойликларни еқлайдиган бошқа жойларни плөмбалаши;

— оғирликни улчовчи барча асбобларнинг носоз эмаслигини текшириши ва уларни тамғалашнинг белгиланган муддатларига риоя этиши шарт.

Тусатдан инвентарлашлар пайтида барча товар-моддий бойликлар инвентарлаш комиссияси ҳозирлигида, бошқа ҳолларда эса олдиндан инвентарлашга тайёрланади. Улар номлари, навлари, ҳажмла-

ри буйича гуруҳлаштирилиши, навларга ажрати-
лиши ва улар миқдорини санаш учун қулай тартиб-
да жойлаштирилиши керак.

Асосий воситалар, хом ашё, материаллар, тай-
ёр маҳсулот, товарлар, пул маблағлари ва бошқа
бойликларни инвентарлаш улар сақланаётган ҳар
бир жой ва ушбу бойликлар сақланиши топширил-
ган масъул шахс буйича бажарилади.

Ҳақиқатдаги қолдиқларни текшириш моддий
жавобгар шахслар (кассирлар, хўжаликлар, савдо
корхоналар, омборхоналар, тайёрлаш пунктлари ва
ҳоказолар мудирлари)нинг мажбурий иштирокида
амалга оширилади.

Инвентарлаш пайтида бойликларнинг мавжуд-
лиги мажбурий тарзда санаш, тарозида тортиш,
улчаш йули билан белгиланади.

Ётказиб берувчининг шикастланмаган урамида
сақланаётган материаллар ва товар буйича ушбу
бойликлар миқдори истисно тариқасида ҳужжат-
лар асосида белгиланиши мумкин, бунда ушбу бой-
ликларнинг бир қисми натурада (танлаб олиб) ал-
батта текширилади. Қопланмаган (уйилган) маҳсу-
лотлар оғирлиги (ёки ҳажми)ни улчашлар ва тех-
ник ҳисоб-китоблар асосида белгилашга йул қуйи-
лади, улчашлар даволатномалари ва ҳисоб-китоблар
хатловга тиркалади. Тарозида тортиладиган товар-
ларнинг куп миқдорини инвентарлаш пайтида тор-
тиш қайдномаларини ишчи инвентарлаш комисси-
яси аъзоларидан бири ва моддий жавобгар шахс
юритади. Иш куни охирида (ёки тарозида тортиш-
лар тугаганидан кейин) ушбу қайдномалар маълум-
отлари солиштирилади, чиқарилган яқун эса ин-
вентарлаш хатловига киритилади. Тортиш қайдно-
малари хатловга тиркалади.

Инвентарланаётган бойликлар ва объектлар
номлари ҳамда уларнинг миқдори хатловларда

номенклатура буйича ва ҳисобда қабул қилинган улчовлар бирликларида курсатилади.

Хатловларга ишчи инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар имзо чекади. Хатлов охирида моддий жавобгар шахслар комиссия бойликларни уларнинг ҳозирлигида текширгани, комиссия аъзоларига нисбатан ҳеч қандай эътирозлар йўқлиги ва хатловда саналган бойликларни масъулиятли сақлашга қабул қилганликларини тасдиқлайдиган тилхат берадилар.

Моддий жавобгар шахслар узгарган ҳолда бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш пайтида инвентарлаш хатловларида бойликларни қабул қилган шахс уларнинг олингани туғрисида, топширган шахс эса уларнинг топширилгани туғрисида тилхат ёзади.

Хужаликка тегишли бўлмаган, лекин унда жойлашган бойликларга алоҳида хатловлар тузилади.

Инвентарлаш пайтида инвентарлаш буйича дастлабки ҳисоб ҳужжатларининг тасдиқланган намуна Инвентарлаш пайтида инвентарлаш буйича

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, паррандалар ва асалари оилалари, кун йиллик кучатлар, кучатхоналар инвентарланганда қишлоқ хужалик корхоналари учун тасдиқланган хатловлар шакллари қўлланилади.

Инвентарлаш хатловларини механизация воситалари ёрдамида ёки қўлда тўлдириш мумкин.

Қўлда тузиладиган инвентарлаш хатловлари аниқ ва равшан қилиб тўлдирилади. Ҳеч қандай учириб ёзиш ва устидан ёзишларга йўл қўйилмайди.

Инвентарлаш хатловининг ҳар бир саҳифасида товар-моддий бойликлар тартиб рақамларининг сони ва мазкур саҳифада ёзилган натура курсаткичларида барча бойликлар миқдорининг умумий

яқуни ёзув билан курсатилади, бу бойликлар қандай улчов бирликларида курсатилганининг аҳамияти йўқ.

Хатоларни тузатиш хатловларнинг барча нусхаларида нотўғри ёзувларнинг устига чизилиши ва учирилган ёзувлар устига тўғри ёзувларни қўйиш йўли билан бажарилиши керак. Тузатишлар таъкидланиши ва инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари ҳамда моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланиши керак.

Инвентарлаш хатловларида тўлдирилмаган сатрларни қолдиришга йўл қўйилмайди. Хатловларнинг охириги varaқларида тўлдирилмаган сатрлар устига чизилади.

Моддий жавобгар шахслар инвентарлашдан кейин инвентарлаш хатловларида хатолар топган тақдирда, улар дарҳол (омбор, омборхона, шуъба ва ҳоказолар очилишигача) буни ишчи инвентарлаш комиссиясига айтишлари керак. Моддий жавобгар шахсларнинг қамомад ёки ортиқча маҳсулот товар-моддий бойликларнинг номланиши, ўтказилишидаги, янглиш саналиши ва ҳоказо хатолар туфайли қелиб чиққани тўғрисидаги баёноти омбор, омборхона, шуъба очилишига қадар қабул қилинади. Ишчи инвентарлаш комиссияси курсатилган фактларни текширади ва улар тасдиқланган тақдирда аниқланган хатоларни белгиланган тартибда тузатади.

Хужалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ўз вақтида ҳамда тўғри инвентарланиши ва уларнинг тўсатдан бўлишини таъминлаш учун жавоб берадилар. Улар бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини қисқа муддатларда тўлиқ ва аниқ текширилишини таъминлайдиган шароитларни яратиб беришлари шарт.

Бош бухгалтер тегишли бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарлари билан биргаликда инвентар-

лашни ўтказишнинг белгиланган қоидаларига риоя этилишини синчиклаб назорат қилиши шарт.

Товар-моддий бойликларни инвентарлаш билан бир-вақтда хужалиқ юритувчи субъект бухгалтерияси барча тегишли ҳисобварақлар бўйича ёзувларни корреспонденцияланадиган ҳисобварақлар билан таққослаб текшириши керак. Масалан, асосий воситалар бўйича (капитал қўйилмаларнинг тегишли ҳисобварақлари билан келиштириб) фойдаланишга қабул қилинган барча объектлар ҳисобда қайд қилинганини; товар-моддий бойликлар бўйича — келиб тушган барча бойликлар кирим қилингани, чиқиб кетганлари аса ҳисобдан чиқарилгани ва бу ҳол ҳисобда акс этирилганини; тугалданмаган ишлаб чиқариш бўйича — барча харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳисобдан чиқарилгани ва ҳоказоларни белгилаш зарур.

Инвентарлашни расмийлаштириш учун мол-мулк ва молиявий натижаларни инвентарлаш бўйича дастлабки ҳисоб хужжатлари шаклларини қўллаш лозим (19-сон БҲМС 5-18-иловаларига биноан). Хусусан, иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, паррандалар ва асалари оилалари, қўп йиллик кўчатлар, кўчатхоналарни инвентарлашда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиғи вазирлиғи томонидан қишлоқ хужалиқ қорхоналари учун тасдиқланган шакллар қўлланилади.

Инвентарлаш тугганидан кейин инвентарлаш тўғри ўтказилганлигининг назорат текширувлари ўтказилиши мумкин. Уларни инвентарлаш комиссиялари аъзолари ва моддий жавобгар шахсларнинг иштирокида, албатта инвентарлаш ўтказилган омбор, омборхона, шўба ва ҳоказолар очилишигача ўтказиш керак. Инвентарлаш тўғри ўтказилганининг назорат текширувлари натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади (19-сон БҲМС 3-илова) ва

инвентарлаш тўғри утказилганлигининг назорат текширувларини ҳисобга олиш дафтариди (19-сон БХМС 4-илова) руйхатга олинади.

Асосий воситаларни инвентарлашни бошлашдан олдин қуйидагиларни текшириб куриш зарур:

— инвентарь карточкалари, инвентарь дафтарлари ёки хатловларининг мавжудлиги ҳамда ҳолати;

— техник паспортлар ёки бошқа техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда ҳолати;

— ҳужалик юритувчи субъект томонидан ижарага, сақлашга ва вақтинча фойдаланишга топширилган ёки қабул қилинган ҳужжатларнинг мавжудлиги. Ҳужжатлар мавжуд бўлмаганида уларнинг олиниши ёки расмийлаштирилишини таъминлаш лозим.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ёки техник ҳужжатларда тафовутлар ёки ноаниқликлар аниқланганида уларга тегishли узгартириш ва аниқлаштиришлар киритилиши керак.

Асосий воситалар инвентарланаётганида комиссия албатта объектларни натурада куздан кечиради ва инвентарлаш хатловларига уларнинг тўлиқ номи, вазифаси, инвентарь рақамлари ва асосий техник ёки фойдаланиш курсаткичларини қайд этади.

Ҳисобга қабул қилинмаган объектлар, шунингдек ҳисоб регистрларида уларни тавсифлайдиган маълумотлар мавжуд бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар курсатилган объектлар аниқланганида комиссия инвентарлаш хатловига ана шу объектлар бўйича етишмаётган ёки тўғри маълумотларни ва техник курсаткичларни киритиши керак, масалан: бинолар бўйича уларнинг вазифаси, уларни қуришда ишлатилган асосий материаллар, ҳажм (ташқи томондан ёки ички томондан ўлчаш бўйича), майдон (умумий фойдали майдон), қаватлар сони (ертула), ярим ертула (ва ҳоказоларсиз), қурилган йил ва

ҳоказо; каналлар бўйича узунлиги, чуқурлик ва эни (туби ва сатҳи бўйича), сунъий иншоотлар, туби ва ён томонларни мустаҳкамлаш материаллари; куприклар бўйича жойлашган ери, материаллар тури ва асосий ҳажмлар; йўллар бўйича йўл тури (тош йўл, қиялаб текисланган), узунлик, қоплаш материаллари ва йўл эни курсатилиши керак ва ҳоказо.

Инвентарлашда аниқланган ҳисобга олинмаган объектларни баҳолаш жорий қиймат бўйича амалга оширилиши керак, эскириш эса объектларнинг амалдаги техник ҳолати бўйича белгиланиб, баҳолаш ва эскириш ҳақидаги маълумотлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилиши лозим.

Инвентарлаш комиссияси инвентарлаш вақтида аниқланган ҳисобга олинмаган объектлар қачон ва қимнинг фармойиши билан бунёд этилганини, уларни барпо этиш харажатлари қаерга ҳисобдан чиқарилганини аниқлаши ва уларни баённомада акс эттириши шарт.

Асосий воситалар хатловга номлари бўйича, объектнинг асосий вазифасига мувофиқ киритилади. Агар объект тикланган, таъмирланган, кенгайтирилган ёки қайта жиҳозланган ва бунинг оқибатида унинг асосий вазифаси ўзгарган бўлса, у хатловга янги вазифага мувофиқ ном билан киритилади.

Агар комиссия капитал тусда қилинган ишлар (қаватлар қуриш, янги хоналарни қушимча қуриш ва ҳоказо) ёки иморат ва иншоотларни қисман тугатиш (айрим конструктив унсурларни бузиш) бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаганлигини белгиласа, у тегишли ҳужжатлар бўйича объект дастлабки қийматининг купайиш ёки камайиш суммасини белгилаши ҳамда хатловда қилинган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни келтириши шарт.

Айни вақтда комиссия бунда айбдор бўлган шахсларни аниқлаши ва у ёки бу объектларнинг конст

руктив узгаришлари қандай сабаблар билан ҳисоб регистрларида акс этмаганлигини белгилаши шарт.

Машиналар, ускуналар ва куч қурилмалари инвентарлаш хатловларига яқка тартибда, инвентарь рақами, тайёрлаган завод, чиқарилган йили, вазифаси, қуввати ва ҳоказоларни курсатган ҳолда қайд этилади.

Бир вақтнинг ўзида бир цех ёки бўлимга келиб тушган ва гуруҳий ҳисобнинг намунавий инвентарь карточкасида ҳисобга олиннадиган бир турдаги хужалик анжومي предметлари, асбоблар, дастгоҳлар ва ҳоказо бир хил қийматдаги буюмлар инвентарлаш хатловларида ушбу предметлар миқдорини курсатган ҳолда номлари буйича келтирилади.

Асосий воситаларнинг инвентарь объектларига берилган рақамлар одатда узгармаслиги керак. Объектлар ўз техник-ишлаб чиқариш вазифасига кўра киритилиши керак бўлган асосий воситалар гуруҳи ўрнига бошқа гуруҳга янглишиб киритилган ҳолларда, шунингдек нотўғри рақамланиш белгиланган ҳолларда рақамлар алмаштирилиши керак.

Инвентарлаш вақтида хужалик юритувчи субъектдан ташқарида бўлган асосий воситалар объектлари (олис рейсларда бўлган денгиз ва дарё кемалари, темирийулнинг ҳаракатдаги таркиби, автомашиналар; капитал таъмирлашга жунатилган машиналар ва ускуналар ва ҳоказо) улар хужаликдан вақтинча чиқиб кетиши пайтигача доимий ишловчи ёки ишчи комиссия томонидан инвентарланиши керак.

Фойдаланишга яроқсиз ва тиклаб бўлмайдиган асосий воситалар инвентарлаш хатловига киритилмайди. Ушбу объектларга инвентарлаш комиссияси алоҳида хатлов тузиб, унда фойдаланишга топшириш вақти ва ушбу объектларни яроқсиз бўлишга олиб келган сабаблар (шикастланиш, тўлиқ эс-

кириш ва ҳоказо) курсатилади. Бундай объектларни ҳисобдан чиқариш умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўз асосий воситаларини инвентарлаш билан бир вақтда ижарага олинган ва масъулиятли сақлашда булмаган асосий воситалар ҳам текширилади.

Курсатилган объектлар буйича алоҳида хатлов тузилади, унда ушбу объектлар масъулиятли сақлаш еки ижарага қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларга ҳавола берилади.

Номоддий объектлар инвентарланаётганида ташкилотнинг улардан фойдаланишга доир ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги, номоддий активлар балансда туғри ва ўз вақтида акс эттирилганини текшириш зарур.

Молиявий қўйилмаларни инвентарлашда бошқа ташкилотларнинг қимматли қоғозлари ва устав сармояларига қилинган ҳақиқий харажатлар, шунингдек бошқа ташкилотларга берилган заёмлар текширилади.

Қимматли қоғозларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текшириш чоғида:

— қимматли қоғозларнинг туғри расмийлаштирилганлиги;

— қимматли қоғозларнинг бутлиги (ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш орқали);

— бухгалтерия ҳисобида қимматли қоғозлар буйича олинган даромадлар ўз вақтида ва тулиқ акс эттирилганлиги белгиланади.

Ташкилотда қимматли қоғозлар сақланган ҳолда уларни инвентарлаш кассадаги пул маблағларини инвентарлаш билан бир вақтда утказилади.

Қимматли қоғозларни инвентарлаш айрим элементлар буйича утказилиб, далолатномада номлари, сериялари, рақамлари, номинал ва ҳақиқий

қийматлари, сундириш муддатлари ва умумий сумма кўрсатилади.

Ҳар бир қимматли қоғознинг реқвизитлари ҳужжалик юритувчи субъект бухгалтериясида сақланаётган хатловлар (реестрлар, дафтарлар) маълумотлари билан таққосланади.

Махсус ташкилотларга (банк-депозитарий, қимматли қоғозларнинг ихтисослаштирилган сақланиш жойи ва ҳоказо) сақлаш учун топширилган қимматли қоғозларни инвентарлаш ҳужжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобининг тегишли ҳисобварақларида қайд этилган суммалар қолдиқларини ушбу махсус ташкилотлар кучирмалари маълумотлари билан солиштиришдан иборатдир.

Бошқа ташкилотларнинг устав сармояларига молиявий қўйилмалар, шунингдек бошқа ҳужжалик юритувчи субъектларга берилган заёмлар инвентарлаш пайтида ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.

Товар-моддий бойликларни инвентарлаш одатда бойликларнинг мазкур хонада жойлашиш тартибида амалга оширилиши керак. Инвентарлаш пайтида товар-моддий бойликларнинг бир туридан бошқасига тартибсиз ўтишига йўл қўйиб бўлмайди.

Товар-моддий бойликлар турли, бир-биридан ажратилган хоналарда, ~~яъни биргина моддий шаклда~~ гар шахсда сақланган ҳолда инвентарлаш сақлаш жойлари буйича кетма-кетлик билан утказилади. Бойликлар текширилганидан кейин хона эшиги пломбланади, комиссия ишлаш учун бошқа хонага утади.

Товар-моддий бойликлар инвентарлаш хатловларига ҳар бир алоҳида номланиш буйича киритилиб, номенклатура рақами, тури, гуруҳи, артикули, нави ва миқдори кўрсатилади.

Ишчи инвентарлаш комиссиясининг раиси ёки унинг топшириғига кўра комиссия аъзолари омбор

(омборхона) мудири ва бошқа моддий жавобгар шахслар ҳозирлигида уларни қайта санаб, қайта тарозидида тортиш ёки қайта улчаш йули билан товар-моддий бойлиқларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширадилар. Хатловга бойлиқлар қолдиқлари туғрисидаги маълумотларни моддий жавобгар шахслар оғзидан ёки уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини текширмасдан ҳисоб маълумотлари буйича киритиш қатъиян ман қилинади.

Инвентарлашни утказиш пайтида келиб тушган товар-моддий бойлиқларни моддий жавобгар шахслар инвентарлаш комиссияси аъзолари ҳозирлигида қабул қиладилар ва инвентарлашдан кейин реестр ёки товар ҳисобварағи буйича кирим этилади. Ушбу товар-моддий бойлиқлар «Инвентарлаш пайтида келиб тушган товар-моддий бойлиқлар» деб номланган алоҳида хатловга киритилади. Хатловда улар қачон, кимдан келиб тушгани, кирим ҳужжатиининг санаси ва рақами, номи, миқдори, нарҳи ва суммаси курсатилади. Айни вақтда кирим ҳужжатида инвентарлаш комиссияси раисининг имзоси билан «инвентарлашдан кейин» белгиси қўйilib, ушбу бойлиқлар ёзилган хатлов санасига ҳавола берилади.

Инвентарлаш узоқ давом этганда, фавқулодда ҳолларда ва фақат ҳужалиқ юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтерининг ёзма рухсати билан, инвентарлаш жараёнида товар-моддий бойлиқларни моддий жавобгар шахслар инвентарлаш комиссияси аъзоларининг ҳозирлигида беришлари мумкин.

Ушбу бойлиқлар «Инвентарлаш вақтида берилган товар-моддий бойлиқлар» деб номланган алоҳида инвентарлаш хатловига киритилади. Ушбу хатлов инвентарлаш пайтида келиб тушган товар-моддий бойлиқларга доир ҳужжатларга ухшаб расмийлаштирилиши керак. Чиқим ҳужжатларида ин-

вентарлаш комиссияси раисининг имзоси билан белги қўйилади.

Бошқа хужалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган ва масъулиятли сақлашдаги товар-моддий бойликлар ўз товар-моддий бойликлари билан бир вақтда инвентарланади. Ушбу бойликларга алоҳида инвентарлаш рўйхати тузилади, унда ушбу бойликларнинг масъулиятли сақлашга қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган тегишли хужжатлар ҳавола қилинади.

Йулда бўлган, юклар жўнатилган, ҳақи харидорлар томонидан ўз муддатида туланмаган, бошқа хужалик юритувчи субъектларнинг омборларида бўлган товар-моддий бойликларни инвентарлаш тегишли ҳисобварақларда қайд этилган суммаларнинг асослигини синчиклаб текширишни ўз ичига олади.

Ана шу (йулдаги, юклар жўнатилган ва бошқа товарлар) товар-моддий бойликларни ҳисобга олишнинг ҳисобварақларида тегишлича расмийлаштирилган хужжатлар билан тасдиқланган суммаларгина қолиши мумкин: йулда бўлган товарлар бўйича — етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари, тулов талабномалари ёки уларнинг ўрнини босадиган бошқа хужжатлар билан; юклар жўнатилган товарлар бўйича — харидорлар томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар нусхалари ва тулов талабномалари нусхалари билан, тулаш муддати ўтказиб юборилган хужжатлар бўйича эса — картотекаларда тулов талабномалари мавжудлиги тўғрисида банк муассасасининг албатта тасдиғи билан; бошқа ташкилотлар омборларида бўлган товарлар бўйича — инвентарлаш санасига яқин бўлган санага қайта расмийлаштирилган, сақланган тилхатлар билан; бир шаҳардаги етказиб берувчилар омборларида бўлган товарлар бўйича — инвентарлашни ўтказиш санасига қайта расмийлаштирилган, сақланган тилхатлар билан.

Ушбу ҳисобварақлар олдиндан бошқа корреспонденцияланувчи ҳисобварақлар билан солиштирилиши керак.

Масалан, «Юклар жунатилган товарлар, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар» ҳисобварағи бўйича тўланиши нимагадир бошқа ҳисобварақларда («Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» ва ҳоказо) акс эттирилган суммаларнинг бор-йўқлигини белгилаш керак.

Уларга юклар жунатилган товарлар, бажарилган ишлар ёки курсатилган хизматлар учун харидорлар ёки буюртмачилар томонидан ҳақ тўланиши узок муддат кечикканида бундай кечикканининг сабаблари аниқланади, улар инвентарлаш комиссияси баённомасида қайд этилади.

Келиб тушган товар-моддий бойликлар кирим қилинмаган ҳоллар аниқланганида уларни олган шахсларнинг тушунтиришлари талаб қилиниши, суиистеъмоллик ҳолатида эса — материаллар тергов органларига топширилиши керак.

Йулда бўлган, юклар жунатилган, харидорлар томонидан муддатида ҳақи тўланмаган ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг омборларида бўлган товар-моддий бойликларга инвентарлаш хатловлари (далолатномалари) алоҳида тузилади.

Йулда бўлган товар-моддий бойликларга доир хатловларда ҳар бир жунатма бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилади: номи (ҳужжатга кура), миқдори ва қиймати (ҳисоб маълумотларига кура), юклар жунатиш санаси, шунингдек ушбу бойликлар тегишли ҳисобварақларда ҳисобга олиниши учун асос бўлган ҳужжатларнинг рўйхати ва рақамлари. Бунда белгиланган муддатда етиб келмаган ва ҳисобда йулдаги материаллар ҳамда товарлар сифатида қайд қилинган юклар бўйича уларни излаш учун қандай чоралар кўрилганини текшириш зарур.

Юклаб жунатилган ва харидорлар томонидан муддатида ҳақи туланмаган товар-моддий бойликларга доир хатловларда ҳар бир алоҳида юклаб жунатиш буйича харидорнинг номи, товар-моддий бойликларнинг номи, юклаб жунатиш санаси, ҳисобварақ-фактура ёзиш санаси, ҳисобварақ-фактура рақами ва ҳисобварақ-фактура буйича сумма келтирилади.

Бошқа хужалик юритувчи субъектларнинг оморларида сақланаётган товар-моддий бойликлар ушбу бойликларнинг масъулиятли сақлашга топширилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида хатловларга киритилади. Ушбу бойликларга доир хатловларда уларнинг номи, миқдори, нави, ҳақиқий қиймати (ҳисоб маълумотлари буйича), юкни сақлашга қабул қилиш санаси, сақлаш жойи, ҳужжатларнинг рақамлари ва саналари кўрсатилади.

Масъулиятли сақланишида ушбу бойликлар бўлган хужалик юритувчи субъектлардан инвентарлаш хатловларининг нусхалари олинганда комиссия бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини (инвентарлаш хатловларининг нусхаларидаги маълумотлар буйича) ҳужжатларга кура белгиланган миқдор билан таққослайди.

Бошқа хужалик юритувчи субъектларда қайта ишлашда бўлган товар-моддий бойликларга доир хатловларда қайта ишловчи корхонанинг номи, бойликлар номи, миқдори, ҳисоб маълумотлари буйича ҳақиқий қиймати, бойликларни қайта ишлашга топшириш санаси, ҳужжатларнинг рақамлари ва саналари кўрсатилади.

Фойдаланишда бўлган арзон ва тез эскирувчан буюмлар уларнинг жойлашган ери ва улар масъулиятли сақлашда бўлган шахслар буйича инвентарланади.

Инвентарлаш ҳар бир предметни кўздан кечириш йўли билан ўтказилади. Инвентарлаш хатлов-

ларига арзон ва тез эскирувчан буюмлар номланиши буйича бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган номенклатурага мувофиқ киритилади.

Ходимларга якка тартибда фойдаланиш учун берилган арзон ва тез эскирувчан буюмларни инвентарлаш пайтида гуруҳий инвентарлаш хатловларини тузиб, уларда ана шу буюмлар учун масъул бўлган, уларга шахсий карточкалар очилган шахслар курсатилишига йул қўйилади, улар жатловга имзо чекадилар.

Хатловларда буюмларнинг дастлабки қиймати курсатилади.

Агар ушбу буюмлар эскириши уларнинг ҳақиқий ҳолати бўлишига асос бўлмаса, изоҳда ишчи инвентарлаш комиссияси томонидан белгиланадиган ҳар бир буюмнинг эскириш фоизи ёки эскириш бир хил миқдорда бўлган гуруҳлар курсатилади. Бундай ҳолда эскириш турли даражада бўлган бир нөмдаги буюмлар хатловга алоҳида сатрлар билан ёзилади.

Ювин ва ремонт қилиш учун юборилган махсус кийим-бош ва ошхона буюмлари (дастурхон-сочиклар) инвентарлаш хатловига маиший хизмат курсатиш корхоналарининг қайднома-юкхатлари ёки квитанциялари асосида ёзилиши керак.

Яроқсиз ҳолда келган ва ишчи инвентарлаш комиссияси ҳисобдан чиқармаган арзон ва тез эскирувчан буюмларга белгиланган шаклда далолатномалар тузилиб, фойдаланиш вақти, яроқсиз бўлиш сабаблари, ушбу буюмлардан хужалик мақсадларида фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади.

Идишлар хатловга турлари, мақсадли вазифаси ва сифат ҳолатига (янги, ишлатилган, ремонтни талаб қилади ва ҳоказо) кўра киритилади.

Текшириш олдидан бўш идиш турлари буйича танланиши керак, яъни:

- ёғоч идишлар (яшиқлар, бочкалар);
- картон идишлар;
- металл идишлар (флягалар, барабанлар);
- туқимачиликка доир идишлар (қоплар).

Яроқсиз ҳолга келган идишларга ишчи инвентарлаш комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, сабаблари ва идиш учун масъулиятли шахслар курсатилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлаш ўз олдига маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом ҳамда унинг асосида ишлаб чиқилган тармоқ йуриқномаларига бинсан белгиланган тартибга мувофиқ унинг ҳажмлари ва ҳақиқий таннарҳини белгилаш мақсадини қўяди.

Саноат корхоналари бўйича, масалан:

- захира қилинган буюмлар (деталлар, узеллар, агрегатлар) ва ишлаб чиқаришда тайёрланиши тугалланмаган ҳамда йиғишда бўлган буюмларнинг ҳақиқатда мавжудлигини белгилаш;

- ҳисобга олинмаган брақни аниқлаш;

- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг (захира қилинган буюмлар) ҳақиқатда бутлиги ва йиғишнинг деталлар билан таъминланганлигини белгилаш;

- тугалланмаган ишлаб чиқариш қўлдангина бе-кор қилинган буюртмалар бўйича, шунингдек бажарилиши тўхтатилган буюртмалар бўйича аниқлаш;

- ишлаб чиқаришда бўлган захира қилинган буюмлар (деталлар, узеллар, агрегатлар) ҳамда тайёрлаш ва йиғиш тугалланмаган буюмларнинг ҳақиқий таннарҳини белгилаш лозим.

Инвентарлаш олдиндан цехларга зарур бўлмаган барча материаллар, сотиб олинган деталлар ва ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек ишлов берилиши мазкур босқичда тугалланган барча деталлар, узеллар ва агрегатлар омборларга топширилиши керак.

Цехларда булган тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг захира қилинган буюмлари ва ярим тайёр маҳсулотлар улар миқдорини санашнинг туғрилиги ва қулай бўлишини таъминлайдиган тартибга келтирилиши керак.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг захира қилинган буюмлари (деталлар, узеллар, агрегатлар) қолдигини текшириш ҳақиқатда санап, тарозидан тортиш, улчаб чиқиш йули билан амалга оширилади.

Хатловлар ҳар бир цех (участка, булим) бўйича алоҳида тузилиб, захира қилинган буюмлар, уларни тайёрлаш босқичлари ёки даражалари, миқдори ёки ҳажми кўрсатилади, қурилиш-монтаж ишлари бўйича эса ишлар ҳажми кўрсатилади. Уларга доир ҳисоб-китоблар оралиқ тўловларсиз улар тулиқ тугаганидан кейин амалга ошириладиган тугалланмаган корхоналар, уларнинг навбатлари, объектлари, ишга тушириш мажмуалари бўйича; конструктив унсурларнинг тугалланмаган қисмлари ва иш турлари бўйича.

Иш жойларида булган, ишлов берилмаган хом ашё, материаллар ва сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш хатловига киритилмайди, балки алоҳида инвентарланади ва алоҳида хатловларда қайд этилади.

Бир хил булмаган масса ёки аралашмадан иборат булган (саннатнинг тегишли тармоқларида) тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентарлаш хатловларида, шунингдек солиштириш қайдномаларида иккита миқдорий кўрсаткич: ушбу масса ёки аралашманинг миқдори ҳамда унинг таркибига кирадиган хом ашё ёки материаллар (айрим номлашлар бўйича) миқдори келтирилади. Хом ашё ёки материаллар миқдори тармоқ йуриқномалари билан белгиланган тартибда техник ҳисоб-китоблар билан белгиланади.

Тугалланмаган капитал қурилишнинг мавжудлиги ва ҳажми инвентарлаш пайтида унинг туланган қисмини натурада текшириш йули билан белгиланади. Инвентарлаш далолатномаларида ушбу объектга доир ҳар бир алоҳида иш тури, конструктив унсурлар, ускуналар ва ҳоказолар буйича объектнинг номи ва бажарилган ишлар ҳажми кўрсатилади.

Инвентарлаш комиссияси:

— тугалланмаган капитал қурилиш таркибида монтажга берилган, лекин ҳақиқатда монтажи бошланмаган ускуналар бөр йўқлигини;

— консервацияланган ва қурилиши вақтинча тўхтатилган объектлар ҳолатини текшириши керак.

Ушбу объектлар буйича, хусусан, уларнинг консервацияланиши учун сабаблар ва асосларни аниқлаш зарур.

Қурилиши тугалланган, амалда фойдаланишга тўлиқ ёки қисман топширилган, қабул қилиниши ва ишга туширилиши тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган объектларга алоҳида далолатномалар тузилади. Тугалланган, лекин негадир фойдаланишга топширилмаган объектларга ҳам алоҳида далолатномалар тузилади. Далолатномаларда кўрсатилган объектларни фойдаланишга топширишни расмийлаштириш кечикаётганининг сабабларини кўрсатиш зарур.

Балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак булган қурилиши тўхтатилган объектларга, шунингдек амалга оширилмаган қурилиш буйича лойиҳа-тадқиқот ишларига далолатномалар тузилади, уларда қурилишни тўхтатиш сабабларини кўрсатган ҳолда бажарилган ишлар хусусияти ва уларнинг қиймати буйича маълумотлар келтирилади.

Бунинг учун тегишли техник ҳужжатлар, ишлар, босқичларни топшириш далолатномалари, қурилиш объектларида бажарилган ишларни ҳисоб-

га олиш журналлари ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш керак.

Бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, энергетик қурилмалар ва бошқа объектларнинг тугалланмаган капитал ремонтларини инвентарлаш ишлар ҳолатини натурада текшириш йули билан амалга оширилади.

Тугалланмаган капитал ремонтга далелатнома тузилади, унда таъмирланаётган объектнинг номи, ишлар номи ва бажариш фоизи, бажарилган ишларнинг сметадаги ва ҳақиқий қиймати кўрсатилади.

Инвентарлаш комиссияси ҳужжатлар бўйича бўлғуси даврлар харажатлари ҳисобварақларида акс эттириладиган суммани белгилайди ва хатловга киритади.

Кўрсатилган харажатларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва маҳсулот ёки ишлар таннархига киритиш тартиби тегишли йуриқномалар билан белгиланади.

Ҳайвонлар ва ёш молларни инвентарлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Катта ёшдаги маҳсулдор моллар ва иш ҳайвонлари инвентарлаш хатловларига киритилиб, уларда қўйидагилар кўрсатилади: ҳайвоннинг рақами (чўпхати, тамғаси), ҳайвоннинг лақаби, туғилган йили, зоти, сўқимлилиги, ҳайвоннинг тирик вазни (огирлиги) (отлар, туялар, хачирлар, бугулардан ташқари, улар бўйича огирлик (вазн) кўрсатилмайди) ва дастлабки қиймати.

Молнинг зоти бонитировкалаш маълумотлари асосида кўрсатилади.

Қорамол, иш ҳайвонлари, чўчқалар (ургочи ва нар) ва қуй ҳамда бошқа ҳайвонларнинг алоҳида қимматли нусхалари (насл узағи) хатловга яқка тартибда киритилади. Гуруҳий тартиб билан ҳисобга олинadиган асосий поданинг бошқа ҳайвонлари ҳар бир гуруҳ бўйича туёқ сони ва жонли вазни (огир-

лиги)ни курсатган ҳолда хатловга ёш ва жинс гуруҳлари буйича киритилади.

Қорамол, наслдор отлар ва иш ҳайвонларининг ёшлари инвентарлаш хатловларига яққа тартибда киритилиб, инвентарь рақамлари, лақаблари, жинцелари, туслари, насллари ва ҳоказолар кўрсатилади.

Бурдоқига боқилаётган ҳайвонлар, ёш чучқалар, қуй ва эчкилар, паррандалар ва гуруҳий тартибда ҳисобга олинган бошқа хил ҳайвонлар хатловга ҳисоб регистрларида қабул қилинган номенклатурага биноан киритилиб, ҳар бир гуруҳ буйича туёқ сони ва жонли вазни (огирлиги) кўрсатилади.

Хатловлар ҳайвонлар турлари буйича, ҳисоб-гуруҳлари ва моддий жавобгар шахсларни кўрсатган ҳолда, фермалар, цехлар, бўлимлар, бригадалар буйича тузилади.

Пул маблағлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланкларни инвентарлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

— инвентарлаш пайтида кассада пул маблағлари ва бошқа бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги текширилади. Қатъий ҳисобдаги бланклар ҳам текширилади. Кассада пул маблағларининг ҳақиқатда мавжудлигини санаб чиқишда пул белгилари, почта маркалари ва давлат божги маркалари ҳисобга қабул қилинади.

Кассадаги нақд пуллар қолдигига ҳеч қандай ҳужжатлар ёки тилхатлар киритилмайди. Кассирнинг кассада мазкур ҳужалик юритувчи субъектга тегишли булмаган пул маблағлари ва бошқа бойликлар борлиги тўғрисидаги сўзлари инобатга олинмайди.

Нақд пул маблағларини инвентарлаш далолатномасида бойликлар қолдиги натурада ва инвентарлаш кунидаги ҳисоб маълумотлари буйича кўрсатилади ҳамда инвентарлаш натижаси белгиланади.

Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг ҳақиқатда мав-

жудлигини текшириш у ёки бу бланкларнинг бошланғич ва охири рақамларини ҳисобга олган ҳолда бланкларнинг турлари бўйича амалга оширилади. Мазкур текшириш натижалари махсус хатлов билан расмийлаштирилади.

Йулдаги пул маблағларини инвентарлаш бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қайд этилган суммаларни банк муассасалари, почта бўлими ва ҳоказолар қвитанцияларидаги маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Банкдаги ҳисобварақ ва жорий ҳисобварақларда, ақкредитивлар, махсус, алоҳида ва бошқа ҳисобварақларда бўлган пул маблағларини инвентарлаш ҳисобварақларидаги субъёми бухгалтериясининг маълумотлари бўйича тегишли ҳисобварақларда қайд этилган суммалар қолдиқларини банк кучирмаси бўйича маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Банклар томонидан ссудалар бўйича, бюджет, харидорлар, мол етказиб берувчилар, ҳисобдор, шахслар, ишчи ва хизматчилар, депонентлар ҳамда бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни инвентарлаш тегишли ҳужжатлар бўйича қолдиқларни аниқлашдан ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қайд этилган суммаларнинг асослилигини синчиклаб текширишдан иборатдир. Комиссия дебиторлар ва кредиторларнинг ҳисобварақлари бўйича қарзнинг пайдо бўлиш муддатларини, унинг реаллигини ва агар юз берган бўлса, даъво қилиш муддатини ўтказиб юборишда айбдор шахсларни белгилайди.

«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварақининг йулдаги товарлар суммалари ва фактураланмаган етказиб беришлар бўйича мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар қисми айниқса синчиклаб текширилиши керак. У ҳужжатлар бўйича ҳам, коррес-

пенденцияланувчи ҳисобварақлар билан келиштириб ҳам текширилади. Бунда фактураланмаган етказиб беришлар таркибида туланиши «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида акс эттирилган суммалар ёки ҳақиқатда туланган ва олинган, лекин йулда деб қайд этилган материаллар ва товарлар учун суммалар курсатилган-курсатилмаганлиги аниқланади.

Фактураланмаган етказиб беришлар буйича мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақларида қолган суммаларга ушбу ҳисобварақ текширилганидан кейин бухгалтерия мол етказиб берувчилардан ҳисобварақ-фактуралар талаб қилиши керак. Мол етказиб берувчилар харидорларга ҳисобварақ-фактуралар тақдим этишлари ёки уларни тақдим этмаслик сабабларини маълум қилишлари шарт. Агар мол етказиб берувчида қарз қайд этилмаган бўлса, у буни ҳам харидорга маълум қилиши шарт.

Ишчи ва хизматчилардан қарз буйича депонентлар ҳисобварағига утказилиши керак бўлган, ўз вақтида талаб қилинмаган иш ҳақи суммалари, шунингдек ишчи ва хизматчиларга ортиқча туланган суммалар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари аниқланиши керак.

Ҳисобот бериладиган суммалар инвентарланганда улардан мақсадли фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда берилган бунақлар буйича ҳисобдор шахсларнинг ҳисоботлари, шунингдек ҳар бир ҳисобдор шахс буйича берилган бунақлар суммалари, уларни бериш саналари ва мақсадли вазифаси текширилади.

Ишчи инвентарлаш комиссияси ҳужжаатлари текшириш йули билан қуйидагиларни ҳам белгилаши керак:

- банклар, хужалик юритувчи субъект қисмлари билан ҳисоб-китобларнинг айнан бирхиллигини;
- баланс буйича қайд этилган камомадлар ва

талон-төрождларга доир қарз суммаларининг тўғрилиги ва асосланганлигини ҳамда ана шу қарзни ундириш учун қабул қилинган чораларни;

— баланс бўйича қайд этилган дебиторлик, кредиторлик ва депонентлик қарзларининг тўғрилиги ва асосланганлигини, шунингдек дебиторлик қарзини мажбурий тартибда ундириш учун даъволар тақдим этилганлигини аниқлашни;

— муддати кечиктирилган дебиторлик қарзи мавжудлигининг сабаблари.

Солиштириш қайдномалари инвентарлаш пайтида ҳисоб маълумотларидан тафовутлар аниқланган бойликлар бўйича тузилади.

Солиштириш қайдномаларида инвентарлаш натижалари, яъни бухгалтерия ҳисобларининг курсаткичлари билан инвентарлаш хатловлари (далолатномалари) уртасидаги тафовутлар аке эттирилади.

Ортиқча ёки кам чиққан товар-моддий бойликларнинг қиймати солиштириш қайдномаларида уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги баҳосига мувофиқ ҳолга келтирилади.

Инвентарлаш натижаларини расмийлаштириш учун инвентарлаш хатловлари (далолатномалари) ва солиштириш қайдномаларининг курсаткичлари бирлаштирилган ягона регистрлар қўлланиши мумкин.

Корхонага тегишли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сақлашда турган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бойликларга алоҳида солиштириш қайдномалари тузилади.

Солиштириш қайдномалари ҳисоблаш техникаси ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиб ёки қўлда тузилиши мумкин.

Бойликлар ҳақиқатда мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан инвентарлаш ва

бошқа текширишлар пайтида аниқланган тафовутлари қуйидаги тартибда бошқарилади:

— ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар кирим қилиниши ҳамда тегишлича ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) қупайтиришга қайд этилиши, кейинчалик ортиқча чиқишлар пайдо булишининг сабаблари ва айбдор шахсларни аниқлаш керак бўлади;

— белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши ҳужалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг фармойишларига кўра ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ёки бюджет ташкилотини молиялашни (фондларни) камайтиришга ҳисобдан чиқарилади. Йўқолиш меъёрлари ҳақиқатда камомадлар аниқланган ҳоллардагина қўлланиши мумкин.

Бунда шунга эътиборни қаратиш керакки, белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши бойликлар камомадини қайта навларга ажратиш бўйича ортиқча чиқишлар билан ҳисобга олгандан кейин белгиланади. Агар белгиланган тартибда утказилган қайта навларга ажратгач ҳам бойликлар камомади барибир аниқланса, табиий йўқолиш меъёрлари фақат камомад белгиланган бойликлар номланиши бўйича қўлланиши мумкин.

Тасдиқланган меъёрлар мавжуд булмаганда йўқолиш меъёрлардан ташқари камомад сифатида қаралади.

Йўқолишларнинг меъёрлардан ташқари бойликлар камомади, шунингдек бойликлар шикастланишидан курилган тафовутлар айбдор шахслар зиммасига юкланади.

Суиистеъмолликлар оқибати бўлган камомад ва талафотлар аниқланганда тегишли материаллар камомад ва талафотлар белгиланганидан кейин 5 кун

мобайнида тергов органларига тошпирилиши керак, аниқланган камомад ва талафотлар суммасига эса Фуқаролик даъвоси тақдим этилади.

Камомад ва шикастланишнинг аниқ айбдорлари аниқланмаган тақдирда йўқолиш ва талафот меъёрларидан ортиқча бойликларнинг камомadini хужжалик юритувчи субъектлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва етиш буйича харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ёки бюджет ташкилотини молиялаштириш (фондларни) камайтиришга ҳисобдан чиқаришлари мумкин.

Бунда йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомadini ва бойликни шикастланишдан талафотларни ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган хужжатларда бундай камомадлар ва талафотларнинг олдини олиш буйича қабул қилинган чоралар кўрсатилиши керак.

Бойликлар шикастланиши факти тўғрисидаги хулосалар техник назорат бўлиmidан ёки сифат буйича тегишли инспекциялардан олинishi керак.

Бойликлар камомadi ва табиий йўқолиш меъёрларидан ортиқча шикастланишни ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган хужжатларда тергов ёки суд органларининг айбдор шахслар йўқлигини тасдиқлайдиган ҳал қилув қарорлари ёки айбдор шахслардан зарарни ундиришни рад этиш ёхуд техник назорат бўлими ёки тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлар (сифат буйича инспекциялар ва ҳоказо)дан олинган бойликлар шикастланиши факти тўғрисидаги хулоса бўлиши керак.

Қайта навларга ажратиш натижасида ортиқча ва кам чиқишларнинг узаро ҳисобга олинishiга фақат истисно кўринishiда биргина текшириладиган давр учун, биргина текшириладиган шахсда, биргина номдаги товар-моддий бойликларга нисба-

тан ва ишончли шахснинг рухсати билан айнан бир хил миқдорларда йул қўйилади.

Йул қўйилган навларга қайта ажратиш тўғрисида моддий жавобгар шахслар ишончли шахсга батафсил тушунтиришларни тақдим этадилар.

Навларга қайта ажратиш қийматининг моддий жавобгар шахсларнинг айбисиз ҳосил булган камомад томон фарқига доир, инвентарлаш баённомаларида бундай фарқ айбдор шахсларга татбиқ этилмаслигининг сабаблари тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилиши керак.

Инвентарлаш натижалари инвентарлаш тугаган ойнинг ҳисоб ва ҳисоботида, йиллик инвентарлаш буйича эса йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилиши лозим.

Ҳисобот йилида утказилган инвентарлашлар натижаларининг маълумотлари инвентарлашда аниқланган натижалар қайдномасида расмийлаштирилади (19-сон БҲМС 5-илоvasи).

Инвентарлаш пайтида аниқланган бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутларни тартибга солиш тўғрисидаги таклифлар куриб чиқиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига тақдим этилади.

~~Ушбу қилинган инвентарлашлар миқдори ва натижалари, шунингдек улар утказилмаганлигининг сабаблари йиллик ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши керак.~~

4.7. Корхоналардаги бухгалтерия ҳисоби бўлимларида иш жойларини оқилона ташкил этиш

Бухгалтерия ҳисоби бўлимларида ҳисоб жараёнининг сифати ва самарадорлигини янада оширишни ҳисоб ходимлари меҳнатини илмий жиҳатдан таш-

кил этишсиз тасаввур этиб булмайди. Меҳнатни илмий жиҳатдан ташкил этиш чоралари тизимида фан ва техника ютуқлари асосида иш жойларини мақсадга мувофиқ ташкил этиш муҳим урин тутади. Меҳнатни ташкил этишда кун нарса корхона бош бухгалтерининг тажрибаси, билимлари ва шахсий иттибиқлар монелик ҳислатларига боғлиқдир. Айни шу сабабли биз катта иш тажрибасига эга булмаган бош бухгалтерларга корхона бухгалтериясида иш жойларини оқилона ташкил этиш буйича умумлашган курунишда баъзи тавсиялар беришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Иш жойи — ишлаб чиқариш майдонининг ҳодимга бириктирилган ва барча зарур ускуналар, мосламалар, ташкилий техника ва ҳоказолар билан жиҳозланган участкасидир.

Бухгалтерия ҳодимлари иш жойларини лойиҳалаш (барпо этиш)ни ҳисоб жараёнининг оқилона асосланган технологиясидан ажратиб булмайди. Шу муносабат билан иш жойларини жойлаштиришдан олдин ҳисоб жараёнининг мазмуни таҳлил қилиниши керак. Купинча шундай буладики, дастлабки ҳисобнинг биргина ҳужжатлари билан ишлайдиган бухгалтерларнинг иш столлари нафақат хонанинг қарама-қарши бурчакларида, ҳатто турли хоналарда қуйилган булади.

Амалда бухгалтерлар бутун иш вақтини уз иш жойларида утказадилар. Шунинг учун у яхши жиҳозланган, табиий ва электр билан ёритиш, вентилляция, иситиш тизими ва пухта ўйланган интерьерга эга бўлиши жуда муҳимдир.

Бухгалтерлар миқдори ва ишлов бериладиган ҳужжатлар ҳажмига қараб бухгалтерияни кабинет ва залда жойлаштириш мумкин. Битта ишловчи бухгалтерга тўғри келадиган майдон меъёри ёритилиш даражасига боғлиқ ҳолда бешдан туққиз квадрат метргачани ташкил этади.

Бош бухгалтер ва унинг уринбосарлари, шунингдек келувчиларни қабул қиладиган бухгалтерлар алоҳида хоналарда жойлаштирилиши керак.

Бухгалтерия ходимларининг меҳнат унумдорлигига хонага тапқаридан кирадиган, шунингдек хонанинг ичида юзага келтириладиган шовқин (телефонда, мижозлар билан қаттиқ овозда гаплаштирилари ва ҳоказо) салбий таъсир кўрсатади. Шовқинли хонада ишлаш бухгалтерлардан қўшимча энергия сарфлашни талаб этади, бу эса тез чарчашга, қолдан тойишга олиб келади ва иш жараёнида хатоларга йўл қўйишга имкони яратади. Шунинг учун шовқин фонини пасайтиришга жиддий эътибор бериш, яъни шип ва деворларга товуш ютадиган материаллар қопланиши керак.

Идора мебелини танлашда бухгалтер қўл остидаги ҳужжатлар билан бемалол ишлай олиши мумкин бўлган меъёрдаги ва максимал зоналарни ҳисобга олиш зарур. Горизонтал сатҳда ҳужжатлар билан ишлай олишнинг меъёрдаги зонаси тахминан тўғри томонда бир метр ва баландлиги 30 см, максимал ҳолда эса тегишлича 1,5 м ва 0,5 м га тенг бўлиши керак.

Иш хонасидаги столларни ҳужжатларга ишлов беришдаги кетма-кетликка мувофиқ еки алоҳида ходимлар уртасидаги амалий ҳамкорликни ҳисобга олиб жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, бу эса ортиқча ҳаракатларни, шовқинни истисно этади ва меҳнат унумдорлигини оширади.

Иш столлари конструкцияси тапқилий техникани (компьютер, принтер, факс ёки модем, телефон ва ҳоказони) жойлаштириш учун майдонни кўзда тутиши керак.

Иш столининг чап томонида ҳар доим биринчи навбатда талаб этиладиган ҳужжатлар, унги томонда эса — ишлов берилган ҳужжатлар қўйилиши керак.

Бухгалтерияда иш жойларини оқилона ташкил этиш меҳнат унумдорлигини ошириш, ишда қониқшга эришиш ва ходимларнинг соғлигини сақлаш имконини беради.

4.8. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қарорларига кура бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби

Бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйишни суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органлари ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларга асосан амалга ошириши мумкин. Ушбу ҳолда ҳужжатларни олиб қўйиш қўйидаги тартибда юз беради. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан келган шахс ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни, сўнгра корхона бош бухгалтерида асос сифатида қоладиган ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни тақдим этиши шарт. Сўнгра бош бухгалтер билан уларнинг мазмунини кўрсатган ҳолда топшириладиган ҳужжатларнинг рўяхати тузилади, унга иккала тараф имзо чекади. Корхона ҳужжатлар олиб қўйилганидан кейин жорий ҳужжалик фаолиятида қийинчиликларга учрамаслиги учун бош бухгалтер органлар вакили ҳозирлигида уларда олиб қўйишнинг асослари ва саналарини кўрсатган ҳолда барча топшириладиган ҳужжатлардан ксероноусхалар олиши мумкин. Олинган ксероноусхалар ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарор билан бирга тикилади ва корхона бухгалтерияси архивида сақланади. Бунга ўхшаш олиб қўйиш корхонанинг бошқа функционал хизматлари ва бўлимларида ҳам амалга оширилиши керак.

Агар охиригача расмийлаштирилмаган (тикилмаган, рақамланмаган ва ҳоказо) ҳужжатлар жилдлари олиб қўйилса, олиб қўйишни амалга ошира-

диган органлар вакилларининг рухсати ва ҳозирлигида тегишли мансабдор шахслар ушбу жилдларни охиригача расмийлаштиришлари (хатлов тузишлари, варақларни рақамлашлари, ин билан тикишлари, сургучлашлари, ўз имзо ва муҳрлари билан тасдиқлашлари) мумкин.

4.9. Корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади.

Раҳбар қуйидагиларни амалга ошириш учун ҳуқуққа эга:

- бухгалтерия ҳисоби хизматини бош бухгалтер раҳбарлигида ташкил этиш ёки шартномавий шартларда жалб этилган бухгалтер хизматларидан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисоби юритишни шартномавий шартларда ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига еки таркибига бухгалтерия ҳисоби субъекти кирадиган ҳужалик бирланмасининг марказлаштирилган ҳисоб бўлимига топшириш;
- бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

- ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;
- ҳужалик операцияларини назорат қилиш тартиби;
- тўлиқ ва ишончли бухгалтерия ҳисоби;
- ҳисоб ҳужжатлари бутлиги;
- ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрлаш;

- солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;
- уз вақтида ҳисоб-китоблар қилиш.

Раҳбар бухгалтерия ҳисоби туғри юритилиши, барча бўлинмалар ва хизматлар, ҳисобга тааллуқли бўлган корхоналар, муассасалар ходимлари томонидан бош бухгалтернинг ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштириш ҳамда ҳисоб учун тақдим этишга доир талаблари оғинмай бажарилишини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериши шарт.

Бош бухгалтер корхона, муассаса томонидан амалга ошириладиган барча ҳужалик операцияларнинг назорати ва бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-китоб рақларида акс этирилишини, тезкор ахборот тақдим этилишини, белгиланган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи тузилишини, ички ҳужалик резервларини аниқлаш ва сафарбар қилиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича корхона, муассасанинг молиявий ҳужалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишни (бошқа бўлинмалар ва хизматлар билан ҳамкорликда) таъминлайди.

Бош бухгалтер корхона, муассаса раҳбари билан биргаликда товар-моддий бойликлар ва пул маблағларини қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатларни, шунингдек ҳисоб-китоб, кредит ва молиявий мажбуриятлар ва ҳужалик шартномаларини имзолайди. Курсатилган ҳужжатлар бош бухгалтернинг имзосисиз ҳақиқий деб ҳисобланмайди ва ижро этишга қабул қилинмайди. Имзолаш ҳуқуқи бунга корхона, муассаса раҳбарининг ёзма фармойиши билан ваколат берилган шахсларга тақдим этилиши мумкин.

Корхона, муассаса бош бухгалтерига қонунчиликка зид бўлган ҳамда шартномавий ва молиявий интизомни бузадиган операциялар бўйича ҳужжат-

ларни ижро этиш ҳамда расмийлаштириш учун қабул қилиш ман этилади.

Бундай ҳужжатлар ҳақида бош бухгалтер корхона, муассаса раҳбарини ёзма равишда хабардор қилади. Корхона, муассаса раҳбаридан курсатилган ҳужжатларни ҳисобга қабул қилиш тўғрисида ёзма фармойиш ёки иккинчи имзо олинганда бош бухгалтер уни бажаради. Бу ҳолда содир этилган операцияларнинг қонунга хилофлиги учун тулиқ жавобгарлик корхона, муассаса раҳбари зиммасига юкланади.

Моддий жавобгар шахслар (кассирлар, омбор мудирлари ва ҳоказо)ни тайинлаш, урнини алмаштириш ва индан бўшатиш бош бухгалтер билан келишилади.

Бош бухгалтер ишдан озод этилаётганида ишлар янги тайинланган бош бухгалтерга (у булмаган тақдирда — корхона, муассаса раҳбарининг буйруғи билан тайинланган ходимга) топширилади, ушбу жа-раёнда корхона, муассасанинг раҳбари томонидан тасдиқланадиган тегишли даълолатномани тузиш билан бирга бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ва ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги текширилади.

Бухгалтерия ҳисоботиغا корхона, муассаса раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекади.

Бухгалтерия ҳисоби шартномавий асосларда, ихтисослаштирилган ташкилот ёки мутахассис томонидан юритиладиган корхона, муассасада бухгалтерия ҳисоботини корхона, муассаса раҳбари ва бухгалтерия ҳисобини юритадиган мутахассис имзолайди.

Бирламчи ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ҳисоботи белгиланган тартибга мувофиқ мажбурий тарзда сақланиши керак. Улар билан ишлаш даврида бутлигини таъминлаш ва уларни уз вақтида архивга топшириш учун жавобгарлик бош бухгалтер зиммасига юкланади.

4.10. Корхоналар раҳбарлари ва бош бухгалтерларнинг уларнинг молиявий хужалик фаолияти учун жавобгар бўлиш мезони

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ органлари қуйидаги молиявий жазо чораларини қўлланга ҳақлидир:

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун (135-модда) солиқ тўловчига нисбатан қуйидаги миқдорда молиявий жазо чоралари қўлланилади:

1) юридик шахсларнинг (шу жумладан президентларнинг) солиқ органида руҳхатдан утишдан буйин тўлаши қуйидаги миқдорда жарима солиғига бўлиб келади:

- агар фаолият уттиз кунгача амалга оширилган бўлса — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) ун фоизидан кам булмаган миқдорда;
- агар фаолият уттиз кундан ортиқ муддатда амалга оширилган бўлса — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, лекин бундай фаолият натижасида олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам булмаган миқдорда;

2) даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган солиқ солиш объекти учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилган

дан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади;

3) солиқлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўн бўлмаган миқдорда жарима ундирилади;

4) бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни солиқлар ва йигимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келадиган тарзда бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади;

5) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади;

6) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун улардан ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади;

7) солиқлар ва йигимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Солиқ туловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қонунбузарлик содир этмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

Солиқ туловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ортиқча туланган солиқлар, йиғимлар ва жарималар суммасининг биожиловчи таъминоти олиш учун даъво қилиш муддати (Солиқ кодексининг 124-моддасига қўра) фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Солиқлар, йиғимлар ва жарималарни бюджетга тулаш ва ундиришга доир эътирозларни тақдим этиш учун даъво қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

- даромадлар туғрисида декларациялар тўлдирган, молиявий ҳисоботларни тақдим этган солиқ туловчиларга нисбатан — *уч йил*;
- солиқ суммаси 20 фоиздан кўпроқ камайтириб кўрсатилганлиги (яширилганлиги) аниқланганда — *беш йил*.

Даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тухтатиб турилади, тугатилади ва тикланади.

Солиқ ва тулов интизомини мустаҳкамлаш, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш тизимини тартибга солиш, тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ва уларни тулашдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобига солиқлар йиғилишини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23

октябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан солиқ ва йигимлар ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 483-сон қарори билан 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб қўшимча молиявий ёки маъмурий жазо чоралари белгиланади:

- жисмоний шахслар сотилган товарлар (хизматлар) учун олинган тушум суммасини касса дафтари (китоби)да кирим қилмасдан савдони амалга оширгани ва пулли хизматлар кўрсатгани учун солиқ органлари томонидан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдориде, такроран бузганда эса 50 баравари миқдориде молиявий жазо чоралари қўлланади;
- бир жисмоний шахс уни тадбиркор сифатида рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳномани бошқача берган ёки бошқа шахсга тегишли гувоҳнома билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда рўйхат гувоҳномаси олиб қўйилиши керак, қоидабузарга нисбатан эса маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади;
- савдо фаолиятини турғун савдо нуқталари орқали амалга оширадиган жисмоний шахслар назорат-касса аппаратларини ишлатишлари ва кундалик нақд пул тушумини банкка топширишлари шарт, бунда улар банкдаги ўз ҳисоб-китоб (шахсий) ҳисобварақларидан топширилган нақд тушум миқдориде нақд пул олишга ҳақлилар;
- юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг солиқ органларида ҳисобда туришдан бўйин товлашлари энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориде жарима солишга олиб келади.

1997 йил 1 ноябрдан бошлаб йуловчи ва юк ташиш билан банд жисмоний шахслар ўз фаолияти-

чи, фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 майдаги «Транспорт ва алоқа соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» 175-сон қарори билан тасдиқланган тартибда бериладиган лицензия бўйича амалга оширишлари белгилаб қўйилган. Жисмоний шахслар томонидан йуловчи ва юкларни ташишни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик учун давлат божи юридик шахслар учун амалдаги ставкаларнинг 10 фоизи миқдоридан белгиланган.

Яна белгилаб қўйилганки:

- яширилган ёки қамайтирилган фойда (даромад) суммаси ва уша сумма миқдоридagi жарима кўринишидаги молиявий жазо чоралари давлат солиқ хизмати органлари томонидан фақат ҳужжатли текширишлар натижалари бўйича ва солиқ тўлашдан бўйин товлади ёки фойда (даромад)ни қасдан яшириш (пасайтириш) белгилари мавжуд бўлганида қўлланади;
- солиқ солинадиган база ҳисоб-китобларини тузиш пайтида солиқ қонунчилигини бузишларга ҳисоб-китобларни бузиш сифатида қаралади ва солиқ тўловчига нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланади.

“Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида”-ги қонундан кучирмалар

2-модда. Тегишли тўловларнинг белгиланган тўлов муддатлари тугагач, тўланмаган сумма боқиманда ҳисобланади ва у, башарти қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, пенясини қўшиб ҳисоблаган ҳолда ундириб олинади.

3-модда. Тулов муддати тутаганидан кейинги кундан бошлаб муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун боқиманда суммасидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня қўшилиб боради.

4-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан туловларни ва туловларга оид боқимандаларни ундириб олиш қўйидаги ҳолларда сўзсиз амалга оширилади:

солиқ органининг қарорига мувофиқ — солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий туловлар буйича;

суднинг қарорига мувофиқ — бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига туловлар буйича.

6-модда. Боқимандани тулаш суммаси келиб тушганда аввало боқиманда, сўнгра пеня туланади. Боқимандани ундириб олиш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

9-модда. Чет эллик юридик шахслардан солиқлар ва мажбурий туловлар буйича боқимандани ундириб олиш, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида узгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушбу қонунга мувофиқ амалга оширилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан боқимандани ундириб олиш суд тартибида амалга оширилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар гарданидаги боқимандаларни қоплаш учун ундирув мол-мулкка қаратилган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро ҳужжатлари буйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулкка ундирув қаратилмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар буйича чет эллик юридик шахслардан боқимандани ундириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган уларнинг ҳар қандай мол-мулкига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратилади.

12-модда. Боқимандани ундириш тўғрисидаги суд қарорининг ижроси ижро варақаси асосида, ҳужалиқ судининг буйруғи асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кура солиқ органлари маъмурий жазо сифатида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши пайтида, ҳуқуқбузарлик узоқ давом этганда эса — унинг аниқланган пайтида кодексга биноан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақлари миқдоридан келиб чиқиб, Маъмурий-процессуал кодексда кўзда тутилган жарималарни қўллашга ҳақлилар.

Маъмурий жазони қўллаш судланиш ва ишдан бошатишга олиб келмайди. Унга нисбатан қўлланган шахс, агар жазонинг ижро этилиши тўғрисида кундан бошлаб йил давомида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади (МЖК 37-моддаси). Шунинг эътиборда тутиш жоизки, маъмурий жазо ҳуқуқ бузилиши содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай, ҳуқуқбузарлик узоқ давом этганда эса — у аниқланган кундан бошлаб икки ой давомида қўлланилиши керак. Анча узоқ давом этадиган вақт мобайнида узлуксиз амалга ошириладиган ҳуқуқ бузилиши узоқ давом этадиган ҳуқуқбузарлик деб топилади. Масалан, белгиланган тартибни бузишлар билан солиқ солиш бўйича ҳисобни юритиш узоқ давом этадиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (МЖК 175-модда 1-қисми). Мазкур ҳолда икки ойлик муддатни ҳисоблаш давлат солиқ еки бошқа ваколатли органининг мансабдор шахси томонидан факт аниқланган кундан бошланади.

Давлат солиқ органларига тегишли булган ва:

- солиқ солиш;
- савдо ва хизматлар;
- тадбиркорлик фаолияти соҳаларига тааллуқ-

ли ишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик объектлари ҳисобланади.

Давлат солиқ органларига тегишли булган маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишларнинг учта гуруҳини ажратиш мумкин.

Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги кодекс моддаларига мувофиқ солиқ қонунчилигини бузишларни куриб чиқамиз:

МЖК 174, 175-моддаларига мувофиқ солиқ қонун ҳужжатлари бузилишлари

Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги Кодексдан кучирмалар

174-модда. Солиқлар ва бошқа тўловлар тулашдан бўйин товла.

Солиқ солинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасдан яшириш (камайтириб курсатиш) еҳуд солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тулашдан қасдан бўйин товлаш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга даромадлар туғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш

— энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб булади.

174-модда 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар куришида белгиланган суммаларни бюджетга утказиш

учун асос булиб хизмат қиладиган расмий ҳужжатларда солиқ солиш объектлари туғрисидаги маълумотларни ақс эттирмаслик ёки нотулик ақс эттиришда намеен булади.

Мазкур модда яширилиши (камайтириб курсатилиши) маъмурий ҳуқуқбузарликлар таркибини ташкил этадиган солиқ солиш объектларининг тулик руйхатига эга эмас.

Солиқ солишдан яшириладиган сумма миқдори алоҳида аҳамият касб этади (бу тушунчага йигимлар, бошлар, бошқа туловларни тулаш киритилади), чунки агар ушбу сумма энг кам иш ҳақи миқдорининг уи бараваридан ошмаса, маъмурий жавобарлик юзага келади.

Фуқаролар ҳам, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳам ҳуқуқбузарлик субъекти (МЖК 174-модда 1-қисми) булиши мумкин. Мансабдор шахслар деб зиммасига солиқ солиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя қилиш юкланган бош (катта) бухгалтерларни тан олиш керак, бунда ҳуқуқ бузилишини квалификация қилиш учун мулкчилик шакли, хужалик юри-тувчи субъектнинг тобелиги аҳамиятга эга эмас.

Даромадлар туғрисида декларация тақдим этишдан буйин товлаш, декларацияни уз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотури маълумотларни тақдим этиш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб булади (174-модда 2-қисми). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилганидек, даромадлар туғрисида декларацияларни муайян муддатларда фуқаролар ҳам, корхоналар ҳам топширадилар. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш буйича чора-тадбирлар туғрисида»ги қарорида белгиланишича, улгуржи ва чакана савдо

корхоналари, ташкилотлари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарининг даромадлари ҳар ойда декларация тақдим этади. 174-модда 2-қисми модданинг ушбу қисмида санаб утилган учта ҳуқуқбузишнинг исталгани содир этилганда қўлланилади:

а) даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш;

б) декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик;

в) декларация атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш.

Биринчи ва учинчи ҳуқуқбузиш ҳар доим атайин, иккинчи — атайин ҳамда эҳтиётсизлик натижасида содир этилади. Декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик у белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилишида ифодаланади. Декларацияга атайин бузилган маълумотларни киритиш ҳақиқий даромадларни пасайтирадиган, мавжуд бўлмаган харажатлар ва ҳоказоларни курсатадиган маълумотларни тақдим этишда ифодаланади. Агар айтилган ҳуқуқбузишлар солиқ солиш объектларини яшириш мақсадида содир этилса, улар МҶК 174-моддаси 1-қисми ёки ЖК 184-моддаси буйича — уларнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда — квалификация қилиниши керак. 174-модда 2-қисми буйича солиқ органларига тегишли декларациялар тақдим этиши шарт бўлган фуқаролар ҳақида маъмурий жавобгарлик бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексдан парча

175-модда. Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бун-

дай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек солиқларни бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий туловларни ҳисоблаб чиқариш ва тулаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар туланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа туловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса,

— энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳукукбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,

— энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга содир бўлади.

Касса операцияларини юритиш тартиби ва тулов интизомини бузиш, шу жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини утказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда туловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш,

— мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ун бараваридан ун беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

Мазкур модда уч қисмдан иборат. Ушбу модданинг 1-қисмига мувофиқ, фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, шунингдек солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий туловларни ҳисоблаб чиқариш ва тулаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақ-

дим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келса, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботлари, ҳисоб-китоблари ва бошқа ҳужжатларнинг шакллари, мисол учун, «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби туғрисидаги низо» сингари ҳужжатлар ва Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган, Солиқ кодексига йуриқномавий материаллар билан мустаҳкамланган. Уз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга ошириш истагини билдирган хусусий шахсга иш билан тикилган ва муҳр билан тасдиқланган «Даромад ва харажатлар дафтари» (даромад ва харажатлар декларацияси) берилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, МЖК 175-моддаси 1-қисмида саналган ҳуқуқбузишлар, агар улар солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг тегишли суммаларини камайтиришга олиб келса, ушбу модда бўйича жавобгарликка олиб келади. Агар бундай оқибатлар келиб чиқмаса, кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмайди, ҳуқуқбузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар эса интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар мазкур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, МЖК 175-моддаси 2-қисми бўйича энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима кўринишида жавобгарлик юзага келади.

Касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов

интизомини бузганлик учун (175-модда 3-қисми) мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ун барабаридан ун беш барабаригача жарима солиш қўзда тутилган. *Касса операциялари* деганда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кассалари томонидан нақд пуллар қабул қилиниши, сақланиши ва берилиши билан боғлиқ операциялар тушунилади. Қойдалар асосан аҳоли ва кредит муассасалари билан пул ҳисоб-китобларига татбиқ этилади. Касса операцияларини юритиш тартибини бузишларнинг энг кўп тарқалган турларига касса тушумини белгиланган меъёрлардан ортиқча сарфлаш, тушумни кредит муассасасига ўз вақтида тўнғизмаслиги, лимитнинг кассадаги нақд пуллар қолдигидан ошиб кетиши, кредит муассасаларидан олинган нақд пулларнинг мақсадига кўра сарflanмаслиги, иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар, пенсия ва мукофотларни тулашга олинган, ишлатилмаган пул маблағларининг кредит муассасасига ўз вақтида қайтарилмаслиги, нақд пуллар билан ҳисоб-китобларга доир қойдаларни бузиш ва ҳоказолар киради. Касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бош (катта) бухгалтерлари, шартнома бўйича ишлаётган бухгалтерлари, молия булинмаларининг раҳбарлари ва касирлари жавобгар буладилар. Тулов интизоми хўжалик юритувчи субъектларнинг пул мажбуриятлари бўйича туловларнинг муддатлари ва тартибига аниқриоя этишларини ифодалайди.

Тулов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан барча мулкчилик шаклларидаги хўжа-

лик юритувчи субъектларнинг етказиб берилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ олмасдан туриб истеъмолчилар ва буюртмачиларга маҳсулот берилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар курсатилиши ман қилинди. Товарлар ҳақиқатда юклаб жунатилган, хизматлар курсатилган ва ишлар бажарилган кундан сўнг 60 кун мобайнида етказиб берилган товарлар, курсатилган хизматлар ва бажарилган ишларга маблағларнинг келиб тушмаслиги муддати ўтган дебиторлик қарзи деб эътироф этилади. Муддати ўтган дебиторлик қарзининг мавжудлигини, маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг тўловга ноқобил истеъмолчиларга етказиб берилишини тўлов интизомини бузиш сифатида куриб чиқиш мумкин. Корхоналар ҳисобварақларида маблағлар мавжуд бўлганида тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатлари бузилишини ана шундай ҳуқуқбузарлик деб эътироф этиш керак. Ҳуқуқбузарлик субъектлари (175-модда 3-қисми) бўлиб барча мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотларнинг тижорат банклари филиалларининг раҳбарлари, шунингдек тилга олинган ташкилотларнинг беш бухгалтерлари майдонга чиқиши мумкин.

*Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексдан
кўчирма*

175-1-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш

— мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ун бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин йил давомида такрор содир этилган ушбу ҳуқуқбузарлик — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ун бараваридан ун беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботни тақдим этиш буйича мажбуриятлар солиқ туловчида у давлат руйқатига олинган пайтдан бошлаб, солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш буйича мажбуриятлар эса солиқ туловчида солиқ солиш объектлари пайдо бўлган пайтдан бошлаб юзага келади. Бухгалтерия ҳисоби тўғри йўлга қўйилганида солиқ солиш объектларини яширишга ~~қўл келтирилган~~ жиноий ҳаракатларни содир этиш имконияти жиддий равишда пасаяди. Бухгалтерия ҳисобини бузишлар билан юритиш, молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларга воқеликка тўғри келмайдиган маълумотларни киритиш, шунингдек солиқ солиш объектларининг ҳақиқий ҳажмини акс эттирмайдиган ҳужжатларни тақдим этиш солиқ органлари тўмонидан солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилишни жиддий равишда қийинлаштиради, бу эса виждонсиз солиқ туловчига олинган даромадни яшириш ва тўланишни керак бўлган солиқ миқдорини камайтириб қўрсатиш имконини беради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексдан кўчирмалар

175-3-модда. Солиқ туловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартиб-ини бузиш

Солиқ туловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартиб-ини бузиш

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб булади.

164-модда. Савдо ёки хизмат курсатиш қоидаларини бузиш

Савдо ёки хизмат курсатиш қоидаларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб булади.

Ёнилги-мойлаш материаллари билан, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шахарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш

— сотилаётган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб булади.

Дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилги-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш

— фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса

— етти бараваридан ун бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб булади.

Мазкур модда уч қисмдан иборат. I ва III қисмлар дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилги-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги «Республикада дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар билан таъмин-

лаш ва уларни тақсимлаш буйича шөшилч чоратадбирлар туғрисида» 404-сон, 1994 йил 6 майдаги «Ёнилги-мөйлаш материаллари сотини тартибга солиш туғрисида» 240-сон ва 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш чоғида назорат-касса мақиналарини мажбурий қўллаш тартиби туғрисида» 621-сон қарорлари билан «Республиканинг дорихона муассасаларида дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотиш қоидалари», «Автоёнилги қуйиш шөхобчаларининг ишлаш қоидалари», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан руйхатга олинган «Назорат тартиби туғрисида» қарорлари билан қўллаш тартиби туғрисидаги нйзом» тасдиқланди.

164-модда 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти булиб ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, аҳоли ва ташкилотларнинг товарлар ва хизматларга булган эҳтиёжларини қондирити тартиби, шунингдек мулкчилик шаклидан ва идоровий тобөлигидан қатъи назар савдо ва хизмат курсатиш билан банд корхоналар ва шахсларнинг хизматларидан фойдаланадиган фуқаролар ва ташкилотларнинг манфаатлари ҳисобланади.

Жавобгарлик субъекти булиб (164-модда 1-қисми) зиммасига тегишли қоидаларга риоя қилиш юкланган ва уларни бузишга йул қуйган савдо ва хизмат курсатиш соҳаси ҳодимлари булиши мумкин.

Такрорлаш ва параллелликни бартараф этиш мақсадида савдо ва хизмат курсатиш соҳаси корхоналарида бошқарув, давлат назорати, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш маҳаллий органлар томонидан республика ташкилотларининг текширишга аниқ топшириқ курсатилган тегишли рухсати булмаган ҳолда текширишлар утказилиши тақиқланади.

Фармонни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 11 февралдаги қарори билан «Савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси фаолиятини комплекс текширишларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги низом»ни тасдиқлади. Низомга мувофиқ бундай текширишлар барча даражадаги давлат солиқ органлари бошлиқлари ёки улар уринбосарларининг ёзма буйруғи асосида амалга оширилади. Ҳўтазиладиган текширишларнинг асосий вазифаларидан бири булиб қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари низомлари ва ишлан қоидаларини текшириш ҳисобланади.

Шуни кўзда тутиш лозимки, товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш чоғида аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш талабларига риоя қилмаслик тушунчасига кўрсатилган ҳисоб-китобларни назорат-касса аппаратлари (машиналари)ни қўлласдан, яъни чек ёки патта бермасдан ёхуд чек ёки паттада оширилган ёки пасайтирилган суммани кўрсатиб амалга ошириш киради.

Касса операцияларини юритишни бузишларга носоз касса машина ва аппаратларидан фойдаланиш ~~қала киради. Агар касса операциялари касдан шикастлангани исботлаб берилса, солиқ туловчи даромадни қасдан яширганлик учун жавобгар булади.~~

МЖК 164-моддаси I ва III қисмларини қўллаётганда фақат ҳуқуқбузарлик, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган у ёки бу қоидаларга риоя қилмаслик, уларни бажармаслик тушунилади.

Давлат солиқ органлари дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузишлар тўғрисидаги ишларни ҳам кўрадилар (164-модда 3-қисми). Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг 1994 йил 14 июлдаги «Республикада дори-дармон воситаларини сотишнинг тартибга солиш тўғрисида» фармони билан тилга олинган тиббий воситалар ва буюмларнинг медикаментлар сотиш учун махсус рухсатномалари¹ лицензиялари бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотилиши таъқиқланади. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар сотишнинг бошқа қоидаларини бузиш ҳам МЖК 164-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

«Ўзбекнефтгаз» корпорацияси томонидан белгиланган ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини бузиш (164-модда 3-қисми) деб квалификациялаш керак, ёнилғи-мойлаш материалларини нефть омборлари, транспорт воситаларидан, автокорхоналар, шаҳар ҳудудидан ташқаридаги автомобиль йуллари ва ҳоказо жойларда сотиш МЖК 164-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган содир этилган ҳуқуқбузарликларга киритилиши мумкин.

164-модда 3-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар бунга ваколат берилган давлат солиқ органлари, шунингдек ўзбекнефтгаз тизими (ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини бузишларга нисбатан) ва ички ишлар органларининг (дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларини бузишларга нисбатан) мансабдор шахслари томонидан тузилади.

Бунга ваколатли давлат солиқ органларининг мансабдор шахслари 164-модда 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар, яъни ёнилғи-мойлаш материаллари, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш тўғрисида ҳам баённомалар тузадилар. Бироқ ушбу ҳуқуқбузарликларни дав-

лат солиқ органларининг бошлиқлари ёки уларнинг уринбосарлари эмас, балки маъмурий ишлар бўйича судьялар кўрадилар, чунки уларга фақат МЖК мусодара қилишни қўллаш ҳуқуқини беради (ушбу маъмурий жазони жаримага қўшимча сифатида 164-модда 2-қисмидаги санкция назарда тутати). Давлат солиқ органларининг бошлиқлари ва бошлиқ уринбосарлари ушбу ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган фуқаролардан тегишли жаримани ундиришга ҳақлидирлар.

Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш пайтида назорат-касса машиналарини мажбурий тарзда қўллаш тартибини ва уларга хизмат кўрсатиш тартибини бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1995 йил 6 майдаги 01-03-2664-сон хатига мувофиқ ўз хусусиятига кўра бундай туюлдаги ҳуқуқбузарликлар савдо қоидаларига киритилган, шу муносабат билан маъмурий жавобгарлик кўрсатилган ҳолларда МЖК 164-моддаси билан, жиноий жавобгарлик эса кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларидан кейин қўлланиладиган ЖК 189-моддаси билан квалификацияланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексдан кучирма

165-модда. Харидорни ёки буюртмачини алдаш

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган корхоналарда, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар то-

монидан энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан олмаган миқдорда ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш ёхуд харидорни ёки буюртмачини ўзгача тарзда алдаш

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима сўлишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг хусусияти шундан иборатки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш ёки буюртмачиларга хизмат кўрсатиш билан шугулланадиган ҳар қандай (юридик, жисмоний) шахслар, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида яққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланадиган шахсларнинг ҳуқуқбузарлик субъектлари ҳисобланади. Маъжур модданинг диспозициясига кўра, харидор ёки буюртмачини алдашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар: ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш ёки ўзгача тарзда алдаш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Унга мувофиқ товарлар тўлиқ оғирлик ва тўлиқ ўлчовда, тегишли сифат билан, белгиланган нархларда ва ҳисоб-китобларнинг тўғри бўлишига риоя қилинган ҳолда сотиладиган, хизматлар эса преёскурантлар ва тарифларга мувофиқ кўрсатиладиган савдо қилиш, хизматлар кўрсатиш тартибини харидор ёки буюртмачини алдашнинг бевосита шакли деб эътироф этиш керак. Пировардида дахл этиш объекти бўлиб фуқаролар — истеъмолчиларнинг моддий, баъзан эса эстетик эҳтиёжлари майдонга чиқади. Ҳуқуқбузарлик предмети бўлиб товарлар, шу жумладан умумий овқатланиш соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишлар, хизматлар, шунингдек савдо, умумий овқатланиш, маиший, коммунал ва бошқа хил хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шугуллана-

диган шахелар томонидан истеъмољчидан ортиқча олинган пуллар ҳисобланади. Объектив томондан харидор ва буюртмачиларни алдаш турли ҳаракатларни содир этишда ифодаланади, уларнинг бир қисми МЖК 165-моддаси диспозициясида очиқ айтилган: ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш. Ўлчовдан ва тарозидан уриб қолиш шунда ифодаланадики, харидор сотувчининг турли айёрликлари ва бошқа алдов ҳаракатларини содир этиши натижасида тулаган суммасига мувофиқ унга тегиши керак бўлган товарларнинг кам миқдорини олади. Бунинг усуллари хилма-хил: нотўғри ўлчов асбоблари (тарози, тош, мензурка, ўлчов кружкаси, метр ва ҳоказо)ни ишлатиш, ортиқча ўров қоғозидан фойдаланиш, товарни тарозига ташлаш, ўлчанаётганда газмолни таранг тортиш, товарни ундан юқори нав нархида сотиш ва бошқалари.

Дуконда қадоқланган кўринишда олган товарларнинг оғирлиги нотўғри бўлса, бу товарларни сотувчи шахсларнинг ҳаракатларида кўрилаётган ҳуқуқбузарликнинг таркиби мавжуд бўлмайдди. Товар атайлаб кам қилиб тортаётган дукон ходимлари томонидан қадоқланадиган ҳолларда улар 165-модда буйича жавобгар буладилар.

~~Пулдан уриб қолиш деганда истеъмољчи томондан~~
уллар товар (иш, хизмат) учун тулаши керак бўлганидан куп нул суммасини алдаш йўли билан олиш, хариднинг ёки миждоз томонидан ресторанда буюртирилган таом ва ичимликлар умумий қийматини атайин нотўғри ҳисоб-китоб қилиш, қайтимни кам қайтариш ва ҳоказолар тушунилади.

Харидор ва буюртмачиларни «ўзгача тарзда алдаш» деганда айбдорнинг истеъмољчилардан кўрсатилган хизмат ёки харид қилинган товар қийматидан ошадиган суммани олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлари (паст навли товарларни юқори нав

нархида сотиш ёки қалбакилаштирилган товарлар сотиш, ҳақиқатда бажарилган ишларнинг мураккаблиги ва ҳажмини ошириб курсатиш, оддий буюртмани шопилинч буюртма сифатида расмийлаштириш ва ҳоказо) тушунилади.

Хатто агар истеъмолчига амалда мулкӣ зарар етказилмаган бўлса ҳам, 165-моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик алдов ҳаракатлари содир этилган пайдан бошлаб тугалланган деб эътироф этилади. Харидор сотувчини алдаётганликда фош этган ҳолда харидорни тарозидан ёки ўлчовдан уриб қолишга уриниш сингари ҳаракатлар қасд этиш деб эътироф этилиши керак.

~~Набаҳат юридик шахслар бўлиб ҳисобланадиган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, балки аҳолига хизмат кўрсатадиган бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар ҳам харидор (буюртмачи)ни алдаш содир этилган жой булиши мумкин.~~

Харидор ва буюртмачиларни алдашнинг субъектив томони бевосита гараз шаклидаги айб билан тавсифланади. Атайлаб қилинмаган истеъмолчини ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш 165-модда буйича жавобгарликка тортиши мумкин эмас. Мазкур ҳолда савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳаси ходими интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бироқ ушбу модда санкциясини қўллаш учун ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш, ўзгача тарзда алдаш суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг ундан бир қисмидан ошмаслиги керак. Харидор ёки буюртмачини иш ҳақининг ундан бир қисмидан битта энг кам миқдоригача суммада алдаш ЖК 187-моддаси 1-қисми буйича жиноий жавобгарликка олиб келади. Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан анча (ЖК 187-модда 2-қисми), йирик (ЖК 187-модда 3-қисми) ҳажмда содир этилган ҳудди ўшандай ҳаракатлар анча қаттиқ жазоланади.

*Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги Кодексдан
кўчирма*

168-модда. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш

Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ундан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисми миқдорида жарима солинса сабаб бўлади.

Ушбу модда бевосита бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазони белгилайди, Қорақалпоғистон Республикасида савдо қилиш қоидаларини белгилаш жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ваколат доирасига киритилган. Аҳолининг сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа энг зарур халқ истеъмоли товарларига булган эҳтиёжларини қондириш бозорларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Зеро озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпчилиги ва халқ истеъмоли товарларини республикамиз фуқаролари бозорлардан харид қиладилар. Ушбу бозорлардаги савдода иштирок этадиган барча фуқаролар ва ташкилотлар мақдонида қонунчилик билан белгиланган қоидаларга риоя қилишлари шарт.

Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш субъектлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- а) бозорларда савдо қилувчи фуқаролар;
- б) бозорлар ва бозорларда савдо-сотиқни олиб боровчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари;
- в) уларда савдо-сотиқни амалга оширувчи бозор ва ташкилотларнинг бошқа ходимлари.

Тилга олинган мансабдор шахслар 168-модда буйича ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузганда, ушбу

қоидаларга зид келадиган курсатмалар берганда ва уларга тобе шахслар томонидан айтилган қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш бўйича чоралар курмаганлик учун, зеро бозор дирекцияси савдо қилувчиларнинг бозорларда савдо қилиш ва санитария қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш учун жавобгар, жавоб берадилар.

Умум қабул қилинган қоидаларга мувофиқ бозорларда, хусусан, ҳуқуқ бузилиши деб ҳисобланадиган қуйидаги ҳаракатларга руҳсат берилмайди: патта йиғими тулангани тўғрисидаги касса чеклари ёки квитанцияларни бозорда савдо қилаётган бошқа шахсларга бериш ва уларга хизматлар учун ҳақ тулаш; савдо қилувчиларнинг ўз қўлимдан санитария сифатида фойдаланиши ёки унинг бутунлай бўлмаслиги; уларга тегишли оғирлик улчаш асбобларини қўллаш; бозор ходимларининг, савдо-ҳарид корхоналарининг ходимларидан ташқари, бошқа ташкилотлар, деҳқон хужаликлари ва фуқароларга тегишли қишлоқ хужалик маҳсулотларини сотиш; озиқ-овқат маҳсулотларини яроқлилигини текширмасдан ва тегишли маълумотнома бўлмасдан, шунингдек санитария-ветеринария қоидаларини бузиб сотиш; сабзавот ва гул уруғларини назорат-уруғчилик лабораториясининг хулосаси бўлмаган ҳолда сотиш; оғзи маҳкам бекитилган озиқ-овқат маҳсулотлари, ярим тайёр гушт ва балиқ маҳсулотлари консерваларини сотиш; кремли қандолат маҳсулотларини; зарарли ёввойи утлар уруғлари билан ифлосланган дон, ёрма маҳсулотларини; доривор ўсимликларни; дала гулларини; қайта ишланган қузиқоринлар ва улардан тайёрланган маҳсулотларни сотиш; товарларнинг ўн беш ёшга етмаган ўсмирлар томонидан сотилиши.

Ушбу тақиқларни бузиш МЖК 168-моддаси бўйича жавобгарликка олиб келади. Ўз фаолиятини бозор ҳудудида олиб борадиган савдо ва хизмат

курсатиш соҳаси ходимларига савдо қилиш ва хизмат курсатишнинг умумий қоидалари татбиқ этилади. Улар бузилган тақдирда айбдор шахслар МЖК 164-165-моддалари ёки ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексдан кучирма

172-модда. Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш

Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ун бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур модда корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг бир маромли хўжалик фаолиятини барбод этадиган, шунингдек ёнилғи-мойлаш материалларини ишлаб чиқаришга оид ҳарожатларига ҳамда уларни ноқонуний сотиш (бериш), ўзлаштириш ва улар сифатининг бузилишига олиб келадиган белгиланган қоидаларни бузганлик учун жарима жазо чораларини назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 майдаги 240-сон қарорининг талабларини ва шу қарор билан тасдиқланган «Автоёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш қоидалари»ни бузиш (бажармаслик), шунингдек 1985 йил 15 августда 06/21-8-446-сон билан тасдиқланган «Нефть базалари, қуйиш пунктлари ва автоёнилғи қуйиш шо-

хобчаларида нефть ва нефть маҳсулотларининг келиши, сақланиши, берилиши ва ҳисобга олиниши тартиби турғисидаги йуриқномани бузишлар ушбу модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

МЭЖК 172-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти бўлиб ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, харид қилишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Турли маркалардаги бензин, керосин, дизель ёқилғиси, трансмиссия мойлари, мойлаш мойлари, қадоқланган турли нефть маҳсулотлари, консистент смазкалари, тормоз суюқлиги ва ҳоказолар ҳуқуқбузарликка предмети бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликни 172-модда бўйича квалификация қилиш учун мазкур модда диспозициясида саналган ҳаракатлардан ақалли бирини содир этиш кифойдир.

Истеъмолчиларга нефть маҳсулотларининг нефть омборларидан автоцистерналар, қуйиш агрегатлари ва техник хизмат курсатиш агрегатларига берилиши фақат тарқатиш манзиллари ва мой тарқатиш агрегатлари орқали амалга оширилиши белгиланган. Берилган нефть маҳсулотлари миқдори нефть маҳсулотлари берилишини ҳисобга олиш қайдномасида ёзилади, унга олинган нефть маҳсулотлари учун ҳайдовчи имзо чекади, йул-варақасига эса нефть маҳсулотларини берган моддий жавобгар шахс қўл қўяди.

Қуйидагилар тақиқланади: нефть маҳсулотларини нефть омборларидан неқонуний равишда сотиш; нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш талафотлари, табиий йўқолишга асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш; нефть маҳсулотларини белгиланган тақсимлаш лимитлари, фондлари ва режаларидан ортиқча сотиш; нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни амалга оширадиган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек нефть маҳсулотлари истеъмолчилари томонидан нефть маҳ

сулотлари сифатининг бузилиши; мол етказиб берувчилардан қабул қилиш ва вагон-цистерналарда пломбасиз ёки уларни бузган ҳолда олиб ўтиш; нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни амалга оширадиган корхоналар ва ташкилотлар томонидан автоцистерналарни пломбаламасдан берилиши; нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва бериш пайтида корхоналар ва ташкилотлар томонидан технологик режими рағба риоя этилмаслиғи.

Курилатган ҳуқуқбузарлик субъектларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш қоидаларини бузадиган шахслар; б) ушбу материалларни ноқонуний равишда харид қиладиган шахслар.

Биринчи гуруҳга зиммасига бериш ва сақлаш қоидаларига риоя этилиши учун масъулият юкланган нефть базалари ва АЁҚШ мансабдор шахслари ва бошқа моддий жавобгар ходимлари (бошлиқлар, усталар, операторлар ва АЁҚШ ҳайдовчи-қуювчилари) киритилади. Ушбу гуруҳга бензинни хусусий шахсларга сотадиган давлат транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини ҳам киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳни айтилган материалларни ноқонуний равишда харид қиладиган ҳар қандай шахслар — хусусий шахслар ҳамда бериш муночилик шаклларидаги корхоналарга тегишли транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ташкил этади.

*Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексдан
кўчирма*

176-модда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч барабаридан беш барабаригача, мансабдор шахслар эса — беш барабаридан етти барабаригача, миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Савдо ёки воситачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказилмаган бўйин товлаган ҳолда амалга ошириш — ҳуқуқбузарлик ашеларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч барабаридан беш барабаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур моддада тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жазо чоралари акс эттирилган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида» қонуни, Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» Фармони ҳамда бошқа меъърий ва қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қонун нафақат тадбиркорларнинг иқтисодий ва юридик жиҳатдан мустақиллигини кафолатлаб, уларнинг ҳуқуқларини белгилайди, балки жавобгарликни ҳам урнатади.

Тадбиркорлик ташкилотлари (фирмалари) ва қонун ҳужжатларида рухсат берилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хоҳишини билдирган жисмоний шахслар туман, шаҳар, шаҳарлардаги туман ҳокимликларида давлат рўйхатига олиндишлари керак. Бунда уз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга ошириш ниятида бўлган хусусий тадбиркорга рўйхатга олиниш гувоҳномаси берилади, унда фаолиятнинг асосий ва бошқа турлари кўрсатилади. Жисмоний шахслар, шу жумладан тўлиқ ҳужалик ширкатининг иштирокчилари тадбиркорнинг рўйхатга олиниш гувоҳномасида курса-

тилган фаолия турларинигина амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда тадбиркор йул қуйилган ҳуқуқбузарликлар учун 176-модда 1-қисми буйича маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда давлат хизматчиларининг айрим тоифалари учун ҳуқуқий чеклашлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида» қарорига мувофиқ қуйидагилар ана шундай шахсларга киритилади: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари; давлат банкларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари; хизматига кўра пул белгилари ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқадор бўлган мансабдор шахслар; давлат қорхоналари, муассаса ва ташкилотларининг раҳбарлари, банк ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган уларнинг ўринбосарлари; давлат таъминот ва сотув ташкилотларининг раҳбарлари; функциясига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ёки ана шундай фаолият устидан назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш кирадиган давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари; чакана, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва қорхоналари, трестларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари; таркибий бўлинмаларнинг бош мутахассислари, бошлиқлари, моддий жавобгар шахслар. Агар санаб утилган шахсларнинг бирортаси рўйхатга олувчи органдан эгаллаб турган лавозимини яширган ёки уни маълум қилмасдан туриб, айти вақтда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги аниқланса, уни МЖК 176-моддаси 1-қисми буйича жавобгарликка тортиш учун ҳамма асослар мавжуддир.

Хусусий тадбиркор ишлаб чиқарилаётган буюм-

лар ишлаб чиқарувчининг фирма белгиси ёки фамилияси, буюмнинг номи ёки рамзи, буюмни тавсифлайдиган бошқа маълумотларни, курсатقان ҳолда, албатта тамгаланиши керак. Ушбу талабни бажармаслик ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш тартибини бузиш ҳисобланади.

Тадбиркорга муайян фаолиятга берилган лицензиянинг муддати тугаганидан кейин фаолиятни давом эттириш МЖК 176-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик деб қаралади. Лицензия олинган учун тақдим этилган материалларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар мавжудлиги аниқланса, бу ҳолда ҳам ушбу ҳуқуқбузарликнинг таркиби юзата келади.

Юридик жиҳатдан мустақилликка эга тадбиркорлик тузилмаларининг мансабдор шахслари, шунингдек, яқка тартибдаги фаолият билан шугулланадиган жисмоний шахслар куриллаётган ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлиши мумкин. Ушбу субъектлар сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар чиқади.

Давлат солиқ органларининг қонуний талабларини бажармаслик ҳам солиқ қонунчилигининг маъмурий ҳуқуқбузарликларига киради. Айтилган ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор шахслар МЖК 198-моддаси бўйича жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексдан кучирмалар

176-2-модда. Хужалик юритувчи субъектнинг манзили ёки банк реквизитлари узгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш

Хужалик юритувчи субъект томонидан манзили (турар жойи) ёки банк реквизитлари узгарганлиги тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш

— мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ун барабаридан ун беш барабаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

198-модда. Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш

Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир барабаригача, мансабдор шахсларга эса — бир барабаридан икки барабаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин такрор содир этганлик —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир барабаридан уч барабаригача, мансабдор шахсларга эса — уч барабаридан беш барабаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳуқуқбузарларни маъмурий ишлар бўйича судья давлат солиқ органларининг ваколатли мансабдор шахси тузган баённома асосида кўради. Иш бошқа органлар (мансабдор шахслар) ихтиёрига ўтadиган бошқа ҳолларда ҳам мансабдор шахслар аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузишга ҳақли ва мажбурлар. Бунда МҲК 280-моддасининг умумий қойдаси қўлланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида солиқ қонунчилигини бузишлар учун жаъобгарлик назарда тутилган моддалар мавжуд.

Жиноят кодексидан кўчирма

184-модда. Солиқ ва бошқа туловларни тулашдан буйин товлаш

Фойда (даромад) ёки солиқ туланадиган бошқа объектларни қасдан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йигимларни, бож ёки бошқа туловларни буйин товлаш, башарти туланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қamoқ билан жазоланади.

Уша қилмишлар:

а) такроран,

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай қилмишлар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларига елгон маълумотлар киритилган, ҳисобот ҳужжатлари солиқ органларига ҳали тақдим этилмаган ёки уни тақдим этиш муддати келмаган бўлса, жиноят содир этишга қасд юз берган бўлиши мумкин.

Агар қорхона раҳбарлари билан бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда тақдим этиш учун масъул бўлган бошқа шахслар уртасида солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотларни қасдан бузиб кўрсатиш тўғрисида тил бириктириш мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси мазкур жиноятнинг шерик иштирокчилари сифатида жавобгар бўладилар.

«Такроран» атамаси изоҳланиши керак; ЖК 52-моддасига мувофиқ, жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади. Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди. Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил этувчи бир-бирига ухшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди. Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Давлат солиқ органларига юкланган вазифаларга мувофиқ, ҳукумат қарорларига кўра иш жараёнида ЎзР ЖК 167, 175, 178, 179, 180, 181, 184, 185, 186, 187, 188, 189 ва 190-моддаларидан фойдаланиш мумкин.

Жиноят кодексидан кўчирмалар

167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзгачанинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) анча миқдорда,

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдин тил бириктириб содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўшбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) мансаб мавқеини сууистеъмол қилиш йўли билан;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса

— мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракат:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ута хавfli рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— мол-мулк мусодара қилиниб, саккиз йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

175-модда. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига қиллоқ равишда битимлар тузиш

Давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қamoқ билан жазоланади.

Уша ҳаракат:

- а) такроран,
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб,
- в) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда ва мол-мулк мусо-

дара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Наф келтирмаслиги аён битимларни тузиш давлатга катта моддий зарар етказади, зеро унинг иқтисодиёти асослари қупорилади, барча фуқароларнинг манфаатлари азият чекади. Бундан келиб чиқадики, жинойтнинг бевосита объекти бўлиб халқ хужалигининг бир маромли ривожланишини таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Жинойтнинг объектив томони мансабдор шахнинг давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмаси номидан наф келтирмайдиган битим тузишида ифодаланади.

Наф келтирмайдиган битим тузиш мансабдор шахнинг Ўзбекистон Республикаси учун мақбул эмаслиги аён шартларда иқтисодий шартномани имзолашини тақозо этади. Йирик миқдорда моддий зарар етказилиши моддий жавобгарликка тортишнинг мажбурий шarti ҳисобланади. Энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 100 бараваригача миқдорда етказилган зарар йирик зарар деб ҳисобланади. «Зарар» тушунчасига бевосита зарар ва шартнома тўғрисида бўй берилган фойда киритилади.

Субъектив жиҳат айбнинг қасдан қилинган шакли билан тавсифланади. Айбдор тузилаётган битимнинг наф келтирмаслигини англайди, унинг иқтисодиёт учун салбий оқибатларини олдиндан билади, уларнинг келишини хоҳлайди ёки онгли равишда уларга йўл қўяди.

Олдиндан аён бўлиш битим тузаётган шахс у республика учун наф келтирмаслигини яхши билишини англатади.

Бундай ҳаракатларни эҳтиётсизлик бўйича содир этиш ЖК 207-моддасида назарда тутилган жинойтни ҳосил этади.

Давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг ёки ана шу хил битимларни тузишга ҳуқуқ берилган жамоат бирлашмасининг мансабдор шахсигина жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Наф келтирмаслиги аён битим такроран ёки олдиндан тил бириктирган ҳолда бир гуруҳ шахслар томонидан тузилган ёхуд жуда кўп миқдорда зарар келтириш билан тузилган ҳолларда қилмиш шарҳланаётган модда 2-қисмининг тегинчи банди бўйича квалификация қилиниши керак.

Жиноят кодексидан кўчирма

176-модда. Қалбаки пул, акциз маркалари ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш

Ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецедивист томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, ун йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфи шундан иборатки, пул ёки қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида қалбакилаштириш билан шуғулланувчи ёки уларни ўтказувчи шахс давлатнинг пул ва кредит тизимларини қупоради, инфляция жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига имкон яратади ва бу билан бутун республиканинг иқтисодиётига зарар етказади. Бундан ташқари, мазкур жиноят содир этилганда давлатнинг пул белгилари чиқарин ва уларни муомалага киритишга мутлақ ҳуқуқи бузилади.

Жиноят объекти бўлиб давлат пул ва кредит тизимларининг бир маромли фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар майдонга чиқади. Бир қатор ҳолларда факультатив бевосита объект сифатида алоҳида корхоналар (масалан, акцизланадиган маҳсулот, акциялар ва ҳоказо), муассасалар, ташкилотлар ёки фуқароларнинг мулки майдонга чиқиши мумкин.

Жиноят предмети қонунда жуда тулиқ белгилаб қўйилган. Унга қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар киради.

Шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган предметлар, улар қалбакилаштириш ёки ўтказиш пайтида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган ёки бошқа давлатларда ишлатилаётган тақдирдагина, жиноятнинг асосли белгиси сифатида кўрилиши мумкин.

Объектив томондан шарҳланаётган жиноят уларни ўтказиш мақсадида қоғоз пуллар, қиммат-

ли қоғозлар, акциз маркаларини ясашда ёки уларни бевосита ўтказишда ифодаланиши мумкин.

Қалбаки пул, қимматли қоғозлар, акциз маркаларини ясаш бутунлай қалбаки пул, қимматли қоғозлар ёки акциз маркаларини ясашдан ёки уларни қисман қалбакилаштиришдан (масалан, облигация рақамлари, серияларини қалбакилаштириш) иборат бўлиши мумкин. Қалбакилаштириш усуллари жуда хилма-хил бўлиши мумкин ва квалификациялашга таъсир қилмайди, лекин жазо тайинлашнинг умумий асослари доирасида ҳисобга олиниши мумкин, зеро қалбакилаштириш усули қанчалик моҳирона бўлса, жиноят шунчалик хавфли бўлади. Бирок шунинг эътиборда тутиш жоизки, қалбакилаштирилган қоғоз пул, қимматли қоғоз ёки акциз маркази узининг ташқи куринишига кура шакл, ранг ва асосий реқвизитлар буйича асл нусхага анчагина ухшаши кераклиги, уларнинг купол тақлиди бўлиб қолмаслиги жавобгарликнинг зарур шартини ҳисобланади. Қалбаки пуллар асл пуллардан кескин фарқланадиган жун қалбакилаштириш товламачилик таркибини ташкил этади, чунки ушбу ҳолда айбдор ўтказиш пайтида жабрланувчини алдайди.

Қалбаки пуллар, қимматли қоғозлар, акциз маркалари, чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўтказиш мазкур жиноятнинг муस्ताқил шакли ҳисобланади. Ўтказиш деганда қалбаки пуллар, қимматли қоғозлар ёки акциз маркаларини муомалага чиқариш (қилинган харидни тулаш, қарзни тулаш, қалбаки облигацияни кассага тақдим этиш, акцизланадиган маҳсулотни қалбаки акциз маркалари билан сотиш ва ҳоказо) тушунилади.

Қалбаки пуллар, қимматли қоғозлар, акциз маркалари, банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар ёки чет эл валютаси ёхуд чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида ясаш

ёки ўтказиш улар ясалган ёки қалбакилаштирилган пайтдан ёхуд улар ўтказилган пайтдан бошлаб тугалланган деб топилади.

Шарҳланаётган жиноят фақат бевосита қасд билан содир этилади. Айбдор қалбаки қоғоз пуллар ёки қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида тайёрлаётганини англайди ёки уларни ўтказди ҳамда шундай қилишни хоҳлайди. Қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ясашда айбдор ўтказиш мақсадини кузайди. Агар шахс қоғоз пулни ўз маҳоратини намойиш этиш ёки, мисол учун, матнни йўқотиш учун янги препаратни синаш учун ясаसा, сохта пул ясаганлик учун жавобгарлик истисно этилади.

Ўтказиш мақсадида қалбаки пул белгилари, қимматли қоғозлар ва акциз маркаларини ясаган ва уларнинг қалбакилигини била туриб, уларни ўтказган шахслар жинойий жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодексидан кўчирма

178-модда. Чет эл валютасини яшириш

Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар ~~томоғидан~~ ~~ёки бошқача~~ ~~Давлат банкларининг~~ ~~ваколат берилган~~ банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасддан яшириб қолиниши

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмиш:

- а) гаразгўйлик билан,
- б) такроран,

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса

— мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмиш уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кузлаб содир этилган бўлса,

— мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Туловсизлик курунишида чет эл валютасини қасдан яшириб қолиш давлатимиз қоғоз пулининг барқарорлигини қўпоради, халқ хужалиғи кун тармоқларининг кредит ресурсларига булган эҳтиёжларини тулиқ қаноатлантириш имконини бермайди ва Ўзбекистон Республикаси бюджетини учун валюта маблағларини шакллантириш тартибини бузади. Шундан келиб чиқиб, валютани тартибга солиш соҳасида фаолият курсатадиган ва давлат бюджетига валюта маблағларининг ўз вақтида келиб тушишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар шарҳланаётган жиноятнинг бевосита объекти булиб майдонга чиқади.

Шарҳланаётган жиноятнинг предмети булиб чет эл валютаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ чет эл валютасига қуйидагилар киради:

- тегишли хорижий давлат ҳудудида муомалада булган ва қонуний тулов воситаси ҳисобланадиган, шунингдек муомаладан олинган ва олинаётган, лекин муомалада булган пул белгиларига алмаштирилиши керак банкнотлар курунишидаги чет эл қоғоз пуллари;
- ҳисобварақлар ва омонатларда хорижий давлатлар пул бирликлари ва халқаро ҳисобкитоб бирликларидаги маблағлар.

Жиноятнинг объектив томони қонун ҳужжатларига биноан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида ҳисобварақларга қайд этилиши керак бўлган чет эл валютасини яширишдан иборатдир.

Ваколатли банкларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, акциядорлик-тижорат, тижорат, кооператив ва хусусий банклар, шу жумладан чет эл сармояси иштирокидаги банклар, валюта операцияларини ўтказишга Марказий банк лицензиясини олган хорижий банклар (филиаллар, ваколатхоналар) киради.

Яшириш деганда валюта операцияларини амалга оширадиган корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, банклар ва бошқа ташкилотлар ходимларининг маблағларни Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларидаги валюта ҳисобварақларига ўз вақтида ёки тулиқ ўтказмаслиги тушунилади. «Ўз вақтида ўтказмаслик» деганда ўтказилган валюта операциялари натижасида олинган чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган муддатларни бузиб ўтказилиши тушунилади. «Тулиқ ўтказмаслик» деганда амалга оширилган валюта операциялари натижасида олинган чет эл валютасини ҳақиқатда олинган валюта маблағларига мувофиқ ~~қайтариб берилган~~ ҳажмда, фоизлар, дивидендлар ва бошқа даромадлар кўринишида ўтказиш тушунилади.

Қонунчилик конструкциясига кўра шарҳланаётган жиноят формал таркибга киритилади ва чет эл валютасини ўтказишнинг белгиланган муддатлари тугаган пайтдан ёки Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларидаги валюта ҳисобварақларига маблағлар тулиқ келиб тушмаган пайтдан бошлаб тугаган деб топилади.

Субъектив томондан, диспозициясидаги мавжуд қонунчилик таърифларидан келиб чиқиб, шарҳла-

наётган жиноят айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Айбдор чет эл валютасини Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларидаги ҳисобварақларга уз вақтида ёки тулиқ утказмаётганлигини аниқлайди ва шунини хоҳлайди.

Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширишга ваколатли, ақли расо жисмоний шахслар, шунингдек тегишли банкларнинг ходимлари жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Жиноятни, ЖК 178-модда 2-қисми буйича квалификациялашда айти қандай аломат буйича айбдорнинг қилмиши оғирлаштирувчи ҳолатларда содир бўлган ҳолатда деб қаралишини кўрсатиш зарур.

Мазкур жиноятни содир этиш пайтидаги гаразли мақсад, шахснинг Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларидаги ҳисобварақларга қайд этилиши керак бўлган чет эл валютасини яшириш натижасида моддий наф олиши ёки олишга интилиши билан тавсифланади.

«Бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан тил бириктириши буйича» тушунчаси туғрисида ЖК 29-моддаси шарҳига қаранг. Агар чет эл валютасини яшириш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаб амалга оширилган бўлса, қилмишнинг ЖК 178-моддаси 3-қисми квалификациялаш керак. «Уюшган гуруҳ» тушунчаси туғрисида ЖК 29-моддаси шарҳига қаранг.

Жиноят кодексидан кўчирма

179-модда. Сохта тадбиркорлик

Сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кузлабмасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даро

мадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камай-тириш) ёки бошқача мулкий манфаат куриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузини

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилини билан жазоланади.

Сохта тадбиркорликнинг ижтимоий хавфи шундан иборатки, у республиканинг иқтисодий манфаатларига зарар етказади. Бу жиноят давлат тақдим этган имкониятдан фойдаланувчи ва шахсий гараз мақсадларда корхоналарни барпо этадиган турли шахсларнинг меҳнатсиз бойишига олиб келади.

Корхоналарни барпо этиш тартиби 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида корхоналар туғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади. Мазкур жиноятни содир этаётганда айбдор қонун билан белгиланган тадбиркорлик ташкилотларини барпо этиш тартибини бузади. Тартиббузарлик асосини шу нарса ташкил этадини, шахс ёки шахслар гуруҳи тадбиркорлик ташкилотларини барпо этаркан, устав фаолиятини амалга оширмайди ёки амалга оширишни уйламайди ҳам, айти шу нарса баён этилган ниятлар сохталигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Бундай тузилмаларни барпо этаётганда шахс биринчи навбатда ссудалар, кредитлар олиш, фойдани солиқлардан ҳоли этиш ёки бошқа мулкий наф олиш буйича тақдим этиладиган имкониятлардан фойдаланишга интилади. Буларнинг ҳаммаси шарҳланаётган жиноятнинг бевосита объекти булиб корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларини ри-

соладагидек барпо этиш, ривожлантириш ва фаолият курсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар майдонга чиқиши хусусидаги хулосага келиш имконини беради.

Объектив томони корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларини устав фаолиятини амалга ошириш ниятисиз, яъни сохта тадбиркорлик фаолиятини кузлаб барпо этишда ифодаланadi.

Жиноят ана шундай корхоналарни барпо этиш пайтидан бошлаб тугалланган деб топилади. Агар сохта тадбиркорлик фаолияти бошқалар мулкани қонунга хилоф равишда олиш билан боғлиқ бўлса, қилмишни жиноятлар жамлиги тўғрисидаги қоидалар бўлиши сохта тадбиркорлик сифатида ва усулига боғлиқ ҳолда тегишли модда бўйича — бошқалар мол-мулкани угирлаш деб квалификациялаш керак бўлади.

Агар шарҳланаётган қилмиш фойдани солиқлардан яшириш ёки камайтириб курсатиш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар сохта тадбиркорлик ва солиқлар ёки бошқа туловларни туладан бўйин товдаш сифатида квалификацияланиши керак.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Айбдор корхона ёки бошқа тадбиркорлик ташкилоти аслида устав фаолиятини амалга ошириш ниятисиз барпо этаётганини англайди ва шундай ҳаракат содир этишни хоҳлайди.

Бундай жиноят субъектив томонининг мажбурий аломати сифатида қонун махсус мақсадларни белгилайди, яъни — ссуда, кредитлар олиш, фойда (даромад)ни солиқдан ҳоли қилиш (камайтириб курсатиш), бошқа мулкий наф олиш.

Жиноят субъекти бўлиб ун олти ёшга етган, ақли расо жисмоний шахс белгиланиши мумкин.

Жиноят кодексида кучирма

180-модда. Сохта банкротлик

Сохта банкротлик, яъни хужалик юритувчи субъектнинг уз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга куп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб; беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфи Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунини бузишда, жамоатчиликни янглиштириш ва кредиторларга моддий зарар етказишда ифодланади. Ёлгондан банкротлик эълон қилинганда айрим хужалик юритувчи субъектлар (кредиторлар) қарздордан қарз маблағларини ола олмайдилар. Демак, ушбу жиноятнинг бевосита объекти хужалик юритувчи субъектларнинг моддий мафлаатлари, республика иқтисодиётининг асослари ҳисобланади.

Жиноятнинг объектив томони хужалик юритувчи субъектнинг кредиторлар талабини қондиришга ва товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тулашга иқтисодий жиҳатдан ночорлиги тўғрисида ёлгондан эълон қилишидан иборат.

Сохта банкротлик пайтида хужалик юритувчи субъект (қарздор) ҳақиқатда банкрот бўлмайди, чунки кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун барча зарур маблағларга эга бўлади, ле-

кин атайлаб, турли вақтларга кура уларни бажаришдан буйин товлайди.

Сохта банкротлик учун жиноий жавобгарлик бошланишининг мажбурий шарт бўлиб, кредиторлар манфаатларига йирик миқдорда зарар етказилиши ҳисобланади. Энг кам иш ҳақининг 30 баравари ва ундан зиёд миқдорларида етказилган зарар йирик миқдордаги зарар деб топилади. «Зарар» тушунчасига бевоқиф зарар ва ҳисобласа бўладиган билвосита зарар (бой берилган наф) киритилиши керак.

Жиноятнинг субъектив томони айбдорда бевоқифа қасд мавжудлиги билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмишларининг ижтимоий хавfli хусусиятга эгаллигини ҳис қилмайди, қонун билан нафарда тутилган оқибатларнинг юз беришини олдиндан билмайди ва онгли равишда уларнинг юз беришига йўл қўяди ёки шунга хоҳлайди. Одатда қурилатган жиноят гараз мақсадларда содир этилади, лекин бошқа майллар ҳам мустасно эмас.

Жиноят субъекти ўн олти ёшга етган, ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Жиноят кодексидан кўчирма

181-модда. Банкротликни яшириш

Хужалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг туловга қодирлигини йўқотганлигини ёки иқтисодий ҳоқорлигини бошқача тарзда қасдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш

Йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк му-содара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноятнинг бевосита объекти хужалик юритувчи субъектлар уртасида бир маромли иқтисодий ҳамкорликни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Курилатган жиноятнинг ижтимоий хавфи шундан иборатки, субъектнинг уз тўловга ноқобиллиги ёки банкротлигини яшириши натижасида бошқа хужалик юритувчи субъектлар чалкаштирилади, улар у билан иш юритишни давом эттирадилар ёки у билан иқтисодий алоқаларга киришадилар, аynи шу сабабдан муқаррар равишда узларини зарар кўриш хавфига дучор этадилар.

Қилмишнинг объектив томони хужалик юритувчи субъект томонидан узининг тўловга ноқобиллигини яширишда ифодаланади. Яшириш зарур маблағлар мавжуд эмаслиги, уз қарз мажбуриятларини бажара олмаслиги, яъни тўловга ноқобиллиги туфайли кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш бўйича узининг ночорлигини бекитишни англатади.

Шарҳланаётган модда диспозициясида банкротликни яшириш усуллари белгиланади. Яшириш хужалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга туғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йули билан иқтисодий жиҳатдан узининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасдан яшириш йули билан амалга оширилиши мумкин.

Кредиторлар, шериклар ва бошқа шахсларга йирик миқдорда зарар етказиш жиноий жавобгарлик бошланишининг мажбурий шarti ҳисобланади. Қилмиш билан бошқа шахсга зарар етказиш кўри-

нишида келиб чиққан оқибат уртасида сабабли алоқа бўлиши керак. Шундай қилиб, куридаётган қилмиш жиноятнинг моддий таркибига киради. «Зарар» тушунчаси бошқа шахсга етказилган бевосита зарар билан улар бой берилган фойдани ўз ичига олади.

Шарҳланаётган жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Айбдор ёлгон маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этишнинг ёки ўз иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда яширишнинг ижтимоий хавфини англайди, бошқаларга йирик миқдорда моддий зарар етишини олдиндан билади ва унинг юз беришини хоҳлайди ёки онгли равишда бунга йўл қўяди.

Жиноят субъектининг ёлгон маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этадиган ақли расо жисмоний шахс: мулкчилик шаклидан қатъи назар тижорат ва бошқа иқтисодий тузилмалар раҳбари, унинг уринбосари, бош бухгалтер, молия бўлими бошлиғи ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Жиноят кодексидан кучирма

184-модда. *Солиқ ва бошқа туловларни тулашдан бўйин товлаш*

Фойда (даромат) ёки солиқ туланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрса-тиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йигимларни, бож ёки бошқа туловларни тулашдан қасддан бўйин товлаш, башарти туланмаган сумма анча миқдорини ташкил қилса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушба қилмишлар:

а) такроран,

б) куп миқдорда содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худди шундай қилмишлар жуда куп миқдорда содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда қасдан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад)га озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазо қўлланмайди.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш давлат иқтисодиётига катта зарар етказиши мумкин. Ушбу жиноят субъекти бўлиб давлатнинг молиявий фаолияти соҳасида фаолият кўрсатувчи ижтимоий муносабатлар майдонига чиқади.

Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони диспозицияда саналган қўйдаги амаллардан бирдан иборат бўлади: фойда (даромад)ни яшириш ёки камайтириб кўрсатиш; солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш ёки камайтириб кўрсатиш; давлат томонидан белгиланган солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш.

Яшириш деганда давлат солиқ органларига барча даромадлар манбалари тўғрисида хабар қилмаслик тушунилади.

Камайтириб курсатиш деванда даромадлар туғрисида олинган даромад (фойда) ёки солиқ солишнинг бошқа объектларини камайтириш имконини берадиган бузиб курсатилган ҳисоботни тушуниш керак.

Нафақат фойда (даромад)ни яшириш ёки камайтириб курсатиш, балки солиқ солишнинг бошқа объектларини яшириш, камайтириб курсатиш ҳам жиноят деб эътироф этилади. Тилга олинган қонунда корхона, бирлашма, фирма ва бошқа хужалик юривчи субъект мулкнинг тур хусусиятларига боғлиқ ҳолда солиқ солинадиган объектни белгилайдиган бир нечта меъёр келтирилган.

Солиқлар, йилликлар, божлар ва бошқа туловларни тулашдан буйин товлаш юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ органларига айтилган туловларни тулашдан бош тортишларида (масалан, даромад солиғи олинадиган бошқа даромадлар туғрисида декларация топширмаслик) ва, шунингдек, солиқ солинадиган объектларни яширишларида ифодаланади.

Шарҳланаётган модда буйича жинсий жавобгарлик бошланишининг шарти бўлиб анча миқдорда солиқлар ёки бошқа туловларни тулашдан буйин товлаш зарурати ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томони фақат бевосита қасд билан тавсифланади. Айбдор фойда (даромад) ёки солиқ солишнинг бошқа объектларини яшираётгани, камайтириб курсатаётганини англайди ёки тулашдан буйин товлайди, уз қилмишлари натижасида давлатга анча зарар етказишини олдиндан билди ва айти шундай оқибатлар келтиришни хоҳлайди.

Ун олти ёшга етган ақли расо жисмоний шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Солиқлар ёки бошқа туловларни тулашдан жуда кўп миқдорда буйин товлаш ЖК 184-моддаси 3-қис

ми буйича квалификация қилинади («Жуда куп миқдор» тушунчаси туғрисида ЖК Махсус қисмининг Саккизинчи бўлимига қаранг).

Жиноят кодексидан кучирма

188-модда. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шугулланиш

Назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан буйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолияти билан шугулланиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса —

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан буйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш

а) ҳавфли рецидивист томонидан;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса, —

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш

дан бўйин товлаб, савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:

а) куп миқдордаги фойда (даромад) олган ҳолда;

б) уюшган турух томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаб содир этилган бўлса, —

Мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолияти хужалик фаолияти соҳасида энг кун тарқалган жиноятлардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг ижтимоий хавфи шу билан белгиланадики, белгиланган тартибда рўйхатдан утишдан бўйин товлаган ҳолда гайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолиятини юритишда солиқ солинмайдиган, назорат қилинмайдиган фойда олиш, белгиланган туловларни тулашдан қочиб мақсади кузланади. Натижада давлат айбдор тулаши керак бўлган, лекин фойда солиғи сифатида давлатга туламаган маблағларни бюджетга ололмайди. Жиноятнинг бевосита объекти бўлиб савдо ёки воситачилик фаолияти тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар майдонга чиқади.

Жиноят предмети нафақат кишининг бирер-бир эҳтиёжини қондириш учун мулжалланган товарлар, балки назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида сотиб олинадиган ва қайта сотиладиган хужжатлар (турли кунгилочар тадбирларни бориб куриш ҳуқуқини берадиган чипталар, турли транспорт турларида юриш учун чипталар, дам олиш уйлари ва санаторийларга йулланмалар ва ҳоказолар) ҳам бўлиши мумкин.

Курилаётган жиноятнинг объектив томони гайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолиятини ташкил этадиган ҳаракатларда ифодаланади.

Гайриқонуний савдо деганда белгиланган тартибда рўйхатга олинисдан бўйин товлаган ҳолда

товарлар олди-сотдиси бўйича битимларни содир этиш тушунилади.

Гайриқонуний воситачилик фаолияти муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар учун товарлар ёки бонқа предметларни харид қилиш ёхуд сотишда ёрдам беришдан ёхуд ўз зиммасига шундай мажбуриятлар олишдан, шунингдек томонлар уртасида битимлар тузишда ёрдам беришдан ёки белгиланган тартибда рўйхатга олинисдан бўйин товлаш билан амалга ошириладиган, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган хўжалик хусусиятидаги бошқа воситачилик ҳаракатларидан иборат бўлади.

Гайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолияти, башарти у ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган ва қилмишда шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаса, шарҳланаётган модданинг 1-қисми бўйича жазоланадиган жиноий қилмиш ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Қонун мажбурий аломат сифатида мақсадни — назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олишни курсатади.

Жиноят субъекти ун олти ёшга етган, ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Анча миқдордаги назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш билан хавфли рецидивист, бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктириб содир этилган гайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолияти ЖК 188-моддаси 2-қисмининг тегишли банди бўйича квалификация қилиниши керак.

Аввал судланган ва яна худди шундай жиноят содир этган, ундан судланганлик белгиланган тартибда олиб ташланмаган ёки бекор қилинмаган шахс хавфли рецидивист деб топилади.

Агар фойда (даромад)нинг умумий суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараварини ташкил этса, лекин 30 бараваридан ошмаса, у миқдорига кура анча деб ҳисобланади (ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимига қаранг).

Икки ёки ундан ортиқ шахс олдиндан тил бириктириб, гайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланган ҳолларда бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан тил бириктириши белгиланади.

Қўп миқдорда назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида ёки уюшган гуруҳ томонидан ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган гайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолияти ЖК 188-модда 3-қисмининг тегишли банди бўйича квалификация қилиниши керак.

Агар назорат қилинмайдиган фойда (даромад)нинг умумий суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 30 баравари ва ундан кўпни ташкил этса, у қўп миқдор деб ҳисобланади (ЖК Махсус қисмининг Саккизинчи бўлимига қаранг).

Жиноят кодексидан к у ч и р м а

184-1-модда. Бюджет интизомини бузиш

Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ ту-

затиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Уша қилмиш кўп миқдорда содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша қилмиш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тулови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

5-боб. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР

Мазкур бўлим ҳисобварақлари қуйидагилар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мулжалланган: корхонага тегишли бўлган ва молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган; белгиланган тартибга мувофиқ асосий воситаларга киритиладиган меҳнат воситаларининг мавжудлиги, ҳаракати ва эскириши; корхонага мулкчилик ҳуқуқларида тегишли бўлган номоддий активларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва эскириши; мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва тижорат қилинган, урнатиладиган ускунанинг мавжудлиги ва ҳаракати; қимматли қорозларга, шубба, қўшма, уюшган корхоналар ва тобе жамиятларга узоқ муддатли инвестициялар; капитал қўйилмаларнинг барча турлари; олинган векселлар бўйича ҳисоб-китоблар, молиявий лизинг учун олишга доир туловномалар, муддати кечиккан даромад солиқлари, келгуси даврлар харажатлари ва бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзларининг узоқ муддатли қисми.

5.1. Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби

Объектларни асосий воситаларга киритиш тартиби ва уларнинг таркиби 5-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) билан бошқарилади.

Асосий воситалар — моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда ноишлаб чиқариш соҳасида узоқ вақт даври мобайнида (бир йилдан ортиқ) ишлатиладиган, шунингдек ижарага бериш учун ҳам фойдаланиладиган моддий активлардир (5-сон БХМС 7-банди).

Асосий воситалар корxonанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль уйнайди, чунки улар жамликда корхона таянадиган ишлаб чиқариш-техника базасини ташкил этади ва корxonанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагилар асосий воситалар бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ҳисобланади:

- улардан фойдаланиш жойларида асосий воситалар бутлиги ва мавжудлиги устидан назорат қилиш;
- уларнинг келиб тушиши, чиқиб кетиши ва олиб ўтилишини ҳужжатларда тўғри расмийлаштириш ва ҳисобда ўз вақтида акс эттириш;
- улардан фойдаланиш самарадорлиги устидан назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш харажатларига киритиш учун уларнинг жисмонан эскириш қийматини белгилаш;
- уларни замонавийлаштириш ва таъмирлаш чоғида маблағларнинг оқилона сарфланишини назорат қилиш.

Қуйилган вазифалар асосий воситалар мавжудлиги, ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва уларнинг амортизацияси буйича ҳисоб-китоблар қилиш, таъмирлаш буйича харажатларни ҳисобга олиш ёрдамида ҳал этилади.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисобининг тўғри бўлиши учун зарур шарт — уларни баҳолаш ягона принциpidир. Асосий воситаларни баҳолашнинг қуйидаги даражалари фарқланади:

- дастлабки;
- тиклаш;
- жорий;
- қолдиқ;
- тугатиш.

Дастлабки қиймат (5-сон БХМС 11-банди) — асосий воситаларни барпо этиш (қуриш ва охиригача қуриш ёки харид қилиш) буйича ҳақиқатда қилинган харажатлар қиймати, шу жумладан туланган ва қопланмайдиган солиқлар (йигимлар), шунингдек етказиб бериш ва монтаж қилиш, урнатил, фойдаланишга топшириш харажатлари ҳамда вазифасига кура фойдаланиш учун активни иш ҳолатига келтириш билан бевосита боғланган ҳар қандай бошқа харажатлар.

Қайта баҳолаш ҳисобга олинган асосий воситалар қиймати **тиклаш қиймати** деб аталади. Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати инфляция суръатларини ҳисобга олиб вақти-вақти билан қайта баҳоланади (Ҳукумат қарорларига биноан).

Жорий қиймат (5-сон БХМС 12-банди) — муайян санага амалдаги бозор нархлари буйича асосий воситалар қиймати ёки активлар хабардор бўлган манфаатдор тарафлар уртасида айирбошланиши мумкин бўлган сумма.

Қолдиқ қиймат (5-сон БХМС 13-банди) — актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириладиган жамғарилган амортизация суммасини чегирған ҳолда асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) ёки жорий қиймати.

Тугатиш қиймати (5-сон БХМС 14-банди) — чиқиб кетиш буйича кутилаётган харажатларни чегирған ҳолда асосий воситаларни тугатиш чоғида фойдали хизмат қилиш муддати охирида юзага келадиған активларнинг тахмин қилинаётган қиймати.

Асосий воситаларни баҳолаш принциплари мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар учун амалда бир хилдир, бироқ дастлабки қиймат мол-мулкни қайта баҳолаш, мавжуд ускуна ёки бинони таъмирлаш, қўшимча жиҳозлаш ёки қўшимча қуриш чоғида ўзгарини мумкин.

Асосий воситаларнинг фойдаланишга келиб тушиши қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади, унда объект тавсифи, баланс қиймати, эскириши суммаси ақс эттирилади. Далолатномага техник ҳужжатлар илова қилинади, улар биргаликда корхона бухгалтериясига топширилади. Объектга инвентарь рақами берилди, у ҳужжатларга қўйилади. Асосий воситалар объектга берилган инвентарь рақами то чиқиб кетгунигача қадар унда сақланади. Инвентарь рақамлари ҳисобни ҳисоблаш техникасида юритиш пайтида код бўлиб хизмат қилиши мумкин. Барча асосий воситалар моддий жавобгар шахсларга бириктириб қўйилиши керак, улар мазкур асосий воситаларнинг бутлиги учун улар билан тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларга мувофиқ жавоб берадилар. Моддий жавобгар шахслар раҳбарнинг буйруғи билан тайинланади.

Асосий воситалар ҳисоби шундай ташкил этиладики, токи ҳар бир тасниф гуруҳи ва алоҳида ҳар бир объект, жойлашган жойлари ва уларни харид қилиш манбалари бўйича асосий воситалар мавжудлигини белгилаш мумкин бўлсин.

Бу нарса 01-«Асосий воситалар» ҳисобварағи бўйича тахлилий ҳисоб билан таъминланади, у асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентарь объектлари бўйича ягона намунавий карточкалар ёки инвентарь дафтарларида юритилади. Инвентарь дафтарларидаги ёзувлар асосий воситаларнинг тасниф гуруҳлари (турлари) ва уларнинг жойлашган жойлари бўйича амалга оширилади.

Инвентарь карточкалари ёки дафтарлари бухгалтерияга тақдим қилинган бирламчи ҳужжатлар асосида тўлдирилади. Сўнгра тўлдирилган инвентарь карточкалари бўйича асосий воситаларнинг тасниф гуруҳлари ва уларнинг жойлашган жойларига қараб рўйхат тузилади.

Руйхатда қайд этилган карточкалар асосий воситалар картотекасига жойлаштирилади. Картотекада улар тасниф гуруҳлари буйича, гуруҳлар ичида эса улар жойлашган жойлар, фойдаланилиши ва турлар буйича гуруҳланади. Ишламайдиган асосий воситалар буйича карточкалар алоҳида гуруҳланади.

Асосий воситаларни ишлатиш жойларида инвентарь руйхатлари юритилиши керак.

Асосий воситалар чиқиб кетиши далолатнома билан расмийлаштирилади ва инвентарь карточкасида акс эттирилади, кейин у картотекадан олиб қўйилади.

Муайян асосий воситаларнинг бундан кейин ишлатишга яроқсизлигини белгилаш учун ҳар бир корхонада доимий ишловчи комиссиялар ташкил этилади.

Бундай таҳлилий ҳисобни юритиш республика-миз ҳудудида ва хорижда асосий воситаларнинг мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисида маълумотлар олиш имкониятини таъминлаши керак.

Корхонага мулкчилик ҳуқуқларида тегишли булган, фойдаланишда, захирада, консервацияда булган ёки жорий лизинг шартномаси буйича топширилган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0110 «Ер»

0111 «Ерни ободонлаштириш»

0112 «Молиявий лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»

0120 «Бинолар, иншоотлар ва узатиш қурилмалари»

0130 «Машина ва ускуналар»

0140 «Мебель ва анжомлар»

0150 «Компьютер ускунаси»

0160 «Транспорт воситалари»

0170 «Иш ҳайвонлари»

0171 «Маҳсулдор моллар»

0180 «Қуп йиллик кучатлар»

0190 «Бошқа асосий воситалар»

0199 «Консервацияланган асосий воситалар»

Таҳлилий ҳисобни қуриш республика ҳудуди ва ҳорижда асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак.

Асосий воситалар асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида дастлабки баҳо бўйича ҳисобга олинади, у қуйидагича белгиланади:

- муассислар томонидан корхонанинг устав сармоясига (фондига) уларнинг улушлари ҳисобига киритилган объектлар учун — томонларнинг келишуви бўйича;
- корхонанинг ўзида тайёрланган, шунингдек ҳақ эвазига бошқа корхоналар ва шахслардан харид қилинган объектлар учун — ушбу объектларни барпо этиш (қуриш, бино этиш, қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлардан келиб чиқиб, шу жумладан туланган ва қопланмаган солиқлар (йигимлар), шунингдек етказиб ~~бериш~~ ~~маълум~~ қилиш, ~~хонатиш~~ ва ишга тушириш харажатлари ҳамда активни иш ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа ҳар қандай харажатлар;
- бошқа корхоналар ва шахслардан текинга олинган, шунингдек ҳукумат органининг субсидияси сифатида олинган объектлар учун — кирим қилиш санасида бозор қиймати бўйича ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларининг маълумотлари бўйича.

Асосий воситалар дастлабки қийматининг узгарishiга тегишли объектларни қуриб битказиш,

қушимча жиҳозлаш, таъмирлаш ва қисман тугатиш, шунингдек уларни қайта баҳолаш ҳолларидагина шул қўйилади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ЎзР ҳукумати ва корхона мол-мулки эгасининг қарорига мувофиқ амалда оширилади (асосий воситалар улуш сифатида бошқа корхоналар устав сармояси (фонд)ларига киритилган ҳолда). Асосий воситаларни қайта баҳолаш суммаси 8531-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг эскириши асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобва олиш (02) ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Муассисларнинг олиб қилинган уларнинг корхона эгаси сармоясига, улушлари ҳисобига киритилган асосий воситаларни қайта баҳолаш суммаси 0110-0190-ҳисобварақлар дебети ва 4710-«Устав сармоясига улушлар бўйича муассисларнинг қарзлари» ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Корхонанинг ўзида барпо этилган, шунингдек пудрат шартномасига кура қурилган асосий воситалар объектлари тегишли асосий воситаларни ҳисобга олиш (01) ҳисобварақлари дебети бўйича 0810-«Тугалланмаган қурилиш» ҳисобварағи кредитидан қирим қилинади.

Мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахслардан харид қилинган асосий воситалар объектлари асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети ва 0820-«Асосий воситаларни харид қилиш» ҳисобварағи кредити бўйича қирим қилинади.

Бошқа корхона ва шахслардан бепул, шунингдек ҳукумат органи субсидияси сифатида олинган асосий воситаларни қирим қилиш асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари бўйича, 8523-«Бепул олинган мол-мулк» ҳисобварағи билан коррес-

понденцияда акс эттирилади. Бироқ солиқ солиш мақсадлари учун бепул олинган асосий воситалар суммаси солиқ солинадиган базага киритилади.

Асосий воситалар чиқиб кетишида (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, бепул берилиши ва ҳоказо) уларнинг дастлабки қиймати асосий воситаларни ҳисобга олиш (01) тегисли ҳисобларига мувофиқ 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Сотилган асосий воситалар учун пул маблағларининг келиб тушиши 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади. Натижа — 9210-ҳисобварақнинг дебет ва кредит оборотлари ўртасидаги фарқ 9310-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализациясига доир фойда» ёки 9431-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализациясига доир зарар» ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилади. Етишмайдиган ёки тўлиқ ишдан чиққан асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш пайтида ҳисобга олишнинг ана шундай тартибига риоя қилинади.

0110-«Ер» ҳисобварағида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ корхонага мулк қилиб топширилган ер участкалари ҳисобга олинади. Ер харид қилишда ишчиликнинг қиймати ва ташқари туланадиган қўшимча харажатлар: кўчмас мулк буйича агентларга воситачилик ҳақи, адвокатлар хизматларига туланадиган ҳақ, харид қилиш пайтидаги солиқлар, дренаж, ерни тозалаш ва текислаш қиймати юзага келади. Ер қиймати синғари ушбу харажатлар ҳам 0110-«Ер» ҳисобварағи дебити буйича акс эттирилади.

Ерни тайёрлаш буйича умумий харажатлар, шу жумладан даражалаштириш, канализация, шунингдек геодезия ишлари, 0110-«Ер» ҳисобварағида капиталлаштирилади, чунки ушбу харажатлар ердан

бундан кейинги фойдаланиш ва унинг қийматини ошириш учун зарурдир.

Ер бино ва иншоотларни таъмирлаш ёки қуриш учун харид қилинса, мавжуд конструкциялар ва бошқа тусиқларни олиб ташлаш қиймати 0110 «Ер» ҳисобварағи дебетига капиталлаштирилади. Бунда конструкцияларни тугатишдан олинган материалларни сотишга доир тушум ушбу харажатларни қисқартиради.

Бироқ, агар ер эгаликда бўлса, мавжуд конструкциялар янги қурилишга жой бериш учун олиб ташланса, бузиш харажатлари 0110 «Ер» ҳисобварағида капиталлаштирилмайди, балки эски конструкциялар чиқиб кетишидан фойдани қисқартирадиган зарарлар ёки харажатлар сифатида акс эттирилади.

0111 «Ерни ободонлаштириш» ҳисобварағида ер майдонини такомиллаштириш харажатлари, шу жумладан автомобиль ва бошқа транспорт воситалари кириш йуллари, тўхтаб туриш жойлари, говлар ва ободонлаштириш бошқа турларининг қиймати ҳисобга олинади.

0112 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» ҳисобварағида жорий ва узоқ муддатли лизинг шартномалари бўйича олинган, ижарадаги мулкни ободонлаштириш билан боғлиқ капитал харажатлар ҳисобга олинади.

Ер участкалари, урмон ва сувлар, кўп йиллик кўчатларга инвентарь тусдаги капитал қўйилмалар асосий воситалар таркибига ҳар йили, бутун ишлар мажмуи тугашидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тааллуқли харажатлар сумасида киритилади.

0120 «Биолар, иншоотлар ва узатиш қурилмалари» ҳисобварағида қуйидагилар ҳисобга олинади:

— биолар — ишлаб чиқариш, маъмурий, ижтимоий маънсий, уй-жой биолари (мустақил хужалик

аҳамиятига эга бўлган ҳар бир алоҳида турган бино ёки иморатлар инвентарь объекти ҳисобланади). Бино ва иморатлар таркибига бир маромли ишлатиш учун зарур барча коммуникациялар кирadi (иситиш, ёритиш, вентиляция, сув ва газ таъминоти тизими, ички телефон ва компьютер тармоқлари, лифт ҳужалиги);

— иншоотлар — автомобиль йўллари, кўприклар, эстакадалар, иссиқлик ва газ тармоқлари, трансмиссиялар ва бошқалар.

0130-«Машина ва ускуналар» ҳисобварағида қуйидагилар ҳисобга олинади:

— куч машина ва ускуналари — атом реакторлари, қозонлар, буг двигателлари, турбиналар, куч трансформаторлари, ички ёнинг двигателлари ва бошқалар;

— иш машина ва ускуналари — меҳнат предметларига механик, термик, кимёвий ёки бошқа технологик таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган дастгоҳлар, аппаратлар, агрегатлар;

— ўлчаш ва ростлагич асбоб ҳамда қурилмалар ва лаборатория ускуналари — тарозилар, дозаторлар, монометрлар, термостатлар, диспетчерлик назорати, сигнал бериш ускуналари, илмий-тадқиқот лабораториялари, сеймик станциялар, аппаратура-си ва ҳоказолар;

— бошқа машина ва ускуналар — телефон станциялари ускуналари ва аввалги гуруҳларда ҳисобга олинмаган бошқа ускуна-жиҳозлар.

0140-«Мебель ва анжомлар» ҳисобварағида ишлаб чиқариш ва маъмурий мақсаддаги мебель ва анжомлар (столлар, жавонлар, мебель тўпламлари, креслолар, темир жавон ва ҳоказолар) ҳисобга олинади.

0150-«Компьютер ускуналари» ҳисобварағида компьютерлар, принтерлар, сканерлар, модемлар ва бошқа компьютер ускуналари ҳисобга олинади.

0160-«Транспорт воситалари» ҳисобварағида темир йул, сув, автомобиль, ҳаво, ишлаб чиқариш ва комму-

нал транспортнинг ҳаракат таркиби, шунингдек магистрал нефть ва газ қувурлари ҳисобга олинади.

0170-«Иш ҳайвонлари» ҳисобварағида иш кучи сифатида ишлатиладиган чорва — отлар, ҳукивлар, туялар, эшаклар ва бошқа иш ҳайвонлари, (шу жумладан транспорт отлари ва от-арава транспорти сифатида ишлатиладиган бошқа ҳайвонлар) ҳисобга олинади.

0171-«Маҳсулдор моллар» ҳисобварағида маҳсулот (насл, сут, жун ва ҳоказо) берадиган моллар — сигирлар, қўтослар, буқалар, наслдор (ишлатилмайдиган) биялар, совлиқлар ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

0180-«Ғул ғиллик кучатлар» ҳисобварағида кукаламзорлаштирувчи, декоратив, мева берадиган дарахт ва кучатлар, жонли ғовлар ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

0190-«Бошқа асосий воситалар» ҳисобварағида юқорида келтирилган ҳисобварақларда санаб утилмаган асосий воситалар, масалан, кутубхона фондлари ҳисобга олинади.

0199-«Консервацияланган асосий воситалар» ҳисобварағида захирага ўтказилган ва ҳукумат органларининг қарорига кўра консервацияланган асосий воситалар ҳисобга олинади.

5.2. Асосий воситалар эскиришининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари

Корхонада мавжуд бўлган асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида аста-секин эскиради. *Эскириш* — асосий воситалар (ускуналар, бинолар ва ҳоказо) физик хусусиятларини йўқотишининг, шунингдек техник-иқтисодий хоссаларини ва бунинг оқибатида улар қийматини йўқотишининг қиймат кўрсаткичидир. Эскиринг қийматини маҳсулот тан-

нархига узатиш орқали корхона маблағларни янги ускунани харид қилишга жамлаш ва шу тариқа корxonанинг асосий воситалар билан жиҳозланиш даражасини тиклаш ва ускунанинг умумий эскириш даражасини пасайтириш имкониятига эгадир.

Асосий воситалар эскиришининг ҳисоби 02-«Асосий воситалар эскириши» ҳисобварагида юритилади, у корхонага мулкчилик ҳуқуқларида тегишли бўлган ёки унинг томонидан узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши туғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мулжалланган.

Амортизацияланадиган қиймат — молиявий ҳисоботларда кўрсатилган, фараз қилинган (баҳоланган) тугатиш қиймати чегирилган, активнинг дастлабки қиймати суммаси.

Амортизация баҳоланган хизмат муддати давомида эскиришнинг активнинг амортизацияланадиган қийматини мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида қийматли ифодасидир.

Амортизация ажратмаларининг миқдорлари асосий воситалар баланс қийматида доир фоизларда белгиланади ва **амортизация ажратмалари меъёрлари** деб аталади.

Амортизация ажратмалари меъёрлари асосий воситалар тасниф гуруҳларининг баланс қийматида доир фоизларда ифодаланади.

Фойдали хизмат муддати шундай вақт даврики, унинг давомида актив субъект томонидан ишлатилади ёки хўжалик юритувчи субъект ушбу активни ишлатиш орқасида кутаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори тушунилади.

Амортизацияланадиган қиймат бутун фойдали ёки норматив хизмат муддати давомида субъект харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади.

Амортизация турли усулларни:

- амортизацияни бир текисда (туғри чизиқли) ҳисоблаб ёзиш;
- амортизацияни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб ҳисоблаб ёзиш (ишлаб чиқариш усули) усулларини қўлланг йули билан ҳисоблаб ёзилади.

Амортизацияни бир текисда (туғри чизиқли) ҳисоблаб ёзиш усули шундан иборатки, эскириш (амортизация) уларни фойдали ишлатиш муддати давомида асосий воситалар қийматидан келиб чиқиб, бир текисда, тенг улушлар билан ҳисоблаб ёзилади.

Амортизацияни ҳисоблаб ёзишнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир аниқ йилда асосий восита маҳсулотини ҳисоблаб олишга асосланган.

Мазкур усул буйича эскиришнинг ҳар йиллик миқдорини ҳисоблаш учун бутун фойдали ишлатиш муддати учун умумий ялпи баҳолаш маҳсулотини ва мазкур аниқ йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини билиш лозим. Маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликлари миқдори, ишланган соатлар миқдори ва ҳоказоларни олиш мумкин.

Асосий воситалардан интенсив равишда фойдаланилганда, шунингдек фан-техника тараққиётининг таъсири катта бўлганда, асосий воситалар эскириши жадаллаштирилган амортизация йули билан ифодланади, у қуйидаги усуллар ёрдамида ҳисобланади:

- амортизация меъёрини икки барабар оширган ҳолда камайиб борадиган қолдиқ усули;
- йилларни қўшиш усули (кумулятив усул).

Камайиш борадиган қолдиқ усули активнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизацияланадиган сумманинг камайишини англатади.

Мазкур усулнинг моҳияти шундан иборатки, бир текисда (туғри чизиқли) ҳисоблаб ёзиш усулидан эскириш меъёри асосий воситанинг қолдиқ қийматига қўланади (кўпайтирилади).

Йилларни қўшиш усули (кумулятив усул)нинг моҳияти шундан иборатки, амортизация меъёри ҳар йили амортизацияланадиган қийматда амортизация муддатининг охирида қоладиган улус сифатида белгиланади. Улус амортизация ажратмалари тугашигача қолган тулик йиллар миқдорини амортизация муддатини ташкил этадиган йиллар тартиб сонлари суммасига бўлиш билан аниқланади.

Асосий воситаларнинг турли хилларига амортизацияни ҳисоблаб ёзишнинг турли усулларини қўллаш мумкин. Бунда асосий воситаларнинг бир турига фақат битта усулни қўллаш керак.

Амортизацияни ҳисоблаб ёзишнинг танланган усули ҳисоб сиёсати билан белгиланиши ва бир ҳисоб давридан бошқасида изчиллик билан қўлланиши ҳамда йил давомида ўзгармаслиги керак.

Асосий воситаларга нисбатан қўлланадиган амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усули вақти-вақти билан қайта қўрилиши керак. Агар асосий воситаларни ишлатишдан кутилаётган иқтисодий фойдада каттагина ўзгаришлар юз берса, амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усули ўзгарув тамойилини акс эттирган тарзда ўзгартирилиши керак, агар юзага келган ҳолатлар амортизация усулини ўзгартиришни талаб қилса, бундай ўзгаришнинг ҳисоб баҳосилати ўзгариш сифатида акс эттирилиши керак ҳамда жорий ва келгуси ҳисобот даврлари учун амортизация ажратмаларини қайта қўриб чиқиш лозим.

Агар амортизация усулини йил давомида ўзгартириш зарур бўлса, изоҳларда ўзгартириш сабабини ва ушбу ўзгартиришнинг иқтисодий самарасини очиб бериш зарур.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддатини хўжалик юритувчи субъектлар асосий воситалар ҳолатини яхшилайдиган ва, бинобарин, хизмат муддатини яхшилайдиган кейинги харажатларни,

Шунингдек ушбу муддатни қисқартирадиган технологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайта куриб чиқишлари мумкин.

Бирёқ республикамизда солиқ солиш мақсадида амортизация ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади, унда амортизациянинг қуйидаги меъёрлари белгиланган:

| Асосий воситалар гуруҳлари | Амортизация меъёри |
|--|--------------------|
| Ёнгил автомобиллар, такси, йулларда ишлатиш учун автотрактор техникаси, махсус асбоблар, инвентарь ва анжомлар, компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларга ишлов бериш буйича ускуналар | 20% |
| Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркачалар. Саноат барча тармоқлари, қўюв ишлаб чиқариши учун машина ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускунаси, бинокорлик ускуналари, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари, идоралар учун мебель | 15% |
| Темир йул, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари, куч машиналари ва ускуналари: теплотехник ускуна, турбиналар ускунаси, электродвигателлар ва дизель-генераторлар. Электр узатиш ва алоқа қурилмалари. Трубопроводлар. | 8% |
| Бинолар, иншоотлар ва иморатлар | 5% |
| Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизацияланадиган активлар | 10% |

Ҳисобда акс эттириладиган асосий воситалар эскириши ҳар ойда белгиланади, буида уларни тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмаларининг юқорида белгиланган меъёрларидан келиб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасига мувофиқ, ердан ташқари, асосий воситаларнинг барча турлари амортизация қилиниши керак. Солиқ солиш даври мобайнида белгиланган меъёрлар доирасида ҳисоблаб ёзилган асосий восита

ларнинг амортизация ажратмалари суммалари ялпи даромаддан чегирилиши керак. Амортизация ажратмалари суммалари белгиланган амортизация меъёрлари буйича асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади. Асосий воситаларнинг бутун қийматига тулиқ эскириш ҳисоблаб ёзилганидан кейин амортизация ҳисобланмайди. Асосий воситаларни узоқ муддатли асосда ижарага олган юридик шахслар амортизация ажратмаларини ҳам ўзининг, ҳам ижарага олган асосий воситалари буйича ҳисоблаб ёзадилар. Ушбу ҳолда ижарага берувчи ижарага берилаётган асосий воситалар учун амортизация ажратмаларини ҳисоблаб ёзмайди.

Корхонага мулкчилик ҳуқуқи билан тегишли бўлган ёки молиявий лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситаларнинг эскириши тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобва рақларда амалга оширилади:

- 0211 «Ер ободонлигининг эскириши»
- 0212 «Молиявий лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситалар ободонлигининг эскириши»
- 0220 «Бинолар, иншоотлар ва узатиш қурилмаларининг эскириши»
- ~~0220 «Машина ва ускуналарнинг эскириши»~~
- 0240 «Мебель ва анжомларнинг эскириши»
- 0250 «Компьютер ускуналарининг эскириши»
- 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»
- 0270 «Иш ҳайвонларининг эскириши»
- 0280 «Қуп йиллик кучатларнинг эскириши»
- 0290 «Бошқа асосий воситаларнинг эскириши»
- 0299 «Лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»

Амортизация қўйидаги асосий воситалар буйича ҳисоблаб ёзилмайди:

— маҳсулдор моллар;

— кутубхона фондлари;

— ҳокимиятлар ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йулларига қарашли шаҳар ободонлиги иншоотлари;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасининг қарорига кура консервациялашга утказилган фондлар;

— тулиқ амортизацияланган асосий воситалар:

0211-0290-ҳисобварақларда корхонага мулкчилик ҳуқуқи билан тегишли бўлган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобга олинади.

0299-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскирини» ҳисобварағида уз асосий маблағлари эскиришини ҳисобга олишга ухшаб, узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобга олинади.

Асосий воситалар эскиришининг ҳисоблаб ёзилган суммаси ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чиқимлари), давр харажатлари ва капитал қуйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда асосий воситалар эскиришини (02) ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари кредитига киритилади. «Асосий воситалар» деб номланган 5-сон БХМСга мувофиқ асосий воситалар эскириши (амортизацияси)ни ҳисоблаб ёзаётганда тугатиш қиймати ва объектни қоплаш суммасини ҳисобга олиш зарур, чунки амортизацияланадиган қиймат — тахмин қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қиймати чегирилган дастлабки қийматдир. Бундан ташқари, тугатиш қиймати — асосий воситаларни тугатиш пайтида фойдали хизмат муддатининг охирида пайдо буладиган, чиқиб кетиш харажатлари чегирилган ҳолда активларнинг таъмин қилинаётган қийматидир.

Ижарага берувчи корхоналар жорий ижарага топширилган асосий воситалар бўйича эскиришнинг ҳисоблаб ёзилган суммасини асосий воситалар эски-

рипини ҳисобга олишнинг (02) тегишли ҳисобварақлари кредити ва 9439 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи дебити буйича акс эттирадилар.

Корхонага мулкчилик ҳуқуқлари билан тегишли бўлган асосий воситалар объектлари чиқиб кетганда (сотилганда, ҳисобдан чиқарилганда, бошқа корхоналарнинг устав сармоясига улуш қилинганда, бепул берилганда ва ҳоказо) улар буйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш (02) ҳисобварақларининг тегишли ҳисобварақлари дебитидан 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

5.3. Лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Бозор муносабатларига утилиши билан корхоналар ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, корхона фаолиятининг янги йуналишларини ўзлаштириш мақсадида ижарага олинган воситалардан кенг миқёсда фойдаланишлари мумкин. Корхоналар уртасидаги ижара муносабатлари ҳозирги вақтда уларнинг хужалик фаолиятида гоятда муҳим урин тутади.

Асосий воситалар ижарасининг қанча муддат давом этишига қараб, унинг қуйидаги турлари қўлланилади:

- узоқ муддатли ижара;
- қисқа муддатли ижара.

Узоқ муддатли ижара — бунда ижарага олинган асосий воситалар ижарачи ихтиёрида бир йилдан ортиқ муддатда фойдаланишда бўлади.

Қисқа муддатли ижара — бундай ижарага олинган асосий воситалар ижарачи ихтиёрида бир йилдан кам муддатда фойдаланишда бўлади.

Ижарага бериш шартларига мувофиқ қуйидагиларга бўлинади:

- молияланадиган ижара;
- жорий ижара.

Молияланадиган ижара — бунда ижарага берувчи ижара тулови суммасини шартномани тузиш пайтида жорий нархларда бериладиган мол-мулкнинг қийматига тенг ёки каттароқ қийматда олади.

Мол-мулкнинг *жорий ижараси* — бунда ижарачининг асосий воситаларнинг айрим предметларига бўлган эҳтиёжлари қондирилади, лекин эгаллик қилиш ҳуқуқи берилмайди, яъни мулкка эгаллик ҳуқуқи ижарага берувчида сақланилади.

Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар ҳисоби 03 «Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар» ҳисобварағида амалга оширилади, у корхона томонида узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мулжалланган. Ушбу ҳисобварақдан ижарачи корхоналар фойдаланади.

Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларга уларга доир ижара шартномаси (ёки ижарага берувчи билан ижарачининг қушимча келишуви), ижарачи шартномада шартланган сотиб олиш нархининг ҳаммасини тулагач, уларнинг ижара муддати тугагач ёки тугашига қадар ижарачининг мулкига ўтиши (сотиб олиниши) назарда тутилган объектлар киради.

Лизингни ҳисобга олиш «Лизинг ҳисоби» деб номланган 6-сон БҲМСга мувофиқ амалга оширилади.

Лизинг (6-сон БҲМС 4-банди) — ҳужалик ва бошқа хил фаолиятни мустақил амалга ошириш мақсадида лизинг олувчига вақтинча фойдаланиш учун кўчар ва кўчмас мулкни бериш тўғрисида лизинг берувчи билан лизинг олувчи уртасида лизинг кели-

шуви (шартномаси, контракти)ни тузиш натижасида барпо этилган хўжалик қарз муносабатидир.

Лизинг шартномаси — бунда бир тараф — лизинг берувчи (ижарага берувчи) бошқа тараф — лизинг олувчи (ижарачи)нинг топширигига кўра учинчи тараф — ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан ундан ўзининг маблағлари ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулкни харид қилиш учун битим тузиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Лизинг объекти — тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган, ҳар қандай истеъмол қилинмайдиган нарсалар, буларга ер участкалари ва бошқа табиий объектлар кирмайди.

Лизинг берувчи — уни кейинчалик лизинг олувчига лизинг бўйича бериш мақсадида мол-мулкни ўз мулкига харид қиладиган шахсдир.

Лизинг олувчи — лизинг объектини ўз эгаллиги ва фойдаланиши учун олувчи шахсдир.

Ишлаб чиқарувчи — лизинг объектини бевосита ишлаб чиқарадиган ёки уни сотишни амалга оширадиган шахс.

Лизинг турлари:

- **молиявий (молияланадиган) лизинг** — бунда ушбу активга мулкчилик ҳуқуқи билан боғлиқ барча хатолар ва тақдирлашларнинг анчагина қисми бошқа тарафга берилади. Агар шартномада бошқа нарса белгиланмаган бўлса, лизинг шартномасининг муддати тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади;
- **жорий ижара (тезкор лизинг)** — лизингнинг молияланадиган лизингдан ташқари бошқа исталган тури.

Тезкор лизингда лизинг объектларини фойда-

ланишга лизинг объектининг норматив хизмат муддатига қараганда камроқ муддатга, одатда бир йилдан камга бериш назарда тутилади, бу муддат тугаганидан кейин улар лизинг берувчига қайтарилади. Лизинг даврида лизинг олувчига фақат лизинг мол-мулкидан фойдаланиш ҳуқуқигина утади. Мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчида қолади, бинобарин, тезкор лизингга берилган лизинг мол-мулкининг қиймати лизинг берувчининг балансида ҳисобга олинади.

Чақириб олинмайдиган молиявий лизинг — лизингнинг ушбу турини фақат қуйидаги ҳолларда тўхтатиш мумкин:

• лизинг берувчининг ҳолатлари пайдо бўлганда;

• лизинг берувчининг руҳсати билан;

• лизинг олувчи ушбу лизинг берувчи билан ушба ёки ушанга ўхшаш мол-мулкка доир янги лизинг шартномаси тузса;

• лизинг муддатининг бошланишида ижарани тўхтатиш учун етарли компенсация булган қўшимча сумма туланса.

Сублизинг — бунда лизинг олувчи лизинг шартномаси бўйича олинган мол-мулкни лизинг берувчининг розилиги билан сублизингга беришга ҳақли, лекин лизинг берувчи олдида ўзи шартнома бўйича жавобгар бўлиб қолади.

Лизинг шартномаси (контракти)нинг бошланиши бўлиб уни имзолаш санаси ҳисобланади.

Лизинг муддати — лизинг берувчи актив лизингига доир келишув тузган давр, шунингдек лизинг олувчи томонидан лизинг муддати бошида таъкидланган лизинг муддатини (кейинчалик ҳақ тулаб ёки туламасдан) узайтириш эҳтимол булган кейинги ҳар қандай даврлар.

Лизинг тўлови — лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган ва лизинг берувчининг

лизинг объектини харид қилиш ҳамда лизинг ставкаси (лизинг берувчи фойдасининг миқдори) билан боғлиқ харажатларини ўз ичига оладиган пул суммаси.

Жорий нархлардаги қиймат — актив буйича хабардор, сотиб олишни хоҳлайдиган харидор билан хабардор, сотишни хоҳлайдиган сотувчи ўртасида воситачи иштирокисиз, битим суммаси.

Фойдали хизмат муддати — корхона томонидан амортизацияланадиган активдан фойдаланиш тахмин қилинадиган давр ёки корхона активни ишлатиш билан олишни кутаётган маҳсулот ёки маҳсулотнинг ухшаш бирликлари миқдори.

Кафолатланмаган қолдиқ қиймати — ижарага олинган актив (лизинг контракти бошланишида белгиланган) қолдиқ қийматининг шундай қисмидирки, унинг сотилишини лизингга берувчи кафолатламайди ёки у фақат лизингга берувчи билан боғлиқ тараф томонидан кафолатланган.

Лизингга соф капитал қўйилмалари — ишлаб топилмаган молиявий даромад чегирилган ҳолда лизингга ялпи капитал қўйилмалари.

Пул маблағларининг соф инвестициялари — лизинг буйича пул маблағлари кирим ва чиқимлари баланси, лизинг олувчи томонидан тўланадиган туғурғалаш пул, ~~фойдаланиш қаражатлари ва~~ бошқа чиқимлар бундан мустасно. Пул маблағлари чиқими активни сотиб олиш тўлови, солиқларни тўлаш ва учинчи тарафга тақдим этилган кредит асосий суммасини ўз ичига олади. Киримлар ижара тушумлари, активни қолдиқ қиймати буйича сотишдан тушумлар, субсидиялар, чегирувлар ва тўловларни камайтириш ҳисобига тежалган бошқа суммадар ёки лизинг натижасида юзага келадиган тўловларни ўз ичига олади.

Лизинг пайтида кўзда тутилган фойз ставкаси — у дисконт ставкаси бўлиб, энг кам лизинг

туловларини ҳисоблаш учун ижара бошида мол-мулкнинг жорий (дисконт) қийматини ва лизинг олувчи оладиган ҳар қандай субсидия ва чегирамаларни чиқариб ташлаганда жорий нархларда ижарага олинган актив қийматига тенг бўлиши керак бўлган ижара бошидаги кафолатланмаган қолдиқ қийматини белгилайди.

Лизинг олувчининг қарз сармоясига усиш фойз ставкаси — лизинг олувчи бундай лизинг контракти учун тулаши керак бўлган фойз ставкаси ёки лизинг олувчи ана шу даврга ва таъминотнинг ухшаш хили билан активни харид қилишга зарур бўлган маблағларни қарзга олишда қабул қиладиган ставка.

Қутулмаган ижара тулови — белгиланмаган, вақтдан ташқари ҳар қандай омилларга боғлиқ тулов (масалан, сотишлар ҳажмидан фойз, ишлатиш ҳажми, нархлар индекси, бозордаги фойз ставкалари).

Лизинг таърифи уз ичига активлар лизинги буйича контрактларни олади, уларда лизинг олувчига кўрсатилган шартларни ижро этиш буйича мазкур активга доир мулкчилик ҳуқуқини олишни ташлашни тақдим этадиган қоидалар мавжуд.

Молиявий лизингда лизинг мол-мулки лизинг олувчи томонидан актив сифатида ҳисобга олинади ва амортизацияланади, лизинг буйича қарз эса пасив буйича мажбурият сифатида акс эттирилади. Лизингга топшириладиган асосий воситаларнинг лизингга берувчи билан лизинг олувчи уртасида келишилган жадал амортизациясига йўл қўйилади.

Лизинг муносабатларида лизинг олувчига лизинг тулови қатъий суммада етказилади, у уз ичига активнинг контракт қиймати, уни мулкий сугурталаш, техник хизмат кўрсатиш буйича харажатлар, солиқлар, божлар ва ҳоказолар, шунингдек лизинг ставкаси (кредит учун фойз ставкаси)ни олади.

Корхона узоқ муддатли ижарага оладиган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0310 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Ушбу ҳисобварақдан ижарачи корхоналар (лизинг олувчилар) фойдаланадилар.

Корхона жерий (қисқа муддатли) ижара шартномаси бўйича олган асосий воситаларнинг ҳисоби **001 «Ижарага олинган асосий воситалар»** балансдан ташқари ҳисобварағида юритилади.

Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар **0310-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»** ҳисобварағида лизингга берувчи билан лизинг олувчи келишиб олган баҳода ҳисобга олинади.

Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларнинг эскириши **0299-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»** ҳисобварағида ҳисобга олинади. Лизингга олинган объектларга эскиришни ҳисоблаб ёзиш сиёсати ўз асосий воситаларига эскиришни ҳисоблаб ёзиш сиёсатига мувофиқ келиши керак. Амортизация ажратмалари **«Асосий воситалар»** деб номланган 5-сон БҲМСга мувофиқ ҳисоблаб ёзилиши керак. Лизинг олувчи лизинг контрактининг муддати тугагач активга эгаллик қилиш ҳуқуқини олишига ишонч мавжуд бўлмаган тақдирда, актив муддатларнинг энг кам бўлганига қараб: лизинг контрактининг муддати мобайнида ёки актив хизмат қилиши муддати мобайнида, уларнинг қайси бири қисқалигига қараб, тўлиқ амортизацияланиши керак (5-сон БҲМС 29-банди).

Молиявий лизинг шартларида корхонага келиб тушган асосий воситалар **0310-«Лизинг шартнома-**

си буйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағи дебети ва 6810 «Тулашга доир лизинг» — жорий қисм ва 7630 «Тулашга доир лизинг — узоқ муддатли қисм» ҳисобварақлари кредити буйича кирим қилинади.

Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалардан фойдаланганлик учун лизинг берувчига тегишли туловларни тулаш 6810 «Тулашга доир лизинг» ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити буйича ёзувда акс эттирилади. Молиявий лизинг шартномаси буйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар суммаси қуйидагича ўтказилади:

— «Фоизлар қурилишида харажатлар» ҳисобварағи дебети ва 6810 «Тулашга доир лизинг» ҳисобварағи кредити буйича;

— лизинг берувчида — 4810 «Лизинг буйича олишга доир жорий туловлар» ҳисобварағи дебети ва 9530 «Фоизлар қурилишида даромад» ҳисобварағи кредити дебети буйича.

Молиявий лизинг шартномаси (ёки лизинг берувчининг лизинг олувчи билан қўшимча келишув) шартларига кўра лизинг олувчининг мулкига олинган асосий воситалар ижарага олинган асосий воситаларининг ўтиши пайтида ҳисобда асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари (01) дебети ва 0310 «Лизинг шартномаси буйича харид қилинган асосий воситалар» ҳисобварағи кредити буйича, асосий воситалар турларига кўра ёзувлар қайд этилади. Айти вақтда 0299 «Лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» ҳисобварағида қайд этилган, ушбу объект буйича эскириш суммаси асосий воситалар эскиришини ҳисобга олишнинг тегишли 0211-0290 ҳисобварақларига ўтказилади.

Агар молиявий лизинг шартномаси тугагач асо-

сий воситалар объекти лизинг берувчига қайтарилса, ҳисобда 0299-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» ҳисобварағи дебети ва 0310-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағи кредити бўйича ёзувлар қайд этилади. Агар асосий воситаларнинг ижарага олинган объекти лизинг берувчига молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисобварағи кредити ва 0310-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағи дебети ҳамда 0299-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» ҳисобварағи дебети (ҳисоблаб ёзилган эскириш суммасига) ва 6810-«Тулашга доир лизинг» (жорий қисм), 7630-«Тулашга доир лизинг — узоқ муддатли қисм» ҳисобварақлари дебети (объектдан фойдаланганлик учун ижарага берувчига туланмаган туловлар суммасига) бўйича ёзувлар қайд этилади.

0310-«Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағи бўйича таҳлилий ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентарь объектлари бўйича юритилади.

5.4. Номоддий объектларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Объектларни номоддий активларга киритиш тартиби ва уларнинг таркиби қонун ҳужжатлари ҳамда «Номоддий активлар» деб номланган 7-сон БҲМС билан тартибга солинади.

Номоддий активлар моддий-ашёвий мазмунга эга булмаган мол-мулк объектлари булиб, улар хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида ишлатиш ёки бошқариш учун назорат қилинади, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан зиёд) фойдаланиш учун мўлжалланган.

Дастлабки қиймат — активни харид қилиш пайтида ҳақиқатда туланган пул маблағлари ёки унинг эквивалентлари қиймати ёки ишлаб чиқариш пайтида қилинган амалдаги харажатлар.

Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати номоддий активни харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёрга келтиришнинг барча харажатларини, яъни харид нархи, юридик йиғимлар ва бошқа зарурий харажатларни ўз ичига олади.

Тугатиш қиймати — активни тугатиш пайтида унинг фойдали хизмат муддати охирида юзага келадиган, чиқиб кетишига доир кутилаётган харажатлар чегирилган ҳолда активларнинг тахмин қилинган қиймати.

Сотиш (реализация) қиймати — битим пайтида манфаатдор томонлар ўртасида моддий активларни алмаштириш мумкин бўлган сумма.

Қолдиқ (баланс) қиймат — унга доир актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириладиган жамланган (жамгарилган) амортизация чегирилган ҳолда номоддий активларнинг дастлабки ёки жорий қиймати.

Қоплаш қиймати — ҳужалик юритувчи субъект активдан кейинчалик фойдаланиш ҳисоби-га қоплашни кутаётган сумма, шу жумладан тугатиш қиймати.

Номоддий актив:

- актив таърифини қаноатлантирадиган;
- улчанадиган;
- аҳамиятга эга;
- ишончли;
- келгусида иқтисодий фойда келтирадиган;
- ажратса бўладиган, яъни у фойдаланилаётган ишлаб чиқаришдан алоҳида ишлатиш мумкин бўлган тақдирда актив кўринишида тан олинади.

Агар ҳужалик юритувчи субъект мазкур актив-

дан келгусида олинадиган алоҳида фойда (наф)ларни сотиши, айирбошлаши ёки тақсимлаши мумкин бўлса, актив ажратса буладиган ҳисобланади.

Номоддий активларга:

- фан, адабиёт асарлари, ЭҲМ амалий дастурларига муаллифлик ва бошқа шартномалар, корхоналарда маълумотларнинг компьютер базаларини барпо этиш билан боғлиқ харажатлар ва ҳоказолардан;
- ихтиролар, санъат намуналари ва коллекция ютуқларига патентлардан;
- товар белгилари, эмблемалар ва шу сингариларга гувоҳномалардан;
- «ноу-хау»га бўлган ҳуқуқлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар киради.

Бунга бирор-бир фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялаш бўйича харажатлар, ташкилий харажатлар ва мол-мулкни хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқаришда харид нархининг баҳолаш нархидан ошиши (харид ва баҳолаш нархлари ўртасидаги фарқ)ни киритиш мумкин.

Номоддий активлар 04-«Номоддий активлар» ҳисобварағида дастлабки баҳосида ҳисобга олинади, у қуйидагича белгиланади:

- ~~муассислар томонидан уларнинг корхона~~ устав фондига улушлари ҳисобига киритилган объектлар учун — томонларнинг келишиб олиши бўйича;
- бошқа корхоналардан ҳақ эвазига харид қилинган объектлар учун — ушбу объектларни харид қилиш ва тайёрлик ҳолатига келтириш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлардан келиб чиқиб;
- бошқа корхоналар ва шахслардан бепул олинган объектлар учун — эксперт йўли билан.

Корхонага мулкчилик ҳуқуқларида тегишли

булган номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаулар»

0420 «Товар маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»

0430 «Дастурий таъминот»

0440 «Гудвилл»

0450 «Ташкилий харажатлар»

0460 «Франшизалар»

0470 «Муаллифлик ҳуқуқлари»

0480 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари»

0490 «Бошқа номоддий активлар»

Муассислар томонидан уларнинг корхона устав сармоясидagi улушлари ҳисобига киритилган номоддий активларни кирим қилиш 0410-0490-ҳисобварақлар дебети ва 4710-«Муассисларнинг устав сармоясига улушлар буйича қарзи» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади.

Бошқа корхоналар ва шахслардан харид қилинган номоддий активлар 0410-0490-ҳисобварақлар дебети буйича 0830-«Номоддий активларни харид қилиш» ҳисобварағидан кирим қилинади.

Бошқа корхоналар ва шахслардан бепул, шунингдек ҳукумат органининг субсидияси сифатида олинган номоддий активларни кирим қилиш 0410-0490-ҳисобварақлар дебети буйича 8523-«Бепул олинган мол-мулк» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Ҳисобда даслабки қиймати буйича актив сифатида акс эттирилганидан кейин номоддий актив, башарти бозор баҳосини аниқ белгилаш мумкин булса, кейин жамланган амортизацияни чегирган ҳолда, қайта баҳолаш санасида бозор баҳоси буйича қайта баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активнинг

бозор баҳосини номоддий активнинг мазкур тури буйича актив иккиламчи бозоридаги нархлар буйича белгилаш мумкин. Қайта баҳолашларни етарлича мунтазамлик билан амалга ошириш зарур, токи баланс ҳисоботини тузиш санасида баланс қиймати бозор баҳосидан кучли фарқ қилмасин.

Номоддий актив қайта баҳоланаётганда ушбу актив мансуб бўлган акс эттирилган номоддий активлар занжири қайта баҳоланиши керак.

Хужалик юритувчи субъект номоддий активларга нисбатан ружеат этилган муқобиллик режимида фойдаланганда, бозор баҳосини белгилаш мумкин бўлмаган ҳолларда, ушбу актив, унинг бозор баҳосини белгилаш пайтигача, кейин жамланган амортизацияни чегирган ҳолда (баъзи унинг баланс қиймати ҳар бир активнинг тикланаётган қийматидан ошиб кетмаса) унинг таннарни буйича акс эттирилиши керак.

Мазкур пайтда қайта баҳоланган номоддий активга иккиламчи бозор мавжуд бўлмаса, активнинг баланс қиймати учун, жамланган амортизацияни чегирган ҳолда, ушбу баланс қиймати мазкур активнинг тикланаётган қийматидан ошмаслиги шarti билан, сунгги қайта баҳолаш санасида унинг қайта баҳоланган қиймати қабул қилиниши керак.

Уни қайта баҳолаш натижасида номоддий активнинг баланс қиймати кўпайса, ушбу кўпайиш «Резерв сармоя» кредитида, илова ҳисобварақда олдинги баҳоландан ошадиган суммада акс эттирилиши керак.

Қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати камайса, ушбу камайиш олдинги баҳоландан ошадиган суммада харажат сифатида акс эттирилиши керак.

Номоддий актив хужалик юритувчи субъектнинг узи томонидан барпо этилган ва уни барпо этиш

харажатларининг аниқ суммасини белгилаш мумкин бўлган ҳолларда номоддий актив ҳақиқий таннарх бўйича акс этирилади. Ҳақиқий таннархни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда номоддий актив актив сифатида алоҳида модда бўлиб акс этирилмайди, чунки илмий тадқиқот натижалари ёки ИТТКИ харажатлари сифатида акс этирилади.

Гудвилл (фирма нархи) корхона харид қилинаётганда (сотилаётганда) харид қилиш нархи билан активларнинг ҳақиқатдаги баланс нархи ўртасидаги фарқ сифатида юзага келади. Актив сифатида гудвилл фақат корхона харид қилинаётганида 0440-«Гудвилл» ҳисобварағи дебити ва 6890-«Бошқа мажбуриятлар» ёки 7410-«Бошқа аъзолардан ўзоқ муддатли қарзлар» ҳисобварағи кредити бўйича қайд этилиши мумкин.

Номоддий актив тулиқ эскириш, сотилиш, бепул топшириш ҳолларида ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий актив чиқиб кетишидан олинган даромад ёки зарарлар сотишдан кутилаётган тушум билан активнинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Улар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда даромад ёки харажат сифатида тан олинади.

Номоддий активлар эскириши (амортизацияси) номоддий активлар эскиришининг 0510-0590-ҳисобварақлари кредити бўйича ҳисобга олинади.

Номоддий активларнинг баланс қиймати ҳукумат грантлари суммасига камайтирилиши мумкин.

Номоддий активлар чиқиб кетиши чоғида (сотилиши, бепул берилиши ва ҳоказо) уларнинг дастлабки қиймати номоддий активларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари кредитидан 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Номоддий активларни четга (юридик ва жис-

моний шахсларга) сотишдан олинган тушум 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредити буйича 4890 «Бошқа шахсларнинг қарзлари» — жорий қисм ва 0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

5.5. Номоддий активлар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Номоддий активлар буйича эскиришни ҳисоблаб ёзиш тартиби қонун ҳужжатлари ва «Номоддий активлар» деб номланган 7-сон БҲМС билан бошқарилади.

Номоддий активлар амортизацияси — унинг фойдали хизмат муддати давомида номоддий активнинг амортизацияланадиган қийматини мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир.

Амортизацияланадиган қиймат — актив дастлабки қийматининг ёки, тахмин қилинаётган туғатиш қийматини чеғирган ҳолда, молиявий ҳисоботларда курсатилган дастлабки қийматни алмаштирадиган бошқа қийматининг суммаси.

Фойдали хизмат муддати — шундай вақт даврики, унинг давомида субъект томонидан активлардан фойдаланиш ёки хўжалик юритувчи субъект ушбу активни ишлатишдан олишни кутаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори тахмин қилинади.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш лозим ва, агар прогнозлар дастлабки баҳолардан жиддий равишда фарқ қилса, жорий ва келгуси даврлар учун амортизация суммасини кўпайтириш ёки камайтириш керак бўлади.

Номоддий активнинг чиқиб кетишидан олинган даромад ёки зарарлар соғишдан кутилаётган тушум билан активнинг баланс (қолдиқ) қиймати уртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Улар молиявий натижалар туғрисидаги ҳисоботда даромад ёки харажат сифатида тан олинади.

Номоддий активнинг амортизацияланадиган қиймати мунтазам, асосда:

- унинг фойдали хизмат муддати давомида, лекин хужалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан кўп эмас;
- фойдали ишлатиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаган беш йил ҳисобида (лекин хужалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан кўп эмас) тақсимланиши керак.

Активда мужассамланган истеъмол хоссалари сарфланса, баланс қиймати тегишли суммага камаяди. Бу нарса, активни фойдали ишлатишнинг бутун муддати давомида қолдиқ қийматни чегирган ҳолда актив қийматини харажатга мунтазам ҳисобдан чиқариш ҳисобига қилинади. Унинг жорий ёки тикланиш қиймати купайганлиги ёки купаймаганлигидан қатъи назар амортизация мустақил деб тан олинади. Номоддий активда мужассамланган истеъмол хоссалари хужалик юритувчи субъект томонидан асосан активни ишлатиш давомида сарфланади. Техник жиҳатдан эскириш активдан кутилаётган фойдани камайтиради. Активни фойдали ишлатиш муддатини белгилаш чоғида қуйидаги омиллар эътиборга олиними зарур:

- хужалик юритувчи субъект томонидан кутилаётган активни ишлатиш муддати;
- ишлаб чиқаришни ўзгартириш ва яхшилаш натижасида ёки мазкур актив томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га бозор талабларининг ўзгариши натижасида техник жиҳатдан эскириш;

- масалан, фойдаланиш муддати тугаши билан боғлиқ активдан фойдаланишга доир юридик ва бошқа чеклашлар.

Ишлатиладиган амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усули хужалик юритувчи субъект томонидан активнинг истеъмол хоссаларини ишлатиш чизмасини акс эттириши керак. Амортизация суммаси ҳар бир давр учун харажат сифатида тан олинади, у бошқа активнинг баланс қийматига киритилади.

Амортизацияланадиган қиймат активни фойдали ишлатишнинг бутун даврига мунтазам равишда тақсимланади. Амортизация турли усулларни қўллаш йули билан ҳисоблаб ёзилади.

Амортизацияланадиган қиймат мунтазам равишда активни фойдали ишлатишнинг бутун даврига тақсимланади. 7-сон БҲМСга мувофиқ амортизация қўйидаги усуллар буйича ҳисоблаб ёзилиши мумкин:

- турри чизиқли ёки тенг маромли усул,
- ишлаб чиқарилган birlikлар суммаси буйича амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усули,
- камайиб борадиган қолдиқ усули.

Турри чизиқли усул активни фойдали ишлатишнинг бутун муддати давомида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Камайиб борувчи усул буйича — мунтазам ҳисоблаб ёзиладиган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камаяди.

Эскиришни бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаб ёзиш усулига кўра — амортизация миқдори актив фақат неча мартаба ишлатилишига ёки қанча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш кутилаётганига боғлиқдир.

Усулни танлашда активнинг истеъмол хоссалари қандай тарзда сарфланишига амал қилиш лозим бўлади. Агар активнинг истеъмол хоссалари

таркибида ўзгаришлар кутилаётган бўлса, у изчил, вақти-вақти билан қўлланиши керак.

Амортизацияни ҳисоблаб, ёзиш усулларида қайси бирини қўллашни белгилаш қийин бўлган ҳолларда ҳисоблаб, ёзишнинг тўғри, чиқиқли усули ишлатилади.

Агар ушбу активлардан кутилаётган иқтисодий наф (фойда)да сезиларли ўзгаришлар юз берса, номоддий активларга нисбатан қўлланадиган амортизация усули ҳар йили, ҳисобот даврининг охирида қайта кўрилиши мумкин. Амортизация усули ўзгарган тақдирда жорий давр учун ҳисоблаб ёзилган амортизацияни тuzатиш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ номоддий активларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар яппи даромаддан эскиринг кўришида ҳар ойда, уларнинг дастлабки қиймати ва фойдали ишлатиш муддатидан келиб чиқиб (лекин юридик шахснинг фаолияти муддатидан ортиқ бўлмаган ҳолда) юридик шахс томонидан ҳисоблаб чиқилган меъёрлар бўйича чегирилиши керак. Фойдали ишлатиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация меъёрлари беш йил ҳисобида (лекин юридик шахснинг фаолият муддатидан ортиқ эмас) белгиланади.

Корхонага мудқчилик ҳуқуқлари билан тегишли бўлган номоддий объектлар бўйича жамланган амортизация тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 0510 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг эскириши»
- 0520 «Товар маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши»
- 0530 «Дастурий таъминоотнинг эскириши»
- 0540 «Гудвиллнинг эскириши»
- 0550 «Ташкилий харажатларнинг эскириши»

- 0560 «Франшизаларнинг эскириши»
- 0570 «Муаллифлик ҳуқуқларининг эскириши»
- 0580 «Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларининг эскириши»
- 0590 «Бошқа номоддий активларнинг эскириши»

Номоддий активлар эскиришининг ҳисоблаб ёзилган суммаси ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чиқимлари, маъмурий харажатлар, капитал қўйилмалар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебетига ва 0510-0590-ҳисобварақлар кредитига киритилади.

Номоддий активлар чиқиб кетишида (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, бепул берилиши ва ҳоказо) улар буйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси 0510-0590-ҳисобварақлар дебетидан 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

0510-0590-ҳисобварақлар буйича таҳлилий ҳисоб номоддий активларнинг турлари ва алоҳида объектлари буйича юритилади.

5.6. Узок муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Активларни инвестицияларга киритиш тартиби ва уларнинг турлари «Молиявий инвестициялар ҳисоби» деб номланган 12-сон, «Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шубҳа хужалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби» деб номланган 8-сон ва «Молиявий ҳисоботда қўшма фаолиятда иштирок этиш ҳиссасини акс эттириш» деб номланган 14-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) билан тартибга солинади.

Молиявий инвестициялар — фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи, инвестицияланган сармоя қийматининг усиши ёки бошқа наф (фойда)лар шак-

лида даромад олиш мақсадида хужалик юритувчи субъект тасарруфида булган активлар.

Қисқа муддатли (жорий) инвестициялар — муомала муддати 12 ойдан ошмайдиган, осон реализация қилинадиган инвестициялар.

Узоқ муддатли инвестициялар — қисқа муддатли (жорий) инвестициялардан ташқари барча инвестициялар.

Кучмас мулкка инвестициялар — инвестицияланадиган субъектнинг ёки инвестицияланадиган субъект сингари худди шу гуруҳга кирадиган бошқа субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти мобайнида фойдаланилмайдиган, ер участкалари ёки иморатларга инвестициялар.

Жорий қиймат — бир-биридан мустақил, хабардор, сотиб олишни хоҳлайдиган харидор билан хабардор, сотишни хоҳлайдиган сотувчи ўртасида актив айирбошланадиган сумма.

Бозор баҳоси — актив бозорида белгиланадиган инвестиция суммаси.

Бозорга оид деганда бозор баҳоси (ёки бозор баҳосини ҳисоблаб чиқариш имконини берадиган қандайдир курсаткич) белгиланадиган актив бозорини англатади.

Ўз молиявий ҳисоботларида оборот маблағлар билан узоқ муддатли активлар ўртасида фарқлашни ўтказадиган хужалик юритувчи субъектлар қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларни эгаллик қилиш муддати бир йилгача булган оборот маблағлари сифатида, узоқ муддатли молиявий инвестицияларни эса эгаллик қилиш муддати бир йилдан ошадиган узоқ муддатли активлар сифатида тақдим этишлари керак.

Харид қилиш пайтида молиявий инвестициялар харид қиймати буйича баҳоланади, унга брокерлар хизмати учун ҳақ, банк хизматлари учун

ҳақ, бож сингари харажатлар ва бошқа сарф-харажатлар киради.

Агар инвестиция акциялар ёки бошқа қимматли қогозлар эмиссиясини амалга ошириш йули билан тулиқ ёки қисман харид қилинса, харид қилиш қиймати, уларнинг номинал қийматига эмас, балки чиқарилган қимматли қогозларнинг жорий қийматига тенг бўлади. Агар инвестиция бошқа активга айирбошлаш йули билан тулиқ ёки қисман харид қилинса, уни харид қилиш қиймати топширилган активнинг жорий қиймати бўйича белгиланади.

Фоизлар харид қилиш пайтигача булган давр учун ҳисоблаб ёзилган дивидендлар ҳиссасини узишга оладиган қиймат бўйича молиявий инвестицияларни харид қилиш, харидор томонидан сотувчига туланган фоизлар суммасини чегирган ҳолда, харид қилиш қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Қарз қимматли қогозларига инвестициялар олиш қиймати билан уларни сундириш қиймати ўртасидаги фарқ (дисконт ёки харид пайтида мукофот) инвестор томонидан, инвестициялар бўйича доимий даромад мавжуд бўлиши учун, муайян давр мобайнида — олиш пайтидан бошлаб сундириш пайтига қадар — ҳисобдан чиқарилади.

Қисқа муддатли (жорий) активлар сифатида таснифланган инвестициялар бухгалтерия балансида:

- бозор баҳосида;
- икки қийматдан: олиш қиймати ва бозор баҳосидан кам миқдордагисига кура ҳисобга олинishi керак.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар харид ва бозор қийматларидан энг кам баҳоланиши бўйича ҳисобга олинса, баланс қиймати умуман олганда умумий инвестиция қиймати асосида ёки инвестициялар тоифалари бўйича ёхуд алоҳида инвестициялар асосида белгиланиши мумкин.

Қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор баҳоси ўзгаришидан олинган даромад ёки зарар улар юз берган ҳисобот даврида тан олинади.

Узоқ муддатли активлар сифатида бухгалтерия балансида таснифланган инвестициялар:

- харид қилиш қиймати буйича;
- қайта баҳоланиш ҳисобга олган ҳолда қиймат буйича;
- харид қилиш қиймати ва инвестициялар портфели усули буйича белгиланган бозор баҳосидан энг кам баҳоланиш буйича ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳоланиш учун қайта баҳоланишларни утказиш даврийлигини, шунингдек, узоқ муддатли инвестициялар категорияларини белгилаш зарур.

Инвестициялар қиймати пасайганида, баланс қийматининг вақтинчалик пасайишини истисно этганда, барча узоқ муддатли инвестициялар баланс қийматининг пасайиши келтирилади. Бундай пасайиш ҳар бир алоҳида молиявий қуйилма буйича белгиланади ва тайёрланади.

Узоқ муддатли инвестициялар харид қиймати буйича ҳисобга олинади. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларнинг қиймати муҳаррар пасайганида, ушбу инвестицияларнинг баланс қиймати ҳар бир инвестиция буйича алоҳида камайтирилиши керак. Бунда хатар тури ва инвестицияланаётган субъектда инвесторнинг ҳиссаси эътиборга олинади.

Узоқ муддатли инвестициялар баланс қийматининг вақтинча пасайиши ҳисобда акс этмайди.

Қисқа муддатли (жорий) инвестициялар ҳисобини бозор қиймати буйича юритадиган хужалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатида инвестициялар баланс қийматининг пасайиши ва кўпайишини:

- даромад ёки харажат сифатида;
- 21-бандга мувофиқ акс эттиради.

Қайта баҳолаш натижасида узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қўшимча баҳолаш суммаси ўзининг сармоясига қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида қайд этилади. Молиявий инвестициялар қиймати пасайганда камайиш ўзининг сармоясига акс этган ўша инвестицияларни қўшимча баҳолаш суммаси ҳисобига амалга оширилади. Агар молиявий инвестициялар қийматининг пасайиш суммаси қайта баҳолашдан олинган даромад суммасидан ошса, ушбу фарқ харажат сифатида тан олинishi керак. Қиймати пасайтирилган инвестицияларни қўшимча баҳолаш суммаси ўша инвестициялардан қўрилган зарарни сўндиришдан кейин ўзининг сармоясини қўпайтиришга қиритилади.

Инвестиция сотилиши чоғида сотишдан олинган тушум билан баланс қиймати ўртасидаги фарқ, харажатлар (брокер ёки дилер хизматлари учун ҳақ) чегирилгач, даромад ёки харажат сифатида тан олинади.

Агар қисқа муддатли молиявий инвестициялар балансида портфель усули — икки қиймат: харид қилиш қиймати ёки бозор баҳоси қийматларидан энг ками бўйича ҳисобга олинса, уларни сотиш пайтида даромад ёки зарар сотиш нархи билан харид нархи ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Агар инвестиция илғари бозор баҳоси бўйича қайта баҳоланган ёки ҳисобга олинган, баланс қийматининг қўпайиши аса қўшимча баҳолаш суммаси ҳисобига ўтказилган бўлса, хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатини ёхуд қолаётган қўнимча баҳолаш суммасини даромад ҳисобига кредитлаш ёки уни тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказишни тасдиқлаши керак. Ушбу ҳисоб сиёсати «Доимий асосда молиявий натижалар туғрисидаги ҳисобот» деб номланган 3-сон БҲМСга мувофиқ қўлланиши керак.

Агар қисқа муддатли молиявий қўйилмалар харид қиймати ва бозор баҳоси қийматларидан энг

ками буйича ҳисобга олинса, узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қисқа муддатли (жорий) инвестициялар тоифасига утказиш харид қилиш ва баланс қийматларидан энг ками буйича амалга оширилиши керак.

Агар узоқ муддатли молиявий инвестициялар илгари қайта баҳоланган бўлса, уларни қисқа муддатли (жорий) инвестициялар тоифасига утказишда ва агар ушбу қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бозор баҳоси буйича ҳисобга олинса, қайта баҳолаш суммаси баланс қиймати буйича ҳисобдан чиқарилиши керак.

Агар қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор баҳосидаги узгаришлар даромадга киритилса, қўшимча баҳолашнинг ҳар қандай қоладиган суммаси даромадга утказилиши керак.

Қисқа муддатли молиявий инвестицияларни узоқ муддатли инвестициялар тоифасига утказиш харид қиймати ва бозор баҳоси қийматларидан энг ками буйича ёки, агар инвестициялар илгари ушбу қиймат буйича ҳисобга олинган бўлса, бозор баҳоси буйича амалга оширилади.

Молиявий натижага молиявий инвестициялар буйича даромад ёки харажат: узоқ муддатли ва жорий инвестициялар буйича фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара тўлови, қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотишдан даромад ва зарарлар, бозор баҳоси буйича ҳисобга олинган қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларга доир реализация қилинмаган даромад ва зарарлар куришида киритилади.

Бошқа корхоналарнинг қимматли қозғолирига, мамлакат ҳудудида ва хорижда барпо этилган шуба, қўшма, уюшган корхоналар ва тобе жамиятларнинг устав сармояларига (фондларига) узоқ муддатли қўйилмалар (инвестициялар) мавжудлиги ва

ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0610 «Қимматли қоғозлар»

0630 «Шуъба корхоналарга инвестициялар»

0640 «Қушма корхоналарга инвестициялар»

0650 «Уюшган корхоналарга инвестициялар»

0660 «Тобе жамиятларга инвестициялар»

0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»

0610 «Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида давлат ва маҳаллий заёмларнинг фойзли облигацияларига, акциядорлик жамиятларининг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига (опционлар, фьючерслар, депозит сертификатлари ва ҳоказо) узоқ муддатли қўйилмалар (инвестициялар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0630-«Шуъба корхоналарга инвестициялар», 0640-«Қушма корхоналарга инвестициялар», 0650-«Уюшган корхоналарга инвестициялар», 0660-«Тобе жамиятларга инвестициялар» ҳисобварақларида тегишлича шуъба, қушма, уюшган корхоналар ва тобе жамиятларга узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ҳамда ҳаракати ҳисобга олинади.

0690-«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» ҳисобварағида келгусида молиявий наф олиш мақсадида давлат корхоналари ёки бирор-бир хайрия, экология жамиятларига узоқ муддатли инвестициялар ҳисобга олинади.

Акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар 0610-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи дебети бўйича харид қиймати бўйича, ушбу қўйилмалар ҳисобига берилган бойликлар ҳисобга олинган ҳисобварақлар кредитидан ҳисобга олинади. Масалан, корхона томонидан бошқа корхона-

ларнинг қимматли қоғозлари харид қилиниши 0610-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи дебети ва 5110-«Ҳисоб-китоб варағи», 5210-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварағи» ва 5220-«Хориждаги валюта ҳисобварағи», 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси», моддий ва бошқа бойликлар топширилиши пайтида 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» (аар қимматли қоғозларни тулаш сотувчи корхона мулки ёки фойдаланишига моддий ва бошқа бойликларни (пул маблағларидан ташқари) тақдим этиш йули билан амалга оширилса) ҳисобварақлари кредити буйича утказилади.

Корхона томонидан утказилган, лекин уларга ҳисобот даврида корxonанинг тегишли ҳуқуқлари ни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (акциялар, облигациялар ва ҳоказо) олинмаган узоқ муддатли молиявий қўйилмалар маблағлари 0610-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида алоҳида ақс этирилади.

Агар корхона харид қилган акциялар, облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, уларга доир даромад ҳар гал ҳисоблаб ёзилганида харид ва номинал қийматлар ўртасидаги фарқнинг бир қисми ҳисобдан чиқариб борилади. Бунда 4820-«Олишга доир фоизлар» ёки 4830-«Олишга доир дивидендлар» ҳисобварақлари дебети (қимматли қоғозлар буйича олинishi керак бўлган даромад суммасига) ва 0610-«Қимматли қоғозлар» (харид ва номинал қийматлар ўртасидаги фарқ қисмига) ва 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромад» ёки 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромад» ҳисобварақлари кредити (4820-«Олишга доир фоизлар» ёки 4830-«Олишга доир дивидендлар» ҳисобварақларига киритилган суммалар ўртасидаги фарққа) буйича ёзувлар қайд этилади.

Агар корхона харид қилган облигациялар ва бошқа шунга ухшаш қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, улар буйича тегишли даромад ҳар гал ҳисоблаб ёзилганида харид ва номинал қийматлар уртасидаги фарқ қисми қўшимча ҳисоблаб ёзилади. Бунда 4820-«Олишга доир фоизлар» ёки 4830-«Олишга доир дивидендлар» ҳисобварақлари дебети (қимматли қоғозлар буйича олишга тегишли даромад суммасига) ва 0610-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи дебети (харид ва номинал қийматлар уртасидаги фарқ қисмига) ҳамда 9520-«Дивидендлар куринишидаги даромад» ёки 9530-«Фоизлар куринишидаги даромад» ҳисобварақлари кредити (4820-«Олишга доир фоизлар» ёки 4830-«Олишга доир дивидендлар» ҳисобварақларига киритилган умумий суммага) буйича ёзувлар қайд этилади.

Юқорида кўрсатилган иккала ҳолда: қимматли қоғозлар буйича корхонага тегишли даромад ҳар гал ҳисоблаб ёзилаётганида ҳисобдан учириладиган (қўшимча ҳисобланадиган), харид ва номинал қийматлар уртасидаги фарқ қисми фарқнинг умумий суммасидан ва қимматли қоғозлар буйича даромад тулалининг белгиланган даврийлигидан келиб чиқиб белгиланади; қимматли қоғозларни сундириш пайтида улар 0610-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган баҳо номинал қийматга мувофиқ келиши керак.

Узоқ муддатли инвестицияларни сундириш ва сотиш 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи дебети ва узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари кредити буйича акс этирилади.

0610-0690-ҳисобварақлар буйича таҳлилий ҳисоб ушбу қўйилмалар (қимматли қоғозларни сотувчи корхоналарга, шўба, қўшма ва уюшган корхоналарга,

тобе жамиятларга ва корхона иштирокчи булган бошқа корхоналарга) амалга оширилган объектлар ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар турлари бўлича юритилади. Бунда таҳлилий ҳисобни қуриш мамлакат ҳудуди ва хориждаги объектларга узоқ муддатли молиявий қўйилмалар тўғрисида маълумотлар олиш имкониятини таъминлаши керак.

5.7. Ўрнатиш учун мулжалланган ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Монтаж қилишни талаб этадиган ва капитал қўйилмаларнинг қуриладиган (таъмирланаётган) объектларида ўрнатиш учун мулжалланган технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш ускуналари (шумжумладан устахоналар, тажриба қурилмалари ва лабораториялар учун ускуналар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборот қуйидаги ҳисобварақларда умумлаштирилади:

0710 «Ўрнатиш учун ускуналар — мамлакатимизники»

0720 «Ўрнатиш учун ускуналар — импорт қилинган»

Ушбу ҳисобварақлардан қуриш билан шугулланадиган корхоналар фойдаланадилар.

Монтаж қилишни талаб этадиган ускуналарга унинг қисмлари йиғилганидан ва пойдеворга ёки таянчларга, полга, қаватлар ўртасидаги томларга ҳамда бино ва иншоотларнинг бошқа шу сингари конструкцияларига мустақамланганидан кейин ишга тушириладиган ускуналар, шунингдек бундай ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари тўпламлари киради. Ушбу ускуна таркибига назорат-ўлчов аппаратлари ёки ўрнатиладиган ускуна таркибида монтаж қилиш учун мулжалланган бошқа асбоблар ҳам киритилади.

Ўрнатиш учун мулжалланган ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварақларида монтажни талаб қилмайдиган ускуналар: транспорт воситалари, бўш турган дастгоҳлар, қурилиш механизмлари, қишлоқ хужалик машиналари, ишлаб чиқариш асбоби, анжомлар, ўлчов асбоблари ва ҳоказолар ҳисобга олинмайди. Монтаж қилишни талаб этмайдиган ускунани харид қилиш харажатлари бевосита 0820-«Асосий воситаларни харид қилиш» ҳисобварағида, улар корхонага келиб тушишининг маромига қараб акс эттирилади.

Ускуналар ўрнатиш учун ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварақларида харид қилиш (тайёрлаш) нархлари буйича қийматдан ва ушбу бойликларни тайёрлаш ҳамда уларни корхона омборларига етказиш харажатларидан ҳосил буладиган харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи буйича ҳисобга олинади.

Муассислар томонидан уларнинг корхона устав фондига (сармойасига) улушлари ҳисобига киритилган ускунани кирим қилиш 0710-0720-ҳисобварақлар дебети ва 4710-«Муассисларнинг устав сармойасига бадаллар буйича қарзи» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади. Бунда қурувчи томонидан қурилиш майдонига олиб келинган, монтажни талаб қиладиган ускунани пудратчи 005-«Монтаж учун қабул қилинган ускуна» ҳисобварағи буйича балансдан ташқари ҳисобга қабул қилади. Ушбу ускунанинг ёки унинг монтажга топширилган қисмларининг қийматини пудратчи 005-«Монтаж учун қабул қилинган ускуна» ҳисобварағидан балансдан ташқари ҳисобдан чиқаради. Пудратчига топширилган, фойдаланишнинг доимий жойида монтаж қилиниши ва ўрнатилиши ҳақиқатда бошланмаган ускунанинг қиймати қурувчининг ҳисобидан чиқарилмайди.

Урнатиладиган ускунани ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича таҳлилий ҳисоб ускуна турлари ва уларни сақлаш жойлари буйича юритилади.

5.8. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонанинг асосий воситалари ва номоддий активларга инвестициялари, шунингдек маҳсулдор моллар ва иш ҳайвонларини шакллантириш (қийматидан қатъи назар корхонанинг оборот маблавларига тааллуқли булган парранда, мўйнали ҳайвонлар, қуёнлар, асаларилар, чанага қўшиладиган ва қобул қилинган таъбирга қўйиладиган ҳайвонлардан ташқари) харажатлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0810 «Тугалланмаган қурилиш»

0820 «Асосий воситалар хариди»

0830 «Номоддий активлар хариди»

0840 «Асосий подани шакллантириш»

0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

0810-«Тугалланмаган қурилиш» ҳисобварағида капитал қурилишга доир сметалар, смета-молия ҳисоб-китоблари ва титул-руйхатларида кўзда тутилган бино ва иншоотларни бунёд этиш, ускуна, асбоб, анжомлар ва бошқа предметларни харид қилиш харажатлари (қурилиш пудрат ёки хужалик усули билан амалга оширилаётганидан қатъи назар) ҳисобга олинади.

0820-«Асосий воситалар хариди» ҳисобварағида асосий воситаларни харид қилиш, ўрнатиш ва монтаж қилиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

0830-«Номоддий активлар хариди» ҳисобварағида номоддий активлар объектларини харид қилиш

ёки уларни корхонанинг ўзида бунёд этиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

0840-«Асосий подани шакллантириш» ҳисобварағида хўжаликда асосий подага ўтказиладиган ёш маҳсулдор моллар ва иш ҳайвонларини парвариш-лаш харажатлари; асосий пода учун харид қилинган патта моллар ва иш ҳайвонлари қиймати; шу жумладан уларни етказиб бериш харажатлари; бошқа корхоналардан бепул олинган катта молларни хўжаликка етказиб бериш харажатлари ҳисобга олинади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвонлар ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади. Асосий подага ўтказиладиган барча турдаги ёш маҳсулдор моллар ва иш ҳайвонлари йил давомида 1110-«Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағидан 0840-«Асосий подани шакллантириш» ҳисобварағи дебетиغا йил бошида баланс бўйича қайд этилган қиймат бўйича ҳисобдан чиқарилади, бунда йил бошидан ҳайвонларни асосий подага ўтказиш даври учун вазн ортириш ёки ўсишнинг режадаги таннархи қўшилади. Айни вақтда ёш ҳайвонларни асосий подага ўтказишда 0170-«Иш ҳайвонлари» ва 0171-«Маҳсулдор моллар» ҳисобварақлари дебетланади ҳамда 0840-«Асосий подани шакллантириш» ҳисобварағи кредитланади. Йил охирида ҳисобот калькуляцияси тузилганидан кейин йил давомида ўтказилган ёш ҳайвонларнинг кўрсатилган қиймати билан унинг ҳақиқий таннархи ўртаесидаги фарқ қўшимча равишда 1110-«Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағидан 0840-«Асосий подани шакллантириш» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади ёки сторноланади, айни вақтда 0170-«Иш ҳайвонлари», 0171-«Маҳсулдор моллар» ҳисобварақларида мол баҳоси аниқлаштирилади.

Четдан харид қилинган катта ҳайвонлар қий-

мати 0840-«Асосий подани шакллантириш» ҳисобварағи дебети буйича уларни харид қилишнинг ҳақиқий таннарни буйича кирим қилинади, бунда етказиб бериш харажатлари ҳисобга олинади.

Асосий подани шакллантиришнинг тугалланган операциялари буйича харажатлар 0840-«Асосий подани шакллантириш» ҳисобварағидан 0170-«Иш ҳайвонлари» ва 0171-«Маҳсулдор моллар» ҳисобварақлари дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Капитал маблағларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети буйича қурувчининг белгиланган тартибга қўра асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига киритиладиган барча ҳақиқий харажатлари, шунингдек корхонанинг асосий воситалар, номоддий активларни харид қилиш, асосий подани шакллантириш билан боғлиқ харажатлари ва бошқа капитал маблағлари акс эттирилади.

Асосий воситаларни қуриш ва харид қилиш билан боғлиқ, лекин белгиланган тартибга қўра асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига киритилмайдиган харажатлар капитал маблағларни ҳисобга олиш ҳисобварақларидан 9439-«Бошқа операция харажатлар» ёки 7710-«Мақсадли молиялаш ва қайтариладиган тушумлар» ҳисобварақлари дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Капитал маблағларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича сальдо корхонанинг тугалланмаган қурилишга, асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилишга капитал маблағлари миқдорини, шунингдек асосий подани шакллантириш буйича тугалланмаган харажатлар суммасини акс эттиради.

Капитал маблағларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича таҳлилий ҳисоб капитал маблағларнинг ҳар бир йўналиши буйича юритилади. Бунда таҳлилий ҳисобни қуриш қуйидагиларнинг харажат-

лари туғрисидаги маълумотлар олиш имкониятини таъминлаши керак:

қурилиш ишлари ва таъмирлашга; бургулаш ишларига; ускунани монтаж қилишга; монтажни талаб қиладиган ускунани харид қилишга; монтажни талаб қилмайдиган ускунани, шунингдек капитал маблағлар сметаларида кўзда тутилган асбоб ва анжомларни харид қилишга; лойиҳалаш-тадқиқот ишларига; капитал маблағлар бўйича бошқа харажатларга доир;

асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилишга йўналтириладиган капитал маблағлар бўйича — асосий воситалар ва номоддий активларнинг турлари ва номлари бўйича;

асосий подани шакллантириш билан боғлиқ капитал қўйилмалар бўйича — ҳайвонларнинг турлари бўйича (қорамол, чўчқа, қўй, от ва ҳоказо).

5.9. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати кечиктирилган харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

— Олинган векселлар бўйича харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар;

— лизинг олувчилар билан улар томонидан молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар учун ҳисоб-китоблар, ушбу ҳисобварақдан лизинг берувчи корхоналар фойдаланади; давлат бюджети органлари томонидан — вақтдаги фарқ бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиқларига доир ҳисоб-китоблар;

— ишларни бажариш ва хизматлар курсатишга берилган бунақлар учун мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоблар (келгуси даврлар харажатлари — муддати кечиктирилган харажатлар);

— уларга товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни етказиб беришга берилган бунақлар учун мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар;

— бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларга товарлар, тайёр маҳсулот учун олиш ҳисобварақлари бўйича харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар;

— бўлинмалар билан товарлар ва тайёр маҳсулот, турли ишлар ва курсатилган хизматлар учун олиш ҳисобварақлари бўйича ҳисоб-китоблар;

— харидорлар ва буюртмачилар билан — кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар;

— корхоналар ва ташкилотлар билан — тақдим этилган заемлар бўйича ҳисоб-китоблар;

— моддий-жавобгар шахслар ва корхона ҳодимлари билан — моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар;

— юқорида курсатилмаган бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан корхонадан қаранинг турли курунишлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати туғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0910 «Олинган векселлар — узоқ муддатли қисм»

0920 «Олишга доир лизинг»

0930 «Вақтдаги фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи»

0940 «Муддати кечиктирилган бошқа узоқ муддатли харажатлар (келгуси даврлар харажатлари)»

0990 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари»

0910 «Олинган векселлар — узоқ муддатли қисм» ҳисобварағида улар харид қилган ТМБ ва бошқа активлар учун харидорлар ва буюртмачилардан олингани керак бўлган суммалар, улар учун

бажарилган, тулов ҳужжати сифатида харидор ва буюртмачилар вексель тақдим этган ишлар ва курсатилган хизматлар ҳисобга олинади. Бунда, ана шундай ҳисоб-китоблар юзага келган тақдирда, олиш ҳисобварақлари узоқ муддатли қисмда 0910-«Олинган векселлар — узоқ муддатли қисм» ҳисобварағи дебети ва 9010-«Тайёр маҳсулот сотилишидан даромад», 9020-«Товарлар сотилишидан даромад», 9030-«Ишлар бажарилиши ва хизматлар курсатилишидан даромад», 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси», 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварақлари кредити буйича акс эттирилади.

0920-«Олишга доир лизинг» ҳисобварағидан лизинг берувчи корхоналар мол-мулк лизинги шартномаси буйича операцияларни ҳисобга олиш учун фойдаланадилар. Молиявий лизинг буйича ижарага олинadиган асосий воситаларга, агар лизинг шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, лизинг олувчи томонидан шартномада шартланган сотиб олиш нарҳини тулиқ туланиши шарти билан, уларга доир лизинг шартномасида (ёки лизинг берувчи билан лизинг олувчининг қўшимча келишувиде) уларнинг лизинг муддати тугаши билан еки тугашига қадар лизинг олувчининг мулкига ўтиши (сотиб олинishi) кўзда тутилган объектлар киради.

Асосий воситалар объектларининг молиявий лизинг шартномаси буйича топширилишида лизинг берувчи ушбу объектлар қийматини умумий тартибда (9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредитига) ҳисобдан чиқаради. Бунда молиявий лизинг буйича топширилган қиймати асосий воситалар объектларининг, лизинг олувчи билан лизинг берувчи ўртасида келишилган баҳода, узоқ муддатли қисм-

да 0920-«Олишга доир лизинг» ҳисобварағи дебетиға, қисқа муддатли қисмда 4810-«Лизинг буйича олишга доир жорий тўловлар» ҳисобварағи дебетиға ва дебиторлик қарзининг бутун суммасида 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқана реализацияси» ҳисобварағи кредитига киритилади.

9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи буйича кредит сальдоси (лизинг олувчи билан лизинг берувчи томонидан келишилган баҳода ижарага топширилган асосий воситалар объектларининг қиймати билан ушбу объектларнинг қолдиқ қиймати уртасидаги фарқ) узоқ муддатли қисмда муддати кечиктирилган даромад сифатида 7290-«Муддати кечиктирилган бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағига ва жорий қисмда 6210-«Муддати кечиктирилган даромад» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Узоқ муддатли қисмда молиявий лизинг шартномаси буйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар суммалари 0920-«Олишга доир лизинг» ҳисобварағи дебети буйича, 9550-«Лизинг шартномаси буйича мол-мулкни топширишдан даромад» ҳисобварағи билан корреспонденцияда утказилади.

Ижарага топширилган асосий воситалар объектларининг лизинг олувчи лизинг берувчи билан келилган баҳодаги қиймати билан ушбу объектларнинг қолдиқ қиймати уртасидаги фарқнинг тегишли қисми ижара ҳақи келиб тушган чоғда 7290-«Муддати утган бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағидан 9550-«Лизинг шартномаси буйича мол-мулкни топширишдан даромад» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Ҳар бир йилнинг бошида лизинг берувчи жорий йилда тушиши керак бўлган суммаларни 0920-«Олишга доир лизинг» ҳисобварағи кредитидан 4810-«Лизинг буйича олишга доир жорий тўловлар»

ҳисобварағи дебетига утказади. Ижара ҳақининг келиб тушиши пул маблағлари ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети ва 4810-«Лизинг буйича олишга доир жорий туловлар» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади.

Ижара муддатининг тугаш пайтида 0920-«Олишга доир лизинг», 4810-«Лизинг буйича олишга жорий туловлар» ва 6210-«Муддати кечиктирилган даромад» ҳисобварақларида асосий воситаларнинг аниқ объекти учун лизинг олувчи билан ҳисоб-китоблар буйича қолдиқлар булмаслиги керак.

Агар асосий воситалар объекти ижара муддатининг тугашига қадар ижара шартининг мулкига утса, сотиб олиш нархи туланган ижара ҳақини чегирган ҳолда сотиб олиш пайтида ижара ҳақининг тушишини акс эттириш учун юқорида кўзда тутилган тартибда акс эттирилади.

0920-«Олишга доир лизинг» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир ижара шартномаси буйича юритилади.

0930-«Вақтдаги фарқлар буйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» ҳисобварағида солиқнинг «Маҳсулот (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш буйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 2-иловасига кўра ҳозирги ҳисобот даврида туланадиган узоқ муддатли қисми ҳисобга олинади. Вақтдаги фарқларга тааллуқли харажатлар буйича солиқни ҳисоблаб ёзиш 0930-«Вақтдаги фарқлар буйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» ҳисобварағи дебети ва 6410-«Бюджетга туловлар буйича қарзлар» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади. Кейинчалик, мазкур харажатлар ҳаракатининг бутун фойдали муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, ушбу муддатларнинг қайси бири қисқароқ

эканлигига (вақт буйича тафовутлар) боғлиқ ҳолда, солиқнинг тегишли қисми узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга утказилади, бу эса 3210 «Вақт буйича фарқларга доир муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи — жорий қисм» ҳисобварағи дебети ва 0930 «Вақт буйича фарқларга доир муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади. Ушбу сумма тегишли даврни тулашга даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш пайтида ҳисобга олинади.

Унинг давомида содиқ харажатларнинг тегишли суммасига камайтириладиган вақт келганида солиқ суммаси 6410 «Бюджетга тўловлар буйича қарзлар» ҳисобварағи дебети ва 3210 «Вақт буйича фарқларга доир муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» — жорий қисм ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади. Шу тарзда, 0930 «Вақт буйича фарқларга доир муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» ҳисобварағи дебети буйича салдо солиқ суммасининг келгуси даврларда бюджетга тўланадиган солиқнинг умумий суммаси камайтириладиган узоқ муддатли қисмини кўрсатади.

0940 «Узоқ муддатли бошқа муддати кечиктирилган харажатлар (келгуси даврлар харажатлари)» ҳисобварағида ТМБ, бошқа активлар етказиб бериш ва ишлар бажариш ҳамда хизматлар кўрсатиш учун мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа шахсларга берилган бунакларнинг узоқ муддатли қисми ҳисобга олинади. Бунда берилган бунакларнинг узоқ муддатли қисми 0940 «Узоқ муддатли бошқа муддати кечиктирилган харажатлар (келгуси даврлар харажатлари)» ҳисобварақлари дебети, жорий қисми — 3110 «Олдиндан туланган ижара», 3120 «Олдиндан туланган хизматлар» ва 3190 «Бунакланган бошқа харажатлар» ҳисобварақлари дебети ҳамда пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари: 5110-

«Ҳисоб-китоб варағи», 5210-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварағи», 5220-«Хориждаги валюта ҳисобварағи», 5510-«Аккредитивлар», 5520-«Чек дафтарчалари», 5530-«Бошқа махсус ҳисобварақлар» кредити буйича акс эттирилади.

0940-«Узоқ муддатли бошқа муддати кечиктирилган харажатлар (келгуси даврлар харажатлари)» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб ҳар бир берилган бунақ буйича, ҳар бир мол етказиб берувчи ёки пудратчи учун юритилади.

0940-«Узоқ муддатли бошқа муддати кечиктирилган харажатлар (келгуси даврлар харажатлари)» ҳисобварағи йил давомида бир маромда амалга оширилмаган асосий воситалар таъмири (корхона томонидан тегишли резерв ёки фонд танкил этилмаган ҳолларда), кейинги даврлар учун ижара ёки абонентлик ҳақи туланиши ва ҳоказолар билан боғлиқ харажатларни аке эттириш учун мўлжалланган. Улар мобайнида бундай харажатлар ишлаб чиқариш ва даврлар харажатларига ҳисобдан чиқариладиган муддатлар қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

0940-«Узоқ муддатли бошқа муддати кечиктирилган харажатлар (келгуси даврлар харажатлари)» ҳисобварағида ҳисобга олинган суммалар 3110-«Олдиндан туланган ижара», 3120-«Олдиндан туланган хизматлар», 3190-«Бунақланган бошқа харажатлар» ва 4530-«Муддати кечиктирилган харажатлар — жорий қисм» ҳисобварақлари орқали 2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар», 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари», 9411-9414-«Сотиш буйича харажатлар», 9424-«Умумтаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни ижарага олиш харажатлари» ҳисобварақлари дебетига ҳисобдан чиқарилади.

0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарлари» ҳисобварағида банк томонидан юклар, жунатилган маҳсулот (товарлар), бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар учун тулашга қабул қилинган, харидорлар ва буюртмачилардан олинган доир ҳисобварақларнинг узоқ муддатли қисми ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган ҳисобварақлар бўйича таҳлилий ҳисоб харидорлар, буюртмачилар ва ўз бўлинмаларига тақдим этилган ҳар бир туловнома бўйича юритилади. Таҳлилий ҳисобни қуриш харидорлар, буюртмачилар ва ўз бўлинмалари билан улар бўйича пул маблағларининг келиб тушиш муддати бошланмаган векселлар, банкларда дисконтланган (ҳисобга олинган) векселлар; уларга доир пул маблағлари ўз муддатида келиб тушмаган векселлар билан ҳисоб-китоблар қилиш бўйича қарлар туғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак.

0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарлари» ҳисобварағида корхона ходимлари билан кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китоблар, берилган заёмлар, моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлар ва ҳоказолар акс эттирилади. Товарларни кредитга сотиб олган шахслар ишлайдиган корхоналар савдо ташкилотларига уларга берилган кредит суммаларини банк кредити ҳисобига тулиқ қоплашлари мумкин. Бунда банк савдо корхонасига тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатларини ўз кредити ҳисобидан тулайди. Ушбу операция корхонада 0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарлари» ҳисобварағи дебети ва 7510-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварағи кредити бўйича ёзув билан акс эттирилади. Кредитга сотилган товарлар бўйича қарзнинг узоқ муддатли қисмини ўтказишнинг боришига қараб, қисқа муддатли қарз таркибига

4610-«Ходимларнинг кредитга сотилган товарлар буйича қарзлари» ҳисобварағи дебети ва 0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарзлари» ҳисобварағи кредити буйича ёзувлар қайд этилади.

0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарзлари» ҳисобварағи корхона ходимлари билан уларга берилган заёмлар (масалан, якка тартибдаги ва кооператив уй-жой қуриш, боғ уйчаларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда боғ участкаларини ободонлаштириш, рўзгор анжомларини сотиб олиш ва бошқаларга) буйича ҳисоб-китоблар пайтида иншатилади. 0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарзлари» ҳисобварағи дебети буйича ходимга берилган заём (қарз) суммаси пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс этирилади. Берилган кредитлар буйича қарзнинг узоқ муддатли қисми жорий қарзлар таркибига ўтказилишининг боришига қараб 4620-«Ходимларнинг берилган заёмлар буйича қарзлари» ҳисобварағи дебети ва 0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарзлари» ҳисобварағи кредити буйича ёзувлар қайд этилади.

0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарзлари» ҳисобварағида пул маблағлари, товар-моддий бойликларнинг камомати ва уғирланишлари, брак натижасида ходим томонидан корхонага етказилган моддий зарарни тулаш буйича, шунингдек зарарнинг бошқа турларини тулаш буйича суммаларнинг узоқ муддатли қисми ҳам ҳисобга олинади. Айбдор шахслардан ундириладиган суммалар 0990-«Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарзлари» ҳисобварағи дебети ва 2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак» ҳисобварақлари кредитида акс этирилади:

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

5020 «Хорижий валютадаги пул маблағлари»

5610 «Пул эквивалентлари»

9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси»

9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси»

0990 «Узоқ муддатли бошқа дебиторлик қарзлари» ҳисобварақлари бўйича таҳлилий ҳисоб қоронанинг ҳар бир ҳодими бўйича юритилади.

6-боб. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР

Мазкур бўлим ҳисобварақлари қуйидагиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган:

— ишлаб чиқариш жараёнида ёки ишлар бажариш ва хизматлар курсатиш чоғида ишлатиш учун мўлжалланган хом ашё, материаллар, харид қилинган ярим тайёр ва бутловчи буюмлар, ёқилги, идиш, эҳтиёт қисмлар, бонқа материаллар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар захиралари;

— тугалланмаган ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар бажариш;

— хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти давомида сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот, товарлар.

Масъулиятли сақлашга қабул қилинган моддий бойликлар 002-«Масъулиятли сақлашга қабул қилинган товар-моддий бойликлар» балансдан ташқари ҳисобварағида ҳисобга олинади, чунки улар корхона мулки ҳисобланмайди.

Буюртмачининг қайта ишлашга қабул қилинган, лекин туланмаган хом ашё ва материаллари (даваль хом ашёси) 003-«Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар» балансдан ташқари ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишни ташкил этаётганда уларнинг таркиби, ҳолати, ҳаракати, миқдори, хариди, қайта баҳолаш тартиби ва ҳоказоларга эътибор қаратиш лозим. Ҳисоб маълумотлари маҳсулот таннархини пасайтириш, моддий бойликлардан оқилona фойдаланиш, сақлашда тегишли харажатлар меъёрларини камайтириш ва уларнинг бут сақланиши буйича ахборотни ўз ичига олиши керак. Мазкур бўлимда қуйидаги ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисоб тартиби ёритилади:

- 10 — Материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 11 — Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 12 — Арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 13 — Арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 15 — Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 16 — Материаллар қийматидаги четга чиқишларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 20 — Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 21 — Узи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 23 — Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 25 — Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 26 — Ишлаб чиқаришдаги бракни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 27 — Нокапитал ишларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 28 — Тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- 29 — Товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
- Бойликларни товар-моддий захираларга киритиш ва ҳисобга олиш тартиби «Товар-моддий захиралар» деб номланган 4-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) билан тартибга солинади.

6.1. Материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонага тегишли хом ашё, материаллар,

ёқилги, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идиш материаллари ва ҳоказоларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 1010 «Хом ашё ва материаллар»
- 1020 «Харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар»
- 1030 «Ёқилги»
- 1040 «Эҳтиёт қисмлар»
- 1050 «Қурилиш материаллари»
- 1060 «Озуқа ва тўшамалар»
- 1070 «Идиш ва идиш материаллари»
- 1080 «Қайта ишлаш учун четга берилган материаллар»
- 1090 «Бошқа материаллар»

Материаллар материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида уларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи ёки ҳисоб нархлари бўйича ҳисобга олинади.

Товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархи уз ичига товар-моддий захираларни харид қилиш ҳамда уларнинг жойлашиш ерига олиб келиш ва тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ транспорт — тайёрлаш барча харажатларини олади.

Материаллар ҳисоб нархлари* бўйича ҳисобга олинган ҳолларда ҳисоб нархи билан харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ 1610-«Материаллар қийматида четга чиқишлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобварағида қўйидагиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади:

* Ҳисоб нархи — харид қилишнинг режадаги таннархи, ургача харид нархи ва ҳоказолар.

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига кириб, унинг негизини ташкил этадиган ёки уни тайёрлашда (ишлаб чиқаришда) зарур компонент ҳисобланадиган хом ашё ва материаллар (шу жумладан қурилиш ташкилотларидаги қурилиш материаллари);

— маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашадиган ёки хужалик эҳтиёжлари учун; техник мақсадларда ва ишлаб чиқариш жараёнига ёрдам бериш учун истеъмол этиладиган ёрдамчи материаллар;

— қайта ишлаш учун тайёрланган қишлоқ хужалик маҳсулоти ва ҳоказолар.

1020-«Харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар» ҳисобварағида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (қурилиш)ни бутловчи учун ишлаб чиқариш кооперацияси тартибида харид қилинадиган, уларни қайта ишлаш ёки йиғиш бўйича харажатларни талаб этадиган харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр бутловчи буюмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракати ҳисобга олинади.

Илмий-тадқиқот ёки конструкторлик мавзуси бўйича илмий ва экспериментал ишларни ўтказиш учун зарур бўлган бутловчи буюмлар, маҳсуе ускуналар, асбоблар, мосламалар, приборлар ва ҳоказоларни четдан харид қиладиган илмий-тадқиқот ва конструкторлик ташкилотлари ушбу бойликларни 1020-«Харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар» ҳисобварағида ҳисобга оладилар.

Умумий қўланишдаги ускуна ва асбоблар материаллари ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинмайди, балки асосий воситалар ёки арзон ҳамда тез эскирувчан буюмлар таркибига акс эттирилади.

1030-«Ёқилғи» ҳисобварағида нефть маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш материаллари (ЕММ) (нефть, бензин, керосин, дизель ёқилғиси, мой ва ҳоказо), қаттиқ ёқилғи (кўмир, ўтин ва ҳоказо) ва газсимон

ёқилги (газ ва газолин) ҳисобга олинади. ЁММга томонлардан фойдаланилганда уларнинг ҳисоби 1030-«Ёқилги» ҳисобварағида ҳам юритилади.

1040-«Эҳтиёт қисмлар» ҳисобварағида асосий фаолият эҳтиёжлари учун харид қилинган ёки тайёрланган машина, ускуна, транспорт воситалари ва ҳоказоларнинг эскирган қисмларини, шунингдек захирадаги ва ишлаб турган автомобиль шиналарини таъмирлаш ва алмаштириш учун мулжалланган эҳтиёт қисмларнинг мавжудлиги ҳамда ҳаракати ҳисобга олинади. Бу ерда корхоналарнинг таъмирлаш бўлиналари, техник хизмат курсатиш пунктлари ва таъмирлаш заводларида яратилдиган, тулиқ бутланган машиналар, ускуналар, двигателлар, узеллар, агрегатларни айирбошлаш фонднинг ҳаракати ҳам ҳисобга олинади.

Автомобилдаги гилдираклар ва эҳтиёт гилдиракда булган автомобиль шиналари (покришка, камера ва чамбарак тасма) ва асбоблар ҳамда қушимча ускуналар солинган қути асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

1050-«Қурилиш материаллари» ҳисобварағида четдан харид қилинган, ўзи ишлаб чиқарган ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, қурилиш ва монтаж ишлари, қурилиш деталларини тайёрлаш, конструкториялар, бино ва иншоотлар қисмлари, қурилиш конструкториялари ва деталларини барпо этиш ҳамда пардозлаш учун, шунингдек қурилишнинг бошқа эҳтиёжларига ишлатилдиган қурилиш материалларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

1060-«Озуқа ва тушамалар» ҳисобварағида озуқа ва тушамаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Четдан харид қилинган озуқа ва тушамалар харид қилишнинг ҳақиқий таннархи буйича харажатларда (шу жумладан ташиш, юклаш ва юклашдан тушириш харажатлари) акс эттирилади, ўзи

ишлаб чиқарганлари эса йил давомида режадаги таннарх буйича, йил охирида ҳақиқий таннархга қадар тузатиш билан ақс эттирилади.

1070 «Идиш ва идиш материаллари» ҳисобварағида идишларнинг барча турлари (хужалик анжоми сифатида ишлатилаётганидан ташқари), шунингдек идиш тайёрлаш ва уни таъмирлаш учун мулжалланган материаллар ва деталлар (яшиқларни йиғиш учун деталлар, бочка ёрочлари, чамбарак тунукаси ва ҳоказо) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Юклаб жунатилаётган маҳсулот бутлигини таъминлаш мақсадида вагонлар, биржалар, самолётлар, кемаларни қўшимча жиҳозлаш учун ишлатилган материаллар.

1010 «Жом аше ва материаллар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Таъминоят, солиш ва савдо корхоналари товар солинган ва буш идишларни 2950 «Товар солинган ва буш идишлар» ҳисобварағида ҳисобга оладилар.

1080 «Қайта ишлаш учун четга берилган материаллар» ҳисобварағида четда қайта ишлаш учун мулжалланган материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Уларга асосан ёғоч ва ёғоч материаллари, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари киради. Бунда чет корхоналарга туланган, материалларни қайта ишлаш буйича харажатлар бевосита қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар ҳисобга олинadиган ҳисобварақлар дебетга киритилади.

1090 «Бошқа материаллар» ҳисобварағида юқорида келтирилган ҳисобварақларда кўзда тутилмаган материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Бу ерда ишлаб чиқариш чиқиндилари (кесиклар, қирқимлар, қипиқлар, пайражалар ва ҳоказо); тузатиб булмайдиган брак; асосий воситаларнинг чиқиб кетиши чоғида олинган, материаллар сифатида ишлатиш мумкин бўлган моддий

бойликлар: мазкур корхонадаги ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар (темир-терсақлар, фойдаланса бўладиган хом ашё, эскирган шиналар, камералар, чамбараклар, фойдаланса бўладиган резиналар, ишлатилган мойлар, нигроль ва ҳоказо) ҳисобга олинади. Қаттиқ ёқилғи сифатида ишлатиладиган ишлаб чиқариш чиқиндилари ва иккиламчи моддий бойликлар 1030-«Ёқилғи» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида уруғликлар, экиш материалли, комностлар (харид қилинадиган ва уз ишлаб чиқарган), минерал ўғитлар, биологик препаратлар, заҳарли химикатлар, медицинаментлар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашиш учун химикатлар (деҳқончилик, чорвачилик ва ёрдамчи хўжаликда) ва ҳоказоларни ҳисобга олиш учун алоҳида илова ҳисобварақлар очинлари мумкин.

Корхона томонидан қабул қилинган иқтисод сиёсати асосида материалларнинг келиб тушиши:

1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» а

1610-«Материаллар қийматида четга чиқиш» ҳисобварақларидан фойдаланиб ёки ушбу ҳисобварақлардан фойдаланмасдан акс элтирилиши мумкин.

Ушбу ҳисобварақлардан фойдаланилганда товар-моддий бойликлар (ТМВ) етказиб берувчиларнинг келиб тушган ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида, у ёки бу бойликлар қаердан келиб тушгани ҳамда материалларни тайёрлаш ва корхонага етказиб бериш хусусиятига боғлиқ ҳолда 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағи дебети ва 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тулашга доир ҳисобварақлар», 2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2310-2320-«Ёрдамчи ва бошқа

ишлаб чиқаришлар», 4430 «Умумхужалик эҳтиёжларига берилган бунақлар» ва ҳоказо ҳисобварақлар кредити бўйича ёзувлар қайд этилади. Бунда 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағи дебети ва 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тулашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварақлари кредити бўйича ёзув, материаллар корхонага қачон — ТМБ етказиб берувчиларининг ҳисоб-китоб ҳужжатлари олиншига қадар ёки олинганидан кейин келиб тушганидан қатъи назар қайд этилади.

Ҳақиқатда, корхонага келиб тушган материалларни кирим қилиш материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети ва 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағи кредити бўйича ёзув билан қайд этилади.

1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағида аниқланган фарқ 1610 «Материаллар қийматидаги четга чиқиш» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Ой охирида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағи бўйича қолдиқ — ой охирида йулда қолган ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб чиқилмаган материаллар қиймати (ушбу бойликларни омборга кирим қилмасдан) акс эттирилади.

Материалларнинг ишлаб чиқаришда ёки бошқа хужалик мақсадлари учун ҳақиқатда сарфланиши материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити бўйича харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Четга материалларнинг сотилиши материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити ва 9220 «Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи дебети бўйича, маблағларнинг келиб тушиши эса 5110 «Ҳисоб-китоб варағи»,

5220-«Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» ва бошқа ҳисобварақлар дебети ва 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредити буйича акс эттирилади.

Материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича таҳлилий ҳисоб сақлаш жойлари ва уларнинг айрим номлари (турлари, навлари, ҳажмлари ва ҳоказо) буйича юритилади.

6.2. Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонага тегишли булган, яйловда бурдоқига боқилаётган ёш ҳайвонлар, катта ҳайвонлар; паррандалар; ҳайвонлар; қуёнлар; асалари оилалари; сотиш учун асосий подадан чиқарилган (бурдоқига боқишга қўйилмаган) катта моллар; аҳолидан сотиш учун қабул қилинган молларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

1110 «Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонлар»

Курсатилган ҳайвонларни боқиш ёки бурдоқига боқиш харажатлари 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ёки 9450-«Хизмат курсатувчи хужаликлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Ҳайвонларни бошқа корхоналар ва шахслардан харид қилиш 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағи ёки (мол етказиб берувчилар томонидан фактураланган суммани) бошқа тегишли ҳисобварақлар (етказиб бериш буйича харажатлар суммаси) ва бошқа ҳисобварақларнинг ҳам дебети буйича акс эттирилади.

Асосий подадан чиқарилган ҳайвонлар ҳисоб-

га 1110 «Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағи буйича 0210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача реализацияси» ҳисобварағи кредитидан қабул қилинади (маҳсулдор мол — дастлабки қиймати буйича; иш ҳайвонлари — сотиш ва подадан чиқаришнинг ҳақиқатда олинган суммалари ҳажмида).

Насл сифатида олинган ёш ҳайвонлар 1110 «Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағи дебети ва насл келтирган ҳайвонларни тутиб туриш харажатлари ҳисобга олинадиган ҳисобварақ кредити буйича кирим қилинади.

Ёш қорамол, чучқа ва ҳайвонларнинг бурдоқига (айратиб) боқишда вазн орттириш қиймати, шунингдек ёш ҳайвонлар (тойчоқлар ва бошқалар) усиш қиймати ҳар ойда 1110 «Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағи дебети га ушбу ҳайвонларни боқиш харажатлари ҳисобга олинадиган ҳисобварақ кредитидан боқишнинг режадаги таннархи буйича утказилади. Йил охирида курсатилган ҳисобварақлар буйича йил давомида ҳисобга қабул қилинган ҳайвонларнинг вазн орттириш ёки усиш қийматини боқишнинг режадаги таннархидан боқишнинг ҳақиқий таннархига тузатувчи (сторноловчи ёки қўшимча) ёзув қайд этилади.

Асосий подага утказиладиган ҳайвонлар 1110 «Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағидан 0840 «Асосий подани шакллантириш» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Айни вақтда ёш ҳайвонларни асосий подага утқазаётганда 0170 «Иш ҳайвонлари» ёки 0171 «Маҳсулдор моллар» ҳисобварағи дебетланади ва 0840 «Асосий подани шакллантириш» ҳисобварағи кредитланади. Қиймати 1110-ҳисобварақда ҳисобга олинган ҳайвонларнинг четга берилиши, шу жумладан асо-

сий подадан чиқарилган молларнинг тайёрлов корхоналарига топширилиши 1110-«Боқувдаги ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағи кредити ва 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннарни» ҳисобварағи дебети буйича акс эттирилади, айти вақтнинг ўзида 9010-«Тайёр маҳсулотнинг сотилишидан даромад» ҳисобварағи кредити буйича ушбу ҳайвонлар учун харидордан корхонага тегишли бўлган суммалар 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағи дебети билан корреенденцияда акс эттирилади.

Нобуд бўлган ва мажбуран сўйилган ҳайвонларнинг қиймати, эпизоотия ёки табиий офатлар туфайли нобуд бўлганларидан ташқари, бойликларнинг ишдан чиқиши сифатида 1110-«Боқувдаги ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағи кредити ва 4630-«Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш буйича қарзлари» ҳисобварағи дебети буйича акс эттирилади. Нобуд бўлган ва мажбуран сўйилган ҳайвонлардан олинган тери, шох, туёқ, техник ёғ ва ҳоказолар эҳтимоллий фойдаланиш ёки сотиш нархлари буйича баҳоланади ҳамда қўшимча маҳсулот олинishi сифатида ҳайвонларни боқиш харажатлари ҳисобга олинади. Ҳисобварақ кредитидан кирим қилинади. Эпизоотия ёки табиий офатлар туфайли нобуд бўлган ёки сўйилган ҳайвонлар қиймати 1110-«Боқувдаги ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағи кредитидан бевосита 9720-«Фавқулодда зарарлар» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

1110-«Боқувдаги ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб ҳайвонлар боқилаётган жойлар буйича — турлар, ёш гуруҳлари ва ҳайвонларни боқиш ҳамда бўрдоқига

боқиб ҳаражатларини ҳисобга олиш учун белгиланган бошқа кўрсаткичлар бўйича юритилади.

6.8. Арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

АТЭБга киритиш тартиби ва уларни ҳисобга олиш тартиби «Товар-моддий захиралар» деб номланган 4-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти билан белгиланади.

Арзон ва тез эскирувчан буюмларга бир йилдан кам муддат фойдаланишда хизмат қилаётган ва харид қилинган предметнинг бир бирлиги учун энг кам бўлган шун ҳолатда фақат беш баргавари ача миқдор доирасида қийматга эга бўлган восита ва предметлар кирadi.

Корхонага тегишли бўлган, белгиланган тартибга мувофиқ оборотдаги воситалар таркибига киритилadиган умумий ва махсус мақсаддаги арзон ва тез эскирувчан буюмлар, хўжалик анжомлари, асбоб ва мосламалар ҳамда бошқа меҳнат воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

1210 «Омбордаги АТЭБ»

1220 «Фойдаланишдаги АТЭБ»

1230 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар»

Арзон ва тез эскирувчан буюмлар арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида уларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи бўйича ёки ҳисоб нархлари бўйича ҳисобга олинади. Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мослама ва қурилмалар ушбу ҳисобварақда уларни бунёд этишнинг ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобга олинади.

АТЭБларни тайёрлаш ва корхонага етказиб бе

риш харажатлари таркибига киритиладиган харажатлар руйхати тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. АТЭБ ҳисоб нархлари буйича ҳисобга олинаётганида (харид қилиш (тайёрлаш)нинг режадаги қиймати, уртача харид нархлари ва ҳоказо) бойликларнинг ушбу нархлар буйича қиймати билан бойликларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи уртасидаги фарқ 1610-«Материаллар қийматидаги четга чиқиш» ҳисобварағида акс эттирилади.

АТЭБ ҳаракатини ҳисобга олиш материаллар билан операцияларни ҳисобга олиш тартибига ухшаш тартибда юритилади.

Қурилиши тугалланган вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мослама ва қурилмалар қиймати 1230-«Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар» ҳисобварағи дебети буйича 2720-«Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар» (қурилиш корхоналарида) ёки 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» (геологик-қидирув ишларини юритувчи корхоналарда) ҳисобварақлари кредитидан кирим қилинади.

АТЭБларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича таҳлилий ҳисоб АТЭБ бир турдаги гуруҳлари буйича белгиланган гуруҳлаштиришга мувофиқ юритилади.

6.4. Арзон ва тез эскирувчан буюмлар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Арзон ва тез эскирувчан буюмлар буйича эскиришни ҳисоблаб ёзиш тартиби қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан, шунингдек «Товар-моддий бойликлар» деб номланган 4-сон БҲМС билан бошқарилади, ушбу стандартга мувофиқ, АТЭБни фойдаланишга топшириш чоғида улар қийматининг

100 фоизини ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига ҳисобдан чиқаришга ружоат берилади.

Арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинadиган, фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши туррисидаги ахборотни умумлаштириш кўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади.

1310 «Арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши»

Эскиришнинг ҳисоблаб ёзилган суммалари 1310-«Арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши» ҳисобварағи кредити буйича харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

1310-«Арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши» ҳисобварағи дебети буйича арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитдан ёзув билан фойдаланишдан чиқиб кетган (меъерий эскириш ёки уларнинг уз ишлаб чиқариш аҳамиятини йўқотиши оқибатида) буюмларнинг дастлабки қиймати, ундан ушбу буюмлар ёки қайтариладиган чиқиндилар (темир-терсаклар, эҳтиёт қисмлар, ўтинлар ва ҳоказо)дан эҳтимолий фойдаланиш нархлари буйича қиймати чегирилган ҳолда акс эттирилади. Эҳтимолий фойдаланиш нархлари буйича қийматда фойдаланишдан чиқиб кетган, бошқа мақсадда ишлатиш учун яроқли буюмлар ёки қайтариладиган чиқиндилар 1220-«Фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчан буюмлар» ҳисобварағидан 1090-«Бошқа материаллар» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

1310-«Арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг алоҳида гуруҳлари буйича зарур маълумотларнинг олиншини таъминлаши керак.

6.5. Материаллар тайёрланиши ва харид қилинишини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Оборотдаги маблағ — воситаларга кирадиган моддий бойликлар (шу жумладан арзон ва тез эскирувчан буюмлар ва бошқалар) тайёрланиши ва харид қилиниши туғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади.

1510 «Материаллар тайёрланиши ва харид қилиниши»

1510-«Материаллар тайёрланиши ва харид қилиниши» ҳисобварағи дебетига корхонага мол етказиб берувчилардан уларга доир ҳисоб-китоб ҳужжатлари келиб тушган моддий бойликларнинг харид қиймати киритилади. Бунда ёзувлар, у ёки бу бойликлар қаердан келиб тушгани ҳамда материалларни тайёрлаш ва корхонага етказиб бериш харажатларининг хусусиятига боғлиқ ҳолда 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тулашга доир ҳисобварақлар», 2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2310-2320-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар», «Бошқа ишлаб чиқаришлар» ва ҳоказо ҳисобварақлар билан корреспонденцияда амалга оширилади.

1510-«Материаллар тайёрланиши ва харид қилиниши» ҳисобварағи кредитига материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари ёки АТЭБни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда корхонага ҳақиқатда келиб тушган ва кирим қилинган моддий бойликларнинг қиймати киритилади.

Харид қилинган, харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи буйича ва ҳисоб нархларида ҳисобланган моддий бойликлар қийматидаги фарқ суммаси 1510-«Материаллар тайёрланиши ва харид қилиниши» ҳисобварағидан 1610-«Материаллар қийматидаги четга чиқиш» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

6.6. Материаллар қийматидаги четга чиқишларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Харид қилинган, харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархида ва ҳисоб нархларида ҳисоблаб чиқарилган моддий бойликлар қийматидаги фарқ туғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

1610 «Материаллар қийматидаги четга чиқишлар»

Ушбу ҳисобварақдан материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида ва арзон ҳамда тез эскирувчан буюмларнинг арзон ва тез эскирувчан буюмлар» ҳисобварағида ҳисоб нархлари бўйича ҳисобга оладиган корхоналар фойдаланади.

«Харид қилинган, харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи бўйича ва ҳисоб нархларида ҳисоблаб чиқарилган моддий бойликлар қийматидаги фарқ суммаси 1610-«Материаллар қийматидаги четга чиқишлар» ҳисобварағи дебети ёки кредитига 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

1610-«Материаллар қийматидаги четга чиқишлар» ҳисобварағида жамланган харид қилинган моддий бойликлар қийматидаги харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи бўйича ва ҳисоб нархларида ҳисоблаб чиқарилган фарқ ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чиқимлари)ни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебетига ишлаб чиқаришда сарфланган материалларнинг ҳисоб нархлари бўйича қийматида мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади.

1610-«Материаллар қийматидаги четга чиқишлар» ҳисобварағи бўйича тахлилий ҳисоб ушбу четга чиқишларнинг тахминан бир хил даражаси билан моддий бойликлар гуруҳлари бўйича юритилади.

6.7. Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Маҳсулоти (ишлари, хизматлари) мазкур корxonани барпо этиш мақсади ҳисобланган асосий ишлаб чиқариш харажатлари туғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Корxона харажатлари, уларни тулаш вақтидан — дастлабки (ижара, абонент тулови ва ҳоказо) ёки кейин (ҳисобот бериладиган суммаларни ортиқча сарфлаш учун тулов ва ҳоказо) тулашинидан қатъи назар, улар тааллуқли бўлган давр маҳсулоти (ишлари, хизматлари) таннархига киритилиши керак. Улар қандай калькуляция даврига тааллуқли эканлигини аниқлаб бўлмайдиган харажатлар, шунингдек мавсумий тармоқлардаги харажатларнинг алоҳида турлари харажатлар сметасига мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи:

— саноат ва қишлоқ хўжалик корxonаларининг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича;

— пудрат, геология ва лойиҳалаш-тадқиқот корxonаларининг қурилиш-монтаж, геология-қидирув ва лойиҳалаш-тадқиқот ишларини бажариш бўйича;

— транспорт ва алоқа корxonаларининг улар томонидан хизматлар кўрсатилиши бўйича;

— илмий-тадқиқот корxonаларининг илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш бўйича;

— умумий овқатланиш корxonаларининг ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича;

— йул хўжаликларининг автомобиль йулларини тутиб туриш ва таъмирлаш бўйича харажатларини ҳисобга олиш учун ишлатилади.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи дебити буйича бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар курсатиш билан боғлиқ бевосита харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат курсатиш билан боғлиқ билвосита харажатлар ҳамда бракдан курилган талафотлар акс эттирилади.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар курсатиш билан боғлиқ бевосита харажатлар 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағига ишлаб чиқариш захиралари, ҳодимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш буйича харажатларни ҳисобва- рағи ва бевосита ҳисобварақлар кредитларидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатлари 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағига 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» ва 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақлари кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат курсатиш билан боғлиқ билвосита харажатлар 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағига 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Бракдан курилган талафотлар 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағига 2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак» ҳисобварағи кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи кредити буйича ишлаб чиқариши тугалланган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар ҳақиқий таннархининг суммалари акс эттирилади. Ушбу сумалар 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағидан 2810-«Тайёр маҳсулот», 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи», 9130-«Сотилган ишлар ва хизмат

лар таннархи» ҳисобварақлари дебетига ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи буйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннаржини кўрсатади.

Таҳлилий ҳисоб харажатлар турлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари буйича юритилади. Харажатларни пайдо булин жойлари ва бошқа аломатларга кўра гуруҳлаштириш, шунингдек калькуляция ҳисоби ҳисобварақларнинг алоҳида тизимида амалга оширилиши мумкин, ундан фойдаланиш таркиби ва услубиятини корхона ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятлари, таркиби, бошқаришни ташкил этишдан келиб чиқиб белгилайди. Агар харажатларни пайдо булин жойлари ва бошқа аломатлари буйича гуруҳлаштириш, шунингдек калькуляция ҳисоби ҳисобварақларнинг алоҳида тизимида амалга оширилмаса, 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб корхона булинмалари буйича ҳам юритилади.

6.8. Ҷзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Уларнинг ҳисобини алоҳида юритадиган корхоналарда Ҷзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

2110 «Ҷзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар»

Хусусан, ушбу ҳисобварақда корхона томонидан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар (ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклида): қора металлургияда

— меъерланган чуян; резина саноатида — хом резина ва елим; киме саноатининг азот угити комбинатларида — олтинугурт кислотаси; туқимачилик саноатида — калава ва хом мато ва ҳоказолар акс эттирилиши мумкин.

Бошқа корхоналарда курсатилган бойликлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида, яъни 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағида акс эттирилади.

2110-«Узи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар» ҳисобварағи дебети буйича 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи билан корреспонденцияда ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш билан боғлиқ операциялар акс эттирилади. 2110-«Узи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар» ҳисобварағи кредити буйича бундан кейинги қайта ишлашга берилган (2010-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи билан корреспонденцияда) ва бошқа корхоналарга сотилган (9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» ҳисобварағи билан корреспонденцияда) ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархи акс эттирилади.

2110-«Узи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб ярим тайёр маҳсулотлар сақланадиган жойлар ва айрим номлар (турлар, навлар, ҳажмлар ва ҳоказо) буйича юритилади.

6.9. Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариши ёки асосий фаолияти учун ёрдамчӣ (кумакчи) ва хизмат курсатувчи ҳисобланган ишлаб чиқаришлар харажатлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

2320 «Бошқа ишлаб чиқаришлар»

Хусусан, ушбу ҳисобварақ қуйидагиларни таъминлайдиган ишлаб чиқаришлар харажатларини ҳисобга олиш учун ишлатилади:

— энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буг, газ ва бошқалар) билан хизмат курсатиш;

— транспорт хизмати курсатиш;

— асосий воситаларни таъмирлаш;

— асбоблар, штамплар, ахтиёт қисмлар, қурилиш деталлари, конструкцияларни тайёрлаш ёки қурилиш материалларини бойитиш (асосан қурилиш корхоналарида);

— тош, шагал, қум ва бошқа норуда материалларни қазиб олиш;

— ёғоч тайёрлаш ва ёғоч арралаш;

— қишлоқ хужалик маҳсулотларини тузлаш, қуритиш ва консервалаш (асосан савдо корхоналарида);

— махсус қийим ва махсус пойабзалларни тузатиш ҳамда тикиш ва ҳоказо.

Бундан ташқари, ушбу ҳисобварақларда корхона балансида турган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик будинмаларининг харажатлари акс эттирилиши мумкин.

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақлари дебети буйича бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар курсатиш билан боғлиқ бевосита харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришларни бошқариш ва уларга хизмат курсатиш билан боғлиқ билвосита харажатлар ҳамда бракдан кўрилган талафотлар акс эттирилади.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар курсатиш билан боғлиқ бевосита харажатлар 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

ҳисобварағига ишлаб чиқариш захиралари, ходимлар билан меҳнатга ҳақ тулаш, асосий воситалар, номддий активлар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар ва бошқалар амортизациясини ҳисоблаб ёзиш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобварақлари кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларни бонқариш ва уларга хизмат курсатиш билан бевосита билвосита харажатлар 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақларига 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Мақсадга мувофиқ бўлганда ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларга хизмат курсатиш бўйича харажатлар бевосита 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақларида (2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағида олдиндан жамламасдан) ҳисобга олиниши мумкин.

Бракдан курилган талафотлар 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақларига 2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак» ҳисобварағи кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақлари кредити бўйича ишлаб чиқарилиши тугалланган маҳсулот, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар ҳақиқий таннархининг суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақларидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига ҳисобдан чиқарилади:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» — маҳсулот (ишлар, хизматлар) асосий ишлаб чиқаришга ёки асосий фаолият турига берилиши пайтида;

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» —

маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумишлаб чиқариш мақсадларига берилиши пайтида;

2810 «Тайёр маҳсулот» — ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларнинг тайёр маҳсулоти корхона омборига кирим қилинаётганида;

9130-«Сотилган ишлар ва хизматларнинг тан-нархи» — чет ташкилотларга ишлар ва хизматлар бажарилишида;

9429-«Бошқа маъмурий харажатлар» — маҳсулот (ишлар, хизматлар) умуммаъмурий мақсадларга берилганида.

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақларида таҳлилий ҳисоб харажатлар элементлари ва моддалари ҳамда ишлаб чиқариш турлари буйича юритилади.

2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-«Бошқа ишлаб чиқаришлар» ҳисобварақларидаги қолдиқ ой охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

6.10. Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларига хизмат кўрсатиш харажатлари туғри-сидаги ахборотни ҳисобга олиш хусусидаги ахборотни умумлаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»

Хусусан, ушбу ҳисобварақда қўйидаги харажатлар акс эттирилиши мумкин:

машина ва ускуналарни тутиб туриш ва уларни ишлатиш буйича;

тиклашга амортизация ҳисобланмалари ҳамда ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

ишлаб чиқариш мол-мулкани сугурталаш буйича;
ишлаб чиқариш биноларини иситиш, еритиш ва
қараб туришга;

ишлаб чиқариш бинолари, машина ва ускуна-
лар, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бошқа ижа-
рага олинадиган воситалар учун ижара тулови;

ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд
булган ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ
тулаш;

мақсадига кура бошқа шунга ухшаш харажатлар.

Корхоналарда умумишлаб чиқариш харажатла-
рини ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича, хара-
жатлар тарқиби тўғрисидаги Нисомга бинсан хара-
жатлар элементлари буйича илова ҳисобварақлар
очилиши мумкин.

Умумишлаб чиқариш харажатлари умумишлаб
чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақ-
лари ишлаб чиқариш заҳиралари, ходимлар билан
меҳнатга ҳақ тулаш буйича ҳисоб-китобларнинг
ҳисобга олиш ҳисобварақларида ва бошқалар кре-
дитида акс эттирилади. Умумишлаб чиқариш хара-
жатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисоб-
га олинган харажатлар 2010-«Асосий ишлаб чиқа-
риш», 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2320-
«Бошқа ишлаб чиқаришлар» илова ҳисобварақла-
ри дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари алоҳида
ҳисоб объектлари уртасида тақсимлаш тартиби те-
гишли меъерий ҳужжатлар билан бошқарилади.

Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга
олиш ҳисобварақлари буйича таҳлилий ҳисоб кор-
хонанинг алоҳида булимлари ва харажатлар мод-
далари буйича юритилади.

6.11. Ишлаб чиқаришдаги бракни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Ишлаб чиқаришдаги бракдан курилган талафотлар туғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобга олиш ҳисобварақларида амалга оширилади:

2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак».

2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак» ҳисобварағи дебети буйича аниқланган ички ва ташқи бракка доир харажатлар (тузалмайдиган, яъни узил-кесил брак қиймати, тузатиш харажатлари ва ҳоказо), шунингдек меъёрдан ошадиган ҳажмда кафолатли таъмирлаш харажатлари жамланади.

26-«Ишлаб чиқаришдаги брак» ҳисобварағи кредити буйича бракдан куриладиган талафотларни камайтиришга тааллуқли суммалар (брак қилинган маҳсулотнинг брак айбдорларидан ундириладиган, суммадан эҳтимолӣ фойдаланиш нархи буйича қиймати, улардан фойдаланиш натижасида бракка йул қуйилган сифатсиз материаллар ёки ярим тайёр маҳсулотларни етказиб-берилгани учун мол етказиб-берувчилардан ундириладиган суммалар), шунингдек бракдан курилган талафотлар сифатида ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариладиган суммалар акс эттирилади.

Ишлаб чиқаришдаги бракни ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича таҳлилий ҳисоб корхонанинг алоҳида цехлари, маҳсулот турлари, харажатлар моддалари, браkning сабаблари ва айбдорлари буйича юритилади.

6.12. Нокапитал ишларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Нокапитал ишларни бажариш (вақтинчалик титулли ва титулсиз иншоотларни барпо этиш ва ҳока-

зо) билан боғлиқ харажатлар туғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларни барпо этиш»

2720 «Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларни барпо этиш»

2790 «Бошқа нокапитал ишлар» ва бошқалар.

Қурилиш майдончасини ободонлаштириш, материаллар, иншоотлар конструкция ва қисмларини (шу жумладан титулсиз иншоотлар) синаш билан боғлиқ ва бошқа харажатлар нокапитал ишларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинмайди; улар ҳисобга олинганда 28 «Бўғимчи ва бошқа ишлар» чиқаришлар», 94 «Давр харажатлари» ва бошқа тегишли ҳисобварақларида акс эттирилади.

2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларни барпо этиш» ҳисобварағида вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларни барпо этиш, шунингдек бошқа бино ва иншоотларни қуришга хизмат кўрсатиш учун қайта жиҳозлаш ишларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. Бунда кўрсатилган харажатлар, қурилиш корхонасининг қурувчи билан ҳисоб-китоблари қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати ва объект сметаларига киритилган вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларни барпо этиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда бутунлай тугалланган мажмуа (тайёр қурилиш индустрияси) учун юритилган ҳолларда 2710 «Вақтинчалик (титулли) иншоотларни барпо этиш» ҳисобварағида акс эттирилади.

Агар вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларни барпо этиш билан боғлиқ харажатлар қурилиш-монтаж ишларининг смета қийматига ва объект сметаларига киритилмаган ва уларга доир ҳисоб-китоблар алоҳида амалга ошириладиган

булса, бундай объектлар буйича харажатлар ҳисобини қурилиш корхоналари 2010-«Асосий қурилиш» ҳисобварагида умумий тартибда қурилишнинг алоҳида объектлари сифатида юритилади. Қабул қилинганидан кейин кўрсатилган объектлар қурувчининг балансида акс этирилади ва унинг томонидан қурилиш корхонасига ижарага топширилиши мумкин.

2720-«Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларни барпо этиш» ҳисобварагида вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мослама ва қурилмаларни (объект омборлари, иш бажарувчилар идоралари, бостирмалар, буг-ҳаво ва электр таъминоти тармоқлари ва ҳоказоларни) барпо этиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

2720-«Бошқа нокапитал ишлар» ҳисобварагида бошқа нокапитал ишлар (қурилиши тўхтатилган объектларни бузиш, демонтаж қилиш ва ҳоказо)ни бажариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

Нокапитал ишларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети буйича вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мослама ва қурилмаларни барпо этиш билан боғлиқ харажатлар акс этирилиб, фақат бевосита харажат (қўшимча харажатларни ҳисоблаб ёзмасдан), қолган нокапитал ишлар буйича эса объектлар ўртасида бевосита харажатларга муносиб равишда тақсимланадиган бевосита харажатлар ва қўшимча харажатларгина ҳисобга олинади.

Нокапитал ишларнинг тугалланишига (вақтинчалик (титулли ва титулсиз) иншоотлар, мослама ва қурилмалар фойдаланишга топширилишига) қараб уларни барпо этиш харажатлари қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

асосий воситаларга киритиладиган вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотлар буйича — асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақ-

лари дебетиға. Айни вақтда ушбу бинолар ва иншоотлар буйича эскириш ҳисоблаб ёзидиб, у асосий воситалар эскиришини ҳисобга олишини тегишли ҳисобварақлари кредити буйича акс эттирилади;

Инвентарь тусдаги ва асосий воситаларга киритилмайдиган вақтинчалик (титулли) иншоотлар буйича — арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари дебетиға. Айни вақтда ушбу иншоотлар буйича эскириш ҳисобланиб, у 13-«Арзон ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши» ҳисобварақлари кредити ва давр харажатларининг ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари дебети буйича акс эттирилади;

Вақтинчалик (титуллик) иншоотлар, мослама ва қурилмалар буйича — 1210-«Ўмбордаги арзон ва тез эскирувчан буюмлар» ҳисобварақи дебетиға;

Қурилишни тухтазилган объектларни бузиш ва демонтаж қилиш билан боғлиқ ишлар буйича; пудрат корхоналари томонидан; 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварақи дебетиға;

Хўжалик усулида қуришни амалга ошираётган қурилиш корхоналари томонидан — нокапитал қўйилмаларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари дебетиға.

6.13. Тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Тайёр маҳсулотнинг мавжудлиги ва харажати тўғрисидаги ахборотни умулаштириш қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

2810 «Тайёр маҳсулот»

2810 «Кургазмадаги тайёр маҳсулот»

Бутлаш учун (қиймати корхона маҳсулотининг таннархига киритилмайди) ёки сотиш учун товар-

лар сифатида харид қилинган тайёр буюмлар товарларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Четга бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш ҳисобварақларида акс эттирилмайди. Уларга доир ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларидан ишлаб чиқаришга бевосита 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) таннарни» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Буюртмачиларга жойнинг узида топшириладиган ва қабул қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилмаган маҳсулот тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида қолади ва тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинмайди.

2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағида тайёр маҳсулот ҳақиқий ишлаб чиқариш таннарни буйича ҳисобга олинади.

Қишлоқ хужалик корхоналари йил давомида деҳқончилик, чорвачилик маҳсулоти ҳаракати ва хом ашёни қайта ишлашни бизнес-режалардан келиб чиқиб, прогноз қилинадиган таннарх буйича ҳисобга оладилар: йил охирида аниқланган, тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ва прогноз қилинатган таннархлари ўртаёсидаги фарқ ҳисобот йили охирида кўрсатилган маҳсулот қолдигига тааллуқли ҳиссада маҳсулот ҳисобига киритилади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотни, шу жумладан қисман корxonани ўз аҳтиёжлари учун мулжалланган маҳсулотни ҳам кирим қилиш 2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағи дебети буйича, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Агар тайёр маҳсулот тулалигича корxonанинг узида ишлатиш учун йўналтирилса, у 2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағига кирим

қилинмаслиги мумкин, балки материалларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари ва бошқа шу синғари ҳисобварақларда ушбу маҳсулотнинг мақсадига боғлиқ равишда ҳисобга олинади.

Унга доир ҳисоб-китоб ҳужжатлари ушбу харидорларга (буюртмачиларга) тақдим этилган, юклаб жунатилган ёки жейнинг узида харидорларга (буюртмачиларга) топширилган тайёр маҳсулот сотилиш таркибида 2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағи кредитидан 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Агар етказиб бериш шартномасида юклаб жунатилган маҳсулотга эвронинг қилини, тарқоли ва ва сарруф этиш ҳуқуқи ҳамда унинг бехосдан нобуд бўлиш ҳавфи корхонадан харидорга (буюртмачига) юқорида курсатилганидан бошқага утин пайти (масалан, маҳсулот экспорти) шартланган бўлса, бундай пайткелгунга қадар ушбу маҳсулот 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Комиссион асосда ва бошқа шу синғари асосларда сотиш учун бошқа корхоналарга берилган тайёр маҳсулот 2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағидан 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Тайёр маҳсулотни 9810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобга олишда таҳлилий ҳисобда унинг айрим номларининг ҳарақатини ҳисоб нархлари (режадаги таннарх, бериш нархлари ва ҳоказо) бўйича акс эттириб, буюмларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг улар қийматидан тафовутларини ҳисоб нархлари бўйича ажратиш курсатиш ҳам мумкин. Бундай тафовутлар тайёр маҳсулотнинг бир турдаги гуруҳлари бўйича ҳисобга олина-

ди, уларни корхона ҳақиқий ишлаб чиқариш таннаржининг қийматдан айрим буюмларнинг ҳисоб нархлари буйича тафовутлари даражасидан келиб чиқиб шакллантиради.

Тайёр маҳсулотни 2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағидан ҳисобдан чиқаётганда ҳақиқий ишлаб чиқариш таннаржининг таҳлилий ҳисобда қабул қилинган нархлар буйича қийматдан тафовутлари суммалари ҳисобот даври бошидаги тайёр маҳсулот таннаржи буйича тафовутлар билан омборга ҳисобот охири давомида келиб тушган маҳсулот буйича тафовутларнинг ҳисоб нархларига кўра ушбу маҳсулот қиймати ва нисбатида келиб чиқиб ҳисоблаган фоиз буйича белгиланади. Тайёр маҳсулот ҳақиқий ишлаб чиқариш таннаржининг унинг қийматидан юқлаб жуъатилган ва сотилган маҳсулотга тааллуқли ҳисоб нархлари буйича тафовутлари суммаси 2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағи кредити ва тегишли ҳисобварақлар дебети буйича, улар ортиқча нарх ёки тегишлича боғлиқ ҳолда қўшимча ёзув билан акс эттирилади. 2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағи буйича таҳлилий ҳисоб тайёр маҳсулотни сақлаши учун жавоб берадиган моддий жавобгар шахслар буйича юритилади.

2820-«Кўрғазмадаги тайёр маҳсулот» ҳисобварағида кўрғазмалар, ярмаркалар, реклама ва намойиш қилишлар учун муължалланган тайёр маҳсулот ҳақиқий ишлаб чиқариш таннаржи буйича ҳисобга олинади. Бунда 2820-«Кўрғазмадаги тайёр маҳсулот» ҳисобварағи дебети ва 2810-«Тайёр маҳсулот» ҳисобварағи кредитига ёзув қайд этилади. Тайёр маҳсулот учун жавобгарлик вақтинча бир моддий жавобгар шахсдан бошқасига ўтади. Агар кўрғазма, ярмарка ва ҳоказоларда намойиш этилган тайёр маҳсулот сотилса, бунда ҳам худди 2810-

«Тайёр маҳсулот» ҳисобварақидagiдек бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Ташқи савдо фаолияти билан шугулланadиган ва «айирбошлаш» операцияларини амалга оширадиган корхоналар тайёр маҳсулот ҳаракати операциялари буйича экспорт-импорт битимларини ҳисобга олиш учун учинчи тартибда илова ҳисобварақларини очишлари мумкин.

Барча мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотлар тахлилий ҳисоб юритиш учун учинчи тартибда илова ҳисобварақлари очишлари мумкин.

Тайёр маҳсулот ҳисоби моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари асосида кйрим ва чиқим юк-хашаблари ҳисобварақлари, фойдаланувчи ва бирақлари ва ҳоказолар маълумотлари буйича юритилади.

6.14. Товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари

Сотиш учун товарлар сифатида харид қилинган товар-моддий бойликлар ва ижара буюмларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 2910 «Омборлардаги товарлар»
- 2920 «Чакана савдодаги товарлар»
- 2930 «Кургазмадаги товарлар»
- 2940 «Ижара буюмлари»
- 2950 «Товар солинган ва буш идишлар»
- 2990 «Бошқа товарлар»

Ушбу ҳисобварақлардан асосан умумий овқатланиш корхоналари ва савдо-воситачилик фаолияти билан шугулланувчи корхоналар фойдаланади.

Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари бирор-

бир буюмлар, материаллар, маҳсулотлар сотиш учун махсус харид қилинган ҳолларда ёки саноат корхоналарида бутлаш учун харид қилинган тайёр буюмлар қиймати ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннарихига киритилмайдиган, харидорлар томонидан алоҳида қопланиши керак бўлган тақдирда қўлланилади.

Таъминот, сотиш, савдо корхоналари товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида харид қилинган ва ўзи ишлаб чиқарган идишларни ҳам ҳисобга оладилар, бунга ишлаб чиқарин ёки ҳужалик эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган ҳамда асосий воситаларни ёки арасон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган инвентарь идишлар кирмайди.

Масъулиятли сақлашга қабул қилинган товарлар 002-«Масъулиятли сақлашга қабул қилинган товар-моддий бойликлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Комиссияга қабул қилинган товарлар 004-«Комиссияга қабул қилинган товарлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Таъминот, сотиш ва савдо корхоналарида товарлар харид нархлари бўйича товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинади. Товарларни тайёрлаш ва етказиб бериш харажатлари давр харажатларини ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

2910-«Омборлардаги товарлар» ҳисобварағида улгуржи ва тақсимлаш базалари, омборлар, умумий овқатланиш корхоналари омборхоналари, сабзавот омборлари, совуқхоналар ва ҳоказо жойларда бўлган товар захираларининг мавжудлиги ва ҳаракати харид қиймати бўйича ҳисобга олинади.

2920-«Чакана савдодаги товарлар» ҳисобварағида чакана савдо корхоналари (дўконлар, чодирлар, дўкончалар, киосклар ва ҳоказо) ва умумий

овқатланиш корхоналари буфетларида бўлган товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақда чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари буфетларидаги пицца идишлар (пицца, банка ва ҳоказо)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳам ҳисобга олинади.

2930 «Кургазмадаги товарлар» ҳисобварағида кургазмалар, ярмаркалар, реклама ва кургазмалар учун мулжалланган товарлар харид қиймати бўйича ҳисобга олинади. Бунда 2930 «Кургазмадаги товарлар» ҳисобварағи дебети ва 2910 «Омборлардаги товарлар» ёки 2920 «Чакана савдодаги товарлар» ҳисобварағи кредити бўйича ёзув қайд этилади. Товарлар учун жавобгарлик вақтинча буюв моддий жавобгар шахсдан бошқасига ўтади. Агар кургазмалар, ярмаркалар ва ҳоказоларга қуйилган товарлар сотилса, бунда 2910 «Омборлардаги товарлар» ёки 2920 «Чакана савдодаги товарлар» ҳисобварағи бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

2940 «Ижара буюмлари» ҳисобварағида ижара буюмларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Ижара буюмларининг эскириши 1310 «АТЭБ эскириши» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

2950 «Товар солинган ва буш идишлар» ҳисобварағида товар солинган ва буш идишларнинг (чакана савдо корхоналарида ва умумий овқатланиш корхоналари буфетларидаги пицца идишлардан ташқари) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Савдо корхоналари товар солинган ва буш идишлар ҳаракатини уртача ҳисоб нархлари бўйича ҳисобга олишлари мумкин, улар таркиб ва ундаги нархларга татбиқан идишлар гуруҳлари (турлари) бўйича белгиланади. Бунда идишни харид қилиш нархлари билан уртача ҳисоб нархлари уртасидаги фарқ 9390 «Бошқа операцион даремадлар» ҳисоб-

варагига (идиш билан операция буйича натижа сифатида) киритилади.

2920 «Бошқа товарлар» ҳисобварагида 2910-2950 ҳисобварақларда акс этилмайдиган бошқа операциялар ҳисобга олинади.

Омборга келиб тушган товар ва идишларнинг кирими 2910 «Товарлар» ҳисобвараги дебети буйича акс этирилади. Транспортга оид (олиб келиш буйича) ва бошқа харажатлар 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланган доир ҳисобварақлар» ҳисоб-китоби кредитидан 9410 «Сотиш буйича харажатлар (савдо ташкилотлари учун муомала чиқимлари)» ҳисобвараги дебетига акс этирилади.

Товарлар ва идишларнинг келиб тушишини ҳисобда 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварагидан фойдаланган ҳолда материаллар билан тегишли операцияларни ҳисобга олиш тартибига ўхшаш тартибда акс этириш мумкин.

Улар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари ушбу харидорларга (буюртмачиларга) такдим этилган ёки улар томонидан туланган, харидорларга (буюртмачиларга) берилган ёхуд юклаб жунатилган товарлар сотиш тартибида 2910 «Омборлардаги товарлар» ҳисобварагидан 9120 «Сотилган товарлар таннари» ҳисобвараги дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Агар етказиб бериш шартномасида берилган (юклаб жунатилган) товарларга эгалик қилиш, уларни инълатиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқининг ўтиши ҳамда уларнинг корхонадан харидорга (буюртмачиларга) ўтиш вақтида насосдан нобуд бўлиш хатарининг юқорида кўрсатилганлардан фарқ қиладиган пайти шартланган бўлса, ушбу пайтга қадар бу товарлар 9120 «Сотилган товарлар қиймати» ҳисобварагида ҳисобга олинади. Улар ҳақиқатда берилганда (юклаб жунатилганда) товарларни ҳисоб-

га олишнинг тегишли ҳисобварақлари кредити ва 9120 «Сотилган товарлар таннаҳи» ҳисобварағи дебити буйича ёзув қайд этилади.

Узининг бошқа булинмаларига қайта ишлаш учун берилган товарлар товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилмайди, балки алоҳида ҳисобга олинади.

Товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари буйича тахлилий ҳисоб жавобгар шахслар, номлар (навлар, туркумлар, тойлар) буйича, зарур ҳолларда эса товарлар сақланадиган жойлар буйича ҳам юритилади.

Товарлар ҳисоби моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари асосида юритилади, улар кирим ва чиқим юкхатлари, ҳисобварақ-фактуралар, касса ордерлари, илова қилинувчи варақлар ва ҳоказолар маълумотлари буйича тулдирилади.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Кириш | 3 |
| 1-боб. Бухгалтерия ҳисоби асослари | 4 |
| 1.1. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг мақсади, вазифалари, моҳияти ва функциялари | 4 |
| 1.2. Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари ва объектлари | 6 |
| 1.3. Бухгалтерия ҳисоби усуллари ва унинг элементларининг таркиби | 7 |
| 1.4. Ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисобининг асосий қонун-қоидалари (принциплари) | 24 |
| 1.5. Икки томонли ёзув тизимининг моҳияти ва аҳамияти | 40 |
| 1.6. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тўғрисида тушунча, уларнинг тузилиши ва вазифаси | 41 |
| 1.7. Таҳлилий ва жамлама ҳисоб ҳисобварақлари, уларнинг узаро боғлиқлиги ва вазифаси | 46 |
| 1.8. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг иқтисодий мазмуни | 48 |
| 1.9. Корхона мол-мулкини унинг таркиби ва функционал роли бўйича таснифлаш | 50 |
| 1.10. Корхона мол-мулкини унинг ҳосил бўлиш манбалари бўйича таснифлаш | 54 |
| 1.11. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш | 58 |
| 1.12. Баланс ва унинг таркиби | 59 |

| | |
|---|-----|
| 1.13. Бухгалтерия баланслари турлари | 68 |
| 1.14. Бухгалтерия ҳисобида асосий тенгламалар ва ҳужалик операцияларининг корхона баланси таркибига таъсири | 70 |
| 2-боб. Бухгалтерия ҳисоби ахборий тизим сифатида | 72 |
| 2.1. Турли мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи миллий тизимларидаги фарқлар ҳамда уларнинг халқаро компаниялар фаолиятига таъсир кўрсатиш даражаси | 72 |
| 2.2. Турли мамлакатларда бухгалтерия тизимларининг миллий хусусиятларини белгилайдиган омиллар | 74 |
| 2.3. Турли мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳокимият вақолатларининг халқаро ва миллий манбалари | 79 |
| 2.4. Ҳуқуқий тартибга солиш ва бухгалтерия ҳисобини таъминлаш | 81 |
| 2.5. Халқаро амалиётда бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг нисбати | 83 |
| 2.6. Бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар | 84 |
| 3-боб. Бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимлари | 89 |
| 3.1. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва шакллари туғрисида умумий тушунчалар | 89 |
| 3.2. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли | 95 |
| 3.3. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли | 99 |
| 3.4. Ҳисобнинг журнал-ордер тизимида бухгалтерия ҳисоби техникаси ҳамда шакллари | 102 |
| 3.5. Ҳисобнинг журнал-ордер тизимида «Бош дафтар»ни тулдириш тартиби | 104 |

- 3.6. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими 106
- 4-боб. Корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ҳужжатлаштиришни ташкил этиш 114
- 4.1. Бухгалтерия ҳисобида дастлабки кузатув ва дастлабки ҳисоб ахборотининг манбалари 114
- 4.2. Корхонада ҳужжалик операцияларини ҳужжатлаштириш тартиби ва уни ташкил этиш 115
- 4.3. Ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисоботлар ва балансларда ёзувларни тузатиш усуллари ... 122
- 4.4. Товар-моддий бойликларни олиш чоғида ишончномаларни расмийлаштириш ва бериш тартиби 124
- 4.5. Ҳужалик шартномаларини тузиш ва бу масалада бош бухгалтернинг ўрни 131
- 4.6. Корхонада инвентарлашни утказиш тартиби 139
- 4.7. Корхоналардаги бухгалтерия ҳисоби булимларида иш жойларини оқилона ташкил этиш 170
- 4.8. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қарорларига кўра бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби 173
- 4.9. Корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 174
- 4.10. Корхоналар раҳбарлари ва бош бухгалтерларининг уларнинг молиявий ҳужалик фаолияти учун жавобгар булиш мезони 177
- 5-боб. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар 235
- 5.1. Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби 235

| | |
|--|-----|
| 5.2. Асосий воситалар эскришининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари | 245 |
| 5.3. Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 252 |
| 5.4. Номоддий объектларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 260 |
| 5.5. Номоддий активлар эскришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 266 |
| 5.6. Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 270 |
| 5.7. Урнатиш учун мулжалланган ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 279 |
| 5.8. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 281 |
| 5.9. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати кечиктирилган харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 284 |
| 6-боб. Товар-моддий захиралар | 294 |
| 6.1. Материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 295 |
| 6.2. Боқувдаги ва бурдоқига боқилаётган ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 302 |
| 6.3. Арзон ва тез эскирувчан буюмларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 305 |
| 6.4. Арзон ва тез эскирувчан буюмлар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 306 |
| 6.5. Материаллар тайёрланиши ва харид қилинишини ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 308 |
| 6.6. Материаллар қийматидаги четга чиқишларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 309 |
| 6.7. Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 310 |
| 6.8. Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 312 |

| | |
|--|-----|
| 6.9. Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 313 |
| 6.10. Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 316 |
| 6.11. Ишлаб чиқаришдаги бракни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 318 |
| 6.12. Нокапитал ишларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 318 |
| 6.13. Тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 321 |
| 6.14. Товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари | 325 |

ҚУШИМЧА ЁЗУВЛАР УЧУН

«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАВАРЛАРИ» ГАЗЕТАСИ
КУТУВХОНАСИ

2002 ЙИЛДАН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН
ХИСОБВАРАҚЛАР ЯНГИ
РЕЖАСИ АСОСИДА КОРХОНАЛАРДА
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Маълумот берувчи қўлланма

1-қисм

3-чиқарилиш

Русчадан таржима қилинган.

Менежер Б. С. Муслимов

Босишга берилди 23.11.2001 й.
Ҳажми 21,0 б.т. Бичими 84x108^{1/32}
Адади 1000 нуска. Вуюртма № К-9014



«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи
Тошкент ш., Махтумқули, 1.

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
Тошкент ш., Навоий, 30.